ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. МУРОДОВ

# ЎРТА ОСИЁ ХАТТОТЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-1971

Ушбу рисола автори 350 та Шарқ қўлёзмаларни ўрганиши натижасида Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихининг ташкил топиши ва ривожланиши масалаларини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, 300 дан ортиқ хаттот ҳақида биографик маълумотларни баён қилган.

Асар илмий ходимларга, олий ўқув юртининг студентларига, аспирантларга, шунингдек, Ўрта Осиё маданияти тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори,
проф. *ҲАМИД СУЛАЙМОН*

1-6-1

# ҚИРИШ

Шарқ халқларининг узоқ асрлик тарихида яратиб қолдирган маданий меросида хаттотлик ва китобат санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Араб истилосидан сўнг Ўрта Осиё халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши муносабати билан «Қуръон» билан бир қаторда, араб ёзуви ҳам кириб келди. Араб ёзуви ўз навбатида исломгача бўлган Ўрта Осиё халқлари ёзувларини (қадимий уйғур, ўрхун-енисей, суғд, хоразмий ёзувларини) сиқиб чиқариб, VIII асрдан Ўрта Шарқ халқлари учун илм-фан ва давлат ишларидан расмий ягона ёзув сифатида ўрин олади.

Араб ёзуви узоқ асрлар давомида икки хил вазифани бажариб келган: 1) барча халқлар ёзуви сингари ислом дини яратган маънавий маданият тараққиёти учун хизмат қилган ҳамда илм-маърифат ва маданий ёдгорликларни бизнинг давримизгача сақлаб келган асосий воситалардан бири бўлган; 2) араб ёзувининг график асослари бир хил бўлишига қарамасдан, ҳарфлар шакл жиҳатдан турли услубларда тараққий этган. Бу ҳолат араб ҳарфларига ҳусн киритиш ва уларни тобора гўзаллаштиришга бўлган интилишлари натижасида келиб чиққан. Натижада Ўрта Осиё халқлари қабул қилган 32 араб ҳарфи билан ёзиладиган хат шакл жиҳатидан 37 тага етди. Араб ёзуви дунёдаги кўп халқлар ёзувидан шу билан фарқ қиладики, бу ёзувнинг гўзаллигига алоҳида эътибор берилиши натижасида араб хати маъно ташиш воситасидан ташқари, яна кишиларга юксак эстетик завқ берувчи санъат асарига айланган. Бу санъат қадимий замонлардан бери ҳуснихат (каллиграфия) номи билан кенг шуҳрат қозонган. Ўрта асрларда ҳали китоб босиш техникаси ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинган. Китобат қилиш феодализм даври меҳнат тақсимотида алоҳида ва муҳим ўринни ишғол этган. Китоб кўчириш катта ҳунар ва санъат ҳисобланган. Бу ҳунар эгалари тарихда хаттот ёки котиб исми билан машҳурдирлар.

Шарқда котиблик билан ном чиқарган ҳар бир шахсни биз оддий техник вазифасини бажарувчи киши сифатида эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулодда катта роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби сифатида танийимиз.

Санъаткор хаттотларнинг ёзган хатлари маъно ифодалашдан ташқари, кишиларни ҳаяжонга солиб, уларга эстетик завқ беради. Котиб қаламида ёзилган ҳар бир хат санъат мўъжизаси каби ўлмас асар ҳисобланарди. Муҳаммад бин Ҳусайн ат-Тибий, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Хисравий, Мунис Хоразмий ва Аҳмад Донишлар шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё халқлари яратган музика, рақс, меъморчилик ва расм санъати маълум даражада текширилиб, бу соҳада озми-кўпми илмий адабиётлар яратилган бўлса ҳам Ўрта Осиё хаттотлик санъати, деярлик ҳеч ким томонидан махсус текширилмаган, Ўрта Осиёда ўтган юзлаб котибларнинг маданиятимиз тарихида қилган хизматлари ва хаттотлик санъати соҳасидаги мўъжизакор ижодлари ҳануз ўрганилмаган.

Мазкур иш автори Ўрта Осиёда ўтган котиблар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, етук хаттотлар асарларига суяниб, XV—XIX асрларда Ўрта Осиёда хаттотлик санъатининг тараққиёти ва уни ижодий мактабларга ажратиш соҳасида биринчи тажрибалар ўтказишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Хаттотлик санъатига оид илмий адабиётни мазмун жиҳатдан иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, қадим замонлардан бери Шарқ хаттотлари ва олимлари томонидан яратилиб келган хат ва хат санъати ҳақидаги рисолалар[1]. Иккинчиси эса хаттотлар ҳақидаги рисолалар, алоҳида хаттотлик ва бадиий қўлёзмалар тўғрисидаги тадқиқотлардир.

Илмий тадқиқотларимизда бизни илҳомлантирган муҳим манбалардан бири турк олими Ҳабибнинг «Хат ва хаттотон» тазкирасидир. Тазкирада араб ёзувида шуҳрат қозонган ва турли хат услубларини ижод этган 1000 га яқин хаттотнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Ҳабиб тазкираси яна шу жиҳатдан қимматлики, ундаги ҳар бир хаттот ҳақидаги маълумот биринчи манба Шарқ қўлёзмаларидан олингандир. Ҳабиб тазкирасидаги хаттотлар тарихи VIII асрдан бошланади. Тазкира хаттот Исҳоқ бин Ҳаммод (154—770/71 йилда вафот этган)[2] дан бошланиб, XIX асрнинг ўрталарида ўтган хаттот Фиғониддин Булбул билан тугайди[3].

---

[1] Биз ўз тадқиқотларимизда хат санъати ҳақида Ўрта Осиёда яратилган 11 та рисолани ўрганиб чиқдик.

[2] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, 37-бет.

[3] Ҳабиб, Ўша асар, 277-бет.

Ҳабиб тазкирасида номлари зикр этилган хаттотлар, асосан, араб, ажам ва усмонли турклардандир. Мазкур тазкирада XIV ва XV асрларда ўтган Хуросон хаттотларининг машҳурларигина зикр этилган.

Ҳабиб ўз асарида Ўрта Осиёда ўтган хаттотлар тўғрисида жуда оз ва тўлиқ бўлмаган маълумотлар беради.

Хат санъати устодлари ва Ўрта Осиёда ўтган хаттотлар тўғрисида иккинчи муҳим тазкира Бухорода ўтган Олим Шарифжон Махдумнинг «Тазкираи хушнависон» китобидир[4]. Шарифжон Махдум ўз асарида қўлёзма манбаларига суянган ҳолда қисман Ҳирот хаттотлари ва асосан, Бухоро хаттотлари фаолияти, санъати ва кўчирган китоблари ҳақида маълумот беради. Хива, Фарғона ва Тошкент хаттотлари ҳақида Шарифжон Махдум тазкирасида маълумотлар йўқ. Шунга қарамай, мазкур асар Ўрта Осиёдаги хат санъати ва хаттотлар тарихини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Тазкиралардан ташқари, илмий адабиётда алоҳида хаттотлар санъати ва бадиий қўлёзмалар ҳақида маълум тадқиқотлар мавжуд. Булардан энг машҳури Александр Попнинг «Мусулмон санъати тарихи» китобидир. Бу китобда Поп Шарқ санъатининг турли соҳаларини кўрсатар экан, унинг муҳим қисмларидан бири ҳуснихат ва китобат санъати эканини қайд қилади. Европа ва Эрон қўлёзма фондларидаги бир неча бадиий қўлёзмаларни ҳуснихат ва китоб нақшининг намунаси сифатида расмини беради. Шарқ бадиий қўлёзма ва китобларидаги миниатюра наққошлигини ўрганувчи олимлар ҳам ўз асарларида озми-кўпми хаттотлик санъати ҳақида фикр юритганлар.

Сўнгги йилларда ҳуснихат санъатига оид совет олимлари яратган илмий тадқиқотлардан 1947 йилда проф. Б. Н. Заходер томонидан нашр этилган Қози Аҳмаднинг хаттотлар ва рассомлар ҳақидаги рисоласини кўрсатиш мумкин. Проф. Б. Н. Заходер XVI асрнинг охирларида кўчирилган ва Москвадаги Шарқ маданияти музейида сақланаётган Қози Аҳмаднинг хаттотлар ва рассомлар ҳақидаги рисоласини рус тилига таржима қилиб, ундан бир неча бет факсимиле намуналари ва миниатюраларни нашр эттиради. Мазкур ишда Ўрта аср сафавийлар даврида Хуросон ҳамда Эронда ўтган жуда кўп хаттот ва миниатюра усталарининг ҳаёти, ижодига оид қимматли маълумотлар берилган[5].

---

[4] Шарифжон Махдум, Тазкираи хушнависон, ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. № 2193.

[5] Қози Ахмед, Трактат о каллиграфах и художниках. Введение, перевод и комментарии проф. Б. Н. Заходера, М.—Л., Изд-во «Искусство», 1947.

1946 йилда проф. А. А. Семеновнинг «Навоий давридаги Ҳирот бадиий қўлёзмалари ва уларнинг ижодчилари» номли мақоласи босилиб чиққан[6]. Проф. А. А. Семенов жуда кўп қўлёзма манбаларга асосланиб ёзган бу мақоласида хат санъатининг келиб чиқиш тарихи ва XV аср хаттотлари фаолиятига оид муҳим фикрларни баён қилган. Айниқса, настаълиқ услубининг ижодчиси Мир Али Табризий 781—807/1330—1404 ва настаълиқ хатининг буюк санъаткори Султон Али Машҳадий ҳақида махсус тўхтаб ўтган. Мақоланинг қимматли томони шундаки, автор унинг иккинчи қисмида ўрта аср хаттотлик қуроллари — қоғоз, қалам, сиёҳларнинг тайёрланиши ва бадиий қўлёзмаларнинг рўёбга келиши ҳақида батафсил фикр юритган.

Ниҳоят, совет шарқшунослигида алоҳида бир хаттот ижодига бағишланган, махсус монографик тадқиқот сифатида ленинградлик олима Галина Ивановна Қостигова «Султан Али Машхеди как художник и каллиграф Герата XV века»[7] номли кандидатлик диссертациясини 1952 йилда ёқлади. Юксак илмий савиядаги бу оригинал тадқиқотга ҳозирги вақтда Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасида сақланаётган Султон Али Машҳадийнинг хат санъати ҳақидаги рисоласи асос қилиб олинган. Бу рисолани Султон Али Машҳадий шеър услубида ўз қўли билан кўчирган[8].

Г. И. Қостигова диссертациясида Султон Али Машҳадий яшаган давр ва ҳаёти ҳақида жуда кўп Шарқ қўлёзма манбаларидан ва ғарб олимларининг тадқиқотларидан маълумотлар келтиради. Ҳозирги вақтда бутун дунё қўлёзма фондларида Султон Али қалами билан кўчирилган 50 дан ортиқ бадиий қўлёзмалар мавжудлигини хабар қилади. Диссертациянинг асосий бобларидан бирида настаълиқ хати услубининг Султон Али кўрсатган қоида ва нормалари махсус текширилган. Ҳарфларни алоҳида ва турлича қўшиб ёзиш шакллари махсус таҳлил қилинган. Диссертация автори Султон Али Машҳадийни фақат буюк санъаткор хаттотгина эмас, айни вақтда ҳуснихат санъатининг йирик назариётчиси эканини ҳам кўрсатиб ўтади.

Г. И. Қостигова диссертациясининг яна бир қимматли томони шундаки, автор Машҳадийнинг хат ҳақидаги рисоласини рус тилига таржима қилган ва бу таржимани ри-

---

[6] А. А. Семенов, Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы (сб. «Алишер Навои» под ред. А. К. Боровкова, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1946, стр. 153—175).

[7] Г. И. Костыгова, Султан Али Машхеди как художник и каллиграф Герата XV века, Л., 1958 (кандидатская диссертация).

[8] Султан Али Машхеди, Трактат о каллиграфии, рукопись, Гос. публ. библиотека им. Салтыкова-Щедрина, инв. № 454.

сола факсимиле ва махсус сўз боши билан 1957 йилда нашр қилдирган[9].

1962 йили Байрутда араб олими доктор Салоҳиддин ал-Мунажжид машҳур олим Муҳаммад бин Ҳасан ат-Тибийнинг «Жомеъи маҳосини китобат ул-куттоб» جامع محاسن كتابة الكتاب асарининг 89/707 — 708 йилда кўчирилган қўлёзмасини махсус сўз боши билан факсимиле ва араб графикасидаги транслитерациясини нашр қилдирган[10]. Бу рисолада VIII аср муаллифи Муҳаммад Ҳасан ат-Тибий, араб хатининг сулс ва насх услублари ҳақида фикр юритади. Сулс ва насх хатларининг ёзилиш қоидаларини аниқ ишланган тартиб орқали бирма-бир баён қилади. Ат-Тибий китобининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, автор ҳуснихат кишиларга эстетик завқ берувчи махсус бир санъат эканини алоҳида қайд қилиб ўтган.

Ўрта Осиёда ўтган хаттотлар ҳақида совет шарқшунослиги яратган энг сўнгги тадқиқот филология фанлари кандидати Г. С. Костигова томонидан тузилган ҳамда академик И. А. Орбели ва филология фанлари доктори А. И. Болдирев, санъатшунослик фанлари доктори А. Л. Троицкая таҳрири остида 1963 йилда нашр қилинган «XV—XIX асрлардаги Эрон ва Ўрта Осиё ҳуснихат намуналари» номли альбомдир[11]. Бу альбом материаллари Салтиков-Шчедрин кутубхонаси фондидаги қўлёзмалардан олинган бўлиб, альбомда 45 та ҳуснихат намуналарининг факсимиле босилган. Бу хатларнинг кўпчилиги Хуросон котибларининг иши бўлиб, бир қисмигина Ўрта Осиё (Бухоро) хаттотларининг қаламига мансубдир. Альбомда машҳур хаттотлардан Мир Али Табризий, Абдул Рашид ал-Ҳаловий, Заҳириддин Азҳар Табризий, Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Нур, Мир Али Ҳиравий, Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний, Мир Имод Қазвиний ва бошқаларнинг хатлари берилган.

Мазкур альбомнинг қиммати яна шундаки, Г. И. Костигова альбом муқаддимасида катта сўз боши берган. Сўз бошида XV—XIX асрлар Эрон ва Ўрта Осиёда хаттотлик санъати босиб ўтган тараққиёт йўли қисқача ёритилган. Автор хат услублари, айниқса, настаълиқ хати ва унинг такомилида тўхтаб, қўлёзма манбаларидан кўпгина фактлар келтиради.

---

[9] Г. И. Костыгова, Трактат по каллиграфии Султан Али Машхеди, Труды Гос. публ. библиотеки им. Салтыкова-Щедрина, том II (V), Восточный сборник, Ленинград, 1957, стр. 103—163.

[10] محمد بن حسن طيبى جامع محاسن كتابة الكتاب Филология фан. доктори П. Г. Булаковнинг шахсий кутубхонасидан.

[11] Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV—XIX веков, сост. и вступительная статья Г. И. Костыговой, М., Изд-во Восточной литературы, 1963.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Костигова ўзининг бу мақоласида хаттотликни санъат сифатида текширади ва ҳуснихат Ўрта Осиё халқлари маданият тарихида санъатнинг энг тараққий этган муҳим соҳаларидан биридир, деган тезисни илгари суради. Шу жиҳатдан Г. И. Костигованинг мазкур асарини ҳуснихат тарихини текширишда муҳим илмий ишлардан деб қараш тўғри бўлади.

Юқорида номлари кўрсатилган асарлардан ташқари, хаттотлар тўғрисидаги баъзи бир маълумотлар СССР ва ажнабий мамлакатларда нашр қилинган қўлёзмалар каталогларида берилган. Айниқса, Ўрта Осиё хаттотлари кўчирган китоблар тўғрисида кўпгина маълумотлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти нашр қилдираётган каталогда берилган[12].

Биз санаб ўтган асарлар Ҳирот ва Ўрта Осиё хаттотлари ҳаёти ва ишлари ҳақида баҳс этиб, китобхонга ранг-баранг маълумотлар ва муҳим назарий хулосалар берса ҳам мазкур асарларнинг ҳеч қайсиси Ўрта Осиёда ўтган юзлаб хаттотлар, уларнинг илм-маърифат тарқатиш йўлида қилган хизматлари, маданият тарихи тараққиётида ўйнаган роли ва ниҳоят хаттотлик санъати бобидаги маҳоратларини очиб бермайди. Мазкур асарларни Ўрта Осиё хаттотлик санъатини ўрганиш бобидаги дастлабки тажриба ва масалани ўрганишдаги биринчи қадамдир деб қараш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида мавжуд қўлёзма ёдгорликлар — Ўрта Осиё хаттотлари ёзган китобларнинг бир қисми СССР нинг турли шаҳарлари ва ажнабий мамлакатлар кутубхоналарига тарқалиб кетган бўлса ҳам, аммо уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда сақланиб қолган.

Маълумки, Октябрь революциясидан аввал Ўзбекистон ери уч хонликка бўлиниб, хонликларнинг маркази, Бухоро, Хива ва Қўқон айни вақтда ўз даврининг маданий марказлари ҳисобланиб, илм-маърифат, санъат ва адабиёт ҳам шу пойтахт шаҳарларида тараққий этади. Сарой атрофида олимлар, шоирлар, санъаткорлар билан бир қаторда йирик хаттотлар ва мадрасаларда эса катта кутубхоналар майдонга кела бошлади. Булардан ташқари улуғ олим, шоир ва маданият арбобларининг ҳам шахсий кутубхоналари маънавий маданиятимизнинг ноёб дурдоналарини ўз ичига олган хазина ҳисобланарди.

Уч хонлик давридаги маданий ҳаётда етакчи ўринлардан бирини ишғол қилган ва маърифат макони ҳисобланган кутуб-

---

[12] Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР, том I—VII, Ташкент, Изд-во АН УзССР.

хоналарнинг энг бойи сарой кутубхоналари ҳисобланган. Сарой кутубхоналари наслдан-наслга ўтган сари янги китоблар билан бойиб борган. Ҳар бир давр маданият арбоблари ва давлат бойликлари кутубхоналарни бойитишга катта маблағлар ажратиб, зўр эътибор берганлар. Кутубхона атрофида ўз асрларининг олим ва шоирлари билан бир қаторда, йирик хаттотлар, рассомлар, наққошлар ва саҳҳофлар тўпланиб, ижод этганлар. Шу тарзда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари саройида, мадраса ва вақф кутубхоналарида бир неча асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари яратган ёзма ёдгорликлар тўпланган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, бу кутубхоналарга турли даврларда рўй берган ҳар хил иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида, айниқса, Яқин Шарқ, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг темурийларга қарам бўлган пайтида у ерлардан жуда кўп қўлёзмалар Ўрта Осиё хонлари хазинасига келтирилган. Натижада Бухоро, Хива, Қўқон каби маданий марказларда ташкил топган кутубхоналар хорижий Шарқ мамлакатларидан келтирилган қўлёзмалар ҳисобига бойиди.

Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Ўзбекистондаги барча сарой, вақф, мадраса кутубхоналари, шунингдек, бир неча шахсий кутубхоналарда мавжуд бўлган қўлёзма китоблар Совет ҳукуматининг фармони билан бир ерга тўпланди ва халқ мулки деб ҳисобланган бебаҳо хазина асосида кейинчалик Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил топди.

Шундай қилиб, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига деярли Ўрта Осиёда ўтган минглаб хаттотлар томонидан турли савияда кўчирилган китоблар тўпланди. Бу фондга сарой кутубхоналари орқали Ҳирот, Қашмир ва Ҳиндистонда ўтган машҳур хаттотларнинг ҳам кўпгина китоблари қўшилди.

Бадиий қўлёзмалар рассомчилик ва ҳуснихат санъатини ўрганишда Тошкент Шарқшунослик институтининг бебаҳо хазинасидир. Маълумки, Ленинграддаги Салтиков-Щедрин Давлат халқ кутубхонаси, СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институти ва Ленинград Дорилфунунининг Шарқ факультети қўлёзма фондлари ҳам дунёнинг энг бой хазиналаридан ҳисобланади. Аммо шунга қарамасдан, Ўрта Осиёда яшаган ва ижод этган барча олим, шоир ва хаттотларнинг мероси Тошкент Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондига тўпланган.

Биз бу ишимизда Тошкент Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма манбаларга суяниб, Ўрта Осиёда ўтган хаттотлар ҳаёти, уларнинг маданият тарихида ўйнаган роллари ва ҳуснихат санъатидаги маҳоратини ўрганишни ҳам-

да бу борада биринчи тажриба ўтказишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бу монография марказида ёритилиши лозим бўлган уч масала туради: **биринчиси,** хаттотнинг ўрта аср жамиятида тутган ўрни ва Ўрта Осиё халқларининг маданияти тарихида ўйнаган роли, **иккинчиси,** хаттотлик санъати ҳақида баъзи мулоҳазалар, **учинчиси,** Ўрта Осиёдаги хаттотлик мактаблари ҳамда Навоий давридаги Ҳирот хаттотлари ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар.

Монография автори қўлёзма манбалари асосида 360 га яқин хаттот тўғрисида маълумот тўплаган ва бу маълумотларни турли иқтисодий, сиёсий ва маданий факторларга суяниб олтита ҳуснихат мактабига ажратади: Ҳирот мактаби, Бухоро мактаби, Хоразм мактаби, Қўқон мактаби, Тошкент мактаби, Самарқанд мактаби. Хат услуби эволюцияси ва хат санъати назариясига хос бўлган маълумотлар турли асрларда ўтган буюк хаттот ва олимлар томонидан яратилган 11 рисола асосида ёритилди.

*Биринчи бсб*

## ЎРТА ОСИЁДА ХАТТОТЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1. **Хаттот ва маданий ҳаёт.** Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг маданият тарихи энг қадимий ва кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичига эришганлиги бу кунда бутун дунё илм-фан аҳли томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Ўрта Осиё халқлари ўз ўтмишида бир неча дафъа иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт даврини бошидан кечирган.

Араблар истилосидан сўнг IX—XI асрларда Ўрта Осиёда, айниқса, Хоразмда маданий ва илмий тафаккур беқиёс барқ уриб гуллади. Жаҳонга танилган ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний сингари улуғ мутафаккир олимлар даҳосидан ҳозиргача башарият баҳраманд бўлиб келмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу порлоқ давр араб истилосининг маҳсули эмас. Аксинча, араб истилосига қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган хоразмийлар ва суғдийларнинг узоқ асрлик бой маданиятининг қонуний тараққиётидан иборат бўлган. Араб истилосига қадар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, туркий халқлар (айниқса, уйғурлар) яратган маданий обидалар фикримизнинг исботидир. Айниқса, 1965 йили Самарқандда очилган Афросиёб археологик ёдгорликлари арабларга қадар Ўрта Осиё халқларининг мислсиз тараққиёт даражасида эканини яна бир марта тасдиқлайди.

XIII—XIV асрларда мўғуллар Ўрта Осиёни вайрон қилиб, обод шаҳарларни харобага айлантирадилар. Маданий ёдгорликлар парчаланиб, илм-фан хазинаси бўлган минглаб қўлёзма китоблар гулханларда куйдирилади. Мўғул босқинчилари қанча барбод бермасинлар, ижодкор халқ ўз маданий меросини ардоқлайди, энг оғир ва машаққатли ҳолларда ҳам маданий ҳаёт олға томон бораверади.

XIV—XV асрларда Темурийлар даврида Ўрта Осиё феодализм жамиятида қисқа муддатли бўлса ҳам марказлашган феодал давлати жорий қилиниб, мамлакат ҳаётида иқтисодий,

сиёсий ва маданий юксалиш рўй берди. Айниқса, XV аср Ҳиротда, Самарқандда Ўрта Осиё халқлари маданияти ўзининг энг порлоқ даврини бошидан кечирди. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хондамир, Беҳзод, Султон Али ва Мирзо Бобир бу даврнинг буюк ақл эгаларидан бўлганлар.

XVI асрнинг бошидан сафавийлар ва шайбонийлар ҳокимият тепасига келиши билан иқтисодий ва маданий ҳаёт аста-секин инқирозга юз тута бошлайди.

XIX асрга келганда, айниқса, Ўрта Осиёнинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари кучая борган сари маданий ҳаётда яна кўтарилиш рўй бера бошлади.

Шундай қилиб, IX асрдан то XX асргача, тахминан 1000 йиллик тарихда Ўрта Осиё халқларининг илм-фан ва маънавий маданият соҳасида яратиб қолдирган буюк мероси бизнинг давримизгача, асосан, қўлёзма китоблар шаклида етиб келгандир.

Араб ёзувида китобат қилинган минг йиллик маданий мерос наслдан-наслга қўлёзма шаклида ўтиб келган. Шу қўлёзма китоблар туфайлигина Ўрта Осиё халқлари ота-боболари яратиб қолдирган маданий меросдан баҳраманд бўлганлар. Шу қўлёзмалар туфайли Ўрта Осиёдаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз тарихига эга бўлган. Ниҳоят, шу қўлёзмалар туфайли Ўрта Осиё халқлари жаҳон маданият тарихи тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олган.

Бу қўлёзма китобларнинг муаллиф томонидан парча-парча қоғозларга ёзилиб ижод этилгандан сўнг, уни оққа кўчириб, китоб тусига киритувчи ғоят мураккаб, машаққатли, айни вақтда шарафли вазифани бажарувчи шахс — котиб бўлган. Котиблик дафъатан қараганда кишига бир техник вазифага ўхшаб кўринади. Котиб гўё муаллифнинг яратган асарини ҳарфма-ҳарф кўчирувчи кишидек бўлиб туюлади. Ҳақиқатда эса бундай эмас.

Ўрта аср тарихида ва у даврдаги маданий ҳаётда котиблик ҳунари энг шарафли ва муқаддас вазифа ҳисобланган. Аввалambор котибнинг саводли бўлишининг ўзи феодализм шароитида кўп вақт ҳокимлар, амирлар саводсиз бўлган бир пайтда уни (котибни) юқори мавқега олиб чиқади. Иккинчидан, котиб китобат қилиш муносабати билан ҳар бир кўчирган китобнинг мазмунини ўзлаштира боради. Шунинг натижасида ҳақиқий котиб ўз замонасининг ўқимишли илм-маърифат эгалари қаторидан жой олади. Демак, ўрта аср Шарқ мамлакатларида китоб кўчириш билан шуғулланган хаттотларни биз оддий кўчирувчилик вазифасини бажарувчи шахс деб эмас, балки ҳар бир хаттотни ўз замонасининг ўқимишли маърифатпарвар, илғор зиёлиси ва йирик маданият арбоби деб тушунишимиз керак.

Араб ёзуви Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган. Шу сабабли араб мамлакатларидаги ва шунингдек, Ўрта Осиёдаги бир гуруҳ хаттотлар қуръон ҳамда диний китобларни кўчириш билан шуғулланганлар. Ўз замонасида ниҳоятда муқаддас ҳисобланган «каломи шариф», дин, шариат ҳақидаги китобларни кўчириш вазифаси ҳар кимнинг қўлидан келавермаган. Ҳукмрон синф идеология соҳасидаги бундай масъулиятли вазифани ўз даврининг энг фозил ва қобил кишиларига — зиёли хаттотларга юклаган. Бу нарса ҳам котибнинг ўрта аср жамиятида қанчалик масъулиятли шахс эканини яққол кўрсатади.

Булардан ташқари тарихдан яна шу нарса маълумки, ўрта асрларда яшаган бир қанча олим, шоир ва фозил кишилар ёшликдан хаттотлик санъатини эгаллаб, кейинчалик котибликда ҳам ном чиқарганлар. Бундай улуғ зотлар фақат ўз асарларинигина китобат қилмасдан, балки бошқа муаллифлар асарини ҳам кўчирганлар. Масалан, Ҳофиз Шерозий Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сини кўчирган. Темурий болаларидан бир нечалари (Бойсунқор Мирзо, Ғариб Мирзо, Бадиуззамон) китобат билан шуғулланганлар. Алишер Навоийнинг моҳир хаттот эканлиги тарихий манбалардан маълум. Мирзо Бобир араб графикасининг туркий халқларга мослаб ислоҳ қилинган енгил ёзув — «хатти бобурий»ни ижод этган. Мунис Хоразмий хаттотлик санъати ҳақида «Саводи таълим» номли рисола ёзган ва Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ниҳоятда гўзал хат билан кўчирган. Муқимий жуда майда настаълиқ ва шикаста хатида баёз кўчирган. Ниҳоят, Бухоро хаттотлик мактабининг сўнгги вакилларидан XIX асрнинг буюк олими, энциклопедик ақл эгаси Аҳмад Дониш ўндан ортиқ зебо қўлёзмалар кўчириб қолдирган.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда китоб чоп этиш техникаси ихтиро этилмаган бир даврда котибликка талаб ниҳоятда зўр бўлган. Котиблик ўз навбатида маданий ҳаётнинг қай даражада тараққий этганлигини аниқловчи омиллардан бири ҳисобланган.

Агар биз ўрта асрдаги минглаб мадраса ва мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларига кўз ташласак, дарслик сифатида ўқитиладиган минг-минглаб китоблар қўлда кўчирилиб, мактаб ва мадраса эҳтиёжларини қондирганликларини ўйлаб кўрсак, кўз нури тўкиб, бу китобларни бунёдга келтирувчи хаттотнинг заҳматкашлиги, маданий ҳаётдаги роли, жамиятдаги мавқеи қанчалик масъулиятли ва шарафли эканини тасаввур қилиш мумкин. Ўрта аср этикасида ҳам хаттотнинг қобил ва фозил бўлишидан ташқари, халққа муносиб хизмат қилиш учун ҳаммадан аввал олижаноб табиатли, одамларга меҳрибон, нафс балосини енга оладиган, пок қалбли киши бўлиши талаб қилинган. Бу ҳақда Навоий даврининг

хаттотлар қиблагоҳи Султон Али Машҳадий «Ҳуснихат» ҳақидаги рисоласида шундай деган:

در تعیین اوقات و سلوک کاتب

ایکه‌خواهی که‌خوشنویس‌شوی    خلق را مونس و انیس شوی

خطّهٔ خط مقام خود سازی    عالمی پر زنام خود سازی
ترک آرام وخواب باید کرد    دین عهد شباب باید کرد
سر بکاغذ چو خامه فرسودن    زین روزوشب نیا سودن
ز آرزو های خویش بکنشتن    وزده حرص وآز بکذشتن
نیز بانفس خود جدل کردن    نفس بد کیش را زدن کردن
تا بدانی جهاد اصغر چیست    باز کشتن بوی اکبر چیست
و انچه باخود روا نمیداری    هیچ کس را بدان نیازاری
دل میازار گفتمت زنهار    کزدل آزار حق بود بیزار
ورد خودکن قناعت و طاعت    بی طهارت مباش یکساعت
همه وقت اجتناب واجب دان    از دروغ و زغیبت و بهتان
از حسد دور باش واهل حسد    کز حسد صدبلا رسد بی حد
حیله و مکررا شعار مکن    صفت ناخوش اختیار مکن
هر که از مکر و حیله و تلبیس    پاک کردید کشت پاک‌نویس
داند آنکس که آشنای دلست    که صفای خط از صفای دلست
خط نوشتن شعار پاکانست    هرزه کشتن نه‌کار پاکانست
کوشهٔ انزوا نشیمن کن    یاد گیر این سخن ز پیر کهن[1]

Китоб тайёрлаш техникаси ўрта аср жамиятидаги меҳнат тақсимотида алоҳида ўрин тутган, хаттотлик эса профессионал касб бўлиб қолган. Маданий ҳаётнинг ўсиши билан китобларга бўлган талаблар тобора оша боради. Бу нарса китоб тайёрлаш корхоналарининг ташкил топишига сабаб бўлди. Ҳирот, Бухоро, Хива, Самарқанд ва Қўқон сингари ўз замонасида донғи кетган маданий марказларда китоб тайёрлайдиган махсус корхоналар ташкил қилиниб, унда халқ эҳтиёжини қоплаш мақсадида китобфурушлик ишлари кенг авж олдирилган.

Бадиий қўлёзмаларгина эмас, балки оддий китобларни ҳам тайёрлашда бир неча касб эгалари иштирок этгани учун қўлёзмалар коллектив меҳнат маҳсули сифатида майдонга келар эди. Қўлёзмаларни китоб ҳолига келтиришда бир неча мута-

---

[1] Султон Али Машҳадий, Ҳуснихат ҳақида рисола (Труды гос. публ. биб-ки им. Салтыкова-Щедрина, том. II (V), Восточный сборник, Ленинград, 1957, стр. 154—156).

касбчилар иштирок этганлар. Улардан биринчи даражадагилари қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), хаттот (кўчирувчи), музаҳҳиб (олтин ҳал берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни ишлатловчи), рассом (қўлёзмага миниатюралар ишловчи) ва саҳҳоф (муқовасоз). Биз бу ҳунар эгаларининг касби ва иш процесслари билан қисқача танишиб ўтамиз.

Шу йўсинда бир неча санъат усталарининг иштирокида тайёрланган қўлёзмалар, одатда, санъат мўъжизаси даражасига кўтарилган ва бадиий қўлёзмалар ўз замонасида буюк олимлар, шоирлар кутубхоналарини ташкил этган. XV—XIX асрлардаги Бухоро, Хива ва Фарғона сарой кутубхоналари, кўпинча, энг қимматбаҳо бадиий қўлёзмалар ҳисобига бойиган. Бир қатор қўлёзмалар давлат бошлиқлари ва катта мулк эгалари эҳтимоми билан дунёга келган ва юқори баҳоланган. Хонлар, султонлар, амирлар сарой кутубхонасига қабул қилинган ҳар бир қўлёзма подшоҳ хазинасига қабул қилинган олтин ва жавоҳир сингари хазина бойлиги деб қаралган. Бошқача қилиб айтганда, мўътабар ва бадиий қўлёзмалардан ташкил топган ва турли аср обидаларини ўз ичига олган сарой кутубхоналари шоҳларнинг олтин жавоҳирларидан ташкил топган хазинасидан ҳам юксак ва бебаҳо хазина ҳисобланган. Дарҳақиқат, минг-минглаб жилдлардан ташкил топган сарой кутубхоналари сарой аҳлининг эмас, бутун бир халқнинг, бутун бир миллатнинг бебаҳо маънавий хазинаси бўлган.

Қимматбаҳо қўлёзмаларнинг хазина мулки эканлигининг исботи учун Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Алишер Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» девони колофонини келтириш мумкин[2].

Хулоса қилиб айтганда, дунёдаги жуда кўп қўлёзма фондларда, шу жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзма фондида қўлда кўчирилган турли аср қўлёзма ёдгорликлари борки, уларнинг ҳар бири Ўрта Осиё халқларининг тарихида мангу қоладиган маънавий маданият ёдгорлиги ҳисобланади. Уларнинг қимматини ҳеч қандай бойлик ва пул билан ўлчаш мумкин эмас.

Минг йиллик тарих давомида халқимиз яратиб қолдирган маданий мероснинг бизгача етиб келишига сабабчи бўлган ва ўз замонасидаги халқларнинг илм-маърифатдан манфаатдор бўлиши учун фидокорона хизмат қилган Ўрта Осиё хаттотлари, йирик маданият арбоблари ўз даври зиёлиси сифатида ҳурматга сазовордирлар. Фикримизча, маданиятимиз тарихи учун бу қадар зўр хизматлари билан танилган хаттотлар ҳаёти ва меросини ўрганиш совет шарқшунослиги ва филология фанида фойдадан холи бўлмаслиги керак.

---

[2] Диссертация иловасидаги инвентарь № 1995 қўлёзма колофонига қаранг.

XV—XIX асрларда Ўрта Осиё халқларидан етишган минглаб хаттотлар ўтган. Афсуски, булардан бир қанчалари турли сабаблар билан тарихда ном-нишонсиз бўлиб кетганлар. Яна бир гуруҳ Ўрта Осиё хаттотларининг қўлёзмалари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида бўлмагани учун биз улар ҳақида тафсилий маълумотга эга эмасмиз. Мазкур тадқиқот объекти сифатида биз Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Ўрта Осиё хаттотлари томонидан кўчирилган қўлёзма ёдгорликларга асосланиб иш кўрдик. ЎзФА фондидаги мингдан ортиқ мўътабар қўлёзмалар асосида биз Ўрта Осиёда олтита (Бухоро, Ҳирот, Хоразм, Самарқанд, Фарғона Тошкент) хаттотлик мактаби мавжуд эканини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бироқ Темурийлар даврида бугунги Афғонистон, Эрон ҳамда Ўрта Осиё бир давлат сифатида Темур болалари томонидан идора этилгани учун туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи маданияти қисман Хуросонда, айниқса, унинг пойтахти бўлмиш Ҳиротда тараққий этади. Ҳирот маданияти айни вақтда ўзбек маданиятининг энг порлоқ даврларидан бири ҳисобланади. XVI аср шайбонийлар давридан бошлаб Бухоро, Хива ва Қўқон каби маданий марказларда то XIX асргача Ҳирот хаттотлик мактаби ҳуснихат санъатида юксак намуна ҳисобланган. Сўнгги тўрт аср давомида Бухоро, Хива ва Қўқонда ташкил топган, тараққий этган хаттотлик мактаблари, асосан, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Муҳаммад бин Нур, Дарвеш Муҳаммад Тоқий ва Мир Али Ҳиравий каби санъаткор хаттотлардан таълим олиб, уларнинг энг яхши традицияларини давом эттириш натижасида юқори камолот босқичига кўтарилади. Шу сабабдан Ҳирот Ўрта Осиё халқларининг маданий марказларидан бўлиб, биз у мерос эгаларидан бўлганимиз учун Ўрта Осиёдаги бешта хаттотлик мактабига шартли равишда олтинчи қилиб Ҳирот хаттотлик мактабини ҳам киритдик. Фикримиз ва бундай таснифотнинг тўғри эканлиги ЎзФА қўлёзма фондида машҳур Ҳирот хаттотларининг қўлёзмалари мавжудлиги билан исботланади.

2. **Китобат техникаси.** Хаттотнинг текст кўчириши учун дастлаб яхши, сифатли қоғоз талаб қилинарди. XV асрларда Навоий даврига оид қўлёзмаларга қараганда Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ўша замоннинг қоғоз саноатида энг йирик марказ бўлган эди. Бу қоғозлар икки турли бўлган: биринчиси фақат ипак лослардан (ҳеч қандай пахта толаси қўшилмай) тайёрланган бўлиб, пишиқ, жуда чиройли, яхши оҳор берилган, тоза ва силлиқликда тенгсиз қоғоздир. Уни киши қўлга олганда Европанинг янги кредит билетларини ушлагандек туюларди. Буни «қоғози абрешимий» деб атардилар. Иккинчиси ярим ипакли бўлиб, ипак ва наша ўсимлиги (каноп) толасининг тахминан эллик фоиз аралашмасидан тайёрланарди.

Бу қоғоз пишиқ, салмоқли ҳамда яхши оҳорли бўлиб, «қоғози нимкатоний» деб аталарди.

Қоғознинг ҳар икки томонига буғдой унидан қилинган аталасимон елим (оҳор) юпқа қилиб суркаб, сояда қуритилгандан сўнг ақиқдан қилинган тиш ёки чиғаноқ (муҳра) билан пардозланарди. Кўпинча, қоғозни ялтироқ қилиш учун уни етти мартагача пардозлар эдилар. Бу ялтироқ (жилоли) қоғоз Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларида сўнгги вақтларгача «оҳор муҳрали» қоғоз деб аталарди. Бу қоғоз хаттот кўчираётганда агар хато қилиб қўйса, хатни юмшоқ булут орқали сув билан ювиб қуритилгач, бир оз крахмал суркаб қуригандан кейин тузатиб (қайта) кўчиришга қобил эди. Айни шу қоғоздан турли қўлёзмаларни кўчириш учун махсус «ҳафтранг» деб аталган қоғозлар ва муқованинг ички томонига қўйиш учун «абри баҳор» қоғозлари ҳам ишланарди.

Зийнатли қўлёзмаларнинг ҳошияси учун фақат турли ранг билан бўялган ҳошия қоғозлари талаб қилинарди. Текст эса оқ қоғозга ёзиларди. Бўялган қоғознинг текст учун ажратилган қисмини кесиб олиш жуда кенг тарқалган эди. Бундай ҳолларда текст ипакли, юпқа қоғозга ёзилиб эҳтиётлик ва усталик билан ҳошияга (ҳошия қоғозига) ёпиштирилар эди.

Қоғоз устаси (қоғозрез)нинг иши битгач, хаттот текстни кўчиришга киришарди. Хаттотнинг кўчириш қуроллари «сиёҳ», «қора қамиш қалам», «мистар» (транспарант), қаламнинг учини чиқариб туриш учун «қаламтараш», қамиш қаламнинг учини кесиш учун ясалган махсус суяк пластинка «қаламқати»дан иборат. Бу қуролларнинг ҳаммаси махсус «қаламдон»да турарди. Бу қаламдон қоғоз бўтқасига гипс аралаштирилиб ясалган бўлиб, кўпинча, расм ва бадиий безаклар билан безатиларди. Ёки бу қаламдон мисдан ишланиб, кумушдан қадама нақш солинарди. Қаламдонда хато кўчирилган ҳарфларни ювиш учун юмшоқ булут (абр), сиёҳни бир миқдорда олиб туриш учун давотга солинадиган «ипаклос», турлича кесилган қамиш қаламлар турар эди. Қамиш қалам хаттотнинг асосий қуролидир. Бу қалам учун қаттиқ ва мустаҳкам, ингичка, учини чиқаришда тўғри чизиқ ҳосил қилиши шарт бўлган қамиш танланади. Қамиш қаламнинг учи чиқарилганда ўртасидан озгина узунасига ёрилади. Бу ёриқни «шақ» деб айтилади. Қамиш қаламнинг ўнг томонидаги «унси» деб аталувчи «шақ» (узунасига кетган ёриқ)ни чап томондаги «ваҳший» деб аталувчи «шақ»дан ингичкароқ қилинади.

Ниҳоят, қамиш қалам тайёрлашда энг нозик ва муҳим операция уни (яъни қаламни) кесиш бўлиб (қатъ қилиш), у тўғри кесилмай, балки қийшиқ кесиларди, яъни «унсий» ва «ваҳший»дан бир оз узунроқ бўларди. Шундай қилиб, хаттотнинг хат кўчириши учун яхши тайёрланган сиёҳ ва керакли қора-қамиш топилиб, учи мукаммал тайёрланиши шарт эди.

Қамиш қаламдан қоғозга сиёҳ томмаслик учун ҳамда қаламда доим етарли даражада сиёҳ бўлиши учун сиёҳдон (давот)га тўлгунча ипаклос солинарди. Ниҳоят, сиёҳдан бўккан лослар қаламнинг етарли миқдорда сиёҳ билан таъминланишига, котибнинг беками-кўст ишлашига ёрдам берарди.

Хаттот қўлёзмани кўчиришга киришишдан аввал ўз олдида турган ялтироқ (варақ)даги сатрлар қанча бўлиши кераклигини ва улар қандай, яъни тўғри чизиқ биланми, ё параллель чизиқлар биланми ёки қийшиқ (қия) чизиқлар билан берилиши керак эканлиги ҳақида эстетик талабларга мувофиқ мулоҳаза юритиб, тахминий белгилаб оларди. Ундан кейин хаттот қоғоз (варақ)нинг ҳажмига лойиқ ёки шу иш учун тайёрланган «мистар» (транспарант) олади. «Мистар» қалин картон қоғоздан ёки бир неча варақ пишиқ қоғозларнинг тикилган ҳолатидан иборатдир, унга ипакдан йўғон иплар тортиб қўйиларди. Бу иплар бир-биридан маълум ва тенг масофада параллель қаторларда ёки қия тортилиб турарди. Хаттот бундай мистарни қоғознинг остига қўйиб, тоза қўли билан босарди. Натижада, ипларнинг қоғозга (варaққа) изи тушиб, бу излар эса махсус чизиқ ўрнида хизмат қиларди; мана шу чизиқ (йўл) бўйича текстнинг сатрлари кўчириларди.

Ўша замоннинг ҳар бир хаттоти қўлёзмани моҳирона кўчириши учун турли хилдаги икки хил хатни эгаллаши керак эди: бири оддий майда («хафи») хат, иккинчиси йирик («жали») хат. Ҳамда уч хил хатда: оят — ҳадисларни «насх», оддий текстларни «настаълиқ», боб ва сарлавҳаларни «сулс» хати билан чиройли қилиб кўчириши лозим эди. XV асрларда Ҳирот хаттотлари қўлёзмаларнинг сарлавҳаларини кўпроқ рангли сиёҳлар билан ёки соф олтин билан ёзардилар.

Хаттот қўлёзмани батамом ёки маълум бир қисмини тугатгач, қўлёзма лаввоҳ қўлига ўтарди. Бу санъаткор лаввоҳ хаттотнинг барча кўчирган текстларини рангдор чизиқли жадвал ичига, ҳошияни эса, одатда, қизил ёки ҳаво ранг чизиқ ичига оларди. Агар ҳошия рангдор бўлиши керак бўлса, у ҳолда лаввоҳ бўялган қоғоздаги текст учун ажратилган қисмини кесиб олиб, кейин моҳирлик билан рангли ҳошиянинг кенг рамкасига ёпиштирарди. Қоғоздаги ёпиштирилган жойлар лаввоҳ томонидан усталик билан олтин ёки рангли кашталар (чизиқлар) билан пардаланарди. Иш шундай маҳорат билан бажариладики, санъатга чиниқмаган кўз, албатта, бу ямоқни сезмасди.

Лаввоҳ баъзан оддий найдан ясалган махсус асбоб воситасида қўлёзмаларнинг сатрлари орасига зарҳал, сурх ёки ложувардлардан афшон берарди.

Ҳошиялар ҳамма вақт фақат ранг билангина чегараланиб қола бермасдан, баъзан унга соф олтин билан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан нафис тасвирлар бериларди. Бундай тасвир

(нақш)лар турли ранглардаги ҳошиялардан кўра чиройли кўринарди. Умуман, ҳошияни турли ранглар билан бўяш ёки ўсимлик стилида нақшлаш ўрнига кўпроқ йирик олтин жимжималар билан безатиларди. Бунга XV—XVI асрнинг энг яхши қўлёзмалари мисол бўла олади. Лаввоҳ қўлёзма (асар)нинг бош қисмига суюқ олтин бўёқлар билан катта ва кичик нақшлар чизарди. Бу нақшлар, одатда, «унвон» ёки «сарлавҳа» деб аталарди.

Айрим безакли қўлёзмалар тексти бошланиши олдидан битта ёки иккита фронтиспись[3] ҳар икки варақҳа яхлит жойлашарди. Фронтиспись жимжимадор қилинади, турли олтин бўёқлар билан кўпроқ ўсимлик стилида ёки геометрик характердаги нақшларга эга бўлади. Агар қўлёзма асар бир неча бўлакдан иборат бўлса (масалан, Навоийнинг «Хамса» ва «Хазойин ул-маоний» асарлари), у ҳолда ҳар бир асар бошида фронтиспись ишланиб, унинг ўртасидаги алоҳида карточкаларда олтин ранг билан асар номи, автори ёзиларди.

Лаввоҳнинг иши битгач, қўлёзма расмлар билан безалиши учун рассом (миниатюрист) қўлига ўтади. Энди рассом хаттот томонидан махсус бўш қолдирилган саҳифа (ёки ярим саҳифа ўринлар)ни сюжетли расмлар билан безайди. Рассом дастлаб нозик перо (сарқалам) билан расмнинг композициясини (бадиий тузилиш негизини) чизарди. Сўнгра ингичка мўйқалам (чўтка) ёрдамида бўёқ билан бўяб, лозим бўлган тақдирда олтин ва кумуш сувлари билан зийнатларди.

Ўша замон рассомлари лозим бўлган ҳамма бўёқларни ўз қўллари билан тайёрлардилар. Улар олтин ва кумушни суюқ ҳолатга келтириб, деярли пастага ўхшаш ҳолатда ишлатар эдилар. Рассомларнинг мўйқалам (чўткаси)и мушук юнгидан қилиниб, перога (сарқалам) каптар қанотидан қўйиларди.

XV—XVI асрлардан қолган мўътабар манбаларнинг кўрсатишича, рассомларнинг қаламида ниҳоят нозиклик, расм (асар)ларида ғоят ҳаётий (жонли)лик борлиги бизни ҳайратда қолдиради. Бунинг ёрқин мисолини Шарқнинг Рафаэли ҳисобланган буюк истеъдод эгаси Камолиддин Беҳзод асарларида кўрамиз.

Қўлёзма яратишда қоғозрез (қоғоз устаси), хаттот, лаввоҳ ва рассом ҳақида гапирар эканмиз, «қитъа» ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бир варақнинг (бир тахта қоғознинг) саккиздан бирига тўғри келадиган юпқа картон қоғозга хушнавис хаттотлар хатти жали (йирик хат) билан бирор парча ёки рубоийни ёзардилар. Бу бўлак (парча) қоғоздаги ёзув «қитъа» аталиб, атрофи чиройли нақшлар билан безаларди. Бу бўёқлар зарҳал бўлиб, ўртада хаттотнинг ёзуви чиройли

---

[3] Китобнинг асосий мазмунини тасвирлайдиган ва титул бети ёнида ҳар икки саҳифага жойлаштирилган яхлит расм.

кўриниб турарди. Бундай қитъалардан махсус тўплам (альбом)лар тайёрланарди. Бу хил тўплам (альбом)ларнинг турли даврларга оид ва турли хат устодлари тузган намуналари ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида мавжуддир.

Қўлёзма хаттот, лаввоҳ, рассом меҳнатидан сўнг, ниҳоят, саҳҳоф (муқовасоз) қўлига ўтиб боради.

Юқорида айтганимиздек, қўлёзманинг безак ишидаги ҳамма процесс (ҳатто бўёқларни тайёрлаш ишлари)ни рассом бажарганидек муқова ишидаги ҳамма ишларни ҳам муқовасоз ўзи бажарар эди. Картон қоғоз қийқиндиларидан ёки бир неча варақларни елимлаб ёпиштириш йўли билан тайёрланарди. Қоғозлар бўтқасимон суюқликда махсус форма (қолип)га қуйиларди ва у қотарди. Тайёр бўлган қоғозни «мағзийи реҳта», яъни «қуйма картон» деб аталарди. Елимлаб ёпиштирилган картон «мағзийи сохта» дейилади. Кейинги картон биринчи картонга нисбатан монолит бўлмаса ҳам, аммо устки қисмининг силлиқлиги билан ажралиб турарди, биринчи картон эса ғадир-будир ҳолда чиқар ва уни текислаш (силлиқлаш) учун усти елим билан чапланиб қуритилар ҳамда жилвир билан ишланарди.

Муқова, яъни қопқоқ жилди билан тикиладиган жойи алоҳида тайёрланарди; жилд учун энг яхши сахтиён тери ишланарди. Ҳамадондан олиб келинадиган биринчи даражали ошланган чарм «чарми ҳамадоний» деб аталарди. У жуда илиқ оч жигарранг тусли ва устининг ялтираб тириши билан танилган эди. Қопқоқни чармга ёпиштиргач, муқова қуримасданоқ нам ҳолича унга жимирлама нақш солинарди. Агар олтин билан безалиши керак бўлса, у ҳолда тухум оқи билан аччиқтош эритмаси суркалган қопқоқ устидаги чарм юзасини соф олтин япроқчалари билан қопланарди. Ундан кейин, шундай бир қопқоққа ёки Шарқнинг кумуш — кофейний рангдаги, яъни «ҳафтжўш» деб аталувчи бутун бир штамповка тахтаси ёки махсус бўрттириб расм ишланган бронза тахтача (лавҳа) қўйиб, уни муқова баробарида ёки бир оз каттароқ йўғон мармар тахта билан қопланиб, ундан кейин тахтани муқова қопқоғи билан махсус чўян ёки конуссимон усти текис ва қисқа дастали мис тўқмоқ билан тез айлантирилар, шу билан бирга ички томондан ҳам қарама-қаршисига кучли равишда бурар эдилар. Натижада нам муқованинг қопқоғида тегишли чиройли бўрттирма расмлар ҳосил бўларди. Шундан сўнг иккинчи қопқоқ ҳам шу усулда ишланарди. Қопқоқнинг ички юзаси ҳам шундай қилинарди ёки текис рангли картон пухта ва бой бўрттирма нақшлар билан безатиларди.

Кейинги услуб қуйидаги йўл билан қилинарди: муқованинг қопқоғидан бир неча марта кичик бўлган картон булагини олиб ҳамда унинг текис (силлиқ) қатламига бўёқ бериларди.

Шундан сўнг картонда юқорида кўрсатилган усулда чиройли нақшлар вужудга келарди. Картон қуригандан сўнг қопқоқли ички томонига ёпиштирилар эди. Сатҳи бўш қолган томонларга олтин ёки кумуш билан бўрттирма нақш ички нақшларни ўраб турувчи ҳошия қилинарди. Қилинган муқованинг қопқоқларини қуритаётганда тоб ташламаслик учун уларни муқова тахтакач ёки исканжага солиб секингина қисардилар.

**Ҳуснихат санъатининг асосий услублари ва уларнинг эволюцияси.** Ўрта Осиё илк феодализмининг идеологияси сифатида қабул қилинган ислом дини христиан динига ўхшаш ўзидан аввалги қулдорлик формациясининг маъжусийлик идеологиясига қарши антитеза сифатида майдонга келган. Аммо ислом ўзининг илоҳиёт ҳақидаги таълимотида худони ер юзи ҳаётидан мутлақо ажратган ҳолда яна ҳам мавҳумлашган, абсолют идеал даражасига кўтаради. Худонинг ҳеч қайси сифати моддий дунёда ўз инъикосини топиш ёки шунга монандроқ шаклларда тасаввур қилиниши мумкин бўлмайди. Шунинг учун худо образини моддий дунёдаги бирор нарса тимсолида ифодалаш мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар дин томонидан ман қилинди, ҳатто таъқиб остига олинди.

Ислом таълимоти шу билангина чекланиб қўя қолмайди. Барча мавжудотнинг яратувчиси ягона худонинг ўзи бўлгани худонинг бандаси (қули) ҳисобланган инсоннинг худо ижод этган нарсаларнинг, айниқса, жониворларнинг расмини ишлаш, шаклини чизиш худо билан тенглашиш, яъни худога мункир келиш деб қаралади. Оқибатда, ислом динининг шундай реакцион таълимоти натижасида кенг маънодаги реалистик расм санъати майдонга келмайди, неча-неча асрлар давомида Шарқ халқлари ўртасида етишган расм санъати бобидаги истеъдод эгаларининг таланти бўғилиб поймол қилинган.

Ислом динининг рассомлик санъатига бўлган бу реакцион муносабатлари маъжусийлик идеологияси инкоридан туғилгандир. Феодализм формацияси томонидан маъжусий деб эълон қилинган қулчилик жамияти дунёқарашида кўп худолилик ҳукмрон эди. Инсон фаолиятининг ҳар бир йирик соҳаси учун юнонлар ва римликлар алоҳида худо яратиб (Гелиос — офтоб худоси, Гея — ер худоси, Аполлон — жанг худоси, Венера — севги худоси, Муза — шеърият худоси ва ҳоказо), бу худоларни инсонга ўхшаш тасаввур қилганлар ва ҳар бир худонинг образини инсон шаклида расм ва ҳайкал санъати орқали гавдалантирганлар.

Худони яккаю ягона (ваҳдат ул-вужуд) деб ҳисоблаган Муҳаммад дини ва ислом таълимоти худо образи унинг бандаси томонидан яратилиши мумкин эмаслиги, худо шаклини яратишга бўлган уриниш динга ва худога бўлган эътиқодни сусайтиришга олиб келади деган тушунча билан боғлиқ эди.

Исломнинг инсон ижодини бўғувчи бу таълимоти ислом дунёсида Европадаги сингари расм санъатининг яратилишига йўл қўймади. Натижада ўзида тасвирий санъат ижодига мойиллик ҳис этган талант эгалари ўз қобилиятларини хаттотлиқ наққошлик ва меъморчилик соҳасидагина кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳолат ислом дунёсида, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихида минг йилдан ортиқ давом этиб, қатъий ҳукмрон таълим сифатида давом этгани учун Шарқ мамлакатларида ва Ўрта Осиёда христиан ва буддизм дунёсида кўрилмаган хаттотлик, хат элементлари билан боғланган наққошлик, меъморчилик ва хат санъати асосига қурилган бадиий қўлёзмалар санъати алоҳида тараққий этган.

28 ҳарфдан иборат бўлган араб алифбесининг дастлабки шакли **хатти маъқалий** бўлиб, тик чизиқлар билан ифодаланган. Аммо узоқ истеъмолда бўлиб, шуҳрат қозона олмаган.

VII асрдан бошлаб, унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ва энг машҳури ҳисобланган **хатти куфий** эгаллайди.

Сўнгра хатти маъқалий ва куфий хати асосида хат санъати ҳақидаги барча рисолаларда хабар қилинишича, араб ёзувининг санъаткорона яратилган олти хил асосий услуби майдонга келган:

1. ثلث —**сулс хати** — тўрт баҳраси текис, икки баҳраси юмалоқдир.

2. نسخ — **насх хати** ихтирочиси машҳур санъаткор хаттот Ибн Муқлаъ ҳисобланади.

3. محقق **муҳаққақ хати** — бир бўлак қисми текис бўлиб, қолган бўлаклари думалоқ шаклдадир.

4. ریحانی — **райҳоний хати**— муҳаққақдан келиб чиққан. Муҳаққақ ва райҳоний хатларининг ихтирочиси Ибн Баввоб бўлган.

5. توقیع — **тавқиъ хати**— ярим текис, ярим юмалоқ чизиқдан ташкил топган.

6. رقاع — **риқоъ хати** — кўпчилик ҳарфлари бир-бирига қурама қилиб ёзилади. Тавқиъ ва риқоъ хатининг ихтирочиси маълум эмас.

Айрим олимлар таълиқ хатини ҳам бу олти хат ёнига қўшиб, асосий хат услубларини етти тур қилиб кўрсатадилар. Таълиқ хатининг ихтирочиси Абулъол номли шахс деб кўрсатганлар. Текшириб кўрилганда Абулъол ихтиро этган таълиқ хатининг график асослари куфий хатидан келиб чиқиб, бу хат форсий текстларни ёзиш учун ихтиро қилинган. Кўпчилик олимларнинг фикрларича, муҳаққақ биринчи услуб, райҳоний хати ундан келиб чиққан. Сулс учинчи услуб, насх хати ун-

дан чиқарилган. Бешинчи услуб ҳисобланган тавқиъ хатидан сўнгги олтинчи хат риқоъ келиб чиққан. Бу хат услубларини тубандаги схемада кўриш мумкин:

كوفى
кўфий

3 — ثلث сулс

1 — محقق муҳаққақ

5 — توقيع тавқиъ

4 — نسخ насх

6 — رقاع риқоъ

2 — ريحانى райҳоний

7 — تعليق таълиқ

Мазкур хатларнинг ҳар бири махсус ўринларда қўлланиб келинган: муҳаққақ—қасида ва шеърлар ёзишда, сулс—илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида, райҳоний ва насх — қисса ва хабарларда, тавқиъ — буйруқ ва фармонларда, риқоъ — мактубларда ишлатилган. Бу олти асосий услубнинг ҳар бири ингичка ва йўғон қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн икки хил хатни ташкил қилган.

**Араб хатининг турли отлар билан аталиши сабаблари**

Дастлаб майдонга келган хат معقلى маъқалийдир. Бу хат бутунлай текис — ёйиқ бўлиб, ҳеч бир ҳарфи думалоқ бўлмаган. كوفى Хатнинг маъқалий дейилишига сабаб шуки, 623 милодда икки маъқал — бири Маккада معقل بن سنان الاسجعى Маъқал бинни Синон ул-Асжаъий, иккинчиси Басрада معقل بن يسار المزنى Маъқал бинни Ясор ул-Музанийларнинг бирига нисбат берилганлигини билдиради.

كوفى — Кўфий хати[4]— бу хат Кўфа шаҳрида ижод этилгани учун Кўфага нисбат берилиб «кўфий» дейилган. Кўфа шаҳри яратилгандан кейин Ҳияра, Шом, Макка ва Мадинанинг улуғ кишилари Кўфага йиғилганлар, илм-фанда юқори босқичга қадам қўйганлари каби хат ва китобатда ҳам олға силжидилар.

Қалам билан эмас, ҳатто ҳандаса асбоблари билан бу хатнинг расмини чизиб ёза бошладилар. Кейинчалик бу хатни кўфий номи билан юритдилар.

Ибн Муқлаъ хатни нуқта доирасига асосланиб вазъ қилган ҳамда олти турга нисбат берган. Баъзи ривоятларга кўра, Ибн

---

[4] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, 35-бет.

Муқлаъ етти турга ажратиб, ҳар бирига айрим-айрим ном берган.

1. محقق — **муҳаққақ хати** — бу хатнинг кўпроқ қисми текисдир. Шунинг учун муҳаққақнинг қадимий хатлар маъқалий ва кўфий хатларига ўхшашлиги бошқа хатларга нисбатан кўпроқдир. Шу сабабдан Ибн Муқлаъ муҳаққақ деб ном берди. Бошқа турдаги хатлардан биринчи деб ҳисоблади.

2. ثلث — **сулс** — бир нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси демакдир. Шунинг учун сулс дейилдики, бунда қаламнинг учинчи ҳиссаси ишлатилади ёки сулс хати таълимотида қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади[5].

3. توقيع — **тавқиъ хати** — бу хатнинг ярми думалоқ ва ярми текис бўлиб, маъқалий ва кўфий хатларига ўхшашлиги бор. Буни шунинг учун «тавқиъ дейдиларки, авваллари қозилар қозихона ҳужжатларининг бошига ёзиладиган сўзларни шу хат билан ёзардилар. «Тазкират ул-хаттотин» муаллифининг айтишича, қозилар ва ҳокимлар ҳужжатларни шу тавқиъ хати билан имзолардилар. Идора ва маҳкамаларда фармонларга, мактубларга, қўлёзмаларга тавқиъ услубида имзо қўйилган.

4. رقاع — **риқоъ.** Кўпинча, мактублар, кишиларга юбориладиган хатларни шу риқоъ хати билан ёзардилар. Риқоъ — руқъанинг кўплиги бўлиб, қоғоз парча, мактублар демакдир.

5. ريحانى — **райҳоний.** Бу ном хатнинг ёзилиши шаклида райҳонга ўхшашлигидандир.

6. نسخ — **насх.** Бу хат юзага чиқиб, шуҳрат қозонгандан кейин бошқа хатларнинг барчаси мансуҳ бўлди, яъни ишлатишдан қолдирилди.

Илмий адабиёт ва қўлёзмаларда кўп учрайдиган غبار ғубор хати насх хатининг майда қаламда ёзилишидир. Ўтган замонларда жуда майда қалам билан ёзиладиган нарсаларни махсус рақамда жуда майда ва ингичка қилиб ёзардилар. Шунинг учун ғубор деб атадилар[6].

Машҳур хаттотлардан Саид Қосим деган бир киши бир гуручнинг донасига ғубор хати билан «Ихлос» сурасини тамом китобат қилган. Ғубор хатининг ихтирочиси у киши эканлиги кўрсатилган.

Исҳоқхон ғубор хатини насх хати эмас, бошқа алоҳида ҳарфда, ҳарфнинг муфрадотини ҳуруфи ҳижо тартибида ай-

---

[5] Муҳаммад Ғиёсиддин, Ғиёс ул-луғат, Конпур, 1875.

[6] Муҳаммад Шариф Садр Зиё, Тазкират ул-хаттотон, ЎзФА ШИ, инв. № 1304, 68-бет; Дарвеш Муҳаммад Бухорий, Фавойид ул-хутут, ЎзФА ШИ, инв. № 2617, 18—19-бетлар.

рим-айрим ёзилади деб кўрсатади[7], баъзилар[8] таълиқ хатини бунга орттириб, бу хатнинг ихтирочиси Хожа Абулъол деганлар, олти қаламни таълиқ қалами билан етти қалам деб ҳисоблаганлар. Текширишимизга кўра, Абулъол бу хатни куфий ва паҳлавий[9] хатларининг шохчаларидан олиб, форсча ёзмоқ учун ишлаб чиққан.

7. تعليق — таълиқ хати. Сўнгги замон ихтирочиларидан баъзилари таълиқ деб атаган бу хат аслида риқоъ бўлган. Уни ҳар ким турли шаклларга айлантириб, ундан бир равиш ихтиёр қилган. Хожа Тожиддин Сулаймон шу услубни ихтиро қилган кишилар жумласидандир.

Бу киши ихтиро қилган таълиқ хати риқоъ хатининг шохчасидир. Бу хат иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, муншийлар (иншо ёзувчилар) уни чўзиб ёзганлар.

Шу олти турли хатдан бошқа яна кўп услублар ихтиро ва ижод қилинган. Аммо барчаси асосий ўша олти қаламдан иборат бўлган хат усулига боради.

Улуғ Алишер Навоий ҳам хат тўғрисида шундай деган:

قیل نوایی نی همول خط بیله یارب عازم
که بیرار یانیدن ایریلدی اوتوز آلتی خطوط

Юқорида хатларнинг турлари айтиб ўтилди, шуларнинг номларини хат услуби эътибори билан эмас, кўпроқ ҳуснихат эътибори билан яна кўп хилларга бўлинган ва ҳар бирига маълум бир маънога асосланиб ном берилган.

## IX—X АСРЛАРДА ИЛҚ ХАТТОТЛАРДАН ИБРОҲИМ СИҚИЗИЙ, ЮСУФ СИЖИСТОНИЙ, УСТОДИ АҲВАЛ ИБН БАВВОБ ВА БОШҚА УСТОДЛАР ТОМОНИДАН ИХТИРО ЭТИЛГАН 36 ТУР ХАТ САНЪАТЛАРИНИНГ НОМЛАРИ

طومار **Тумор**[10] — ингичка, майда хат ёки қалам.

جليل **Жалил** — катта, йўғон қалам.

مجموع **Мажмуъ** — қўшилма хат.

رياسى Раёсий — 806 йилда зурраёсатанг Фазл ибн Сахлга аталган хат.

---

[7] Исҳоқхон, Жамиъ ул-хутут, Наманган, 1912, инв. № 621, 123—124-бетлар.

[8] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, инв. № 3640, 21-бет.

[9] Паҳлавий хати Михий, Бараҳмий ва Хуруший хатларининг хатти расмисига ўхшашдир (Анжуман ориан Доират ул-маориф, Кобил, 1956, инв. № 15696, III жилд, 420-бет).

[10] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, ЎзФА ШИ, № 3640, 20-бет.

ثلثین **Сулсайн** — қаламнинг учдан икки ҳиссаси билан ёзилган хат.

نصف **Нисф** — машқ қаламининг ярми (қалам сифати).

جوانحی **Жавониҳи** — параллель чизиқли хат.

مسلسل **Мусалсал** — домоналарини ичига олиб занжир каби боғлаб ёзилган хат.

غبار حلیه **Ғубори хулия** — хатнинг зебу зийнат ва оройиши.

منثور **Мансур** — насрий сўзларда ишлатиладиган қалам.

مقترن **Муқтарин** — сўздаги ҳарфларни бир-бирига улаб ёзилган хат.

حواشی **Ҳавоши** — ҳошия қалами.

اشعار **Ашъор** — шеърлар ёзадиган қалам.

لؤلوئی **Луъ-луий** — қалам сифати.

مصاحف **Масоҳиф** — мусҳабнинг кўплиги.

فضاح النسخ **Фаззоҳ ун-насх** — очиқ ва равшан насх хати.

غبار **Ғубор** — майда, қил қалам, мўйин қалам.

عهود **Уҳуд** — шартнома ва аҳдномаларда ишлатиладиган қалам.

معّلق **Муаллақ** — таълиқ қаламидан.

موامرات **Муомарот** — мажлис ва кенгашларда ишлатиладиган қалам.

محدث **Муҳдас** — янгидан ихтиро қилинган қалам.

مدّمج **Мудаммаж** — ҳарфларни бир-бирига киритиб, бир ўринга жойлаштириб ёзилган хат.

مقّور **Муқоввар** — атрофи кесилган ва ўйилган хат.

ممزوج **Мамзуж** — аралаш ёзадиган қалам.

مفتح **Муфаттаҳ** — қалам сифати.

معمّیات **Муаммаёт** — муаммолар ёзадиган қалам.

مؤلف **Муаллиф**

محفف **Мухафаф** — қалам сифатлари.

مرسل **Мурсал**

مبسوط **Мабсут** — ёйиқ, ҳаракатлардан ҳоли бўлган хат.

توامان **Товъамон** — эгизак қилиб ёзиладиган соя берилган хат.

معجز **Муъжиз** — эъжоз чегарасига етказилган хат. Котибларни ожиз қолдирадиган хат.

مخلع **Мухаллаъ** — қалам сифати.

دیوانی **Девоний** — девонхона, дафтардор, котибларнинг бир турли шикаста хати.

سیاقت **Сиёқат** — қаламни тез юргизиб ёзилган ясси хат.

قرمه **Қурама**[11] — кесиб ёпиштирилган хат.

### 36 тур хатдан бошқа шуҳратланган хат номлари

شکسته — **Шикаста.**

شکسته نستعلیق — **Шикаста настаълиқ.**

سنبلی — **Хатти сунбули.**

میخی — **Хатти меҳи**[12]**.**

جلی دیوانی — **Жали девони, ижозат, рикъа, шажари**[13]**.**

زلف — **Зулф.**

اویغری — **Уйғури**[14]**.**

مسلسل نستعلیق — **Хатти мусалсал настаълиқ билан**[15]**.**

مارقه — **Хатти морика**[16]**.**

رموزات — **Румузод хатлари**[17]**.**

صنعتلی کوفی — **Санъатли кўфий хати**[18]**.**

شاهی — **Хатти шоҳий, хатти Бобирий**[19]**.**

---

[11] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, ЎзФА ШИ, № 3640, 20-бет.
[12] Оинаи ирфон, Муталлимин ва муаллимин, № 8777, 5-сон, 32-бет.
[13] Қомуси Исмоний, Али Саъидий, № 1698, 18-бет.
[14] Исҳоқхон, Жамеъ ул-хутути Исҳоқхон, № 621, 59, 122—123-бетлар.
[15] Мирсиддиқи Хишмат, Тазкират ул-салотин, № 34, 2-бет.
[16] Исмоилий Ҳаққи, Тадрисоти ибтидоия, № 13177, 112, 120—123-бетлар.
[17] Муҳаммад Хафид. Дуррул мунтахаббот, № 2282, 359-бет.
[18] Аҳмад Рафиқ, Тарихи умумий, № 1760, 446-бет.
[19] Муҳаммад Тоҳир, Ажойиб ут-табақот, № 2797.

طغرا — **Хатти тугро, дебож, хатти нохун ва бошқалар.**

ناخن — **Тирноқ билан бўрттириб ёзиладиган хат.**

**4. Ҳуснихат ҳақидаги рисолалар ва хат санъатини эстетик баҳолаш.** Дунёдаги жуда кўп ёзувларга нисбатан араб ёзуви маъноларни ифодалашдан ташқари, кишиларга эстетик завқ берувчи санъат ҳам эди. Шу туфайли араб ёзувининг график эволюцияси турли хил услуб ва шакллари тарихи ҳамда ҳар бир услубнинг ўзига хос ёзилиш қоидалари тўғрисида араб ёзувига эга бўлган Шарқ мамлакатларида хат ҳақида жуда кўп рисолалар яратилган. Бу рисолалар ўз замони талабларидан келиб чиқиб, араб ёзувининг амалий, назарий масалалари ва бадиий хатнинг тобора такомиллашишига хизмат қилган. Мазкур рисолаларнинг баъзи бирларигина Европа ва рус шарқшуносларига маълум бўлиб, деярли кўпчилиги ҳозиргача Шарқдагина машҳурдир. Булардан маълум қисми Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фондида сақланади. Биз ўрганган хат ҳақидаги рисолалар манбаи ва уларнинг қисқача мазмуни билан таништирамиз.

Араб хати ҳақидаги биринчи рисолани милоднинг 296—908/909 йилда улуғ хаттотлардан Исҳоқ бинни Иброҳим Тамимий ёзган деган хабар бор. Тамимий ўзининг «Туҳфаи вомиқ» номли рисоласида араб хати назариётчиларидан бўлмиш Исҳоқ бинни Иброҳим биринчи мартаба насх ва сулс хатларининг қоидаларини яратган эди. Афсуски, мазкур рисола бизгача сақланган эмас[20].

Тамимийга замондош бўлган араб хатининг биринчи йирик ихтирочиларидан Абу Али ибн Муқла ҳисобланади (338 йилда вафот этган). Ибн Муқла куфий хати асосида биз юқорида кўрсатиб ўтган араб ёзувининг етти асосий турини (1-муҳаққақ хати, 2-сулс хати, 3-райҳоний хати, 4-насх хати, 5-тавқиъ хати, 6-риқоъ хати, 7-таълиқ хати) ихтиро этган эди. Афсуски, Ибн Муқла қўли билан ёзилган хат намуналарига эга эмасмиз.

اوّل من نقل الخط الكوفى الى طريق العرآقيه ابن مقله ثم جاء ابن بواب
وزادفى تهذيب الخط وابداعه ثم جاء ياقوت الخطاط وختم فى الخط[21]

Таржимаси:
Биринчи кўфий хатини ироқия услубига кўчирган хаттот Ибн Муқла (X аср) дир. Бу кишидан кейин Ибн Баввоб (XI аср) хат услубининг гўзаллигини ошириб бадиийлаштиради. Бундан кейин хаттот Ёқут (XIII аср) хатдаги услубларни охирига ет-

---

[20] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 20-бет.
[21] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, № 3640, 44, 53-бетлар.

қазди ва такомиллаштирди. Бу ҳақда Султон Али Машҳадий айтади:

انكه واضع بوضع این بابست

ابن مقلهست ابن بوّاب است[22]

Ибн Баввоб дастлаб Муҳаммад ибн Асад кейинги вақтларда Муҳаммад ибн Симсимонийдан машқ қилиб, сўнгги вақтда Ибн Муқланинг хатларини тўплаб, унинг услубига чирой бериб гўзаллаштирди, шу билан хатнинг ҳусни бир неча бор ортиб бадиийлик ва эъжоз даражасига етди. Ҳатто, уни хат возеъ деб атадилар.

Илк хаттотлардан ва сўнгги асрлардаги хат усталарининг устози бу кишидир. Отаси Оли Бувайҳ (Алоуддавла Али ибн Бувайҳ) замонида (XI аср) эшикчи бўлганлиги учун Ибн Баввоб (эшикчи ўғли) лақаби билан аталган. Унинг ҳуснихат қоидалари «Қасидаи роия» номли бир рисоласи бор. Ибн Баввоб 413/1022 йилда вафот этган[23].

Араб хати ҳақида бизгача етиб келган энг қадимий рисола машҳур араб олими ва хат назариётчиси Ибн Баввобнинг «Қасидаи роия» рисоласидир. Йигирма икки байтдан иборат бўлган «роия» қасидасида X аср муаллифи Ибн Баввоб Ибн Муқла таълимотини давом эттириб, хат қоидалари ва хаттотлик санъати ҳақида ғоят қимматли фикрларни баён қилган (400/1010 йилда ёзилган) бу қасидада хатнинг келиб чиқишини Ибн Баввоб сўнгги давр муаллифлари сингари илоҳиётга, ҳазрат Алига олиб бориб боғламайди. Ибн Баввоб таълимотича, ҳуснихат инсон ижодининг самараси бўлиб, тасвирий санъат қаторига киради. Унинг бу назарияси қасиданинг биринчи байтиданоқ равшандир. У хаттотга шундай хитоб қилади:

یامن یرید اجادة التحریر

ویروم حسن الخط والتصویر[24]

Мазмуни:
Эй чиройли ёзишни орзу қилган
Ва хат тасвирни зебо қилишга қасд айлаган одам.

---

[22] Ўша асар, ўша бет.

[23] Бу ихтирочиларнинг таржимаи ҳолини тўла билишни истаган кишилар «Номаи донишворон»га қарасинлар, II жилд, 1894, Теҳрон, ЎзФА ШИ, № 5230, 146—151-бетлар.

[24] Ибн Баввоб рисоласи Ҳабибнинг «Хат ва хаттотон» китобида нашр қилдирилган (46—47-бет). Биз қасидадан олинган мисолларни шу китобдан кўчирдик. Мазкур қасиданинг барча байтлари «ро» ҳарфи билан тугагани учун эски адабий анъанага кўра «қасидаи роия», «ро» ҳарфи билан қофияланган қасида деб атаганлар.

*Иккинчи боб*

## ЎРТА ОСИЁ ХАТТОТЛАРИ

Барча санъатлар сингари хаттотлик санъатида ҳам юксак маҳоратга машқ ва сабр орқасидагина эришиш мумкин эканини Ибн Баввоб шундай уқтирган:

ثم اجعل التمثيل دأ بك صابراً　　ما ادرك المأصول مثل صبور

Таржимаси:

Устоднинг хатига қараб доим машқ қилишдан ўзингга келадиган жабр ва машаққатларга сабр қил. Чунки, сабр ила бу ғўра ҳалво бўлур деганлар.

Шунингдек, Ибн Баввоб хат машқини меҳнатдан иборат деб, ҳар бир ишнинг бошланишида оғир ва қийин кўриниши табиий эканини ҳамда ундан ҳеч бир чўчимаслик зарурлигини алоҳида қайд этган:

فالامر يصعب ثم يرجع هيناً　　ولرّب سهل جآء بعد عسير

Таржимаси:

Ҳар ишнинг аввали қийин, сўнгги осон бўлади. Чунки кўп машаққатларнинг қийинидан зотан енгиллик келади.

Ибн Баввобнинг хат санъати ҳақидаги бу рисоласидаги асосий ғоялар кейинчалик жуда кўп рисололарда тараққий эттирилади ва янги практик маслаҳатлар, назарий фикрлар билан бойитилади.

Бироқ Ибн Баввоб ихтиро этган хат намуналари ҳақида XVI асргача, деярли, ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Фақат XV асрнинг II ярмида яшаб 908/1502-03 йилда вафот этган араб хаттотларидан محمد بن حسن الطيبى Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тибий ўзининг جامع محاسن كتابة الكتاب рисоласида Ибн Баввоб томонидан 17 хил хат ихтиро этилганлигини тўла равишда баён қилади ҳамда бу 17 хил хатни Ибн Баввоб ёзган мўътабар нусхалардан кўчириб, уларнинг ном-

ларини бирма-бир кўрсатади. Муҳаммад Бин Ҳасан ал-Тибий рисоласини араб олимларидан доктор Салоҳиддин ал-Мунажжид 908/1502—03 йилда кўчирилган нусхасини 1962 йили факсимал шаклида нашр қилдирган ва унга катта сўз боши ёзган[1].

Мазкур рисола орқали биз Ибн Баввобга нисбат берилган хат намуналари билан танишиш имконига эгамиз.

Араб хатининг ҳуснихатдаги энг муҳим қоидалари ва турларини машҳур ихтирочи Ибн Баввоб 36 тур хатдан тубандаги 16 турини Ибн Муқладан кейин ихтиро қилганлиги ва такомиллаштирганини XVI аср (1519 йил)да яшаган улуғ хаттот Муҳаммад бинни Ҳасан Тибий ўзининг «Жомеъи маҳосини китобат ул-куттоб» номли асарида Ибн Баввоб услубида суратларини ёзиб кўрсатган.

## ИБН БАВВОБ УСЛУБИДА ЁЗИЛГАН ҚАЛАМ НОМЛАРИ

ثلث المعتاد **Сулс ул-муътод** — одатдаги сулс ёзадиган қалам ёки одатдаги сулс хати.

منثور **Мансур** — насрий сўзлар, сочма хат, бир ҳижо, икки ҳижоли сўзлар, ўрталарига нуқта, вергул ёки туриш қўйилган хат.

مقترن **Муқтарин** — сўздаги ҳарфларни бир-бирига улаб ёзилган хат.

تواقع **Тавоқиъ** (тавқиънинг кўплиги) — тавқиъ хати ўтган асрлардаги ҳужжат ва ривоятларнинг бошига ёзиладиган сўзлар шу қалам билан ёзиларди.

جليل الثلث **Жалил** ус-сулс — сулс хатининг катта, йирик ёзилгани.

مصاحف **Масоҳиф** (мусҳафнинг кўплиги) — мусҳаф қаламы.

مسلسل **Мусалсал** — домонлари ичига олинган, ҳарфларнинг учи бир-бирига бириккан, занжир каби тўқилиб ёзилган хат.

غبار **Ғубор** — майда ёзилган насх хати — қил қалам.

نسخ الفصاح **Насх ул-фаззоҳ** — очиқ ва равшан насх қалами ёки насх хати.

[1] Доктор Салоҳиддин Мунажжид, Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тибийнинг «Жомеъи муҳосини китобат ул-куттоб» китоби ҳақида, Байрут, 1962.

جليل المحقق **Жалил ул-муҳаққақ** — муҳаққақ хатининг йирик қалами.

ريحانى **Райҳоний** — вазъ-шакл ва нозикликда райҳонга ўхшашлиги бўлган хат.

رقاع **Риқоъ** — (Риқоънинг кўплиги) мактублар, кишиларга юборилган хат шу риқоъ хати билан ёзиларди.

رياسى **Раёсий** — IX аср бошида икки раёсат эгаси Фазл ибн Сахл (Маъмун вазири)га атаб ихтиро қилинган хат.

لؤلوئى **Луъ-луйи** — марвариддек териб кўчирилган хат ёки кўчирадиган қалам.

حواشى **Ҳавоши** — (ҳошиянинг кўплиги) қўлёзма ҳошияларини кўчирадиган қалам.

اشعار **Ашъор** — шеърларга махсус қалам.

Тибийнинг асарига сўз боши ёзган доктор Салоҳиддин Мунажжиднинг айтишича, бу қалам номлари XI—XII аср бошларида бизгача етиб келган қўлёзма ҳужжатлардаги қалам номларига таққосланганда, қалам намуналари худди Тибий китобида кўрсатилганидек топилган[2].

Шулардан маълум бўлишича, араб хатининг асосий график услуби ва ҳар услубдан ажралиб чиққан турлари XI аср бошидаёқ шаклланиб келган эди. Бундан сўнг ўтган хат назариётчилари ва ихтирочилари хат санъати соҳасида Ибн Бавваб ихтироларини такомиллаштириш билан шуғулланганлар. Ҳуснихат санъати ва хат қоидалари ҳақида Ибн Бавваб яратган таълимотнинг назарий аҳамияти шундаки, Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тибий рисоласидан маълум бўлишича, Ибн Бавваб биринчи бўлиб сулс хати ҳарфларининг шаклини нуқта ўлчовларига асослаган ва сулс хатининг график асосларини ихтиро этган. Ибн Бавваб ихтиро этган араб ҳарфини нуқта билан ўлчаш қоидалари сўнгги асрлардаги хат назариётчилари Мир Али Табризий, Дарвеш Муҳаммад, Дўст Муҳаммад Бухорий, Мунис Хоразмий ва бошқалар томонидан кенг қўлланади.

XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё ва Хуросонда катта иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй беради, айниқса, XIV асрнинг сўнгги чорагида Темур империясининг барпо бўлиши муносабати билан Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётида маълум кўтарилиш бошланади. Ёзма адабиёт, китобат ишлари ва

---

[2] Муҳаммад Ҳасайн Тибий, Жомеъи муҳосини китобат ул-куттоб, 7, 8-бетлар.

булар билан узвий боғлиқ бўлган ҳуснихат санъати ҳам ривожлана бошлайди. Шу даврнинг йирик маданият арбобларидан бири ҳуснихат назариётчиси ва ихтирочиси Мир Али Табризий бўлган, Афсуски, Мир Али Табризий ҳаёти ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Мир Али Табризий биринчи бўлиб насх ва таълиқ услублари асосида настаълиқ хатини ихтиро этган (бу ҳақда 54-бетга қаранг).

Мир Али Табризий настаълиқ хати ҳақида нуқта ўлчовлари асосида ғоятда мазмунли кичик бир рисола яратган. Рисола шеър билан ёзилган. Мазкур рисола қадимги замонларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалиб, настаълиқ хатининг асосий қўлланмаси бўлиб келган бўлса ҳам совет кутубхоналарида унинг биронта ҳам қўлёзма нусхаси сақланган эмас. 1911 йилда тошкентлик машҳур хаттот Шомурод котиб настаълиқ хати муфрадотни (ҳарфлар намунасини) литография усулида нашр қилдирган[3]. 12 варақдан иборат бўлган мазкур китобчадаги Шомурод котиб ёзган йирик ҳарфлар орасига Мир Али Табризийнинг шеърий рисоласи майда ҳарфлар билан жойлаштирилган. Ўз муфрадотини Шомурод котиб шундай муқаддима билан бошлайди:

تعلیم خطی که خواجه میرعلی تبریزی وضع کرده است
ازجهت دیده ور آن روز کار از زادهٔ طبع بلاغت آثار یادکار کذاشته
هرکه را فهم ودرایت باشد میر علی هراتی، که الحال شهرت تمام
دارد بچندین واسطه شاگرد اوست

Таржима:

Хожа Мир Али Табризий ихтиро қилган настаълиқнинг таълимот ва қоидалари ҳақидаги назмли рисоласини хатни чуқур танувчи замоннинг зийрак кишилари учун бадиий асарлар яратувчи табъидан чиқариб эсдалик қолдирган.

Мир Али Ҳиротий номи билан ҳозиргача шуҳрат қозониб келган улуғ хаттот Табризийнинг шогирдидир.

Шу муқаддимадан сўнг Шомурод котиб тўғридан-тўғри Мир Али Табризийнинг рисоласидан ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларини бера бошлайди. Фикримизча, Шомурод котиб эълон қилган 50 байт ҳажмидаги бу рисола тўлиқ бўлмаса керак. Шомурод котиб Мир Али рисоласининг бошланғич қисмидаги ҳамд, наът ва хат санъати ҳақидаги таълимотини тушириб қолдириб, рисоланинг фақат ҳарфларнинг ёзилиш қоидасига оид қисминигина берган бўлиши керак. Настаълиқ хатининг ижодчиси Мир Али Табризийнинг хат санъати ҳақидаги назарий фикрлари, эстетик қарашлари ҳақида, афсуски, ҳеч қандай материалларга эга эмасмиз.

---

[3] Шомурод котиб, Муфрадот, Дозволено цензур. Санс-Петербург, 5 июля 1893 года, типография братьев Каменских в Ташкенте.

Ўзини Мир Али Табризийнинг шогирди деб ҳисоблаган ва настаълиқ хати услубини классик даражага кўтарган йирик санъаткор хаттотлардан энг машҳури Султон Али Машҳадий бўлган (836/1432—33 йилда туғилиб, 926/1520 йилда вафот этган). Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларга замондош бўлган ва XV аср Ҳирот маданиятининг йирик арбобларидан ҳисобланган Султон Али Машҳадий Ҳирот ҳуснихат мактабини яратган ўз замондошларининг таъбирича «хаттотлар султони» эди. Султон Алига Навоий шундай баҳо берган эди:

قبلة الکتاب کیم دیرلار انی سلطان علی
کیم قضا کلکی مثل لیك خامه‌سی یازماس غلط
قایسی قطعه نی که یازدی باردی اندین شعرلیک
ایل سالورلار جزودانغه آیلا کیم بیر قطعه خط

Мир Али Табризийдан сўнг темурийлар даврида ўтган Султон Али Машҳадий ўзининг узоқ йиллик ҳаёти ва ғоятда сермаҳсул фаолияти билан фақат Хуросонда эмас, балки араб ёзувига эга бўлган барча Шарқ мамлакатларида улуғ санъаткор хаттот ва устод сифатида шуҳрат қозонади. Ҳаётининг сўнгги йилларида хаттотлик бобидаги улкан тажрибаларининг якуни ва назарий умумлашмаси сифатида Султон Али ўзининг хат санъати ва хаттотлик тўғрисидаги ажойиб шеърий рисоласини ёзади.

Бу рисоланинг 920/1514 йилда Султон Али қўли билан ёзилган автограф нусхаси Салтиков-Щедрин номидаги Ленинград Давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар фондида (инв. № 454) сақланади. Рисола Хуросоннинг юксак даражада зийнатланган бадиий қўлёзмаларидан ҳисобланади. Текст икки устунда Султон Али услубига хос бўлган қаламда, ҳарфлари дона-дона ажралиб турадиган йирик настаълиқ хатида жилоланиб, навватранг ипак қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Барча сарлавҳалар олтин суви ва ложувард рангда битилган. Рисола текстлари зарҳал билан чизилган жуда нафис жадваллар ичига олинган. Қўлёзманинг 1 *б* варағи бошида нафис унвон бор, унвон ўртасида Жалолиддин номли қўлёзма музаҳҳибининг номи ёзилган. Нусханинг 1 *б*, 2 *а* текст оралиқлари яхлит тилла суви билан қопланган. Қўлёзманинг барча ҳошиялари ўсимлик, фантастик ҳайвонлар ва паррандалар расми билан безатилган. Қўлёзма ўзининг дастлабки тўқ мошранг тусдаги лак билан қопланган муқовасида етиб келган. Рисолага сарлавҳа қўйилмаган, аммо рисола муаллифи Султон Али Машҳадий экани ҳақида қўлёзманинг 2 *б* варағида шундай байт бор:

چونکه از مشق بیحد و بعید
شدلم القصه شهرۂ مشهد

Бундан бошқа қўлёзманинг охирги 14 *а* варағидаги колофонда ҳам:

كتبه المذنب سلطان على المشهدى

сўзларининг ёзилиши асар муаллифи Султон Али эканидан далолат беради. Рисоланинг яратилиши ҳақида унинг сўнгги бобида шундай дейилган:

ذکر اتمام نظم این نامه
نهصدوبیست زد رقم نامه

Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Султон Алининг «хаттотлар қиблагоҳи» рисоласи мусулмон Шарқида кенг тарқалгандир. Бу рисоланинг бешта қўлёзма нусхаси ҳозирги пайтда ажнабий мамлакат кутубхоналарида мавжуд эканини Галина Ивановна Костигова ўз асарида кўрсатиб ўтган[4]. Булардан XVII—XVIII асрларда кўчирилган иккита нусхаси Париж миллий кутубхонасида, яна бир тарихи кўрсатилмаган нусха Бодлеан кутубхонасида сақланмоқда. Яна XVIII асрда кўчирилган иккита нусхасининг Калькуттада экани маълумдир.

Ҳозирги замон эрон олимларидан Аббос Иқбол ўзининг Султон Али ҳақидаги мақоласида Эронда Султон Али рисоласининг бир қанчаси мавжудлигини айтиб, рисоланинг машҳур хаттот Мир Имод кўчирган нусхасидан бир бетини нашр қилдирган[5]. Султон Алининг мазкур рисоласини рус ва Европа шарқшунослари ҳам ўз асарларида эслаб, юқори баҳолаганлар[6].

Султон Алининг хат ҳақидаги рисоласи кичик-кичик 32 бобдан ташкил топган. Мавжуд анъаналарга мувофиқ рисола ҳамду сано ва наътлардан бошланади. Султон Али ҳам Шарқ манбаларига суяниб, араб хатининг биринчи ихтирочиси халифалардан ибн Али Толиб Муртазо экани ва бу шахс яратган

---

[4] Султон Али рисоласи асосида ленинградлик олима Галина Ивановна Костигова 1953 йили «Султон Али Машхеди как художник-каллиграф Герата XV века» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1957 йилда эса Султон Али рисоласининг Ленинграддаги автографи нусхасининг факсимиле йўли билан нашр қилдирган (Қаранг: Г. И. Костыгова, Трактат по каллиграфии Султон Али Машхеди, Труды Гос. публ. библ-ки им. Салтыкова-Щедрина, Восточный сборник شرقیه, Ленинград, типография ГПБ, том II (V), стр. 103—163).

[5] عباس اقبال قبلة الكتاب سلطان على مشهدى «يادگار» ١٣٢٤

[6] А. А. Семенов, Гератское искусство в эпоху Алишера Навои, в книге «Родоначальник узбекской литературы», сборник статей об Алишере Навои, узбекский филиал АН УзССР, 1940, стр. 136; Б. Н. Заходер, Введение, перевод, предисловие и комментарии к трактату Казы Ахмеда о каллиграфах и художниках, М.—Л., Изд-во «Искусство», 1947.

биринчи хат услуби **кўфий** хати эканини кўрсатиб ўтади. Кейинчалик **кўфий** хатини тараққий эттириб. Ибн Муқла ва Ибн Баввоблар араб хатининг олти асосий услубини ихтиро қилганликларини ёзади. Шуниси диққатга сазоворки, Султон Алидек устод ҳам ўзини Мир Али Табризий шогирди эканини рисоласининг бир байтида шундай эътироф этган:

بندهٔ سلطان علی غلام علیست　　شهرت خطّ او ز نام علیست

Рисоланинг қолган асосий бобларида ҳуснихат санъати, эстетик хусусиятлари, хат услублари, барча ҳарфларнинг яккама-якка ва қўшиб ёзиш қоидалари, қоғоз, қалам, сиёҳ ҳамда бошқа ёзув қуролларининг таърифи, санъаткор хаттотнинг бурчи ва вазифалари ғоятда сиқиқ ва сермазмун мисраларда ифодаланган.

Султон Али улуғ санъаткор устод сифатида узоқ-яқиндан келган жуда кўп турк ва тожикларга меҳрибон мураббийлик қилиб, хат санъати ҳақида таълим берганини шундай ёзган:

پیش من مهو شان سیم ذقن　　بهر تعلیم خط بوجه حسن
آمد ندی ز دور واز نز دیک　　خواه از ترک خواه از تازیک

Таржима:

Менинг олдимга ҳуснихат ўрганиш учун турк ва тожиклардан ой каби чиройли оқ томоқ узоқ-яқиндан келар эдилар.

Настаълиқ услубидаги ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларида Султон Али Машҳадий ҳам Ибн Баввоб ва Мир Али Табризийларга ўхшаш нуқта асосига қурилган ўлчовлар системасини қўлламасдан ҳар бир ҳарф асосий график шаклларининг усул ва таркибларини умум тарзда тасвирлаган.

اصول و ترکیب کراس ونسبة　　صعودو تشمیر وار سال
ظاهر خط اصول و ترکیب است　　کرسی ونسبتش ترتیب است
بعداینها بود صعودونزول　　شمره هم داخلست وهست قبول

Яъни[7] хатнинг қоидаларини билиш ёлғиз ҳарфлар, муфрадотни ўрганишга қаратилган. Чунки у аслдир.

Хат ўрганишнинг асоси муфрадот ва мураккабот, яъни ёлғиз ҳарфлар ва сўз қитъаларини кўп машқ қилишдадир. Машқнинг йўли шуки, хатнинг таълимида назарни яхши ташлаш керак.

Хатнинг бир-бирига боғланиши унинг юқори ва қуйи, баробар ёзилиши ва ўз жойига туширилиши, бир-бирига нисбати ва ўз жойига туширилиши, бир-бирига нисбати ва домоналарининг бир-бирига баробар ёзилишидадир.

---

[7] Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорий, Фавойид ул-хутут, ЎзФА ШИ, № 2617, 23, 24, 26-бетлар.

Тамом қоидага риоя қилиб, ўртада бир нуқта миқдори ташлаб, ҳар бир ҳарфни ҳарфларнинг ён-ёнига ёзиш керак, шундагина бузилган ё дуруст ёзилган ҳарфлар бир-биридан бир оз ажралиб туради. Мана шу турдаги машқ таркиб боғлаш, тартиб, нисбат ва хатнинг дуруст бўлишига сабаб бўлади. Ислоҳ юзасидан хат нуқталар таркибидан иборатдир. Чунки хат нуқтага асосланган ёки нуқтадан олинган ва معروف قواعد دربيان бобида қисқа равишда ҳарфларнинг асосий график шаклларининг тасвири берилади:

حرکت‌در الف سه‌نقطه‌می باید　　　گرچه آن از قلم همی آید

بی و تی را اگر کشی تودرا ز　　　اوّلش بر اخیر مشرف ساز

Аммо Султон Али рисоласининг энг қимматли жиҳадларидан бири, унинг ҳуснихат санъати ҳақидаги назарияси хат санъатининг эстетик асослари ва хаттотнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатишдадир.

Хаттотлик билан халққа хизмат қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган одам меҳнатсевар, камтар, ўз нафсини тия олган, руҳан пок бўлиши керак дейилади. Инсонга юксак бадиий завқ берувчи хат пок қалб маҳсули дейилади. Султон Али Машҳадий ўзининг бу назарий фикрларини амалда юзлаб кўчирган, Хирот хаттотлик мактабининг классик намунаси ҳисобланган бадиий қўлёзмалари билан исботлагандир.

Биз олиб борган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Султон Али рисоласининг XIX аср бошларида кўчирилган қолган икки нусхаси топилди. Қўлёзма 10 (252 *а*—261 *б*) варақдан иборат, формати 12×19,5. Текст икки устунда йирик настаълиқ хатида жойлаштирилган. Асосий текст қора сиёҳда, сарлавҳалари эса сурхда ёзилган. Қўлёзма XIX асрнинг II ярмида китобат қилинган бўлиши керак. Қўлёзманинг бошида рисоланинг номи шундай ифодаланган:

رساله در تعلیم خط از استاد خفی وجلی یعنی میر علی قدس الله تعالی روحه...

«Майда ва йирик хат устоди Мир Алининг хат таълимоти ҳақидаги рисоласи». Сарлавҳадаги Мир Али сўзи хато ёзилган, асли Султон Али бўлиши керак. Қўлёзма 26 бобни ўз ичига олган, рисоланинг Ленинград нусхасига нисбатан олти боби етишмайди. Рисола тексти ҳам анча бузилиб кетган. Биринчи байтлари тушиб қолиб, уларнинг ўрнига Султон Алига алоқадор бўлмаган янги байтлар киритилган. Бир қанча боб сарлавҳалари ҳам ўзгартириб ёзилган. Бироқ биз учун шуниси муҳимки, мазкур қўлёзма нуқсонларига қарамасдан, кўп

кишилар томонидан мутолаа қилиниб, улар хат санъати ҳақида бу рисоладан баҳраманд бўлганлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган (инв. № 8528/XV) қўлёзма Султон Али рисоласининг бирмунча қисқартирилиб, кўп ўринларда бузиб кўчирилган нуқсонли нусхасидир. Рисола наввот рангдаги қалин Самарқанд қоғозига йирик настаълиқ хати билан ёзилган, китобат йили ва котиби кўрсатилмаган. Муқова таркибидаги бошқа асарларнинг хат услуби ва палеографик аломатларига қараганда, бу нусха ҳам Бухоронинг ҳозирги Қоракўл районида кўчирилган бўлиши керак. Рисоланинг бошида котибнинг бир ярим бетдан иборат насрий муқаддимаси берилган, сўнгра Султон Али рисоласининг назмдаги тексти бошланади, варақлар сони 8 (141 *б*—148 *б*), формати 15 × 22,5.

Демак, биз кўздан кечирган Султон Али рисоласининг уч нусхаси ичида энг мукаммали Ленинграддаги автограф қўлёзма бўлиб, бу рисола беш асрдан бери Ўрта Осиё ва Эронда ҳукмрон бўлган асосий хат услуби настаълиқ хатини ўрганишда энг муҳим ва асосий манба ҳисобланади.

Султон Алига замондош бўлиб, Ҳиротда ўтган яна бир ҳуснихат назариётчиси مجنون بن کمال الدین رفیقی Мажнун ибн Камолиддин Рафиқий Ҳиравийдир[8]. Мажнун Рафиқий форс тилида шеър билан رسالهٔ قواعد خطوط «Рисолаи қавоиди хутут» номли асар ёзиб қолдирган. XV асрда яратилган ҳуснихат санъати ҳақидаги бу рисоланинг ҳижрий 1282 йили Бухорода Умархожа бин Абдулазизхожа томонидан кўчирилган бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. № 8525/XVI).

Қўлёзма йирик бадхат настаълиқда қора сиёҳ билан жилоли Самарқанд қоғозига ёзилган, варақлар сони 17 (*вв* 150—166). Рисола 14 та майда бобдан иборат. Ўн тўртинчи боби ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, бунда ҳарфларнинг сурати ва ёзилиш қоидалари кўрсатилган. Мажнун Рафиқий ҳам Мир Али Табризийга эргашиб, ҳарф шаклларини нуқта ўлчови системасига қурган. Бу тўғрида рисолада шундай парча бор:

بدان ای در فنون فضل کامل     که خط از نقطه ماخوذ است حاصل
چو دانستی که اصل خط چه چیز است     بداند هر که او اهل تمیز است
که در خط نقطه میزانست بی قیل     چو اندر شعر افاعیل و تفاعیل
بیا مجنون قلم گوهر فشان کن     بقا دون وزن هر حرفی بیان کن

---

[8] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, *в* 218.

Масалан, нун ҳарфининг ёзилиши шундай баён қилинган:

سر نون را به نزد مرد دانا    سه نقطه باید اندر ثلث اما
ولیکن در محقق افسر نون    حدش از چهار نقطه نیست بیرون

Афсуски, Мажнун Рафиқий рисоласида ҳуснихат санъати ва унинг эстетик нормалари тўғрисида ҳеч қандай фикр юритилмайди. Шунга қарамай, Мажнун Рафиқий рисоласи XV аср ҳуснихат санъатини ўрганишда ўз қимматига эгадир.

XVI асрда Султон Ҳусайн вафотидан сўнг Хуросон давлати ўзбек хонлари ва сафавийлар қўлига ўтиши муносабати билан Ҳирот ва Машҳад ўзининг аввалги мавқеини йўқотиб, эндиликда маданий марказ Бухоро ва қисман Самарқандга ўтади. Кўп олим, шоир, рассом ва хаттотлар Ҳиротдан бошқа шаҳарларга кўчиб кетадилар, ана шу пайтда Ҳирот хаттотлик мактабида етишган Султон Али шогирдларидан баъзилари Бухорода истиқомат қилиб, Ҳирот хаттотлик санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттирадилар. Ўрта Осиёнинг Бухоро, Хива, Самарқанд ва Қўқон каби шаҳарларида талантли хаттотлар етишиб чиқади, хат санъати ҳақида янги-янги рисолалар пайдо бўлади. Ана шулардан бири XXI асрда Бухорода ўтган ҳуснихат назариётчиси Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорийдир. Унинг 995/1586—87 йили Бухорода яратган катта ҳажмдаги فوايد الخطوط «Фавоид ул-хутут» асари Ўрта Осиёда яратилган ҳуснихат ҳақидаги йирик ва мўтабар рисолалардан бири ҳисобланади. Бу асарнинг 1222/1807—008 йили Бухорода Амир Ҳайдар замонида кўчирилган мукаммал бир нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 2617).

Рисола наср ва назмда ёзилган, 70 варақдан иборат, қўлёзма формати 11,5×20,5, котиби Ибн Мирзо Ғаззолий. Рисоланинг асосий тексти юпқа кулранг жайдари қоғозга оддий настаълиқ хатида кўчирилган. Боблари сарлавҳалар билан ажратилмаган. Аммо текст ораларида қизил сиёҳ билан حکایت و بیت **ҳикоят** ва **байт** сўзлари ёзилган. Барча варақ текстлари бир чизиқли содда жадвал ичига олинган.

Дарвеш Муҳаммад рисоласи ўзининг бой мазмуни ва оригинал илмий-назарий хулосалари нуқтаи назаридан XVI аср хаттотлик назарияси ва практикасида алоҳида ўрин тутади. Рисоланинг биринчи қисмида ёзувнинг келиб чиқиш тарихи, хат ижодчиларининг таржимаи ҳоли, араб ёзувининг 14 хил усули, ҳар бир усулнинг келиб чиқиш тарихи, терминлари ва терминлар этимологияси берилган. Рисоланинг иккинчи қисмида эса (Дар баёни таълими хат) хатнинг асосий

турларидан еттитаси: муҳаққақ, сулс, тавқиъ, райҳон, насх, риқоъ ва ғубор усулларининг муфассал тавсифи ва ёзилиш қоидалари баён қилинган. Айни замонда Дарвеш Муҳаммад ўз рисоласида ҳуснихат санъатининг сирлари ва бу санъатда маҳорат қозониш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу рисоланинг ярмидан кўпида (27 *б* варағидан охиригача) ҳар бир ҳарфнинг алоҳида ёзилиши ва бошқа ҳарфлар билан қўшиб ёзиш батафсил ва ғоятда содда тил билан тушунтирилган. Рисолада барча хат услубидан муаллиф настаълиқ билан сулс хати устида кўпроқ тўхтайди ва бу икки услубдаги хатларни ёзиш қоидаларини тўлиқ кўрсатиб ўтган.

Дарвеш Муҳаммад ҳуснихат санъати ҳақидаги фикрларни назмга сиғдириб бўлмайди деган. Мисол келтирамиз:

نظم فرمودن قواعد خط     هست نزد فقیر محض غلط
نتوان هم به نثر بنوشتن     واندرین باب نیست هیچ سخن
ز انکه خطرا حدو بد ایت نیست     هم چو الفاظ کش نهایت نیست
. . . . . . . . . . . . . . . .
علم خط دانکه هست پوشیده     کس ندانسته تانکوشیده

Мазмуни:

Хат қоидаларини назм билан баён қилиш, менинг фикримча, ғалатдур. Ҳатто буни насрда ҳам ёзиб бўлмайди. Бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас, чунки кишининг оғзидан чиққан лафзларга чек бўлмаганидек, хатнинг ҳам бош ва охири, чегараси йўқ. Лекин аввал муфрадотдин бир неча ҳарфларни кўрсатаман: қатор ҳарфлар борки, уларнинг суратлари бирбирига ўхшаш ҳам бирдек. Мана буни манзум — тизилган ҳарфлар деймиз. Бу сўз тўғри ва ҳақиқатдир. Хатнинг хоҳ муфрадоти ва ё мураккаботлари مفردات و مرکبات бўлсин, алифдан то хамзагача нуқталар билан (ўлчана)дир. Мана буларнинг барчасини хат қоидалари дейилса бўлади. Буларнинг 1—2 тури ҳам одамлардан яширин эмас[9].

Биз Дарвеш Муҳаммад Бухорий рисоласида бундай қимматли фикрларни жуда кўп учратамиз. «Хат қоидаларини назм билан баён қилиш, менинг фикримча, ғалатдур, ҳатто буни насрда ҳам ёзиб бўлмайди» дер экан, муаллиф бу ўринда ҳуснихат санъатининг эстетик, эмоционал моҳиятини кўзда тутади. Дарвеш Муҳаммад Бухорий хат санъатини унинг ҳусни ва гўзаллигини сўз билан ифодалаш мумкин эмаслигини тўғри кўрсатади.

---

[9] Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорий, Фавоид ул-хутут, вв 26б—27*а*.

Рисола мазмунидан шу нарса ойдинки, Дўст Муҳаммад Бухорий ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган хат назариётчилари ҳаёти ва рисолаларидан яхши хабардор бўлган. Ибн Баввоб, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий ва Мир Имод рисолаларидан фойдаланган, ҳатто у ўз асарида Султон Али Машҳадий рисоласидан бир неча парчаларни мисол сифатида келтиради ва бу парчаларни ўзича яна кенгайтириб талқин қилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, Дарвеш Муҳаммад Бухорийнинг форс тилида яратилган «Фавоид ул-хутут» рисоласи Ўрта Осиёда яратилган ҳуснихат санъати ҳақидаги қадимий ва энг муҳим асарлардан биридир[10].

Ўзбекистонда хат санъати ҳақида яратилган XVIII аср рисоласи машҳур ўзбек шоири ва маҳоратли хаттот Мунис Хоразмийнинг سواد تعليم «Саводи таълим» асаридир[11]. Мунис Хоразмий XVIII аср охирлари ва XIX аср бошларида ўтган ўзбек адабиётининг атоқли шоиригина эмас, балки ўз замонасининг маҳоратли хаттоти ва хат санъати бобида йирик назариётчи ҳам эди. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Мунис ўзининг бу рисоласини узоқ йиллик хаттотлик тажрибасига суяниб ва ўзигача бўлган рисолалардан фойдаланиб ёзган.

Мазкур рисоланинг автографи ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Бу қўлёзманинг автограф эканлиги нусханинг 133 *а* варағида[12] тубанда келтирилган колофондан маълум:

---

[10] Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорийга замондош араб олимларидан محمد بن حسن الطيبى Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тибийнинг 908/1503—03 йилда ёзган جامع محاسن كتابة الكتاب «Жомеъи муҳосини китобат ул-куттоб» рисоласини ҳозирги араб олимларидан доктор Салоҳиддин Мунажжид 1962 йилда Байрутда факсимиле билан нашр қилдирган. XVI аср муаллифи ал-Тибий ҳам ўз рисоласининг муқаддима қисмида ҳуснихат назарияси ҳақида қимматли фикрлар баён қилади, автор хуснихатни: «Илгари хат фақат илм олиш қуроли бўлган бўлса, кейин у ўзида ҳаёт қайнаб турадиган ва ичида сеҳр қилувчи кучга эга санъатлардан бири бўлиб қолди» деган. Ал-Тибий Ўрта Осиё ва Эрон хаттотлари ва хат назариётчилари хизматини эътироф этиб: «Бу хат санъати тараққий эта бериб, ниҳоят, соясида унинг услублари 80 га етди. Балки ундан ҳам ошди» деган эди. Ал-Тибийнинг бу рисоласи кейинчалик Бухоро, Хива ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги хаттотлар аҳлига таниш бўлиши керак (қаранг: Муҳаммад бин Ҳусайн ал-Тибий, Жомеъи муҳосин ул-куттоб, Нашр қилувчи ва сўз боши муаллифи доктор Жалолиддин Мунажжид, Байрут, 1962.

[11] Мунис Хоразмий майда ва йирик настаълиқда кўп китоблар кўчирган.

[12] Девони Мунис, ЎзССР ФА ШИ, Қўлёзма, инв. № 1330 *в*, 133 *а*.

من تسوید مؤلّفه شیر محمد الملقّب بالمونس الخیوقی

Мазкур колофонда ёзилишича, Мунис бу асарни 1219/1804—1805 йилда кўчирган. Ўзбек тилида шеър билан ёзилган бу рисола ғоятда гўзал майда настаълиқ хатида қора сиёҳ билан юпқа, шалдироқ, наввотранг қоғозга ёзилган. Текстлар нафис жадвал ичига олинган. Қўлёзма яхши сақланган. Китоб формати 15,5 × 19,5, варақлар сони 11 (124 *б*—133 *а*). Рисола 17 бобдан иборат. Рисоланинг бошланғич беш бобида ҳамд, сано, наът берилади ва унинг ёзилиш сабаблари баён этилади. Олтинчи бобдан ўн олтинчи бобигача ҳуснихат тарихи хаттотлик асбоблари (қалам, сиёҳ, қоғоз ва бошқа ёзув ашёлари) ҳақида баҳс юритилади. Рисоланинг ўн еттинчи боби эса барча араб ҳарфларининг нукта ўлчовлари усули асосида ёзилиш қоидалари кўрсатилган.

Муниснинг мазкур асари XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда яратилган энг муҳим рисола ҳисобланади. Муниснинг ўзи замонасининг энг моҳир хаттотларидан бўлган. Унга хаттотлик соҳасида устозлик қилган шахс عبداللطیف ابن قاضی صفا Абдуллатиф ибн Қози Сафо бўлган. Ҳуснихат бобида мактаб кўрган ва хаттотликда юқори камолотга эришган Муниснинг хат санъати ҳақида рисола яратиши табиий эди. У ўз рисоласида ўзидан аввал ўтган Мир Али Табризий ва Султон Али Машҳадий каби устодлар назариясидан фойдаланади ва кўп ҳарфларни ёзиш қоидаларига янгиликлар киритади.

Мунис ўз рисоласини ёзишдан аввал қўлига бир рисола тушганини ва ундан илҳомланганини шундай баён қилган:

تا ایلیکماتوشتی بو رساله همت کمرین بیلیم گا باغلاب
بیر دیم قلمیم آتیغه مهمیز
خط قاعدهسی آییغه هاله نظم ایلا گالی اوزومنی چاغلاب
میدانورق اوز اسوزوب تیز

(*в* 125 *б*).

Мунис рисоласининг тузилиши, бобларга бўлиниши ва, умуман, мазмуни унинг Мир Али Табризий рисоласига яқинлигини кўрсатади, айниқса, Мунис рисоласининг иккинчи қисмида настаълиқ услубидаги ҳарфлар шаклининг нукта ўлчови билан баён қилиниши бу асарнинг мазмун эътибори билан бевосита Мир Али Табризийдан фойдаланиб ёзилганини очиқ кўрсатади.

«Саводи таълим ва гулдаста райоҳин» گلدستهٔ ریاحین номи билан 1910 йилда чоп этилган ҳуснихат рисоласининг бир нусхаси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

(инв. № 7654). Бу рисола, асосан, Мунис Хоразмий рисоласининг тош босма нашри бўлиб, китобнинг 5—25-бетларида настаълиқ муфрадотлари берилган. Китобнинг 26—30-бетларида эса насх хати ҳарфлари нукта ўлчови қоидалари билан кўрсатилган. Рисола ўз замонасида дарслик сифатида ҳуснихатдан қўлланма вазифасини бажарган.

Шунга ўхшаш яна бир ҳуснихат дарслигини Муҳаммад Азим ибн Рўзи Муҳаммад محمد عظیم بن روزی محمد «Мироти таълим» («Таълим ойнаси») مرآت تعلیم номи билан 1930—1912 йили Тошкентда нашр қилдирган[13]. Бу рисола бошланғич мактабларнинг III—IV синф шогирдлари учун ҳуснихатдан дарслик сифатида ёзилган.

Бу асар ҳам настаълиқ хати услубидаги ҳарфлар нормаларини нукта ўлчовларида Мунис Хоразмийга нисбатан яна ҳам равшанроқ ифодалаган. Рисолада Муҳаммад Азим хат шакллари ва қоидаларини ёзиб тугатгач, асарнинг 13-бетидан бошлаб настаълиқ ва насх хатларининг муфрадотларини ҳам берган. Рисолада хат санъати ва унинг эстетик нормалари ҳақида фикрлар йўқ. Чунки рисола мактаб ўқувчилари учун дарслик қўлланмаси бўлган.

Тошкент хаттотлари билан бир қаторда Фарғона ҳуснихат вакиллари ҳам ўз амалий фаолиятлари билан бир қаторда ҳуснихат назариясига оид асарлар яратган бўлсалар керак. Афсуски, XVIII ва XIX асрдаги Қўқон адабий муҳити ва Фарғонанинг бошқа шаҳарларида биронта рисола яратилгани бизга маълум эмас. Бироқ XX аср бошига келганда, Фарғона водийсида ҳам маданият, маориф соҳасида маълум тараққиёт рўй бериши муносабати билан Наманганда ўтган Исҳоқхон جامع الخطوط «Жомеъ ул-хутут» номли ёзув тарихи ва ҳуснихат санъатига оид китоб яратган, 1330/1912 йили Наманганда Исҳоқхоннинг ўзи ташкил этган босмахонада чоп этилган бу асар дунёда энг машҳур бўлган 41 хил ёзув намуналарини намойиш қилган. Шулар қаторида Исҳоқхон араб ёзуви ҳақида гапирар экан, настаълиқ хатининг устозлари ҳақида

ایران شهری نینك تبریز دیکان بلده‌سیده خواجه میر علی
تبریزی چیقارکانلار نسخ ایله تعلیق دن مرکب بولکان اوچون
نستعلیق دیب اسم قویکانلار.

---

[13] Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, тошбосма, № 7665.

деб кўрсатиб ўтади[14]. Исҳоқхон ҳам ўз рисоласида араб хатининг сулс, тавқиъ, райҳон, зулф, ҳумоюн, турра шаклларини кўрсатиб ўтган. Биз илгари таниш бўлмаган ҳуснихат ҳақидаги бошқа рисолалар ҳам бўлиши мумкин. Аммо, биз санаб ўтган рисолалар, асосан, Хуросон ва Ўрта Осиёда яратилган бўлиб, ҳар бир рисола ҳуснихат санъатининг такомили учун хизмат қилган ва ўз замонасида одамлар учун хаттотликда амалий қўлланма ролини бажарган.

## МЕЪМОРЛИК, ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА БАДИИЙ ИЖОДДА ҲУСНИХАТНИНГ ЎРНИ

Мусулмон Шарқи деб аталган ва араб ёзувини қабул қилган мамлакатларда ҳуснихат турли тараққиёт босқичларини ўтиб, ўзининг маъно ташувчилик вазифаси билан бир қаторда, кишига бадиий завқ берувчи юксак савиядаги санъат асарига айланган. Араб ёзувининг турли услубларида намоён бўлган ҳуснихат санъати нақш сифатида меъморчилик, ўймакорлик, кийим-кечак, уй-жиҳоз безаклари ва бадиий ижодда тасвир воситаси сифатида кенг қўлланган.

Хуросон ва Моваруннаҳрда XV ва XVI асрларда меъморчилик санъати кенг тараққий этган. Темур ва Темурийлар даврида бунёд қилинган Самарқанд Ҳирот, Балх, Мозори Шариф, Хива, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги мадраса, масжид, мактаб, хонақоҳ ва турли хил жамоат бинолари, саройлар, улуғ зотлар мақбараларининг нақшини ташкил қилган асосий бадиий омиллардан бири ҳуснихат санъатидир. Агар биз Бухоро, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларидаги ўрта аср биноларига кўз ташлар эканмиз, улкан биноларнинг гумбазлари, пештоқлари ва бинонинг ички безакларида ҳуснихат асосий ўринлардан бирини ишғол этганини кўрамиз. Киши кўзини қамаштирувчи кошинлар орасига ёзилган турли ўлчов, ранг-баранг бўёқлардаги ёзувлар ўзининг ранг, чизиқ ва шаклий мутаносиблиги, жозибадорлиги билан кишини мафтун қилади. Агар Европа халқларида табиат манзаралари ва жамият ҳодисаларини акс эттирувчи катта полотнодаги расмлар тараққий этган бўлса, бу хилдаги монументал санъатдан бири Ўрта Осиёда ҳуснихат билан зийнатланган Шарқ архитектураси—меъморчилик санъати ташкил этган.

Ўрта Осиёнинг классик архитектура ёдгорликлари ҳисобланган Самарқанддаги Регистон, Шоҳизинда, Бибихоним мадрасаси, Гўри Амир ва Бухоро, Хива биноларида нақш сифатида кўфий, сулс, риқоъ, райҳоний ва насх ёзувлари ишлатилган.

---

[14] Исҳоқхон, Жомеъ ул-хутут, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. № 14341.

XIX ва XX асрнинг бошларига келганда, Ўрта Осиё меъморлик санъатида кўпроқ настаълиқ хати қўлланган.

Ҳуснихатнинг санъат намунаси сифатида кенг қўлланган соҳаси ёғоч, тош ва металлга ишлатилган ўймакорликлардир. Ўрта Осиёдаги жуда кўп сарой, мадраса, мақбара, масжид, дарбоза ва устунларга диний ва дунёвий мазмунда турли оятлар, тарихлар ва шеърий парчалар ёзилганини кўриш мумкин. Гўри Амир дарбозаси, Хивадаги тош ҳовли устунларига ёзилган шеърлар, қабр тошлари устига ўйилган лавҳалар, ўрта аср қилич, қалқонларидаги турли хил матинлар, уй-рўзғор асбоблари, чойдиш, қумғон, баркаш, лаган ва товоқлардаги ёзувлар фикримизнинг равшан далили бўла олади.

Ҳуснихат санъати нақш сифатида Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўрта Осиёда гилам ва матолар безагида ҳам муҳим ўрин тутган. Сўзлар билан безатилган гилам, чойшаб, дорпеч, палак, либос, рўмол, белбоғ ва шунга ўхшаш уй жиҳози ва кийим-кечакларни жуда кўп учратиш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг тубандаги ғазали бундан беш аср илгари ҳам рўмолларга дунёвий мавзудаги шеърлар тикилиш одати кенг тарқалганлигидан далолат беради:

یاغلیغینک ای کیم تیکارسین ایکنه مژکانیم نی قیل
نقش ایتاردا تاری آنینك رشتهٔ جانیم نی قیل
ایستاسانک تارین قیزبل یاخود قرا قیلماققه رنک
کوز قراسین حل قیلیب کوزدین آقار قانیم نی قیل
کر دیسانک هر یان قیزیل کل لار قیلای نسخت انکا
کوکسوم آچیب تازه قانلیغ داغ هجرانیم نی قیل

غنچه‌لار کل یانیدا تیکمک تخیّل ایلاسانک
انکا نسخت کونکل آتلیغ زارو حیرانیم نی قیل
کر دیسانک هر یان پری شکلین نمودار ایلایین
وه‌نی نوع ایتای ولی منظور جانانیم نی قیل
قیلسانک اول یاغلیغ ارا بر شعر یازماق‌لیق هوس
اندا هر یان نقش بر نظم پریشانیمنی نی قیل
ای نوایی کیم که بو یاغلیغ نی تیکسا یار اوچون
مزدی جانیم جوهری و نقد ایمانیم نی قیل

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё халқларининг бадиий ижоди ва эстетик тарбиясида ҳуснихатнинг ўрни ниҳоятда зўр бўлган, маданий ҳаёт ва санъат тарихида энг муҳим ўринлардан бирини ишғол этган. Араб ҳарфлари график шаклларининг ҳар бири мустақил ҳуснга эга бўлиб, маълум эстетик жозиба касб этгани учун бадиий адабиётда ҳам тасвирий

восита сифатида кенг қўлланган. Форс-тожик ва туркий тилда ижод этган Ўрта Осиё шоирлари араб ҳарфларидан бадиий приём воситаси сифатида фойдаланганлар. Лирик қаҳрамоннинг қомати «алиф»га ўхшатилган. Ҳижрондаги ошиқнинг букилган қадди «дол»га, маҳбубанинг зулфи «жим» ҳарфига, қош-кўзи «нун», тишларини эса «син» ҳарфларига ўхшатиш тез-тез учраб туради. Араб ҳарфларининг график шаклларидан бадиий приём сифатида фойдаланиш Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Жомий, Навоий ва Бобир асарларида катта ўрин олган. Бу ажойиб поэтик ижод анъаналари сўнгги асрларда Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий ва Фурқат ижодида ҳам давом этган. Бу соҳада биз тўплаган материаллар таснифи араб ҳарфларидан бадиий ижодда фойдаланишнинг тўрт хил усули мавжуд эканини аниқлашга имкон берди:

1. Шоирлар араб ҳарфлари шаклидан лирик қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси — суратини тасвирлаш учун фойдаланганлар. Мисоллар:

Тушганим Мажнун била Фарҳод аёғига кўриб,
Гоҳ танимни «нун» (ن) қилиб, гоҳи қаддим «дол» (د) айламиш.

*(Навоий)*

«Алиф» (ا) дек қадинг ёдида ғам чекиб,
Қадим ҳайъат аро «нун» (ن) бўлдило.

*(Мунис Хоразмий)*

Нуқта (٠) лаб устида бежодур дедим, айди кулиб,
Сахв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.

*(Фурқат)*

Сен «алиф» (ا) дек тўғри бўлсанг, ҳеч бало йўқдир санга,
Лом — алиф (لا) дек эгри бўлсанг, ҳар бало бордур санга.

*(Халқ мақоли)*

Хушнависиким шабу рўз кунад машқи фунун,
Гарданаш «долу» (د), сараш «вову» (و), танаш гардад нун (ن)

2. Лирик қаҳрамоннинг ички дунёси — сурати сўз ўйини шаклида ифодаланади. Мисоллар:

Кўнглимга дард келгали хам бўлди қоматим,
Қадим магарки «дард» аёқидоғи «дол» (د) дур.

*(Бобир)*

Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қасдим учун «нас» (نص) келтурур «нун» (ن)
элтибон «сод» (ص) устина.

*(Огаҳий)*

«Алиф» (ا), «бе» (ب) дегач устод ибтидодин,
«Алиф» (ا) олди аламдин, бе (ب) балодин.

*(Навоий)*

3. Қаҳрамонларнинг аҳвол — руҳияси бирор сўзнинг барча ҳарфларига янги сўзлар орқали маъно бериш усули билан ифодаланади. Мисоллар:

«Жон»им (جان) деги «жим» (ج) икки домингға фидо,
Андин сўнг «алиф», (ا) тоза ниҳолингға фидо.
«Нун» (ن) и доғи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолган икки нуқта (. .) икки холингға фидо.

*(Навоий)*

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди.
Хуруфи махзанин беш қисм қўйди.
Ф (ف) ироқу, р (ر) ашку, ҳ (ه) ажру, о (ا),
ҳ илад (د) ард.

Бирор ҳар ибтидодин айлабон фард,
Барин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккибдин бу исм (فرهاد — А. М.) улди мураттаб.

Кўзум ёруғ тилар эрсанг, ёшурма холингни,
Ки кўр (کور) улур кўз (کوز) агар нуқтасин ниҳон
қилсанг.

4. Хат услублари номларидан ҳам бадиий ифода сифатида фойдаланиш. Мисоллар:

Ҳавои ҳоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдан мардум,
Ғубор (غبار) ила баёзи дидаи хунбора ёзмишлар,

Гулистони сари қуйинг сифатин боб-боб, эй гул,
Хати райҳон (ریحان) ила жадвал чекуб гулзора
ёзмишлар.

Боғ лавҳаини хазон барги зарафшон айлар,
Об ул лавҳда машқи хатти райҳон (ریحان) айлар.

*(Фузулий)*

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд минглаб китоблар ва китобат санъати, ҳуснихат тўғрисидаги қатор рисолаларда берилган маълумотлардан ҳусни-

восита сифатида кенг қўлланган. Форс-тожик ва туркий тилда ижод этган Ўрта Осиё шоирлари араб ҳарфларидан бадиий приём воситаси сифатида фойдаланганлар. Лирик қаҳрамоннинг қомати «алиф»га ўхшатилган. Ҳижрондаги ошиқнинг букилган қадди «дол»га, маҳбубанинг зулфи «жим» ҳарфига, қош-кўзи «нун», тишларини эса «син» ҳарфларига ўхшатиш тез-тез учраб туради. Араб ҳарфларининг график шаклларидан бадиий приём сифатида фойдаланиш Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Жомий, Навоий ва Бобир асарларида катта ўрин олган. Бу ажойиб поэтик ижод анъаналари сўнгги асрларда Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий ва Фурқат ижодида ҳам давом этган. Бу соҳада биз тўплаган материаллар таснифи араб ҳарфларидан бадиий ижодда фойдаланишнинг тўрт хил усули мавжуд эканини аниқлашга имкон берди:

1. Шоирлар араб ҳарфлари шаклидан лирик қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси — суратини тасвирлаш учун фойдаланганлар. Мисоллар:

Тушганим Мажнун била Фарҳод аёғига кўриб,
Гоҳ танимни «нун» (ن) қилиб, гоҳи қаддим «дол» (د) айламиш.

*(Навоий)*

«Алиф» (ا) дек қадинг ёдида ғам чекиб,
Қадим ҳайъат аро «нун» (ن) бўлдило.

*(Мунис Хоразмий)*

Нуқта (٠) лаб устида бежодур дедим, айди кулиб,
Сахв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.

*(Фурқат)*

Сен «алиф» (ا) дек тўғри бўлсанг, ҳеч бало йўқдир санга,
Лом — алиф (لا) дек эгри бўлсанг, ҳар бало бордур санга.

*(Халқ мақоли)*

Хушнависиким шабу рўз кунад машқи фунун,
Гарданаш «долу» (د), сараш «вову» (و), танаш гардад нун (ن)

2. Лирик қаҳрамоннинг ички дунёси — сурати сўз ўйини шаклида ифодаланади. Мисоллар:

Кўнглимга дард келгали хам бўлди қоматим,
Қадим магарки «дард» аёқидоғи «дол» (د) дур.

*(Бобир)*

Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қасдим учун «нас» (نص) келтурур «нун» (ن)
элтибон «сод» (ص) устина.

*(Огаҳий)*

«Алиф» (ا), «бе» (ب) дегач устод ибтидодин,
«Алиф» (ا) олди аламдин, бе (ب) балодин.

*(Навоий)*

3. Қаҳрамонларнинг аҳвол — руҳияси бирор сўзнинг барча ҳарфларига янги сўзлар орқали маъно бериш усули билан ифодаланади. Мисоллар:

«Жон»им (جان) деги «жим» (ج) икки домингға фидо,
Андин сўнг «алиф», (ا) тоза ниҳолингға фидо.
«Нун» (ن) и доғи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолган икки нуқта (‥) икки холингға фидо.

*(Навоий)*

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди.
Хуруфи махзанин беш қисм қўйди.
Ф (ف) ироқу, р (ر) ашку, ҳ (ه) ажру, о (ا),
ҳ илад (د) ард.

Бирор ҳар ибтидодин айлабон фард,
Барин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккибдин бу исм (فرهاد — А. М.) улди мураттаб.

Кўзум ёруғ тилар эрсанг, ёшурма холингни,
Ки кўр (کور) улур кўз (کوز) агар нуқтасин ниҳон
қилсанг.

4. Хат услублари номларидан ҳам бадиий ифода сифатида фойдаланиш. Мисоллар:

Ҳавои ҳоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдан мардум,
Ғубор (غبار) ила баёзи дидаи хунбора ёзмишлар,

Гулистони сари қуйинг сифатин боб-боб, эй гул,
Хати райҳон (ريحان) ила жадвал чекуб гулзора
ёзмишлар.

Боғ лавҳаини хазон барги зарафшон айлар,
Об ул лавҳда машқи хатти райҳон (ريحان) айлар.

*(Фузулий)*

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд минглаб китоблар ва китобат санъати, ҳуснихат тўғрисидаги қатор рисолаларда берилган маълумотлардан ҳусни-

хат санъати Ўрта Осиё халқларининг маънавий маданият тарихида етакчи роль ўйнаган санъатлардан бўлган деган хулоса чиқариш мумкин.

* *
*

Ўрта Осиёда хаттотлик санъатининг кенг тараққиёти Темур ва Темурийлар давридан бошланади. Ҳуснихат санъати дастлаб Хуросон пойтахти Ҳиротда ривожланиб, у ерда Султон Али Машҳадий бошлиқ йирик хаттотлик мактаби ташкил топади. Мактабнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда, асосан, XIV асрда Мир Али Табризий яратган настаълиқ хат услуби Султон Али томонидан такомиллаштирилади. Бу услуб йирик ва майда настаълиқ китобат ишларида кенг қўлланиб, бадиий ва тарихий асарлар фақат настаълиқ хатида китобат қилинган. Диний ва баъзи илмий асарлар эса насх хатида кўчирилган. Куфий, риқоъ, сулс ва насх хатлари эса кўпроқ меъморчилик, наққошлик санъатида ва Шарқ эпиграфиясида ишлатилган. XVI асрда Темурийлар салтанати инқирозга юз тутиб, сиёсий ҳукмронлик шайбонийлар қўлига ўтиши билан Бухорода маданий ҳаёт маълум даражада тараққий топади. Ҳирот хаттотлари, рассомлари ва маданият арбобларидан бир қисми Бухорога келади. У ерда Бухоронинг ўзига хос бўлган янгича китобат ва ҳуснихат санъати ривож топади. XVI ва XVII асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлари ҳуснихат бобида ўзига хос услуб — Бухоро хаттотлик мактабини яратадилар.

Хоразм Ўрта Осиёнинг энг қадимий маданият ўчоғларидан бири бўлса ҳам хаттотлик санъатида фақат XVIII асрнинг бошлариданнгина мустақил мактаб сифатида шаклланади дейиш мумкин. Айниқса, XIX асрга келганда Муҳаммад Раҳим I ва Муҳаммад Раҳим II замонасида Хоразм хаттотлик мактаби кенг тараққий этиб, хаттотлик билан бир қаторда, у ерда китобат ишлари ҳам кенг ривож топади.

Ўрта Осиёда ҳуснихат санъати Қўқон адабий муҳитида ҳам ўз вакилларини яратган. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда маълум иқтисодий ва сиёсий тараққиётни ўз бошидан кечирган Қўқон хонлигида маданий ҳаёт, санъат ва адабиёт равнақ топган. Қўқонлик машҳур хаттот Муҳаммад Шариф Дабир бошлиқ Фарғона шаҳарларида жуда кўп хаттотлар етишади. Ҳирот, Бухоро ва Хива хаттотлик мактаблари сингари Қўқон хаттотлик мактабида ҳам настаълиқ хати етакчи ўринни ишғол қилган. Бироқ Ўрта Осиё хаттотлик мактаблари орасида Қўқон хаттотлик мактабининг фарқ этувчи томони шундаки, бу ерда настаълиқ билан бир қаторда бадиий асарларни китобат қилишда шикастий хати ҳам кенг истеъмолда бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда, маълум иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра Тошкент ҳам маданий марказга айлана бошлайди. Тошкентда мактаб, маориф, санъат ва адабиётнинг ривож топиши бу ерда ҳам ўзига хос йўлда ҳуснихат билан шуғулланувчи санъаткор хаттотларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлайди. Тошкент хаттотлари Шоҳмурод котиб бошлиқ Ўрта Осиёнинг бешинчи ҳуснихат мактабини ташкил қилади. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Хива ва Тошкентда ҳуснихат тараққиёти маълум даражада тош босма орқали китоб нашр қилдириш билан ҳам боғлиқ бўлган.

Биз юқорида санаб ўтган олти ҳуснихат мактаби географик тушунчага қараб эмас, балки XIV асрдан XX асргача бўлган Хуросон ва Ўрта Осиё тарихининг муҳим иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиёт босқичлари билан аниқланган. Бадиий жиҳатдан бу беш мактаб орасида юксак тараққиёт босқичига кўтарила олган Ҳирот, Бухоро ва қисман Қўқон ҳуснихат мактабларидир.

Биз ўз ишимизнинг иккинчи бобида Ўрта Осиё хаттотларининг бизгача китоблари етиб келган ёки турли қўлёзма манбалар ва рисолалардан номлари маълум бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни олти мактабга бўлиб ва ҳар бир мактаб вакилларини яна алифбо тартибига ажратилган ҳолда баён қилдик.

Халқимизнинг маданий ҳаётида катта роль ўйнаган, халқни илм-маърифатдан баҳраманд қилишда ва маънавий маданият ёдгорликларнинг бизнинг асримизгача етиб келишига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиё хаттотлари хизмати ҳар қанча ҳурмат ва тақдирга сазовордир.

Ўрта Осиё хаттотлик санъатини, тажриба сифатида, биз олти мактабга ажратдик. Монографиянинг охирига олти мактаб вакиллари томонидан кўчирилган қўлёзмаларнинг энг муҳимларидан бирининг тарихи (колофон)ни мукаммал кўрсатиб, мазкур котиб томонидан кўчирилган бошқа қўлёзмаларнинг инвентарь номерларини ишга илова қилдик. Бундан ташқари, ишнинг иккинчи қисмини Ўрта Осиёдаги ҳуснихат мактабининг етук вакиллари томонидан кўчирилган китоблардан олинган намуналар фотокопиялари ташкил қилади.

## ҲИРОТ ХАТТОТЛИК МАКТАБИ

Ҳирот[15] Хуросоннинг энг катта ва машҳур шаҳарларидан бўлиб, олимлар, фозиллар, шоирлар ва хаттотлар билан тўлган хушманзара боғ-бўстонлари, турли мева ва сувларининг кўплиги билан шуҳрат қозонган.

---

[15] Ёқут Ҳамавий, Муъжам ул-булдон, VIII жилд, ЎзФАШИ, 451—452-бетлар.

Хуросоннинг катта қисмидаги марказий шаҳарлардан яна бири Марв шоҳжон (Туркманистон)дир. Ёқут Ҳамавийнинг айтишича[16], ал марвон (икки марв) деган сўз бўлиб, бири Марвруд, иккинчиси Марв шоҳжондир. Марвруд катта «Марв анҳор» устида қурилганлиги учун Марвруд деб аталган. У Марв шоҳжонга қараганда кичикроқдир.

Ёқут Ҳамавийнинг машҳур файласуф Ибн Қибтий (1248 йилда вафот қилган)га ёзган мактубининг мазмунига кўра, у ўзининг Марвда бўлганлигини, у ердаги кутубхоналар, улуғ донишмандларнинг асарларидан фойдаланишдаги завқ-шавқ билан ўз бола-чақа, ёру дўстларини унутиб юборганлигини, Марвнинг ободлиги, боғу бўстонлари, халқининг ахлоқи ва хушмуомалалигидан лаззатланиб, яна у ерга бориб туришни орзу қилганлигини ёзган.

Ёқут шундай дейди: «Марвда илмий аҳамиятга эга бўлган қимматли китоблар жуда кўп эди. Мен у ердан кетган вақтимда (1220 йилда) вақф қилинган ўнта кутубхона бор эдики, дунёда китобининг кўплиги ва яхшилиги жиҳатидан ундай жойни кўрмаганман. Улар қуйидагича:

I Катта жомега қарашли 2 та кутубхона бўлиб, бири Султон Санжар ходимларидан Азизиддин Абу Бакр Занжоний номига қўйилган. Унда ўн икки минг жилдга яқин қўлёзма китоблар сақланади.

II Ал-Қамолия кутубхонаси (кимга нисбат берилганлиги маълум эмас).

III 1100 йилда вафот этган ал-Муставфий Абулсаъд Муҳаммад ибн Мансурнинг мадрасасидаги кутубхона.

IV Низом ул-мулк Ҳасан бинни Исҳоқнинг мадрасасидаги кутубхона.

V—VI Сомонийларга тегишли икки кутубхона.

VII Ал-Амидийя мадрасасидаги кутубхона.

VIII Марвдаги охирги вазирлардан Мажди мулкнинг кутубхонаси.

IX Мадраса Хотуниядаги кутубхона.

X Яна у ерда Аз-Замирия кутубхонаси. Буларнинг ҳаммаси 1221 йилда мўғуллар томонидан хароб этилган»[17].

**Аҳмад Тайибшоҳ Мовароуннаҳрий** бир неча хатга, айниқса, сулс хатига равшанлик киритган. 1215 йилда вафот этган. Баъзилар бу хаттотни Иброҳим шоҳ Тайиб ҳам дейдилар.

**Мавлоно Юсуф Хуросоний** хаттот Ёқутнинг машҳур шогирдларидандир. Устози билан бир вақтда вафот этган. Ёқут хати билан 1210 йилда кўчирилган «Қалимоти муртазавийя» асари Аёсуфия кутубхонасида сақланади. «Қалимот»

---

[16] Шу асар, ЎзФАШИ, 30-бет.

[17] Булар ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, М., 1963, стр. 79, 82.

билан бирга Али бинни Ҳилол хатида Саломат ибн Жандал исмли араб шоирининг қасидасини кўчирган. Бу қасидани 1218 йилда кўчириб тамомлаган. 1269 йилда вафот этган[18].

**Иброҳим Мирзо Шоҳрух ўғли** Темур набираларидан бўлиб, Шарафиддин Али Яздий шогирдларидандир. Улуғ тарихчи ўзининг «Зафарномаий Темурий» асарини Темурга бағишлаб ёзган. Мирзо Иброҳим олти хил хатда тенги йўқ хаттот эди. Ёқут услубига тақлид қилиб, хат санъатида ундан ўтиб кетган. У ёзган хат қолдиқларининг баъзилари ҳозир ҳам Шероз қадимий биноларида сақланиб қолган. Хаттот 1431 йилда вафот этган.

**Аҳмад Румий** Султон Бойсунқор китобхонасининг хаттотларидан бўлиб, кўп вақтлар улуғ кишилар билан суҳбатлашган.

**Султон Бойсунқор** Темурий шаҳзодаларидандир. У 35 ёшида — 1427 йилда вафот этган. «Давлатшоҳ тазкира»да кўрсатилишича, унинг китобхонасида 40 нафар машҳур хаттотлар тун-кун китобат билан шуғулланар эдилар. Хаттотлик, зарафшонлик, олтин ҳаллаш, нақш, лавҳа, расм, миниатюра ва бошқа бадиий санъатлар ишлаш Бойсунқор даврида равнақ топган. Истамбулнинг ҳар бир кутубхонасида ҳеч бўлмаганда бир нусха унинг даврида кўчирилган асар мавжуд. Султон буйруғи билан кўчирилган қўлёзмалардан «Фараж баъда шиддат»нинг таржимаси ва «Нусхат ул-арвох» китоби диққатга сазовордир.

Мирзо Улуғбек астрономия ва хандасада ўз даврида ягона бўлгани каби Бойсунқор мирзо шеър ва хатда ўз даврининг энг машҳур кишиси эди.

Эронликларнинг айтишича, тўрт киши тўрт хатда — сулсда Бойсунқор мирзо, таълиқда Мир Имод, насхда Мирзо Аҳмад, шикаста хатда Дарвеш Абдул Мажид Толқоний устод эмиш[19].

**Аҳмад бинни Файзулло Мовароуннаҳрий** хатни ҳилолона кўчиришда ягона ва тенгсиздир. Кўчирган қўлёзмалари мавжуд. 1227 йилда вафот этган[20].

**Шамс Бойсунқорий** Султон Бойсунқор Мирзо тўгарагига мансуб бўлиб, шоирлар унга ўз девонларини ёқутона хат билан кўчиришни буюрар эдилар. Султоннинг хаттотга муҳаббати зўр эди[21].

**Сайид Абдулқодир Сайид Абдулваҳҳоб ўғли** хуросонлик бўлиб, Темур котибларидандир. Ёқутий услубида ёзган китоблари маълум.

---

[18] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, Истанбул, 1887, 58-бет.
[19] Ўша асар, 58, 60, 62-бетлар.
[20] Ўша асар, ўша бетлар.
[21] Ўша асар, ўша бетлар.

**Хожа Абдулқодир Гуяндая** «Ҳабиб ус-сияр» муаллифининг айтишича, фаннинг турли соҳаларида, айниқса, адвор ва мусиқий илмларда машҳур бўлган. Шеър, иншо ва хатда ҳам ном қозонди. Унинг мақбара ва улуғ биноларга ёзган китобалари зўр истеъдоддан дарак беради.

Ёшлик йилларида Султон Аҳмад Жалоир хизматида, унинг вафотидан сўнг Мирзо Мироншоҳ саройида бўлган.

Темурнинг Мирзо Мироншоҳ дўстларини қатл этишини эшитгач, қочиб кетган Хожи Абдулқодир бир қанча вақтдан сўнг дарвишлар кийимида Темур саройи теварагида пайдо бўлиб қолади. Амир Темурни кўрар-кўрмас қўрққанидан қуръонни тиловат қилишга бошлайди. Амир Темур кулиб қуйидаги мисрани ўқийди:

Абдол зи бим чанг бар мусҳаф зад.

Сўнгра у яна Темур ҳурматига сазовор бўлади. Темур вафотидан кейин Шохруҳ хизматига ўтади[22].

**Нури Камол** мовароуннаҳрликдир. 1467 йилда кўчирган қўлёзма китоблари бор. Бу киши настаълиқ ва сулс хатларида машҳур хаттот эди.

**Хожи Мақсуд** Бойсунқор мирзо китобхонасининг хаттот ва мирзоларидан бўлиб, ҳар бир қаламда шуҳрат қозонган эди[23].

**Амир Муҳаммад Бадриддин** Темур ўрдасида кўчириш ва китобат хизматида бўлган кишилардандир.

Миср шоҳи Малик Фаррух Амир Темурга элчи юбориб: «Султон Аҳмад Жалоир билан Қора Юсуф туркмонийни тутиб банд этдим. Бу тўғрида буйруғингиз нима бўлса билдирурсиз»,— деб мактуб йўллайди. Амир Темур эни 3 газ, узунлиги 70 газ насх хати билан олтин сувидан ҳал бериб, Миср султонига жавоб мактуби ёзишни Бадриддинга буюрди. Мактуб 1750 йўлдан иборат бўлиб, унда Султон Аҳмад Жалоирни банд этилган ҳолда ўз саройига юбориб, Қора Юсуф туркмонийни хибздан озод қилинсин дейилган. Шунингдек, мактубда Чин, Уйғуристон, Ҳиндистон, Эрон, Рум, Франция ва бошқа мамлакатлар ҳукмдорларининг Темур билан муносабатлари ҳам баён қилинган.

Бадриддин бу мактубни санъаткорона ёзиб тамом қилгандан сўнг Темур унга фахрли кийимлар ва инъомлар бериб, ҳадъялар топширади. Шаҳрисабзлик Мунши Хожи Абдулло мактубни Миср султонига олиб боради.

Амир Муҳаммад етти қалам, яъни сулс, насх муҳаққақ, риқоъ, райҳоний, тавқиъ ва таълиқда устод бўлганидек, хатти куфида ҳам шу қадар гўзал кўчирар эдики, ҳеч ким унга баробар келолмас эди. Настаълиқ хатида ҳам хатнинг ихтиро-

---

[22] Ўша асар, 64—65-бетлар.
[23] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 77, 104-бетлар.

чиси Мир Али Табризийнинг улуғ шогирдларидан бўлиб, устод Мир Али унинг санъатини ўз ўғли Мир Абдулло хатидан юқори санар эди. Шунинг учун ҳам ўз қизини унга лойиқ кўрди. Амир Муҳаммад Бадриддин Табризда вафот этди (Темур даврида)[24].

**Мирзо Миракий Кўр** гўзал ёзишда барчага мусалламдир. Бу хаттотнинг отаси шаҳзода Бадиуззамоннинг вазири эди. Дастлаб санъат аҳлларидан бўлиб, кейинчалик ҳарбий хизмат (сипоҳгарчилик)ни ихтиёр қилади. 1533 йилда вафот этган.

**Бадиуззамон Мирзо** Султон Ҳусайн ўғилларидан бўлиб, Шайбонийхон қўлидан қочиб, Исмоил Сафавийдан паноҳ тилаган. 1514 йилда вафот этган.

Бадиуззамон турли хатларда устод бўлиб, айниқса, настаълиқ хатида ғоят гўзал ёзар эди.

Настаълиқ хатида форсий тилда Абулфайз номига ёзган бир «ийдлик» қитъасининг фотоси мавжуд[25].

**Мавлоно Маъруф**[26]— мавлоно турли ҳунар ва санъати билан танилган хаттот бўлиб, эгнида намадий малла жома, бошида шу тур нарсадан тикилган узун кулоҳ тўппи кийиб юрар эди.

Мавлоно дастлаб Султон Аҳмад Жалоир хизматида бўлиб, кейинги вақтларда ундан нафратланиб Шероз ҳокими Мирзо Искандарга илтижо қилади. Мирзо Искандар мавлонога нисбатан кўп лутф ва риоятда бўлади. Мавлоно унинг китобхонасида ҳар куни 500 байт кўчириб беришни устига олади. Иттифоқан, уч кун дам олиши сабабли кунлик вазифасини ижро эта олмайди. Мирзо Искандар сабабини сўраганда, мавлоно бир кунда 1500 байт китобат қилмоқчиман дейди. Кўчириш учун муносиб кундузлик ва кечалик яхши бир жой тайёрлайди. Шогирдларидан бири қаламини қат қилиб кесиб турар, Мавлоно эса кўчирарди. Қуёш қайтган паллагача 1500 байт кўчириб, мирзо Искандарнинг мукофотига сазовор бўлади. Кейин Шоҳрух мирзо мавлонони Шероздан Ҳиротга кўчиртириб келиб, Китобхонаи Ҳумоюнда китоблар кўчириш вазифасига тайинлайди. Хуросонликлардан баъзилари мавлонодан хат қоидаларини таълим олиб, баъзилари эса фақат муҳаббат юзасидан ҳамсуҳбат бўлишиб, ҳамиша муносабатда бўлардилар. Мавлоно ҳам ўз мартабасини биладиган улуғвор киши эди. Мирзо Бойсунғур Низомийнинг Панж ганж китобати учун берган қоғозларини бир йил сақлаб, кўчирмасдан қайтариб беради. Бу иш мирзо Бойсунғурнинг кўнглига доғ туширди. Аҳмадлар мирзо Шоҳрухга нисбатан аччиқ сўзлар

---

[24] Ўша асар, 74, 229-бетлар.
[25] Ўша асар, 190-бет.
[26] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, ЎзФАШИ, инв. № 3640, 227-бет.

айтиши билан бирга мавлонони ҳам бузғунлик туҳматида айблаб, оқибат хибсга олдилар (қамоққа).

**Муҳаммад Котиб** Навоий даврининг номдор хаттотларидан бўлиб, кўп асарларни кўчириб, эсдалик қолдирган. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг бутун умр бўйи ёзган асарларининг барчасини ўз ичига олган «Мажмуа» (Куллиёт)ни 1503 йилда аъло насх хати билан кўчирган. Мазкур қўлёзма лавҳали, зарҳал жадвалли, жами 621 варақдан иборат бўлиб, бир муқова ичига жойланган[27].

**Хожа Мир Али Табризий** настаълиқ хатининг ихтирочиси (возеъ) — «Қиблат ул-куттоб» (котибларнинг олдингиси) деган лақаб билан шуҳрат қозонган. У настаълиқ хатига хос бир равиш билан олти турли хат асосида алоҳида хат ихтиро қилишга киришган номдор хаттотдир. Султон Али Машҳадий унинг ҳақида тубандаги сўзни айтади:

نسخ تعلیق اکر خفی و جلی ست
واضع الاصل خواجه میر علی ست
تا که بو داست عالم و آدم
هر گز این خط نبوده در عالم
وضع فرمود اوز ذهن دقیق
از خط نسخ در خط تعلیق
نی کلکش از ان شکر ریز است
کاصلش از خاک پاک تبریز است

Мазмуни:

Қалами майда, йирик бўлган настаълиқ хатини ихтиро қилувчи (возеъ) Хожа Мир Алидир. Дунё ва инсон вужудга келгандан бери бу хат бўлмаган эди. У настаълиқни насх ва таълиқ хатидан олиб, ўткир зеҳни ва таланти билан ихтиро этди. Унинг қамиш қаламидан шакар томарди, чунки хаттотнинг туб жойи Табризнинг тоза тупроғидандир.

Мир Али замонигача таълиқ хати қўлланарди. Девон, рисолалар ва мактублар таълиқ хати билан кўчирилаётган бир вақтда Мирали настаълиқ хатини ихтиро қилади ҳамда таълиқ хатига насх қаламини уради. Шунинг учун ҳам хатига «насхи таълиқ» номи берилиб, енгиллик учун «настаълиқ» деб аталган.

Мир Али Табризий Темур даврида (1369—1405 йилларда) яшаган. Унинг шогирдларидан икки киши — бири мавлоно Жаъфар Шоҳрух мирзо замонида хушхатликда ном чиқарган. Иккинчиси, Мирабулхай китобат санъатида, иншо ва таҳ-

---

[27] Жомий, Мажмуа, ЎзФАШИ, инв. № 1331, 619-бет.

рирда тенги йўқ котиб бўлиб, султон Абу Саъид замонида иншонавислик шу кишига топширилган эди[28].

**Мавлоно Симий** Бобир мирзонинг ҳаммажлисларидан бўлиб, хушхат хаттот ва шоирлардандир. Симий мактубларни кўчиришда шуҳрат қозонган.

**Султон Али Машҳадий** ёшлигида иккинчи Юсуф деса бўладиган даражада чиройли эди. Мавлоно Азҳари Ҳиравий уни фарзандликка қабул қилиб, тарбиялаб, отасидек севар, бир нафас ҳам назаридан узоқ қўймас ва доим унга тубандаги сўзни такрорлар эди:

Дар машқ тақсири макун пайваста, эй Султон Али,
Дар руз кун машқи хафи дар шом кун машқи жали.

Таржимаси:

Эй Султон Али, ҳар доим хат машқ қилишда
камчилик қилма,
Кундуз куни майда қаламда, оқшомда йўғон
қаламда машқ қил.

Устоди тарбияси билан настаълиқ хатида юқори поғонага кўтарилиб, у ҳакимнинг тарбияси соясида вояга етди. Унга «Хаттотлар шоҳи» лақаби берилган.

Султон Али содда кўнгилли, ҳар бир ишда содиқ эди. Бир куни Султон Ҳусайн Бойқаро унга: «Менинг учун бир қабр тоши ёз!» — деганида Султон Али: «Шоҳимнинг ҳар қанча фармонларини қуллари бажариши лозим бўлса ҳам бу ишнинг қабул ва амалга оширилиши узоқ бир муддатга қаратилади»,— дейди. Подшо кулиб: «Биз ҳам жуда яқин вақтда ўлмоқ хаёлида эмасмиз. Сиз ҳам кўп тезлик қилманг»,— деб жавоб беради.

Султон Али санъаткорона, ингичга-йўғон қаламлар билан юқори-қуйини ўлчаб, бир тошни гўзал хати билан зийнатладики, ҳозиргача уни ким кўрса, ҳайратланади.

Алишер Навоий ҳам Султон Алига нисбатан кўнглидаги риоят, ҳимматларидан камлик кўрсатмади. У ҳам Навоий асарларини кўчиришда меҳнатини аямади. Ёши 63 га етганда ҳам ҳуснихатда ягона эди. Ўзи ажабланиб бу байтни айтган:

مرا عمر شست وسه‌شد بیش و کم
هنوزم جوانست وزرین قلم
توانم بلی از خفی جلی
نوشتن که العبد سلطان علی

---

[28] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 249-бет.

Мазмуни:

Ортуқ — камсиз олтмиш учга етди умрим,
Олтин қалам ҳануз қўлда, ёшлик куним,
Бу бандаи Султон Али бали ёзар,
Катта-кичик қалам билан турли хатлар.

Султон Алининг хатига Жомийнинг ҳам ҳаваси келади. Бироқ Навоийнинг айтишича, Жомий Абдусамат исмли ёш хушхат йигитдан асарларини кўчиришни сўраган. У йигит ҳам котибларнинг хато ёзиш одатидан узоқ эмасди. Шунинг учун ҳам Жомий нозик таъблик билан бу қитъани унга ёзиб юборган эди:

خوشنویسی چو عارض خوبان
سخنم را بخط خوش آراست
لیک در وی ز نا درستئ طبع
کاه حرفی فزود کاهی کاست
کردم اصلاح آن از خط خویش
کرچه نامد چنانچه دل میخو است
آنچه او کرده بود با شعرم
من زخطش قصور کردم راست

Мазмуни:

Гўзал ёзувчи бир хаттот севгилиларнинг юзидек чиройли қилиб сўзимни гўзал хати билан зийнатлаб кўчирди. Бироқ таъбининг тузук эмаслигидан гоҳ бир ҳарф орттирар, гоҳ бир ҳарфни камайтирар эди. Агар кўнгил хоҳлагандек (хушхат) бўлмаса ҳам уни ўз хатим билан тузатдим. У менинг шеъримни кўчиришда хатога йўл қўйган бўлса ҳам мен унинг хатини бузиб нуқсонини тузатдим.

Ҳиротда «Боғи мурод» деган жаҳонаро иморат ва уйларнинг катабалари Султон Али қўли билан ёзилган. У 1513 йили Машҳадда вафот этади[29].

Мавлоно Султон Алининг шогирдлари кўп эди. Шулардан беш киши хатда мумтоз бўлган. Улар фан аҳлининг диққатини ўзига тортадиган янги равиш билан кўчирувчи хаттотлардан эди.

I Зайниддин Маҳмуд настаълиқ хатига моҳир, Алишер Навоийнинг ҳаммажлисларидан, у 1512 йилда вафот этган.

II Султон Муҳаммад Нур Алишер Навоийнинг ҳаммажлисларидан бўлиб, ўша вақтнинг хатшунослари: «ҳеч ким настаълиқ хатини ингичка қаламда Муҳаммад Нур каби

---

[29] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, 197-бет; Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 250-бет.

кўчиролмайди», деб айтар эдилар. Муҳаммад Нур хатда бенуқсон, шеърда шуҳратли бўлгани учун «Нурун аъло нур» деб аталар эди.

III Султон Муҳаммад Хандон ҳам Алишер Навоийнинг ҳаммажлисларидан эди. Кулгучанлигидан «Хандон» деб шуҳратланди. Най чалишда ҳам маҳорати зўр эди. 1511 йилда оламдан ўтган.

IV Мавлоно Муҳаммад Қосим.

V Мавлоно Алоуддин.

Машҳур шогирдларидан яна бири Муҳаммад Абришиниййдир. У ҳам Машҳадийнинг устодлик даражасига етишган шогирдларидан эди.

Рустам Али Хуросоний, Мирхуний, Сабзали, Пирали Жомий, Абдулвожид Машҳадий, Маҳмуд Жалолиддин, Мақсуд Али, Мирхибатуллои Қосонийлар ҳам Машҳадийнинг шогирдларидандир[30].

**Султон Али Қойиний** Султон Ҳусайн Бойқаро замонининг хаттотларидан бўлиб, Жомий ҳазратларининг асарларини кўчириш билан шуғулланган.

**Мир Дўст** Торамий ва Чиғатой амирзодаларидан. Бобир мирзо хизматида бўлиб, ўзи шоирлик билан бирга гўзал ёзадиган хаттотлардан эди.

**Абдул Жамил** Алишер Навоийнинг асарларини ўз вақтида гўзал хат билан кўчириб берувчи махсус котиби эди. У зебо хати билан «Хамса»ни кўчирган. Китоб Алишер Навоий ҳаёт даврида кўчирилиб, шоирга манзур бўлган. Бу қўлёзма хатолардан холи, энг яхши, мўътабар нусхадир.

Хоразмнинг улуғ шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий «Равзат ус-сафо»ни[31] ўзбек тилига таржима қилар экан, Абдул Жамил котибни шундай таърифлайди:

«Мавлоно Абдул Жамил донишмандлар силкида интизом топиб, бир неча вақт «Султония» мадрасасида дониш қалами билан илм аҳли ва талабаларнинг кўнгиллари саҳифасига ифода нақшини ёзди. Тарихи ҳижрий 911 йилда (1505—1506 милод) эдиким, вафоти иттифоқ тушиб, мазкур тарихни қайд қилиш учун Султон Иброҳим Аминийнинг қалами бу қитъани варақ рухсорига битди»:

افسوس از ان سپهر دانش
کز مهرورا ستود آفاق
ز ان عبد الجمیل گشت نامش
کار استه شد بحسن اخلاق

---

[30] Ўша асар, 250-бет.

[31] Мирхонд, Равзат ус-сафо, VII жилд, ЎзФАШИ, инв. № 1716, 227-бет; Хондамир, Хабиб ус-сияр, ЎзФАШИ, инв. № 2153, 631-бет.

تاریخ وفات او خرد گفت
علّامهٔ بی مثال آفاق
۹۱۱

**Дарвеш Муҳаммад Токий Хиравий** XV асрнинг биринчи ярмида ўтган, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг асрдошларидандир. Бутун ҳаётида улуғ зотларнинг асарларини кўчириш билан шуғулланган. Муҳаммад Тоқий нозик табиат шоир ҳамдир. У Алишер Навоийнинг девонлари, «Баҳористони Жомий» ва Ҳусайн Кошифийнинг «Лубби лубоби маънавий интихоби маснавий» асарларини кўчирган.

تک و پوی خامه درین طرف نامه
که جامی بدو کرد طبع آزمای
بوقتی شد آخر که تاریخ هجرت
شود نهصد از هشت بردی فزای
—۹۰۸

**Султон Муҳаммад Хандон**[32] Султон Али Машҳадийнинг биринчи шогирдларидандир. Ёшлик давридан бошлаб бутун ҳаётини Алишер Навоий хизматида ўтказган.

Хандон санъаткор, хуштабиат, хушчақчақликка мойил киши эди. Шунинг учун ҳам унга «Хандон» деб лақаб берганлар.

Хондамир ва баъзи кишиларнинг айтишларича, Султон Муҳаммад «Жунун кайфиятидан ҳоли эмас»; Алишер Навоий Султон Муҳаммад «ўзини девоналикка солиб юради» дер эди. «Райҳон настаълиқ» рисола муаллифининг ёзишича, «Султон Муҳаммад кўчирган китобга баъзан отини ёзмас эди. Қачон унинг хатини Султон Али Машҳадий кўриб қолса, «Бизнинг девона» нинг хати» деб отини ёзиб қўяр эди.

Хандоннинг шеър, муаммо ва мусиқийдан анча хабари бор, айниқса, найни яхши чалар эди. Хондамир «Хулосат ул-ахбор» китобида айтади: «Хандон настаълиқ хатида истеъдоди жуда зўр, найни ҳам яхши чалади, аммо жунун кайфияти билан бу иккисидан бири билан ҳам бир иш қила олмайди»[33].

Хандоннинг вафот тарихини «Миръот ул-олам» муаллифи Бахтовархон 1509 йили, Сипеҳр 1525, Мирҳабиб ва Кирмон Ҳусар 1543 йилда деб тахмин қиладилар. Бу нотўғри, чунки «Ҳабиб ус-сияр» китобининг талифи вақтида, яъни 1524 йилда Хандон ҳаёт эди. Унинг китобатларини 1550 йилда ҳам кўрган-

---

[32] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 276-бет.
[33] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 276-бет.

лар. Хандон Ҳиротда Мир Алишер ётган жойда — «Вақя» деб аталган хон ариғининг лабига кўмилган.

Хандон «Гулистони ҳунар» авторининг айтишича, «Бутун ҳаётини Ҳиротда ўтказган». Бу фикр тўғри. «Рўзи равшан» тазкирасининг автори «Хандон Қобил атрофидан» дейди. Лекин қандай манбага асослангани маълум эмас.

Султон Муҳаммад Хандон Султон Али Машҳадийнинг бошқа шогирдларига қараганда, устози равишини кўпроқ ўзлаштирган эди. «Қавоиди хутут»нинг автори айтади: «Қалам юргизиш куч ва мазоқида устозидан баҳраси бор эди, хатни қоидалик ва матн деб айтсак, лойиқдир». Лекин Хондамир ёзади: «Хатида малоҳат бор. Кўп хатларини кўрдим, бундоқ эмас, баъзилар уни Султон Али Машҳадийнинг ўнг қўли, кучли шогирдларидан деб атайдилар. Бу ҳам тўғри эмас».

Султон Али Машҳадийнинг бошқа шогирдларидан, айниқса, Султон Муҳаммад Нурнинг хат равишидаги малоҳатдан кучли дейиш мумкин эмас.

Хандон китобат қилувчи, лекин қитъа ёзишда устароқ эди. Мирзо Ҳабиб ва Қармон Ҳувар уни «рангли ёзувчи» дер эдилар. Чунки Хандон турли ранглар билан безаб ёзарди. Безаб ёзган қитъаларидан бир қанчаси ҳозир ҳам бор.

Султон Муҳаммад Хандон шогирдларига хат ўргатишда таълим ва тарбия йўлини яхши билар эди. «Маноқиби ҳунарварон»нинг автори айтади: «Шогирдлари ўртасида устод ўрнини олмаган шогирди кам эди. Жумладан, Ёри Шерозий, Муҳаммад Ҳусайн Бохарзий ва Қосим Подишоҳ — булар барчаси устод эдилар»[34].

**Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Самарқандий** бир неча асар ва рисолалари билан шуҳрат қозонган, настаълиқ хатида маҳоратли хаттотлардан биридир. Санъатшунослар унга хатда Мирабулҳайдан ортиқ деб баҳо берадилар.

Дарвеш Муҳаммад хаттот бўлиши билан бирга, йирик шоир ҳам эди. Алишер Навоийнинг яқин кишиларидан бўлиб, айниқса, муаммода истеъдоди юқори эди[35].

**Хожи Абдуллоҳ Марварид Баёний** етти қаламда хатнинг устози эди. У ёшликда Султон Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлган. Султон Ҳусайн вафотидан сўнг кўчириш билан шуғулланди.

Исмоил Сафавий Хуросонда ғалаба қилгандан сўнг Ҳожини хизматига тортди. Кейинги вақтларда у хизматдан истеъфо бергач, шоҳ воқеаларини назм билан ёзишга киришади. Ҳожи 1526 йилда вафот этди. Қолдирган мусхаблари: «Девони мунисси ахбоб», «Тарихи шоҳий», «Маснавийи Хусраву Ширин» ва бошқалар[36].

---

[34] Маҳдий Баёний, Паёми навин, Теҳрон, 1961, 70, 71, 73-бетлар.
[35] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 250-бет.
[36] Ўша асар, 250-бет.

**Маҳмуд бинни Исҳоқ Шаҳобий** — **«Заррин Қалам»** нинг отаси Хожа Исҳоқ Дурмушхон замонида Ҳирот улуғларидан эди. Убайдуллахон уни Мирали Хиравий билан Бухорога юборди. У ерда Миралидан машқ қилиб, хатда устод бўлиб шуҳрат қозонди.

Маҳмудга Шаҳобий лақаби балхлик Шоҳ Ҳусайн Шаҳобийга мансуб бўлиши муносабати билан берилган. Амир Молик Дайламий ҳам Миралининг шогирди эди. Устози Миралининг қизи учун ўрталарида рақобат бор эди. Охири Мирали Маҳмуд Шаҳобийни куёвликка қабул қилади.

Шаҳобий ўхшатма қилиб кўчиришда шундай бир маҳоратга эга эдики, кўчирган сохта хатини асл хатдан Амир Молик ва Саид Аҳмад Машҳадий каби машҳур хаттотлар ҳам фарқ қилолмас эдилар. Қитъаларини гоҳо устози номига — хатига ўхшатиб ёзганлигини устози эшитиб, тубандаги қитъани унга хитобан ёзиб юборган:

خواجه محمود اکرچه یکچندی
بود شاکرد این فقیر حقیر
بهر تعلیم اودلم خون شد
تاخطش یافت صورت تحریر
در حق او نرفت تقصیری
لیک او هم نمیکند تقصیر
آنچه خودمینویسد از بد و نیک
رقمش میکند باسم فقیر

Мазмуни:

Ҳожи Маҳмуд агарчи бир қанча вақтлардан бери менинг шогирдимдир, унинг хати таҳрирнинг гўзал сувратини топгунча таълим бериш учун дилим қон бўлди. Унинг ҳақида мендан бирор камчилик ўтмади, у ҳам менга ҳеч бир камчилик кўрсатмади. Бироқ у яхши-ёмон нарса кўчирар экан, менинг номимга рақам қиларди, холос.

Маҳмуд Шаҳобий нафис китоблар, гўзал катабалар, қимматбаҳо риқъалар, тенгсиз бадиий қитъалар билан тарих саҳифасида эсдалик қолдирди.

**Мир Ҳусайн** настаълиқ хатида машҳур, жоду рақам хаттотлардан бўлиб, XVI асрда Ҳожи Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома» китобини, «Сад-савол аъробий» қўлёзмасини, шунингдек, 1534 йилда Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сини ниҳоятда зебо настаълиқ билан кўчирган. Қўлёзманинг боши лавҳалик, зарҳал жадваллар билан зийнатланган нафис нусхалардандир[37].

---

[37] Хусрав Деҳлавий, Хамсаи Хусрав, ЎзФАШИ, инв. № 2218, 656-бет.

**Жавоҳир Рақам** XVI аср машҳур хаттотларидан бўлиб, настаълиқ хатини эъжоз даражасига етказган котиблардан.

Али ибн Ҳусайннинг «Рашахоти айн ул-ҳайот» китобини ниҳоят гўзал хат билан кўчирган. Китоб лавҳалик, зарҳал билан жадвалланган[38].

**Муҳаммад Ҳусайн** машҳур хаттотлардан бўлиб, ғоят гўзал настаълиқ хати билан 1557 йилда «Гулшани ирам» номли шеърлар тўпламини бадиий санъат йўли билан туморча қилиб кўчирган. Қўлёзма лавҳали, зарҳал билан зийнатланган, саҳифаларнинг ҳошиялари абри баҳор қоғози каби гуллар билан безалган[39].

**Али Ризо** машҳур эъжоз рақам хаттотлардан бўлиб, 1578 йилда Амир Шоҳий Сабзаворийнинг «Девони шоҳи» асарини 1569 йилда Абдуллоҳ Хотифийнинг «Зафарномаи Темурий» китобини ниҳоятда гўзал настаълиқ хати билан кўчирган. «Зафарнома»нинг бошига ғоят нозик гуллар билан зийнатланган зарҳалли икки лавҳа, олти саҳифада бадиий миниатюралар ишланган. Қўлёзманинг бутун саҳифалари олтин ҳал билан жадвалланган, ҳошиялари турли рангдаги гуллар билан безатилган[40].

Бироқ Али Ризо[41] — Мир Имоднинг рақиби. Китобат устида унга нисбатан узоқ вақтлар қарама-қаршиликлар кўрсатиб келган эди. Очиқдан-очиқ Мир Имоднинг қатлига шу кишининг рақобат ва ҳасади сабаб бўлган.

Аммо ҳуснихати ҳақида хатнинг тўрт устунидан бири настаълиқ хатининг устуни Али Ризо дердилар. Эроннинг ҳар ерида, айниқса, Исфаҳонда томоша қилишга арзийдиган китоба ва лавҳалари бор. Хотифийнинг «Зафарномаи Темурий» қўлёзмасини бадиий настаълиқ хати билан кўчирган нусхаси бор.

**Ҳожи Маҳмуд** настаълиқ хатида соҳибқалам эди. У 1571 йилда Абдураҳмон Жомийнинг «Сил-силат ул-заҳоб» китобининг 1—2—3-дафтарларини кўчирган. Бу қўлёзма нафис нусхалардан ҳисобланади. Қўлёзма асрлар ўтиши билан эскиргани туфайли, биринчи ва иккинчи дафтардан тушган сукутлари янгидан тузатилган. Китоб лавҳали, зарҳал билан жадвалланган[42].

**Муҳаммад бинни Мулло Мир Ҳусайний** настаълиқ хатида зебо қаламлардан бўлиб, 1573 йилда Жомийнинг «Чиҳл ҳадис шарҳи»ни, мавлоно Орифийнинг «Маснавийи кўйи човкон»

---

[38] Али ибн Ҳусайн, Рашахот, инв. № 4371, 192-бет.

[39] Муҳаммад Ҳусайн, Гулшани ирам, ЎзФАШИ, инв. № 348.

[40] Абдуллоҳ Хотивий, Зафарномаи Темурий, ЎзФАШИ, инв. № 2102, 144-бет.

[41] Ҳабиб, Хат ва хаттотон, ЎзФАШИ, инв. № 3640, 207-бет.

[42] Абдураҳмон Жомий, Сил-силат ул заҳоб, ЎзФАШИ, инв. № 5350, 284-бет.

китобини, 1590 йилда Саъдий Шерозийнинг «Бўстон»ини ғоят нафис настаълиқ хати билан кўчирган. Қўлёзмаларнинг саҳифалари зарҳал билан жадвалланган. «Бўстон»нинг бош саҳифаси тушган.

**Ҳожи Муҳаммад** машҳур котиблардан бўлиб, зебо настаълиқ хати билан 1635 йилда «Девони урфий Шерозий»ни, шу йили «Девони Валий» (Мирзо Вали Қулибек)ни кўчирган. 1663 йилда қарийб 90 ёшга борганда Мирхонднинг «Тарихи равзат ус сафо» асари хотимасини гўзал настаълиқ хати билан кўчирган. Қўлёзма охирида котиб «Агар китобатимда бирор камчилик юз бериб қолса, қарилик натижасидир. Бу ҳақда кечиришларини, яхшилик билан эсга олишларини сўрайман», дейди[43].

**Муъиниддин Муъин** XVI асрнинг биринчи ярмида Ҳиротнинг илм-маърифат эгалари билан суҳбатлашган, бир қанча асарлари билан танилган шеърият ва ҳуснихатда замонининг ягонаси бўлган кишидир. «Равзат ул-жаннат», «Ҳирот тарихи — Тарихи Мусавий» ёки «Қиссаи Шарифия ал-Мусавия»[44] номли асарлари маълум.

**Мир Имод**нинг куньяси Ҳасаний бўлиб, бобоси Ҳасан Алига мансубдир. Бобоси улуғ хаттотлардан эди. Насаби Ҳусайний содотларидандир. Имодул Малик унга маслакдош бўлганлигидан бу лақабни ўзига олган.

Мир Имод Қазвинда Исо Рангнигорнинг шогирди бўлиб, кейин Малик Дайламий шогирдлари қаторига кирди. Бироқ ўзини шогирдларидан баҳрасиз топиб, Табризга кетди. Муҳаммад Ҳусайн Табризий раҳбарлигида кеча-кундуз хат машқ қилди. Олти ой ичида етук бир хаттот бўлиб етишди.

Бир кун қора машқларидан бирини устозига кўрсатганида, у ҳайрон қолиб: «Ажойиб бир хат, агар сен ҳуснихатда шу мартабага эриша олсанг, қандай бахтлисан! Бу хатинг худди менинг хатим кабидир, энди ҳуснихат оламининг қаламрави сенинг қўлингдадир», деб табриклаб, унга муваффақият тилади. Сўнг устозининг ижозати билан турли мамлакатларга саёҳат қилиб, Хуросон ва Ҳиротда ҳам бўлди. У ердан Ғазнага қайтиб, баъзан Гилон ва Рудборга бориб турди.

1600 йилда Исфахонда туришни ихтиёр қилиб, у ерга борганда Сафавийя султонлари томонидан катта ҳурматга сазовор бўлди.

Мир Имод Бобошоҳ Исфахоний, Мулло Муҳаммад Ҳусайн Табризийлардан машқ қилган бўлса ҳам хат ихтирочилари Султон Али, Мир Али котиб каби «Қиблат ул-куттоб» устозларининг қитъа ва сиёҳ машқларидан фойдаланиб, настаълиқ

---

[43] Мирхонд, Равзат ус-сафо, хотимаси, ЎзФАШИ, инв. № 3361, 112-бет.

[44] Муъиниддин, Қиссаи Мусавия, ЎзФАШИ, инв. № 2760, 166-бет.

хатида ўзининг алоҳида янгилиги билан яна бир гўзаллик орттирди. 1615 йилда 63 ёшида шоҳ Аббоснинг яширин буйруғи билан қатл қилинди.

Мир Имоднинг дастлаб Бобошоҳга татабуълаб кўчирган Жомийнинг «Туҳфат ул-аҳрор» қасидаси Али подшоҳ кутубхонасида сақланади.

Шоҳ Аббос уни машқ қилдириш мақсадида кўпинча «Шоҳнома» ни кўчиришга мажбур этар эди.

Мир Имоднинг зебо хати билан кўчирилган қўлёзмаларнинг бирор саҳифаси ёки бир қитъасининг устига шогирдлари томонидан ёзилган қуйидаги байт учрайди:

این صفحه چو چهرهٔ نگار است
از کلک عماد یادگار است

Мазмуни:

Нозанинларнинг рухсоридек чиройли бу саҳифа Имод қалами билан кўчирилган эсдаликдир[45].

**Шафио**[46] Ҳирот улуғларидан бўлиб, мирзо Абутуроб шогирди, шоир мирзо Фасиҳий Ҳиравийдан таълим олган. Шафио ҳеч бир хаттотнинг истеъдодида кўрилмаган ўзга махсус баъзи хатларнинг рамуз ва нукталарини ихтиро қилди. Шикаста дейилган хат шу хаттотнинг ихтироидир. Хат санъатидан ташқари, расм, миниатюра, тасвир, нашқ қўлёзмаларга олтин ҳал беришда ҳам устод эди.

Ҳиндистонга саёҳат қилиб, у ердан қайтишда 85 ёшида Машҳадда вафот этди. Шафиодан кейин бу хатни Дарвеш Абдулмажид Толқоний такомиллаштирди. Бу хат Эронда ҳозиргача халқ ўртасида ишлатилиб келади. Шунингдек, бу хат Ўрта Осиёда ҳам шуҳрат қозонган. Шикаста билан китобат қилинган форсий адабиётига доир қўлёзмалар шикаста билан кўчирувчи котиблар томонидан, айниқса, мирзо Бедил девонлари кўп кўчирилган.

## БУХОРО ХАТТОТЛАРИ

**Пирмуҳаммад Сўфи Бухорий** 44 китоб кўчирган. 1444 йилда кўчирган қўлёзмалари бизгача етиб келган. Унинг қалами Ёқутнинг хати каби хушхатдир.

**Миразд Бухорий** гўзал кўчирувчи хаттотлардан бўлиб, қўлёзмаларга олтин ҳал берувчи музаҳҳибликда донг чиқарган.

**Султон Муҳаммад Бухорий** настаълиқ хатида машҳур бўлиб, унинг хати тўғрисида тубандаги байт айтилган:

---

[45] Эски қитъа ва хатлар рўйхати, ЎзФАШИ, инв. № 42.
[46] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, ЎзФАШИ, № 3640, 201-бет.

Мазмуни:

(Чиройлилик ва лўндаликда) Бухоро олхўрисига ўхшаш хатингни кўрдиму оғзимнинг суви келди (тўла сувга айланиб кетди).

**Мавлоно Солиҳ Бухорий** Маҳмуд Шахобийнинг шогирдидир. Чиғатой шоҳларидан Абдуллохон ва Искандархон даврининг котибларидан бўлиб, китоб таълифи билан шуғулланган.

**Устод Жаҳонгир Бухорий** «Ундат ул-мусаввурин» — «бош сувратчилардан» деган ном олган, машҳур наққош ва рассомлардан устоз Гунгнинг шогирдидир.

**Низомиддин Бухорий** «Нохун хати» дейилган, тирноқ билан қоғозни бўрттириб ёзиладиган хатнинг устаси эди. Баҳром мирзо Сафавий унинг ҳақида тубандаги рубоийни айтган:

شناسای رقوم هفت خط مولا نظام الدین
که مانند وی اندر جمله آفاق کم باشد
نویسد از سر انگشت خط ثلث خوش یارب
که دیدست اینچنین کاتب که انگشتش قلم باشد

**Султон Маҳмуд Бухорий** Мирали шогирдларидан бўлиб, қўлёзмаларга олтин ҳал бериш — музаҳҳибликда ҳам ихтисоси бор эди.

**Мийрак Бухорий** — Муҳаммад Амин номи билан ҳам шуҳрат қозонган. Гўзал кўчирувчи хаттотлардан бўлиб, Султон Али Машҳадийнинг шогирдидир[47].

**Абдураҳмон Баркий Мунший** XV асрда истеъдодли Бухоро хаттотларидан бири бўлиб, 1464 йилда Субхонқулихон буйруғи билан Неъматулло Ҳаким ал-Кирмонийнинг тиб ҳақида ёзилган энг мўътабар китобларидан ҳисобланган «Баҳрул-ҳаввос» асарини бадиий настаълиқ хати билан кўчирган.

Қўлёзма кўчириб тамом қилингандан кейин, ўша замоннинг энг улуғ нуктадон ҳакимларидан Ҳожи Амин, Охунди Мулло Ғафур, Ҳожа Яъқуб китобдор ва Мир Муҳаммад Муншийлар томонидан асл нусхасига таққосланиб тузатилган.

**Мирали Хиравий** кўчирган китобатига «Қотиб султоний» деб имзо қўярди. У Ҳиротда туғилган, тарбияланган жойи эса Машҳаддир. Баъзилар Мир Муҳаммад Боқирни Мир Алининг отаси деб билганлар, аксинча, у Мир Алининг ўғлидир.

Мир Али ўз замонида донгдор хат устаси бўлиб, хатнинг равиш ва рафтида ягона эди. 1538 йилда Убайдуллахон Султон Саъид Курагон замонида бўлган воқеалар сабабли Хиравийни олимлар, ҳунармандлар ва санъаткорлардан катта бир

---

[47] Улуғбек, Зижи Улуғбек, УзФАШИ, инв. № 2214, 1-бет.

гуруҳи билан қўшиб Ҳиротдан мажбуран Бухорога олиб келган.

Бухорода унга нисбатан ҳар қанча ҳурмат кўрсатилса ҳам маслакнинг қарама-қаршилиги учун Убайдуллога ҳеч кўнгли исимади. Бироқ гўзал хати туфайли Носириддин Убайдулло Мир Алини қўлдан чиқармади. Нафис китобларни чиройли ва бадиий хат билан кўчиришга уни мажбур қиларди.

Мир Алининг иншо ва шеърда ҳам кучли табиати бор эди. Бу қитъани ўзининг ҳолига қараб сўзлаган:

عمری از مشق دوتا گشت قدم همچون چنگ
تا که خط من بیچاره بدین قانون شد
طالب من همه شاهان جهانند مرا
در بخارا جگر از بهر معیشت خون شد
این بلا بر سرم از حسن خط آمد امروز
وه که خط سلسلهٔ پای من مجنون شد
سوخت از غصه درونم چه کنم چون سازم
که ازین شهر مرا نیست ره بیرون شد

Мазмуни:

Менинг хатим шу равиш—қоидага келгунча умрим бўйи машқ қилиб, қаддим чангдек эгилди. Мени дунёдаги барча шоҳлар истасалар ҳам Бухорода тириклик учун жигарим қон бўлди. Букун бу бало бошимга ҳуснихат туфайли келди. Қизиғи шуки, шу нарса мен бечоранинг оёғимга кишан бўлди. Ғамдан ичим ёнади, энди нима қилай? Бу шаҳардан ташқарига чиқишга йўл йўқ!

Яна бир қитъаси:

چهل سال عمرم بخط شد تلف
سر زلف خط نامد آسان بکف
ز مشقش دمی هر که فارغ نشست
چو رنگ حنا رفت خطش ز دست

Мазмуни:

Қирқ йил умрим хат билан тугади. Бироқ хат кокилининг учи осонлик билан қўлга келмади; кимки хатнинг машқидан бирор нафас бўш ўтирар экан, хинанинг рангидек хати ҳам қўлдан ўчиб кетади.

«Рисолаи қутбийя»да айтилишича, Мир Али Зайниддин Маҳмуднинг шогирдидир. Демак, у Машҳадийнинг билвосита шогирди бўлади.

Мир Алини кўролмайдиган душманлари ҳам кўп эди. Шулар жумласидан, Қосим подшоҳ Мир Али қулоғининг

оғирлиги учун уни камситиб, хатини эътиборсиз санаган. Мир Али бундан хафаланиб, жавоб ёзиб, Қосимнинг кўчирган хатига эътироз билдирган.

Қаламкаш аҳлларидан кўпчилиги қитъа ёзишда Мир Алининг хатини Машҳадийникидан кучли ҳисобласалар-да, равиш, кашиш, курси ва доираларда Машҳадий хатининг ортиқлигини эътироф этадилар.

Мир Али 1559 йилда вафот этган, у Шайх Юсуфиддин Боҳарзий ёнига қўйилган[48].

Мир Алининг шеърияти ва шоирлиги ҳақида Алишер Навоий «Табъи туркий ва форсий назмида яхши. Бироқ ҳаммадан илгарироқ шеърини ўзи ўқиб таърифлайди», — деб ёзади.

Мир Али муаммочи ҳам эди. «Гулистони ҳунар» автори айтади: Мир Алининг шеър ва муаммолари жуда кўп, барчаси «Тазкират уш-шуаро»да келтирилган. Баъзи бир форсий ва туркий шеър ва муаммолари «Гулистони ҳунар»да келтирилган. Жумладан, тубандаги парча шу ўринга муносиб кўрилади.

پنج چیز ست که تا جمع نگردد در خط
هست خطاط شدن نزد خرد مند محال

دقّت طبع و قوفی زخط و خوبی دست
طاقت محنت اسباب کتابت بکمال
و ر از ین پنج یکی ر است قصوری حاصل
ندهد فایده گر سعی نمایی صدسال

Мазмуни:

Хатда то беш нарса жам бўлмагунча, хаттот бўлиш ақлли кишилар назарида мумкин эмас: 1) таъбнинг диққати; 2) хат қоидаларига тушуниш; 3) қўлнинг дурустлиги; 4) хат ва китобат меҳнатига чидаш; 5) китобат асбобларининг тўла-тўкис бўлиши. Агар шу беш нарсадан бирортаси етишмаса, юз йил ҳаракат қилсанг ҳам фойда бермайди.

Оқоий доктор Асғар Махдивийнинг тўпламида қўлдан-қўлга ўтиб шуҳрат топган, олтин суви билан уч ҳисса ўлчовдан қаламда ёзилган ишқий рубоийси келтирилади:

بی زلف ورخت زارو پریشان حالم
شب تاسحر از محنت هجران نالم
در دا که غم عشق توای تازه جوان
رسوای جهان کرد به پیران سالم

(*Фақир Мир Али*)

---

[48] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 209-бет.

Мир Алининг назмдан ташқари насрий сўзи ҳам жуда фасохатлидир. Уни ёзувчилар жумласидан ҳисоблайдилар. Мир Алининг бир мактубидан айнан келтирамиз:

«Хат қоидалари ҳақида хаттотлар раиси Султон Али Машҳадий «Сиротул хат» деган рисоласини назм қилган. Рисолада устодлардан эшитган қоидаларини назмга киритган эди. Гарчи, табиатнинг майли назмга кўпроқ мойил бўлса ҳам, бироқ янги ўрганувчи шогирдлар учун қоидани ўзлаштиришда насрий сўзнинг фойдаси назмдан кўра кўпроқдир. Шунинг учун ҳам фақир (Мир Али) насрий сўз билан хат қоидалари ҳақида устозлардан бирорталари қўл урмаган бир неча варақ ёзди, уни «Медодул хутут» деб аташни муносиб кўрди».

Бу рисоланинг ёзилган вақти 929/1520 йилдан кейин, яъни Султон Али Машҳадийнинг вафотига тўғри келади. Бу рисолани Мир Али Бухорода ёзган бўлса керак. Кейинги вақтларда рисола қўлдан-қўлга ўтган, шуҳрат топган ва матбааларда ҳам нашр қилинган.

«Санъатгарон ва хушнависони Ҳирот» тазкирасининг автори Мир Алини аруз фанида ҳам комил маҳоратли эканини таъкидлайди.

«Маноқиби ҳунарварон» автори қуйидаги хат усталарини Мир Али Хиравийнинг шогирдлари деб кўрсатади:

Мир Муҳаммад Боқир (Мир Алининг ўғли), Ҳожи Маҳмуд Шахобий, Сайид Аҳмад Машҳадий, Мир Ҳусайн Куланки Бухорий, Абдулхолиқ Бохарзий, Мир Ҳайдар Ҳусайний, Молик Дайламий, Муиниддин Муҳаммад Шарифий, Мир Муҳаммад Маъсум, Мир Муҳаммад Самарқандий, Ҳожи Мир Бухорий (Муҳаммад Амин), Мир Даврий, Муҳаммад Ҳусайн Кашмирий, Султон Маҳмуд Бухорий, Ҳамидуллоҳ Ҳалхолий, Қосим Али, Пирмуҳаммад, Исмоил, Мир Чалма Бухорий. Булардан Молик Дайламий, Ҳамидуллоҳ Ҳалхолийларни бевосита Мир Алининг шогирди эмас, дейдилар.

Тазкиранавис ва хатшунослар Мир Али хати билан Султон Али Машҳадийнинг хатини таққослайдилар. Уларнинг баъзилари Султон Алининг хатини Мир Алидан, бошқалари Мир Алининг хатини Султон Алидан баланд деб баҳолайдилар.

Мир Алининг хат тўғрисида тутган йўли ва шевасида кўпчилик бир фикрда. Қўлнинг кучлилиги, хатнинг услуб ва қоидаларига риояси, гўзаллик, тозалик, текислик ва тезликда Мир Али ўз замонасининг ягонаси бўлган. Настаълиқ хатини гўзал ёзишдаги барча қоидаларида, йўғон ва ингичка қаламларда китобат ва китобаларда[49] Мир Али юксак даражага етган.

---

[49] *Китоба* — насх ё настаълиқда йўғон қалам билан бино ва мозор тошларига ёзилган хат.

«Тазкираи беном»нинг автори Мир Алини настаълиқ хатида «Замоннинг ажаблантирувчиси», «Ҳабиб ус-сияр» автори «Комил суратда гўзал ёзувчи» деб билганлар. «Қавоиди худуд» автори айтади: «Хат шеваси ҳозир Мир Али билан тугади». «Миръоти олам» автори «Мир Али дунёда гўзал кўчирувчиларнинг дафтардори бўлди, бу фанда тенгсиз ва ягонадир», — дейди.

Мир Алини устозликда ҳам юқори қўядилар. «Гулистони ҳунар» автори айтади: «Мир Али хат мусобақасида олдин, барчадан юқори, хат услубида янги қоидалар яратган. Бироқ мавлоно Султон Алига етмайди... Йўғон ва ингичка қалам, ҳам қитъа ёзишни, ҳам китобатни юқори даражага, сўнгги маррага етказган. Охири хатни юқори бир пояга қўйдики, ҳеч бир хаттотнинг қўли унга етмайди». Настаълиқ хати ихтиро қилинганидан бошлаб, Мир Имодгача настаълиқ хатида гўзал кўчирувчилардан ҳеч бири, айниқса, китобатда Мир Алига ҳамкор ва баробарлик қобилиятига эга бўлмаган.

Фақат Мир Имод замонида хат ва китобатда бир неча киши, жумладан, Шомаҳмуд Нишопурий, Саидаҳмад Машҳадий, Мир Муиздиддин Косоний ва Бобошоҳ Исфаҳонийларнинг китобатини Мир Али китобатига taққос қила олганлар, холос.

Эроннинг машҳур хаттоти настаълиқ хатида барчанинг таслимига сазовор бўлган устоз Мир Имод Мир Алининг хати ҳақида дейди:

«Мавлоно Мир Али комил гўзал кўчирувчилардан бўлиб, насх қаламини устозлар хатига тортган, хатни бир мақомига етказганки, агар замон саҳифалари унинг хатини мақташдан тўлса, ҳануз мингдан бири таҳрир этилмаган бўлур эди...»

Аммо хатшунос ва тазкира ёзувчиларнинг кўпчилиги Султон Алининг хатини уникидан тубан дейишни истамайдилар, ёки айта олмайдилар. Чунки Султон Али узоқ умр кўриши билан бирга Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга яқин бўлиб, уларнинг хизматида бўлган. Улар Султон Али хатининг шуҳрат қозонишига ва ривожига таъсир кўрсатганлар.

Султон Али Машҳадийнинг шуҳрати бутун Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа Шарқ мамлакатларига ёйилган эди. У Султон Ҳусайн саройида ҳурмат билан ҳаёт кечирган, китобат ва кўчириш ишлари билан шуғулланган. Алишер Навоийнинг меҳрибонлиги ва илтифотидан ҳам баҳраманд эди. Ўша вақтларда Мир Али ёш йигит, ҳали халққа танилмаган эди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» китобида Мир Алининг таржимаи ҳоли тўғрисида шундай деган:

«Мулла Мир Али Ҳиравий ёқимли йигитдир... Ҳиротнинг маълум гўзал кўчирувчи котибларидандир...»

Алишер Навоий замонида Мир Али ёш йигит бўлиб, Навоий билан суҳбатлашиш мартабасига етмаган эди. Шунинг учун ҳам Навоий томонидан улуғланиш, ҳурматланишга муяссар

бўлмади. Бу ҳақда «Тазкираи беном» автори яхши фикр баён қилган:

«Агар бошқалардек, Султон Ҳусайн мирзо замонида китобат хизматига муваффақият қозонса эди (Мир Али) у улуғ амир (Алишер Навоий) марҳаматининг нури, унинг ҳоли рухсорасини ёритса эди, оламдаги гўзал ёзувчи хаттотларнинг овозасини унутишга олиб келар эди...»

«Маноқиби ҳунарварон» автори Мир Али санъатини Султон Алиникидан ортиқ қўйиб, уни «Даврон нодири» ва «Гўзал ёзувчиларнинг амири» деб атади. У ўз тазкирасида ёзади: «Кўп чиройли кўчирувчи хаттот. Ҳар бир санъаткор, ҳунар эгалари ҳуснихат — китобат тажрибалари ва қитъа ёзишликда мавлоно Мир Алини, айниқса, хатининг гўзаллиги ва қаламининг матонатини Машҳадийдан ортиқ кўрадилар».

Аммо бир қанча номдор хаттотлар ва гўзал кўчирувчиларнинг танқидчилари «Султон Алининг пешқадамлиги, унвонли бўлиши, ҳатто баъзи хатдаги тутган равишларининг маҳкамлиги ва ёзган муфрадотларининг латиф ва гўзаллигини ҳужжат ва санъат эътибор қилиб, Султон Алини Мир Алидан илгари, ҳатто Мир Алини Машҳадий шогирдининг шогирди деб билганлар». Яна бир мисол келтирамиз: «Бизнинг замонамизда гўзал ва зийнатли ёзилган китобат ва хат парчаларини сотиб олувчилар Мир Алининг қитъаларидан бир донасига беш-олти минг рупия, Султон Алининг икки бет қитъасига эса атиги тўрт юз, ҳатто беш юз рупиягача берганлар, билмадим, бу иш Мир Алининг асарини ортиқ кўришликданми? Хат севувчиларнинг рағбати Мир Али хатига кўпроқми? Ёки хати кам топилганлигиданми?»

«Гулистони ҳунар» автори: «Султон Алининг хат, парча ва қитъаларининг нусхалари оламга ёйилган»,— дейди. Ҳозир ҳам Султон Али хатларининг шунчалик кўплиги билан Мир Алининг жойларда қолдирган асарлари мартабада унинг хатларидан ортиқдир.

«Маноқиби ҳунарварон» автори очиқдан-очиқ Мир Алининг хатини Султон Алининг хатидан ортиқ деёлмайди: «Менинг қарашимча, бу икки устознинг ҳар бирларида ўзига хос равишлари, айрим табиатлари бор, ҳар қайсилари ўз шеваларида гўзал ёзадиган улуғ хаттотдирлар».

Настаълиқ қаламининг турлари ҳақида ҳам тазкира ёзувчилар ишончни Мир Алига берадилар. «Тазкираи беном» авторининг кўрсатишича, «Китобат шевасида ингичка қалам йўғон қаламидан яхшироқдир, кўчирган китобати қитъасидан яхши, тиниқ, пишиқ ва мазалик ёзган».

«Тарихи Рашидий» автори айтади: «Ингичка қаламни йўғонидан яхши, китобани қитъадан яхши ёзади... Унинг йўғон қалами бетаносиб ва бемазадир. Ингичка қалами ва йўғон қаламида малоҳат йўқ; бироқ қўли кучлиликда тенгсиздир».

«Райҳони настаълиқ» автори: «Хати тиниқлик ва тезликда, айниқса, йўғон қаламида чиройли ва гўзалликларни ўз ичига олган»,— дейди.

«Қавоиди хутут» автори: «Дастлабки ҳолларда Ҳиротда ҳокимлар девонахонасида ҳукмномаларни ёзиш билан шуғулланар эди. Мавлоно Мир Али хатининг матонати шундан такомиллашиб, ўша вақтда сўнг даража тез, нозик ва ёқимли бўлган. Бухоро шаҳрида турган вақтида эса гўзалликда жуда намунали, мазали, пишиқ ва ёқимли ёзган. Султон Алининг равишини бутун ўзгартирган, хатини бошқа тарзга айлантириб эсдалик қолдирди»,— деб ёзади.

«Миръоти олам» автори юқоридаги фикрни тасдиқлайди: «Мир Али фаҳмининг ўткирлигидан Султон Алининг равишини ўзгартирди. Ўша равишни тўғрилашга очиқ киришди».

Мир Али кўчирган хатлари ва китобатлари охирига бир қанча турли рақам ва имзолар қўйган. Булар шу фан аҳллари учун фойдадан ҳоли бўлмаса керак деб, уларни тубанда келтирамиз:

Али, Фақир Али, Мир Али, Али Котиб, Али Султоний, Али Ҳусайний, Мир Али котиб, Мир Али Султоний, Али Ҳусайний котиб, Али Ҳиравий, Али Ҳусайний Ҳиравий, Фақир Мир Али, Фақир Али котиб, Али котиби Ҳусайний ва Али Ҳусайний котиб.

Қози Нуруллоҳ Шуштарийнинг айтишича, Мир Алининг фарзандлари ва уларнинг болалари Бухорода, баъзилари Ҳиндистонда яшаган.

**Мир Чалма Искандар Бухорий** Мир Али Ҳиравийнинг шогирдларидан бўлиб, бевосита унинг ўзидан машқ қилган. Мир Чалма устози замонида юксак пағонага кўтарилдики, Мир Али унга риоят қилиб, қитъаларига ўз катабасини ёзишга ижозат берди. Бироқ Мир Чалма хулқли, мағрур киши бўлгани учун қабул қилмай, устозига: «Сен кимсанки, мен сенинг катабангни ихтиёр қиламан»,— дейди. Бу сўздан Мир Алининг кўнгли озорланади. Кўп ўтмай, Мир Чалманинг кўзи кўр бўлиб қолади.

**Мир Ҳусайн Куланки Бухорий** 1538 йилда Султон Саид замонида воқе бўлган Шўриш устида Носириддин Убайдулло тарафидан санъат ва ҳунар аҳллари билан бирга Ҳиротдан Бухорога мажбурий олиб келинган.

Маҳдий Баёнийнинг ёзишича, «Маноқиби ҳунарварон» автори бир қанча улуғ хаттотларни Мир Али Ҳиравий шогирдларидан деб ҳисоблайди. Жумладан, Мир Ҳусайн Куланки Бухорода Мир Алининг қўлида тарбия топган, фазли камолга эга бўлиб, Убайдуллохоннинг кўп китобларини кўчирган. Шу кўчирган китобларидан бири Убайди девонидир[50].

---

[50] Маҳдий Баёний, Пайёми навин, Теҳрон, 1961, 21—22-бетлар; Убайдуллохон, Девони Убайдий, ЎзФАШИ, инв. № 8931, 695-бет.

**Муҳаммадамин Бухорий Халвоий** атоқли, номдор хаттот бўлиб, етти қалам билан кўчирувчи, айниқса, насх хатида шуҳрат қозонган. Машҳур Мир Убайд котиб унинг шогирдидир. Ўз даврида бошқалардан юқори турар, халққа танилган кўп гўзал қўлёзмалар қолдирган. Бу кишининг отаси Аваз Бадал халвочилик касби билан шуғуллангани учун «Ҳалвоий» деб нисбат берилган. Ҳалвоий 1543 йилда вафот қилган[51].

**Мирсолиҳ Мир Али Фатҳободийнинг** ўғлидир. «Бола отаси учун яширин сирдир», «боласидан отасини билиб олиш мумкин» деган мақолга кўра, Мирсолиҳнинг фазли отасидан ортиқ, хати эса Мир Алиникидан кам эмас, суръат билан тез кўчирувчи, китобатни чаққон қилувчи хаттотлардан эди. Садр Зиё айтади: «Кўчирган китобларидан бир нечасини кўрдим, камол гўзалликда киши ҳайратда қолар эди. Отасининг қабри устидаги мармар тошга жали қалам билан бир неча жумлалардан сўнг: «951 ҳижрий (йилда) улуғ фазилатли, яхши ҳислатли Мавлоно Мир Али ал котиби Ҳусайний ҳаётининг китоби ёзилиб, охирига етди ва қазонинг қалами фано рақамини унинг ҳаёт дафтарига тортди»,— деб ёзган эди. 1544 йилда вафот қилган. Бу рубоий ҳам Мирсолиҳдан:

آن بحر فضایل سر ارباب کرم را
در واقعه دیدیم باطوار ستوده
گفتم چه گویم بتاریخ وفاتت
گفتا که بگو میر علی فوت نموده
—۹۵۱

**Тожиддин Бухорий** 1567 йилда Туркияда эди. У ибн Бавvoб ва Ёқут равишича хатлар кўчириш истеъдодига эга бўлган хаттот — шоирдир. Зебо девоний хати унинг шуҳрат қозонишига сабаб бўлган.

**Мир Убайднинг** лақаби «Лўлу» (марварид)дир. Ҳалвоий шогирдларидан бўлса ҳам устози унинг ёзган китобатига ажабланар эди. Талантли хаттот Мир Убайд устозининг туғган равишини ўзгартиб, энг гўзал усулда ёза бошлади. Мир Убайддан кейинги барча хаттотлар унинг равишини ихтиёр қилдилар. Ҳалвоий равияси Бухорода амалдан қолди. Бироқ бу усул Афғонистон ва Ҳиндистонда қўлланар эди. Мовароуннаҳрда барча хаттотлар Мир Убайдга тақлид қилар эдилар. 1500 йилларда уч Мир — хаттотлик бобида Мир Убайд, зийнатли лавҳалар чекишда Миршафи, ипак қоғоз ясашда Мир Иброҳим машҳур эдилар. Ҳар бирлари ўз ҳунарларида ягона эдилар. Мир Убайднинг лақаби Лўлу дейилиши — Убайдуллохон (XVI аср) томонидан китобат хизматига

---

[51] Шарифжон Махдум. Рисолаи хаттотон, 257-бет.

берилган ҳадялар ичида лўлу (марварид)лар ҳам кўп бўлганлигидир. Уни Лўлу ва Жавоҳирраҳам деб атаганлар. Мир Убайднинг шогирдлари жуда кўп бўлган. 1601 йилда вафот қилган[52].

**Дўст Муҳаммад** ҳиротлик бўлса ҳам, бутун ҳаёти Бухорода ўтган. Етти қалам билан хат ёзишда тенгсиз. Айниқса, сулс хатини Ёқут равишида ёзар эди.

**Дарвеш Муҳаммад** Дўст Муҳаммаднинг ўғлидир. Бу киши ҳам етти қаламда устоз, хатни гўзал ва чиройли ёзишда машҳур хаттотлардан биридир.

Дарвеш Муҳаммад 34 ёшида 1587 йилда ҳуснихат қоидалари, усуллари ва хат турлари тўғрисида форс тилида «Фавоид-ул-хутут» номи билан китоб ёзган. Китобининг охирида:

بود سیُ چهار عمر عزیز          بنوشتم اصول خط ز تمیز
بود شفقت بطالب هر خط          کهٔنمودم حروف دا بنقط

деб таъкидлаб ўтади[53].

**Муҳаммад Туркман** Мир Убайднинг шогирдларидан бўлиб, ўз замонасида хатосиз ёзишда тенги йўқ насхнавислардандир. Хати Мир Убайднинг хатига ўхшаш.

Муҳаммадқул Туркман Мир Убайднинг замондоши бўлган[54].

**Муҳаммад Азиз Бухорий** Бухорода машҳур насх хатига маҳоратли хушхат котиблардан бўлиб, арабий тилдаги китобларни кўп кўчирган. Жумладан, 1645 йилда Разийиддин Ҳасан ибн Ҳасан Сағонийнинг «Ассихоҳ ал-луғат»га ёзган «Такмила»сини насх хати билан кўчирган[55].

**Сайид Абдуллоҳ Бухорий** «Дарвеш Абдий» ва «Мавловий» лақаблари билан шуҳрат қозонган хаттотдир. Таълим ва тарбияни Мир Имод Ҳусайнийдан олиб, Истамбулга келиб «Беккуз» деган жойда ҳаёт кечирган. Истамбулга ҳақиқий настаълиқ хати, бадиий кўчиришни шу киши келтирган. Истамбулдан қайтишда устози Мир Имод Ҳусайнийни кўриш орзусида Исфаҳонга борди. Исфаҳонда устози Мир Имоднинг вафот хабарини эшитади, минг қайғулар билан уйига бориб, қариндошларидан аҳвол сўрайди. Улар «йиғилган барча гўзал хатлари ва бошқа нарсалари подшоҳ томонидан мусодара қилинди, лекин сенга ҳам зермашқларидан васият қилган»,— деб боғланган бир нарсани унга топширдилар. Боғланган нарсани ечганда, ичида ўн адад қитъани яшириб қўйганини кўрди. Уни

---

[52] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 257-бет.
[53] Дарвеш Муҳаммад, Фавоид ул-хутут, ЎзФАШИ, инв. № 2617, 69—70-бетлар.
[54] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 257-бет.
[55] Ҳасан Ассақоний, Такмила, ЎзФАШИ, инв. № 2258, 300-бет.

қўлига олиб, камоли муҳаббатидан қилган ишларига йиғлаб, ўз вилояти Бухорога қайтди.

Сайид Абдулло Беккузда турган вақтларида Муҳаммад подшоҳ буйруғи билан бир «Шоҳнома» кўчирган. Унинг чиқимлари (сиёҳ, сурх, қоғоз, олтин ҳал бериш, миниатюра ва жадваллаш, зийнат бериш ва бошқалар) ўн саккиз кисса ақчага етиб муқова қилингач, китобат хатномаси учун минг олтин ҳадя берилди. Абдуллода ҳаж қилиш орзуси бўлганлиги туфайли, унга Миср молиясидан қирқ пора кундалик маош ҳақи тайинланди, шаҳар ва қишлоқларда ҳурматини сақлаш тўғрисида буйруқ ва мактублар юборилди. Сайид Абдулло охирги умрини Ҳижозда ўтказди. 1647 йилда вафот қилган[56].

**Мир Абдуллоҳ Термизий** шоҳ Неъматулло авлодидандир. Хатти настаълиқни сўнг даража гўзал ёзар эди. Шунинг учун Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб томонидан «Мушкин қалам» деган фахрли унвон берилган. Шеърда тахаллуси «Васфий» бўлиб, бир қанча манзумалар, ошиқона ғазаллар ёзган. Яна бешта маснавий ва бир девон кўчириб қолдирган. 1615 йилда вафот қилган[57].

**Мир Солиҳ** Мир Абдуллоҳ Термизийнинг ўғлидир. Настаълиқ хатини гўзал ёзувчи, моҳир хаттот «Кашфий» тахаллуси билан шеър ҳам ёзар эди. Авваллари фақир ва дарвишона яшаб, ҳаётининг охирида Шоҳ Жаҳоннинг илтифотига сазовор бўлган. Унинг «Маноқиби Муртазавий» номли асари машҳурдир. 1651 йилда вафот қилган.

**Ҳожи Ёдгор** Абдулазиз хон даврининг хаттоти. Настаълиқда замонининг тенгсиз кишиларидан эди. Унинг вафоти тарихида шу рубоийни айтганлар:

آه بست احرام رحلت کرد حاجی یادگار
هر که آمد از جهانش رفت باید زین نمط
چون زشاگردیش خلقی گشته در خط اوستاد
گفت تأریخ وفاتش را قضا اوستاد خط
1663 — ۱۰۷۵

Мазмуни:

Оҳ, эссиз Ҳожи Ёдгор, барчадан воз кечиб, иҳром боғлаб, дунёдан кўчди. Дунёга келган ҳар бир киши шу равишда кетиши керак. Шогирдларидан бир тўда кишилар хатда устод бўлдилар. Унинг вафот тарихини қазо «хатнинг устоди» деб айтди.

Ҳожи Ёдгор Бухорода жавоҳиррақам котиблардан бўлиб, заррин қалам Мирхусайн Кашмирийнинг шогирдидир. Қитъа

[56] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 240-бет.
[57] Б а х т о в а р х о н, Хаттотлар ҳақида рисола, ЎзФАШИ, инв. № 202, 88—89-бетлар.

ёзиш билан кўпроқ шуғулланарди. Уни «Иккинчи Мир Али» деб ҳам атардилар. Унга хон[58] томонидан Ҳофиз Шерозийнинг девонини кўчиришга буюрилади. Бир кун хон — эй Ҳожи! Бу китобдан бир кунда қанча кўчирасиз?— деди.

— «Ҳаракат қилсам бир кунда икки байт кўчираман»,— деб жавоб берди Ҳожи.

Хон шу икки мисрани ўқиди:

خاک مشرق شنیده ام که کنند　　بچهل سال کاسهٔ چینی
چند روزی کنند در بغداد　　لاجرم قیمتش همی پرسی

Мазмуни:

Эшитишимча, Шарқ тупроғини қирқ йиллаб ишлаш билан чинни коса ясар эканлар. Бағдодда эса бир неча кунда тайёрлайдилар. Шунинг учун ҳам унинг баҳоси сўраганингчадир.

«Мен Сизни китобатга буюрдим, бир кунда икки байт кўчирилса, бунда қанчалик гўзал латофат бор эканлиги маълумдир.

Энди агар ҳафсала қилсангиз, икки байт эмас, бир мисра кўчирсалар ҳам майли»,— деди хон.

Ҳожи Ёдгор девонни етти йилда кўчирди. Бухоро хони (Абдулазиз) Эрон шоҳига[59] жуда кўп қимматли совғалар билан Ҳофиз девонини ҳам юборди. Эрон шоҳи Ҳофиз девонини кўриб: «Бир неча мамлакат туҳфасига тенг бу хазинани менга юборибдилар[60],»— деб хурсанд бўлди.

**Мир Мўъмин** Мир Абдуллоҳ Термизийнинг ўғли, Мир Солиҳнинг укаси, ашъорда тахаллуси «Арший»дир. Китобларни таққослаш ишларига, шеърда ва хатда маҳоратли эди. Шеърларини тўплаб девон тартиб берган. 90 ёшида, яъни 1680 йилда вафот этган.

**Мирзо Саъдихон** дарвишона ҳаёт кечирган. Бирор кишига шогирд бўлмаган бўлса ҳам насх хатини сўнг даража гўзал ёзарди. Ироқда ва Мовароуннаҳрда хаттотликда шуҳрат қозонди. Кейинги вақтда Оламгиршоҳнинг жулуси бошларида Ҳиндистонга боради. У ерда турли китобатлар ва қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланади[61].

**Мавлавий Соқий Муҳаммад Балхий Сончоий Рикий** настаълиқ хатида атоқли хаттотлардан бўлиб, хати сўнг даража малоҳатли, гўзал бўлганлиги учун «хаттотлар отаси» деб аталган. Бухорода Абдулазизхон даврида Мавлавий Соқийнинг укаси Субхонқулихон Балхга ҳоким эди. Субхонқулихон Бухоро тахтига ўтиргандан кейин Мавлавий Соқий ҳам Бухорога

---

[58] Абдулазизхон — XVII аср Бухоро хони.

[59] Иккинчи Аббоснинг ўғли Шосулаймон.

[60] Муҳаммад Юсуф ибн Ҳожибақо, Тарихи Муқимхоний, ЎзФАШИ, инв. № 3788, 57—58-бетлар.

[61] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 254-бет.

келиб хаттотлик билан шуғулланади. Кўчирган китобларининг сони бир неча юзга етарди. У китобларни тузатганда ҳеч хатога йўл қўймас эди. Мавлавий Соқий 1680—1737 йилларда яшаган[62].

**Мирзо Исматулло** настаълиқ хатида ўз замондошлари ичида тенги йўқ, тоза, ғалатсиз ва кўчиришда барча котиблардан юқори туради. «Намонд аз хат нишон» ибораси (1163) унинг вафот тарихи бўлиб, қабрининг устига ёзилган. Абдулфайзхон даврида яшаган. 1740 йилда вафот этган[63].

**Муҳаммад Юсуф Махдум Чаппанавис** Атоуллохўжа ўғли, хатни чап қўли билан ёзарди. Шунинг учун Муҳаммад Юсуф Махдумни Бухорода «Махдум Чаппанавис» деб атардилар. Муҳаммад Юсуф чап қўли билан насх ва настаълиқни жуда гўзал ёзарди. У 200 га яқин турли қўлёзмаларни кўчирган.

Хаттотлар бу кишининг насх ва настаълиқ хатида ёзган қўлёзмасига катта эътибор берадилар. «Жомиъ ул-фатово» номли тўплами мавжуд. У 1810 йилда вафот этди. Бухорода Хожа Ҳабибулло қабри ёнига қўйилган[64].

**Мавлоно Масжидий** Мулла Мансур Бадахшонийнинг ўғлидир. 1786 йилда Бухорога келган. Масжидий номдор хаттотлардандир. Қўлёзма китоблари ва ёзган таҳрирларини Бухорода дастур тутадилар. Тасхир қилган китоблари ишонарли ва эътиборлидир. Мавлоно Бухорода 1812 йилда вафот қилди[65].

**Шахобиддин Махдум** Фозилжон ўғли, Бухоронинг настаълиқ, насх ёзувчи номдор котибларидан бўлиб, жуда кўп қўлёзмалар эсдалик қолдирган. У, айниқса, қўлёзмалар кўчиришда 1800 йилларда шуҳрат қозонган. Унинг кўчирган китобларининг адади юзга боради. Шаҳобиддин домла Насриддинчанинг шогирдидир. У 1826 йилларда вафот этган[66].

**Абдул Ҳалим Махдум** Шаҳобиддин Махдумнинг укаси. У ҳам хушхат, моҳир котиблардан бўлиб, катта ҳажмли китобларни кўчирган.

**Намадий Муҳаммад Ризо** кўчирган қитъаларига Али Ризо, Муҳаммад Ризо деб имзо қўяр эди. Кўпинча, қора машқ йўли билан қўлининг кучлилигидан комил даражада чиройли, гўзал ёзар эди. Бухорода Регистон биносининг новасидаги Болоховуз тарихини жали қалам билан ёзган Намадийдир.

Намадий Бухорода истиқомат қилганидан, у ердаги Бобои порадўздаги ҳовуз лабини «Ҳавзи Намадий» деб ҳам атайдилар.

Намадийга тубандаги уч киши ҳамаср бўлиб, XIX асрнинг I ярмида яшаганлар.

---

62 Ўша асар, 262-бет.
63 Ўша асар, 253-бет.
64 Ўша асар, 268-бет.
65 Ўша асар, 263-бет.
66 Ўша асар, 255-бет.

**Мирзо Кичкина** мадрасага ва Халифаниёзқули биносининг катабасини сўнг даража зебо ва гўзал ёзган эди.

**Мирза Фохир** гўзал ёзувчи хаттотлардан бўлиб, ўша замоннинг хони Амир Ҳайдар тарафидан буюрилган жуда кўп китоблар, қўлёзмаларни кўчирган.

**Мирзо Содиқ Мунший** Бухоронинг «жондор» туманидан бўлиб, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган. «Содиқ» тахаллуси билан шуҳрат топган. Шоир бўлиши билан бирга моҳир хаттот ҳам эди. Содиқ иншо ва таҳрир илмида ҳам маҳоратли эди.

Мирзо Содиқ Бухоро амири Шоҳмурод (1199—1215 ҳижрий йиллар) хизматида бўлган. Унинг вафотидан сўнг Амир Ҳайдар саройида муншийлик билан шуғулланди. Амир Ҳайдар уни саройдан ҳайдайди. У ўзининг оғир аҳволда қолганидан амирга шикоят қилса ҳам, у қулоқ солмаган. Содиқдан «Даҳмаи шоҳон», «Қазову қадар», «Ошиқ шудани дарвиш бо духтаре», «Рафъи тумани Охугир ва Ҳайробод» каби, жамъи 5 минг байтдан иборат асар етиб келган[67].

**Мавлавий Иноятулло Котиб** Бухорода шуҳрат қозонган, билимли ва фозиллардан бўлиб, улуғ мартаба ва обрўга эга эди. Китобат санъатида ўзига хос бир равия тутган. Иноятуллонинг хатига қараганда киши кўзига нур, кўнглига шодлик бахш этарди. Кўчирган қўлёзмасининг сони 150 чамасидадир. Рисоланинг эгаси Шарифжон Махдум айтади: «Иноятулло котибнинг 30 ададдан кўпроқ кўчирган қимматли қўлёзмасини кўрганман. Ҳар бир жавҳари жон ёки дурдона ва маржон эди»[68].

**Мирзо Абдураҳмон** арабий ва форсий адабиётларда кучли, фазлли бир киши бўлиб, Бухорода Гавкушон мадрасасида дарс бериш билан шуғулланарди. Шу билан бирга настаълиқ хатида ягона хаттотлардан бўлиб, ҳуснихатда равия ихтиёр қилмаган, таълимий равишни гўзал ёзув билан ёзарди.

Мирзо Абдураҳмон кишини ажаблантирадиган даражада тез ёзувчилардан эди. «Муҳити Бурҳоний» деган асар катта ҳажмли китоблардан биридир. Тахминан бир неча юз жузга боради. Шу китобни бошидан то охиригача бир қалам билан бир ўзи кўчириб тугатган. Ҳолбуки, бошқа ерда «Муҳити Бурҳоний» нусхасини энг ками 10 нафар кучли хаттот кўчириб зўрға тамом қилар эди. Яна бошқа кўчирган қўлёзмалари юз адад чамасидадир. Бухорода «Лаби ҳовуз говкуши»даги мадрасанинг бонийси ҳам шу кишидир. Қабри Ҳожи Омонат нигоҳдор мозорининг ёнидадир[69].

---

[67] «Садои Шарқ», 1965 йил, 5-сон, 165—177-бетлар.
[68] Ўша асар, 267-бет.
[69] Ўша асар, 267-бет.

**Қаршилик Сайидназар (Насафий)** номи билан икки номдор хаттот ўтган. Бири қаршилик Сайидназар, иккинчиси Сайидназар лаби Обийдир. Қаршилик Сайидназар билимли ва кучли котиблардан бўлиб, кўчирган китоблари ўқувчиларга дастур бўлар эди. Бирор нусхада шубҳа бўлиб қолса, Сайидназарнинг китобатига таққослаб, тузатиб олар эдилар. Унинг қўлёзмаси бошқаларнинг хатоларини ҳал қилар, бир устоз каби ёрдам берар эди. Унинг қўлёзмаси Мавлавий Соқий қўлёзмаси каби ишонарли эди. Кўчирган китобларининг сони 300 дан ортиқдир[70].

**Сайидназар Лаби Обий** ҳам эътиборли котиблардан, хатни чиройли санъат билан ёзишда Сайидназар Насафийдан истеъдоди кўпроқдир. Настаълиқни ҳуснихат қоидасига риоя қилиб ёзарди. Шунингдек, тўғри ва хатосиз ёзадиган хаттотлардан эди. У «Хатосиз кўчирадиган котиб» деб шуҳрат қозонган. Кўчирган қўлёзмаларининг сони қаршилик Сайидназарники каби кўп эмас, 56 тадир.

**Мавлавий Абдулло ва Мавлавий Раҳматулло** Мавлавий Раҳматуллонинг лақабини «Мавлавий Жулли» деб ҳам айтадилар. Булар Аваз Бадал котиб Балхийнинг ўғилларидирлар. Мавлавий Абдулло ва Мавлавий Раҳматулло Жуллий Мавлавий Соқийнинг равишида ёзадиган хаттотлардан бўлиб, ҳар иккисининг хати бир-биридан гўзалдир. Шунингдек, бу икки хаттот хатларининг гўзаллигини Мавлавий Соқий хатидан ажратиб бўлмас эди. Фақат Мавлавий Соқийнинг қаламидаги кайфият бу икки хаттотда йўқ эди. Бу икки котиб Бухорода зўр эътибор қозонган, китобат санъатида, хушхатликда, тўғри ва хатосиз кўчиришда машҳур бўлганлар. Мавлавий Абдулло кўп қийин масалаларни тез ҳал қилар ва бошқаларга ёрдам кўрсатар эди. Ҳар бирлари кўчирган китобатларининг адади икки юздан уч юзгача борган.

Буларнинг отаси Аваз Бадал ҳам Бухоронинг мўътабар котибларидан эди. Хат ва китобатлари ўғли Мавлавий Абдуллодек бўлмаса ҳам кўчирган китобатлари 200—300 қўлёзмадан кам бўлмаган. Рисола эгаси Шарифжон Махдум айтади: «Аваз Бадал котибнинг, умуман, кўчирган китобларидан 56 адад қўлёзма китобини кўрганман».

**Фозил Девона** Бухорода Мозори Шариф дарвозасининг ташқариси «Гулзор»да қаландарона ҳаёт кечирувчи форсий китобларни кўчирадиган кучли хаттотлардандир. Кўпинча, Мирзо Бедил асарларини китобат қилиш билан шуғулланарди. 1803 йилларда бир савдогар киши Ҳиндистондан Бухорога келган. Ўзи билан бирга Мирзо Абдуллоқодир Бедилнинг ўз қўли билан ёзилган (автограф) қўлёзма асарларини олиб келади.

---

[70] Ўша асар, 264-бет.

Бедилнинг «ўз қўли билан ёзган қўлёзмаси бир савдогар қўлида эмиш» деган хабар бутун Бухорога ёйилади. Амир ҳам у китобни кўриш, сотиб олиб ўз мулкига айлантириш ҳавасига тушди. Лекин ҳар қанча қиммат баҳолар берса ҳам савдогар кўнмади. Кейин шу нусхадан кўчиртириб олмоқчи бўлди. Савдогар китоб севувчи бўлганлиги туфайли китобнинг жуз бандини бузиш, шерозасини сўкиб бўлак-бўлак қилишга рози бўлмади.

Савдогардан Бухорода қанча вақт туришини сўрадилар. Савдогар бир ой туришини айтди, илтимос билан 40 кун туришга мажбур қилдилар. Амирнинг шу нусхадан кўчиртириш шавқи бор эди. «Қайси котиб шу хизматни 40 кун ичида бажарса минг тилло пул, яна қўшимча инъом ва ҳадялар берилади», деб жарчилар шаҳар ва қишлоқларда хабар тарқатдилар. Оз муддатда катта бир ишни бажариш қийинлигидан хаттотларнинг нафаси чиқмади. Бирор киши, мен бажараман, демади. Бирдан Фозил девона ҳозир бўлиб қолди. Бу хизматни бажариш тўғрисида ваъда бериб, шартларни қабул қилди. Ўз тенгдошлари уни девоналикка ҳукм қилдилар.

Фозил девона «Гулзор»га бориб, ҳужрасининг эшигини ёпиб, китобатга киришди. Қирқинчи куни котибни кутиш учун мозор олди одамлар билан тўлган эди. Шу пайт Мозор дарвозасидан Фозид девона кўриниб қолди. От устида китоб ва кўчирган нусхаларини канобга боғлаб, хуржундек осилтириб келарди. Амирга хабар бердилар. У кутиб олиш учун одамларини чиқарди. Тим тагида шу ҳангома билан келаётганини кўрдилар. Тантана билан аркга етдилар. Юкларини отдан тушириб, китобларини кўрдилар. У кўрсатилган муддат ичида икки нусха китобат қилган — бирини амир учун, бирини ўзи учун кўчирган. У нусхалардан ҳар бири икки варақлик қоғозга кўчирилган. Тахминан 500 га яқин жуз бўлар эди.

Амир илтифотлар кўрсатиб, бир минг қизил олтин, яна бош-оёқ кийимликлар, турли ҳадялар берди. Фозил девона у пулларга сув лабида бир бино қурган эди. Ҳозир харобага айланган.

Бундан кейин қўлидаги нусхадан қисқартиб яна бир нусха кўчирди. Фозил кўчирган китобатининг охирига шу байтни ёзиб қўйган эди:

رقم بی رقوم بی انجام
فاضل مستمند زهر آشام

**Қорабек** шикаста хатни гўзал ёзишда ихтисоси юқори бўлган хаттотдир. Кўпроқ «Маснавийи Нозим», «Девони Бедил» ва бошқаларни кўчирарди. Насх хатида Мир Убайд, настаълиқда Мир Имод, шикастада Қорабек шу даражага етган устозлардирки, бу уч кишига тенг келадиган китобат аҳли бўлмаган.

**Муҳаммад Ҳусайн Бадахший** ҳам шикаста хатда мўъжиза қўли, номдор хаттотлардандир. Бухорода бу кишининг қўлёзмалари кўп эътибор топди. Мирзо Бедил, «Маснавийи Нозим» ва бошқа форс адабиётига оид китобларни кўчирар эди. Айниқса, «Маснавийи Нозим»ни ҳафтранг қоғозга китобат қилиб, шуҳрат қозонган.

**Муҳаммад Содиқ Марвий**[71] Муҳаммад ўғли марвлик бўлиб, Бухорода таҳсил қилган, настаълиқ хатида ғоят нафис ёзувчи хаттотлардандир. Кўчирган қўлёзмаларидан «Ал-луғати Навоий», «Луғати Абушқа», «Ал-луғати ал-навоия» ва «Ал-истишҳода ул-чиғатойия»лар маълум.

**Атоуллохўжа Чаппанавис** Бухоро мадрасаларидан бирида дарс берарди, шунингдек, настаълиқ хатини ғоят гўзал ёзадиган моҳир хаттотлардандир. Шеър ҳам машқ қилар эди. Жабр, хандаса, ҳисоб (фаройиз) ва шунга ўхшаш фанларда маҳоратли эди. Атоулло чаппанавислик билан шуҳратланган.

**Ўзбек Хўжа Бухорий** фозил ёш хаттотлардан бири эди. Бутун ҳаётини қўлёзма китобларнинг йиртилган ва етишмаган, сукут бўлган қисмларини кўчириб, тузатиш, тиклаш билан ўтказган.

**Мақсуд Хўжа**[72] хат ва китобатга ихтисосли, ўз тенгдошларининг илғорларидан эди. Насх ва настаълиқда баравар маҳоратли бўлиб, кўпинча насх хати билан китобат қиларди. 1870 йилда вафот этган.

**Шаҳрсабзлик Иброҳим Девона** Бобобек Иштабир ва бошқаларнинг устозидир. 1826—1860 йилларда ўтган.

**Бобобек Иштабир** ни «Терма дуднавес» деб ҳам айтадилар. Иброҳим девона Шаҳрисабзийнинг тарбиясида камолот ҳосил қилгандан кейин Бухорога келиб, талабаларга таълим бера бошлади. Ўтган устодларининг равишларини кутиб ўзига хос йўл билан таълим берарди. Хатининг гўзал ва зеболиги барча хаттотларнинг диққатларини ўзига тортди. Иштабирнинг таълим-тарбиясида Бухорода кўп шогирдлар аъло даражаға етдилар.

Домла Бобобекнинг етказган шогирдлари атоқли хаттотлар қуйидагилардир: Абдураҳим Таманно, Субхонқули, Умархўжа, Мирмаъсум Оламиён, Насриддинча, Мирсирож оталиқ, Абдулқодирхожаий Пишакбоз, Абдулғаффор, Садриддин махсум Хўжандий, Домла Сайид Қалободий.

**Мирзо Абдуваҳҳоб** лабиҳовузликдир, котиблар бошлиғи эди. Абдуваҳҳоб кўп китобатлар қилди. Арабий ва форсий қўлёзмаларни ниҳоятда зебо кўчирган. Хатти шикаста билан «Маснавийи Нозим» ва бошқаларни кўчирган. Кўчирган қўл-

---

[71] Муҳаммад Ризо, Мунтахаб ул-луғат, ЎзФАШИ, инв. № 427, 77-бет.

[72] Файзулло, Холоти хаттотон, ЎзФАШИ, инв. № 5622, 4, 5, 7-бетлар.

ёзмаларининг кўп жойларига фойдали таҳрирлар ва иловалар ёзган. Кўчирган қўлёзмаларининг сони 100 ададга етади. 1860—1870 йилларда Китоб шаҳрида вафот этган.

**Имомиддин Шаҳрисабзий** талантли, фозил, айниқса, улуми арабияда моҳир ва турли хатларда кучли хаттот эди. Амир Музаффар уни фитначи шубҳа қилиб, асли ватани Шаҳрисабздан Бухоро ёнидаги Мозори Шариф йўлида «Қарий» деган мавзуга кўчиртириб келди. У ердан жой кўрсатиб, Бухорога киришни ман қилди. Музаффардан кейин ўғли Абдул Аҳад хон бўлгач, Имомиддин Бухорога киришга муваффақ бўлди. Шу қийинчилик вақтларида тириклиги китобат билан ўтди. Ҳар ким бирор китобни кўчиртиришни истаса, ўша «Қарий» деган мавзуга юборар эди. Имомиддин тахминан 200 адад китобни кўчириб, ниҳоят хушхат, зебо қўлёзмаларни эсдалик қолдирган.

**Мухтор Махдум** Наимжон махдумнинг ўғлидир. У настаълиқ хатини отасидан ва бошқа кўп котиблардан яхши ва гўзал ёзарди. Настаълиқ хати билан китобат қилган арабий, форсий қўлёзмалари сўнг даража зебо ва чиройли бўлиб, тўғри ва хатосиз ёзишда ҳам бошқа котибларга нисбатан биринчилардан эди.

Мухтор махдумнинг қўли шу қадар кучли эдики, бир қанча вақт у «бел уриш касали»га мубтало бўлган. Ҳамма вақт билаги кучли бир одам икки тиззаси билан унинг белига уриб турарди. Шу билан тинчланарди. Шу фурсатда Мухтор китобат ҳам қилиб турарди. Рисола эгаси Садр Зиё айтади: «Бу ишни ўз кўзим билан кўрдим. Бу — белга уриш китобатига ҳеч тўсқинлик бермас эди. Ёзиш равишида бирор тафовут ҳам кўринмас эди. Бу иш қаламни ўзига тасхир қилиб олганлигидан ёки унга одатдан ташқари бир иш бўлиб қолганидандир».

**Қори Ҳусайнча** машҳур Қори Аҳмад котибнинг олдинги шогирдларидан бўлиб, устози билан биргалашиб, кўп китобатлар қилар эди. Хатларни бир-бирлариникидан фарқ қилиб бўлмас эди.

**Наимжон Махдум** Халифа Ниёзқули Туркманнинг ўғли бўлиб, хаттотликда ўз замонининг талантли кишиларидандир. Настаълиқ хатида кўчирган қўлёзмалари ғоят гўзал ва чиройли бўлганидан халқ орасида эътиборлидир. Шарифжон Махдум айтади: «Кўп қўлёзмаларини мутолаа қилганман, бошидан охиригача хатосиз, бирор нуқтада адашиш мавжуд эмас. Бу кишининг хатида бўлган файз, малоҳат ва гўзаллик бошқа котибларда кўрилмайди».

**Абдул Азиз Махдум** «Махдуми Қози Ғани» оти билан шуҳратланган. Бухорода Турсунжон мадрасасининг дарс берувчиларидан, шунингдек, машҳур хаттотлардан бўлиб, ингичка қалам билан хат ёзишга ихтисоси бор эди. Абдул Азиз қўлёзма-

ларни бир-бирига солиштириб, керак бўлган китобни бошдан то охиригача кўриб тасҳиҳлаб тузатарди. Шу йўл билан жуда кўп китоблар мутолаа қилди ва кўп нусхаларнинг таҳрири унга муяссар бўлди.

**Махдум Раҳматий** оти Раҳматулло махдум, солим, номдор хаттотлардан бўлиб, гўзал хатига ҳамма таслим бўлган. У тез ёзишда ҳаммадан илгари эди. Китобат бобида махсус равиш тутган эдики, илгариги ва кейинги котиблардан ҳеч бири унга ўхшамас эди. Бу номдор котибдан Бухоро атрофидаги халқ қўлида жуда кўп қўлёзма ёдгорликлар бор.

**Сиддиқжон Куфрий Қўйдарахтий**[73] Бухорода шуҳрат қозонган иккита Сиддиқжон котиб бор. Бири Сиддиқжон Куфрий Қўйдарахтий, иккинчиси Сиддиқжон Кўки — Иштихоний. Ҳар бири хаттотликда ўз даврининг шуҳратлиларидан.

Сиддиқжон Қўйдарахтий ўзига хос хат равиятини ихтиро қилиб, шу равишда ҳаммага мақбул гўзал ва зебо хат ёзиш билан шуҳратланди. Қўлининг кучлилиги туфайли китоб равишини ижод этиб, қўлёзмаларни кўп кўчириш натижасида хати ғоят гўзал ва чиройли бўлган. Шу санъат билан Бухородаги «Қўйдарахт» гузарида шуғуллангани учун бўлса керак унга «Қўйдарахтий» лақаби берилган. Уч юзга яқин қўлёзма китобларни кўчирган.

Сиддиқжоннинг тутган равияси ўзига хос равиш бўлгани учун бир неча шогирдлари уни ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. Шулардан Зиёйиддин домла Миролим ўғли, Абдуқайюм Сиддиқжон ўғли, Домла Миролимнинг набираси Муҳаммадий Махдум бошқа шогирдларга нисбатан китобат санъатини камолга етказиб эгалладилар.

**Сиддиқжон Кўки — Иштихоний** ҳам ўзига хос китобат равиясини топган. У шундай бир равиш ихтиро қилдики, ҳеч бир хаттотнинг хати уникига ўхшамас эди. Унинг равиши комил настаълиқ хати таълимида эди. Хатининг назокати фақат Мирзо Ражаб тўранинг хатидагина топилиб, бошқаларда йўқ эди. Бироқ, Сиддиқжон Кўкийнинг табиати савдойимижоз, турғунсиз эди. Хаттотликда лозим бўлган китобат асбобларини сақлашни ўйламасди. Синиқ қалам билан ҳар хил қоғозларга ёзар, турли ранг ва сиёҳларни ишлатарди. Кўпинча, қоғоз бетига мистар тортиб, унинг қўлига берар эдилар. Хат ёзишда бир неча киши унинг равиясини ихтиёр қилиб эргашдилар. Самарқандлик Абдуллахўжа Абдулхай Хожа ўғли, Мирзо Қобил Ғиждувоний Савдойилар кўпроқ бу хат санъатини эгалладилар. Сиддиқжоннинг кўчирган қўлёзмаси 200 га етади. Рисола эгаси Шарифжон Махдум ёзади: «Мен халқнинг қўлида унинг китобати билан кўчирилган 40 тача қўлёзмасини кўрганман».

---

[73] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 263-бет.

**Абдулвоҳид Садр «Сарир» Балхий** китобат санъати ва бошқа фанларни ўзлаштирган, айниқса, хат, таҳрир ва иншода юқори ўрин тутган. Мадрасада дарс бериш билан шуғулланган. Шеърда тахаллуси Саририр. Бухорода кўп йиллар қозилик билан ҳам шуғулланган. 77 ёшида 1886 йилда Бухорода вафот қилган.

Сарирнинг шеъридан бир байт:

پیرم ز ضعف باتو نگاهم نمیرسد
ای نور دیده یک دوقدم پیشتر بیا

**Аҳмад Дониш** буюк мутафаккир, талантли ёзувчи, шоир, кўзга кўринган астроном ва ажойиб хаттот, лаввоҳ ҳам музаҳҳиб (зарҳал берувчи) эди. Кўчирган қўлёзмаларига ўзи зарҳал бериб, сарлавҳалар, миниатюралар ишлаган. Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухорода камбағал оилада туғилди, унинг отаси Носир маърифатли кишилардан эди. Дониш олти-етти ёшга кирганидаёқ ўқиш-ёзишни ўрганиб олди. Аҳмаднинг онаси ҳам ўқимишли бўлгани учун ўғлининг саводини тезроқ чиқаришга ҳаракат қилди. У тўққиз ёшида мактабга кирди, мактабнинг таълим методларини ёқтирмади, шунинг учун ҳам у ҳар куни дарсдан сўнг тарихшуносларнинг олдига бориб, Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг тарихига оид ҳикояларини қунт билан эшитар эди. «Агар мени уйда йўқотишса, тарихшунослар олдидан топар эдилар,— дерди Дониш».

Мактабда уч йил ўқигач, отаси уни мадрасага беради. Аҳмад мадрасада моддий жиҳатдан қийналади. У аҳволини тузатиш учун пул топиш йўлини қидиради. Бунинг воситаларини китобат (қўлёзма кўчириш)да деб ўйлайди. Аҳмад Дониш «Наводир вақоиъ» асарининг болаларга насиҳат бобида қуйидагиларни ёзади: «Мен отамнинг қарамоғида турганим учун мадрасада араб тили қоидаларини ва бошқа нарсаларини ўрганиш билан бирга бир касб қилишга ҳам мажбур бўлдим[74]. Пул топиш йўлини бирдан-бир китобат ва котиблик касби билангина топишни ўзимга қатъий қилиб, «Абул Маоний Бедил» девонини кўчириш билан шуғулландим. Чунки менинг хатим ўша вақтда ўз-ўзидан машқ ва таълимсиз камолга етиб қолган эди. Мен ўз ихтиёримда бўлмаганим учун бошқа касб ва ҳунар қилиш қўлимдан келмади. Бозор ва расталардан манфаатдор бўлиш учун бир касб қилишни ёқтирмас эдим, бундай ишлар учун менга имконият ҳам йўқ эди.

Мана шунинг учун ҳам мадрасада дарс олганимдан кейин қўлёзмалар кўчириш билан шуғулланар эдим. Бир ойда йигирма тўрт жуздан ўттиз жузгача (бир жуз 16 бетдан 24 бетгача)

---

[74] Аҳмад Дониш, Асарҳои мунтахабба, нашрга тайёрловчи Ҳодизода, нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1959, 185-бет.

бўлган ҳажмли Бедил девонини кўчириб, уни йигирма тангадан ўттиз тангагача сотар эдим. Бу китобат пулининг кўпроғини эҳтиёжим учун сақлаб, бир озини тириклик учун сарф қилар эдим».

Кўчирган қўлёзма ва қитъаларидаги имзолари настаълиқ хати билан йирик қаламда ёзилган. «Аҳмад ул-котиб, ал-мусаввир, ал-мухандис, ал-мунажжим ул-ханафи ал-бухорий» қўлёзма китобларида «Аҳмад ул-котиб ал-бухори ул-ханафи» ва ҳам «Роқимиху Аҳмад бинни Носир сиддиқи ул-ханафи бухори» деб турлича имзолар қўйган.

Мадрасада ўқиб юрган чоғида Дониш мустақил равишда геометрия, астрономия каби фанларни чуқур ўргана бошлайди. Шунингдек, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Навоий, Фузулий, Бедил ва бошқа мутафаккирларнинг асарларини қунт билан мутолаа қилади. Натижада Аҳмад Дониш Шарқ халқларининг маънавий ҳаёти ҳамда тарихини чуқур ўзлаштирган олим бўлиб етишади. Мадрасани тугатгач, Бухоро амирининг буйруғига биноан бир неча йил давомида тарих, тил ва фалсафага оид қўлёзма асарлардан нусха кўчиради. Донишнинг билимдонлигига қойил қолган Бухоро амири ундан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Амир Донишни 1857 йили Россияга юбориладиган делегацияга мирзо қилиб тайинлади. Бухоро амирининг бу делегацияси Александр II нинг тахтга ўтириши муносабати билан уни табриклаш ҳамда Россия ва Бухоро ўртасида савдо алоқалари юзасидан музокаралар олиб бориши лозим эди. Делегация Петербургда икки ой бўлиб, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Делегация аъзолари Рус империясининг театри, циркини, технология институтини, Исакеев соборини, ботаника боғини, Император Фанлар академиясининг музейини, астрономик — обсерватория (расадхона) ва бошқа жойларни бориб кўрдилар. 1869 йили Аҳмад Дониш яна делегация мирзоси сифатида Петербургга бориб келди. Делегация император Александр II нинг ўғли ва бошқа юқори амалдорлар билан суҳбатлар ўтказди.

Сафар вақтида Дониш ташқи ишлар министрлигининг ходими Цитромохов, таржимон Қозимбек Оиддинов билан танишди. Қозимбек ўз даврининг билимли кишиларидан эди. Қозимбек туфайли Дониш ўша вақтларда Европа ва Россияда тарқалган айрим илғор ғоялар билан танишди.

Аҳмад Дониш 1873—1874 йилларда учинчи мартаба Россияга боради. Делегация 1873 йилнинг декабрида Петербургга жўнаб, 1874 йилнинг май ойида Бухорога қайтиб келади. Делегация рус императорининг қизи Мариянинг тўйида қатнашиш учун юборилган эди.

Аҳмад Донишнинг Россияда уч мартаба бўлиши унинг дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. До-

нинг Россияга қилган сафарларидан кейин Бухоронинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан жуда орқада қолиб кетганлигини яққол сезди.

Рус ҳаёти, рус маданияти билан танишган Аҳмад Дониш энди ўз ватанининг асрий қолоқлигини йўқотиш йўлларини қидира бошлади. У бу вазифани бажариш учун Бухородаги мавжуд тузумни ўзгартириш керак, деган хулосага келди. 1876 йилларнинг охирига қадар амир ўтказадиган ислоҳотлар орқали мавжуд тузумни ўзгартириш мумкин деб ўйлаган Дониш, 1880 йилларга келганда ўзининг давлат тузумини ислоҳ қилиш ҳақидаги ғоясини ривожлантира бошлади. Ниҳоят у меҳнаткаш халқ қатъий кураши орқали озодликка эришади, деган фикрга келди. Аҳмад Дониш Россияда кўрган-билганларини, илғор фикрларини «Нодир воқеалар» ва «Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари» деган асарида баён этади.

Донишнинг энг йирик асари «نوادر الوقایع» «Нодир воқеалар»дир. Асар 23 бобдан иборат. Илгор рус маданиятини пропаганда этиш, халқни маърифатли бўлишга чақириш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиш асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. Китобда Бухоро давлат тузумини ўзгартириш ҳақидаги «Рисола дар назми тамадун ва таоруф» («Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақидаги рисола») муҳим ўринни эгаллайди.

Аҳмад Дониш Бухоро амири ва унинг давлат тузумидан доимо норози эди. Бухорода ҳеч кимга ёқмайдиган Музаффар ҳофиз ва Амир Музаффардан шикоят қилиб, бундай деган:

Жаҳон азин ду Музаффар, хароб гашту табоҳ,
Яки Музаффари ҳофиз, дигар Музаффари шоҳ[75].

## АҲМАД ДОНИШНИНГ ЁЗГАН ТЎПЛАМ ВА АВТОГРАФ АСАРЛАРИ

| | | |
|---|---|---|
| Меёрут-тадайюн | 1893 | инв. № 2776 |
| Меёрут-тадайюн | 1893 | инв. № 2187 |
| Манозир ал-кавокиб | 1865 | инв. № 2941 |
| Манозир ал-кавокиб | 1865 | инв. № 459 |
| Манозир ал-кавокиб | 1865 | инв. № 2144 |
| Манозир ал-кавокиб | 1865 | инв. № 5259 |
| Жадвали соат | 1876 | инв. № 5095 |
| Мажмуаи расоили нужумий | 1876 | инв. №2247 |
| Баёзи мансур | — | инв. №2279 |

[75] Шарифжон Махдум, Асоми ул-кутуб, ЎзФАШИ, инв. № 2460, 197-бет.

| | | |
|---|---|---|
| Таодили хамсаи мутаҳаййира | 1883 | инв. № 2362—1 |
| Наводир ул-вақое | — | (Ленинградда) |
| Манғит амирининг тарихи | — | (Бухоро) № 1987 |
| Наводир ул-вақое | 1882 | (Бухоро) № 2095 |
| Тақвим соли асб | 1881 | (Бухоро) № 595 |
| Рисолаи аъмоли кура | — | (Бухоро) № 2274 |

**Абдулло хўжа таҳсин** настаълиқ хатида жавоҳиррақам хаттот, маънишунос шоир, форс адабиётидан кенг маълумотга эга, хуш таҳрир эди.

**Мулло Хўжа** ҳаётини жалиқалам машқи билан ўтказган. Настаълиқ хатида йўғон қалам билан қитъалар ёзиш, лавҳалар ясашда ёшлигидан шуҳрат қозонган.

**Мирзоий Дабирий** ёшлигидан хат ва шеърга ҳаваси кўп бўлгани туфайли хаттот ҳамда шоир бўлиб етишган. Турли қаламда, айниқса, настаълиқда яхши ёзарди. Ўқувчиларга хатдан таълим бериш билан ҳам шуғулланарди.

**Шаҳобиддин** «Хатти жали»да китобатда настаълиқ хати билан сўнг даража гўзал ёзарди[76].

**Мирзо Баҳром** ҳаётини фан ва санъатга сарф қилган фозиллардан. Шеър ва иншода баланд таъбли шоир, настаълиқ хатида маҳоратли котибдир. Бу кишининг мунший ва мирзолиги ота-бобосидан келаётган мерос эди.

**Мирзо Бадриддин** мирзолардан бўлиб, таҳрир, иншода маҳоратли устод саналган.

**Бақохон** ёш хаттотлардан бўлиб, шеър ва муаммода ҳам шуҳрат топди. Тахаллуси «Нодир». Ёшлигида,1893 йил октябрь ойида вафот қилади[77].

**Абдулҳамид Махдум ва Абдулмўмин Махдум**[78] ларнинг ҳар иккиси Абдураҳим котибнинг ўғилларидир. Бу икки ёш йигит фазлу камолга эга бўлдилар. Хаттотлик ва бошқа илмларда бир-бирларидан ўткир эдилар. Айниқса, Абдулмўмин мусиқийда катта санъатчилардан эди.

**Иброҳим ва Исҳоқ** хаттотликда ном чиқарганлар. Айниқса, йўғон ва ингичка қаламларда хушхатликда бир-бирларидан қолишмасдилар. Шеър ва таҳрирда машҳур, Иброҳим шеърда ортиқроқ бўлиб, Исҳоқнинг эса хатда номи юқоридир. Насх хати билан кўчирган китоблари барчага ёқимлидир[79].

**Мир Икром Бухорий** хаттот бўлиш билан бирга муҳрканликда ҳам катта маҳорати бўлган. Айниқса, хат атрофидаги

---

[76] Идрис Махдум Рожий, Рисолаи хушнависон, ЎзФАШИ, инв. № 2193, 259—260-бетлар.

[77] Ўша асар, 259-бет.

[78] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 269-бет.

[79] Идрис Махдум Рожий, Рисолаи хушнависон, 259-бет.

паргор, жадвал, муҳр доирасидаги гул санъати кишини ажаблантирар эди. Бу соҳада унинг кўп шогирдлари бор[80].

**Мир Сиддиқ Ҳишмат** отасининг вафотидан кейин акаси Абдул Аҳадхон даврида Бухорода «Лабиҳовуз дастурхончи»да хонларга тегишли ҳовлида 30 йилга яқин озодликдан маҳрум бўлиб, ҳаёт кечирган. Бирор киши билан суҳбатлашмай, бирор кишини кўрмай, бирор кишидан таълим олмай, мутолаа қилиб, араб, форс, ўзбек тилидаги жуда кўп китобларни татаббуъ қилди, таққослади, изоҳлар ёзди, таржималар қилди.

**Қори Сабохон** бутун ҳаётини хат санъатига сарф қилган, айниқса, настаълиқ хатида устодларнинг қитъа ва сар машқларини тўплаб, уларга тақлид қилган. Хати Қалобод устодларнинг хатини эслатади. Кўчириш ва китобат санъати Қори Сабохонга касб эди[81].

**Мирзо Мурод** хат санъатида устодлик даражасида, таҳрири силлиқ, настаълиқ хатидаги таълими барчага ёқимли эди.

**Муҳаммад Амин Қори**нинг тахаллуси «Музниб», киши диққатини ўзига тортадиган, тиниқ ва равон ёзарди. Айниқса, насх хатида кўп маҳоратли эди.

**Муҳаммад Амин** Бухорода шуҳрат қозонган хушнавис котиб, маънишунос шоирдир.

**Муҳсинжон** ёш санъаткор, ҳунарманд, турли қаламда гўзал кўчирадиган хат устаси, шунингдек, муҳркорлик санъатида истеъдодли эди.

**Мулла Насриддин**[82] хаттотлик ва бошқа билим—санъатлари туфайли халқ ўртасида «Муҳаққиқи Тусий» лақаби билан шуҳрат қозонган. Номдор хаттот бўлиб, устозининг равияси билан китобат қиларди. Устозимнинг хатига ўхшата олмасам ҳам, чиройли ва ёқимли равишда кўчирдим, деб ўз хатига қизиқсинарди. Кўп қўлёзмалар кўчириб қолдирган.

**Мулла Ҳамдам Бухорий** Абдужаббор котиб Ургутий изидан борувчи, унинг равишини олган номдор хаттотлардандир. Мулла Ҳамдам яхши бир равия топиб кўчирадиган бўлдики, унинг настаълиқ ёзуви хушхат хаттотлар бошлиғи дейишга лойиқ эди. Кўчирган китобати бошидан охиригача бир рангда ва бир равияда кўринарди. Қўлёзмаси мутолаасидан кишига шодлик, кўзда равшанлик пайдо бўлар эди.

Мулла Ҳамдам энди камолга етган пайтда — ёшлигида дунёдан ўтди. Шунинг учун ҳам ундан кўп китобат ва қўлёзмалар қолмади.

**Ҳожи Мир Исо**[83] Ниёз Муҳаммад Балхийнинг ўғлидир. Нукталарни ечувчи, араб ва форс тилларида тўлиқ камолга етган, шеър ва мусиқийдан маҳоратли эди. Абдужаббор котиб Ургу-

---

[80] Ўша асар.
[81] Ўша асар, 260-бет.
[82] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 265-бет.
[83] Ўша асар, 266-бет.

тнй, Иноятулло Махдум ва Ҳожи Мир Исо махдумлар бир кечада «Девони Ҳофиз» каби китобларни гўзал хат билан кўчириб, эрта билан бозорга олиб бориб сотар, пулларни дам олиш кунларида бўладиган ўтириш харажати учун сарф қилар эдилар. Бу ҳодиса бир неча марта воқе бўлган.

Ҳожи Мир Исо хатининг тарзи ва равияси Абдулвоҳид Садр «Сарир» хатига тўла ўхшар, Мавлавий Соқий Муҳаммаднинг хатига яқиндир. Лекин уларнинг хат усуллари бошқа, Мавлавий Соқийники бошқадир. Ҳожи Мир Исо Мавлавий Соқийнинг кучли шогирдларидандир. У Бухорода Турсунжон мадрасасида мударрислик вақтида вафот этди.

**Назруллоҳ Лутфий** Муҳаммадамин котибнинг шогирди бўлиб, хат таълимида Ҳожи Мир Исога тақлид қилувчи фозил киши эди. Настаълиқ, насх хатларини яхши ёзар эди.

**Ҳожи Неъматулло** настаълиқ хати ва таълимида, таҳрир ва иншоларда машҳур. Тарих ва тасаввуф фалсафасига кучли эди. Форсча «Жузъиёт»и бор[84].

**Мирзо Сафар** Бухоро хаттотларидан бўлиб, шогирдларга хат таълими беришга истаги кўпроқ эди.

**Мирзо Мир Яҳё** қўли қаламни тасхир қилган, хатининг гўзаллиги кишининг диққатини тортадиган даражада тиниқ эди.

**Идрис Махдум Бухорий Набира** хўжа ўғли, тахаллуси Рожий, Бухоронинг ёш хаттот ва шоирларидан бири. «Рисолаи хаттотони манзума»нинг муаллифидир[85]. Идрис Махдум Рожий шеъридан:

نو بهار آمدچه باشد پیش راجی چار چیز
جام مل، دامان گل، صحن چمن، وجه حسن

Мазмуни:

Баҳор кунлари етиб келди. Рожийга тўрт нарса — чаман саҳни, гулларнинг таги, майга тўла қадаҳ ва гўзал юз муяссар бўлса эди.

**Убайдулло Бадахший** ҳеч ким билан иши бўлмай, қўлида қалам, қоғоз, сурх ва сиёҳ хат таълими билан ҳаёт ўтказар эди. Жуда кўп шогирдларга устодлик қилган.

**Абдул Карим** хат машқида Мир Имод хатига тақлид қиларди. Яхши, осойишта ҳаёт кечириш ўрнига фақат хатини такомиллаштириш билан шуғулланарди. Дунё лаззатини кўрмай, бир нафас роҳат қилмай дунёдан ўтди.

**Абдуллоҳ Мунший** кам учрайдиган тирноқ билан қоғозни бўрттириб ёзиладиган «хатти нохун»ни яхши ёзарди. Настаъ-

---

[84] Идрис Махдум Рожий. Рисолаи хушнависон, 262-бет.
[85] Шарифжон Махдум, Ўша рисола, 334-бет.

лиқ хатидан, шеър, муаммо ва тарих фанларидан ҳам хабардор эди.

**Қори Аҳмад Котиб Бухорий** настаълиқ хатида, айниқса, насх хатида Мир Убайднинг равиши билан ёзадиган машҳур хаттотлардандир.

Аҳмад котиб китобларни кўчиришдан топган ҳақи билан ҳаётини ўтказарди. Кўчирган китоблари 160 га борган. Бу китобларга ўз қўли билан жадвал тортган.

**Абдураҳим Котиб** Бухоронинг «Шикастбанд» гузаридан, Қори Аҳмад котибнинг шогирдларидан бўлиб, устоди равиясида кўчирган номдор хаттотлардандир.

**Субхонқулий** «Жим» Махдум лақаби билан шуҳратланган. У Қори Аҳмад котибнинг шогирдларидандир.

**Сайид Аҳмад Бухорий** хатда Абдулжаббор Ургутийга тақлид қилувчилардан эди. Сайид Аҳмад яхши равия ихтиёр қилиб, хатни тиниқ ва чиройли кўчирадиган хаттотлардан бўлган. Бухорода мадрасани тамом қилиш олдидан вафот этган.

**Мирзо Бадиъ Махдум Бухорий** Иноятулло Махдумнинг ўғлидир. У Абдулжаббор Ургутийнинг қўлида тарбия топган шогирдларидан биридир. Анча вақт Ургутда устозининг хизматида туриб, унинг таълимидан кўп фойдаланди. Ўз тенглари ичида ягона бўлиб, сўнг даража камолат ҳосил қилди. Хушхатликда, китобатининг гўзаллигида, тўғри ва хатосиз ёзишда санъат аҳлларига танилди. Ўз отаси билан Ҳижоз тарафига сафар қилиб, Арабистонда вафот қилди.

**Мулла Содиқ Бухорий** Абдулжаббор котибга эргашувчилардандир. Абдулжаббор котибга тақлид қилиб, устозининг яхши равиясини ўзлаштирган ва кўп қўлёзмалар кўчирган. Кейинча бир мадраса талабаларига дарс беришга тайинланиб, мударрислик даврида оламдан ўтди.

**Мирзо Абдулкарим** хатнинг бир неча турларида йўғон ва ингичка қаламлар билан, айниқса, насх ва настаълиқ хатида бадиий ёзадиган, шеър, иншода кучли, муҳрканлик санъатида машҳур котибдир.

**Мирзо Қори Олим** таълимий настаълиқ хатига моҳир котиб, Мирзо Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг тарбиясини олган Фозил шогирдларидандир.

**Мирзо Қамаржон** ёшлигидан хаттотликда шуҳрат топган, насх ва настаълиқни ёзишнинг ингичка ва йўғон қаламларини созлашда истеъдодли зўр котиб эди.

**Мирзо Жаҳонгир** хат, таҳрир ва иншоларга кучли, форс адабиётига моҳир, фазл билан шуҳратланган киши эди.

**Ҳожи Абдусаттор** шоир, насх ва настаълиқ хатларига уста бир кишидир.

**Ҳабибуллохон** ёшлигидан хат санъатини эгаллаган, шеърда тахаллуси Авҳадий. Рисола эгаси Рожий айтади: «Бу киши

синглимнинг ўғли ҳамда менинг шогирдларимдандир, бўлмаса жуда кўп мақтардим»[86].

**Мирзо Азим Сомий** муаммо, тарих ва бошқа соҳаларда катта истеъдодга эга бўлган киши эди.

**Абдураҳим Пешкуҳий** настаълиқ хатида ва ашъорнинг турли вазнларида комил кишилардандир.

**Мирзо Абдулло Хисорий** хатнинг ҳар хил турларида, муҳрканлик, заргарлик санъатида етук, ҳатто темирчилик ишлари ҳам қўлидан келадиган киши эди.

**Мирзо Абдулвоҳид Мунзим** ёшлигидан хат, шеър ва таҳрирда яхши баҳра топган, Муҳаммад Садр Зиёнинг шогирди ва хизматчиларидандир[87].

**Рабиъ Махдум** настаълиқ хатида Абдулжаббор Ургутийга эргашувчилардандир. Сўнг даража гўзал ва тиниқ ёзишда Ургутийдан хуштаброқ, дейиш мумкиндир.

Рабиъ Махдум кейинги вақтларда Мавлавий Соқийга тақлид қилиб кўчирадиган бўлди. Бу бобда анча юқорилади. Махдумнинг хати Мавлавий Соқий хатидан фарқи йўқ. Кўпинча, асосий матн китобатини Абдулжаббор котиб равияси билан кўчириб, ҳошия ва изоҳларни Соқий равиши билан ёзар эди. Бу фандан хабари бўлмаган одам асосий китобат билан ҳошия бир кишининг қалами эканлигини ҳеч билолмас эди.

Рабиъ Махдум Бухоронинг Девонбеги мадрасасида туриб, доим хат ва китобат таълими билан шуғулланар, кўп шогирдлари бор эди[88].

**Мирзо Абдулла Котибнинг** лақаби Савдоийдир. Абдуллабекнинг шогирдларидан бўлиб, насх ва настаълиқ хатида комил хаттот эди. Остонақул Гилкор, Мирзо Исҳоқ, Қори Тоҳир, Барнохўжа котиб, Мулла Очилди котиб Ғиждувонийлар Абдуллабек котибнинг шогирдлари бўлиб, ҳар бири шуҳрат қозонган хаттотлардандир.

**Қори Абдураҳим** Бухоронинг Жондор туманидан бўлиб, насх хати таълимида жуда кўп шогирдлар тарбиялаган[89].

**Ҳожи Ҳусайн Хатлоний** кўп китобат қилгани туфайли, қўли қаламни тасхир қилган, етти турли хатни ёза билар эди. Шунингдек, лавҳа, нақш ва расмларга ҳам моҳир эди.

**Мирзо Раҳматулло** икки хат (насх ва настаълиқ)да маҳорати зўр котиблардан бўлиб, тиниқ ёзишда тенгсиздир. У хат таълим бериш ишида кўп хизмат қилган.

**Саъдулло** хаттот бўлиши билан бирга мусиқийшунос, талантли машшоқдир. Таҳрир ва иншода, йўғон қаламда (хатти жали) Бухорода бундан кучли киши бўлмаган. Агар бир

---

[86] Идрис Махдум Рожий, Рисолаи хушнависон, 261-бет.
[87] Ўша асар, 261-бет.
[88] Идрис Махдум Рожий, Рисолаи хушнависон, 260*а*-бет.
[89] Шарифжон Махдум, Рисолаи хаттотон, 256-бет.

«жим» ҳарфини тортса, бирор нуқта ортиқ ё кам тушмай, тузатишга эҳтиёж қолдирмасди.

**Қори Шариф** ҳуснихат, муҳрканлик ва бадиий лавҳалар санъатида, шунингдек, заргарлик ҳунарида, бадиий асбоблар ясашда маҳоратли бўлган.

**Маҳдийхон Абдуқодир** Хожаи Пишакбоз шогирдлариданлир. 1860 йилларда Бухорода хаттотлик билан шуғулланган. Ўтган улуғ хаттотларнинг қитъаларини тўплаб, бутун умрини хаттотлик билан ўтказди. 1900 йилда вафот қилди.

**Мирзо Абдулфаттоҳ** Маҳдийхон котибнинг ўғлидир. У ҳам отаси каби бутун ҳаётини хаттотлик йўлида сарф қилди. Номдор хаттотлар даражасига етди.

**Абдураҳим Котиб** номдор хаттотлардан бўлиб, настаълиқда, айниқса, йўғон қалам билан ёзишда ва қитъанависликда ўз замонининг мўътабарларидан ҳисобланади. Лақаби Мижгондир.

**Иброҳим Хўжа Қўлобий** шеър ва настаълиқ хатида моҳир, заргарлик санъатида ҳам таланти бор киши эди.

**Иброҳимхон** насх хатини ниҳоят гўзал ёзадиган, айниқса, хатосиз тоза кўчирадиган, иккинчи Абдуллобек дейишга лойиқ эди. Шеър ва順 иншода, таҳрирда маҳорати кучли эди. Иброҳимхон покиза машрабли, очиқ юзли, гўзал ахлоқли Бухоро ёшларидан бўлган.

**Иноят Махдум** бир кечада бир китобни кўчирадиган уч ўртоқнинг бири. Араб ва форс адабиётидан маълумотли, китобатда ўзига хос равия тутган хаттотлардан бўлиб, ҳеч қайси котибнинг хати унга ўхшамас эди. Кўчирган қўлёзмасининг сони 200 дан ортиқроқдир. 1860—1870 йилларда саёҳат қилиб, Қашғар, Миср, Хижоз, Арабистонда бўлиб, 1885 йилда Бухорога қайтиб келгач, Турсунхўжа мадрасасида дарс бериш билан шуғулланди. Ёши 70 дан ошган вақтда «Жомиъ ас саҳиҳ» китобатини кўчириб турганда дунёдан ўтди. Иноят Махдум Шарифжон Махдумнинг тоғаси эди.

**Ҳикматулло Махдум** Иноятулло Махдумнинг укасидир. Бу киши умрини хат ва китобатга сарф қилган, кеча-кундуз кўчиришдан бўшамас эди. У тез ёзувчи котиблардан бўлиб, китобатини ҳисоб қилганларида кўчирган қўлёзмаси 270 дан ортиқ эди. Шундан кейин ҳам бир қанча йиллар яшади. Қарилик вақтида ҳам китобатни қўлидан қўймаган.

**Абдулазиз Махдум** дарс бериш билан шуғулланарди. Ҳикматулло Махдумнинг укасидир. Кўп хушхат бўлиб, бирор хаттотга тақлид қилмаган. Ҳуснихат тўғрисида айрим равияси йўқ эди. Ёзган қўлёзмасининг сони 100 га етади.

**Солиҳ Махдум** шеърда тахаллуси Навҳа, настаълиқ хатида ғоят гўзал ёзувчи хаттотдир. Китобатни суръат билан ёзувчилардан бўлиб, хати киши диққатини тортадиган даражада

марғубдир. У табиат шеърияси кучли шоирлардан бири ҳамдир.

Солиҳ Махдум Қаландар Машраб такаллуфсиз бир киши бўлиб, дунё ишларидан узоқ, ҳаётини мадраса бурчакларида ўтказар эди.

**Мирзо Ғиёс** ёшлигидан хат ва таҳрирда етук мирзо эди. Хатни таълимий, тиниқ ва равон ёзадиган, фазлу камол эгаси бўлган хаттотлардандир.

**Мирзо Фармон Кулий** талантли хаттотлардандир. Мирзо қаламни ўз қўлида тасхир этган эдики, уни қандай ҳаракатлантирса ҳам гўзал ёза берар, хатнинг тиниқлиги киши кўзига жило берарди. Фармон Қулий мақтовига «Девони Шоҳий» ҳам, китобати ҳам гувоҳдир.

**Мирзо Саъдуллоий Бухорий** насх ва настаълиқ хатларида китобат қилувчи, айниқса, настаълиқ хатида маҳоратли хаттотлардандир. 1893 йилда Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китобини ниҳоятда зебо настаълиқ хати билан кўчирган[90].

**Мирзо Исҳоқ Бухорий** настаълиқ хатида зебо китобатлар қилган. У Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асарини бадиий хат билан кўчирган. Китоб лавҳали, миниатюралидир[91].

**Мулла Очилди Котиб** машҳур устод Мир Убайд Бухорийнинг таълими билан насх хатини сўнг даража зебо ёзувчи хаттотлардандир. 1900 йилда Муҳаммад бинни Сулаймон Жазулийнинг «Далоил ул-ҳайрот» асарини ниҳоятда нафис кўчирган. Қўлёзма лавҳали, зарҳал билан жадвалланган.

**Усмонбек Котиб Бухорий** яхши хислатли, қаландарона яшовчи котиб эди. Кўп вақтларини кўчириш ва китобат билан ўтказарди. Хатларга маҳоратли, айниқса, настаълиқ хатида салиқаси ўткир эди. 1900 йилда вафот этган.

**Мирзо Аҳмад Котиб Бухорий** Мирзо Ҳидоятилло ўғли Бухоронинг зебо ёзувчи котибларидан бўлиб, 1905 йилда Мирзо Муҳаммад Шариф буйруғи билан Афзалпир масти Муҳаммад Ашраф Сиддиқийнинг «Афзали тизкор, пизикри шуаройи ашъор» китобини ғоят зебо настаълиқ хати билан кўчирган. Ўша вақтларда Садриддин Айний Бухоро мадрасасида дарс берар эди. Бу қўлёзманинг китобати тугагач, Айнийга кўрсатилган. Садриддин Айний тубандаги тарихни айтган.

Ба хатти хўб Мирзо Аҳмад чунавеш китобро марғуб,
Нусхаи хўб буд ҳар қас дид бахри тарих гуфт «нусхаи хўб».

«Нусхаи хўб»дан 1323 ҳижрий тарих чиқади.

**Мирзо Юнус Китобий** машҳур хаттот ва шоирлардандир. Тахаллусини Рожий деб ёзар эди. Жадидлик туҳмати билан

---

[90] Ж о м и й, Баҳористон, ЎзФАШИ, инв. № 2360, 108-бет.
[91] Ж о м и й, Юсуф ва Зулайҳо, ЎзФАШИ, инв. № 5017.

Олимхоннинг амакиси Акрамхон қўлида Шаҳрсабзда 1910 йилда қатл қилинди. Кўп фазлу камолга эга бўлган киши эди[92].

**Мир Файзулло ва Мир Раҳматилло** — бу икки ака-ука Қора Аҳмад котиб Бухорийнинг шогирдларидан бўлиб, ўз даврининг маҳоратли хаттотларидандир. Мир Файзулло насх хатида Мир Раҳматиллодан яхшироқ, хатининг равишлари устоди Абдуллобек хатига кўпроқ ўхшар эди. Бироқ настаълиқ хатини гўзал ёзолмайди дер эдилар. Мир Раҳматилло настаълиқ хатини ортиқ даража чиройли, ҳаддан ташқари зийнатлар билан ёзар эди. Шунинг учун муҳим ёзувларни шу котибга кўчиртирар эдилар. Раҳматилло 1910 йилда Бухородаги ўқитувчилар таълим ва тарбия мактабида ҳуснихат муаллими бўлиб ҳам хизмат қилган. Мир Файзулло акасидан кўп йиллар илгари вафот қилган эди[93].

**Абдуллобек Котиб** Яккабоғнинг Мир болаларидандир. Амир Музаффар Яккабоғни ўз тасаррувига олган вақтда уни оғаси Абдураҳмонбек билан бирга Бухорога олиб келган. Абдураҳмонбек қатл қилиниб, Абдуллобек озодликдан маҳрум этилади. У ўн йил қамоқда ўтирди. Шу вақтда ўзи мустақил хат машқ қилиб, шу даража камолга етдики, насх хатида Мир Убайд, настаълиқда Мир Алига тенглашди, десак муболаға бўлмас. Бу икки устодга насх ва настаълиқда ҳеч ким тенг бўлолмаган эди. Абдуллобек 1914 йилда оламдан ўтди[94].

**Мулла Икром** хаттотга Сиёҳий деб лақаб берганлар. Умархўжанинг шогирди бўлган.

**Ҳисомиддиннинг** лақаби Махдум ажал бўлиб, хат, иншо, ҳисоб ва шеърда танилган эди. Шеърда тахаллуси Ғайратдир.

**Муҳаммад Шариф Садр Зиё** 1867 йилда Бухоронинг Зиёуддин (Қалъаи Дуббус) қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам отини «Зиёуддин» деб атаганлар. Кейинчалик Шариф номи билан шуҳратланиб, тахаллуси Зиё эди. Муҳаммад Шариф қози Абдишукурнинг ўғли, шоир, мусиқийшунос, номдор хаттотлардан биридир. 1921 йилда Бухорода учта энг йирик шахсий китобхона борлиги аниқланган эди. Улардан бири Бурхонуддин Садр қози калон китобхонаси. Иккинчиси Сиддиқхон Хишмат китобхонаси[95]. Учинчиси Муҳаммад Шариф Зиё китобхонаси. Бу илмий хазинани ўз кўзи билан кўрган ва фойдаланган тожик совет адабиётининг намояндаси С. Айний «Ёддош ҳо» (Эсдаликлар)[96] деган асарида «Шарифжон Махдумнинг кутубхонаси Бухородаги энг яхши ва бой шахсий кутубхоналарининг биридир»,— деб ёзган.

---

92 Ш а р и ф ж о н  М а х д у м, Ўша рисола, 337-бет.
93 Ўша рисола, 439—440-бетлар.
94 И д р и с  М а х д у м  Р о ж и й, Рисолаи хушнависон, 260-бет.
95 *Сиддиқхон* — амир Музаффар ўғли, адабий тахаллуси Хишмат.
96 С. А й н и, Воспоминания, М.—Л., 1960, стр. 417.

Муҳаммад Шариф Зиё Амир Олимхон даврида (1910—1920) Қаршига қози сифатида юборилади. «Колесов воқеа»си[97] муносабати билан Олимхон ундан революцион кучларга ён босяпти деб шубҳаланади ва уни қамоққа олади. Уч ой қамоқдан кейин амирнинг амакиси, Шаҳрисабз ҳокими Акрамхоннинг назоратига топширилади.

Зиё 1920 йилдан сўнг Бухоро Халқ Республикасининг Вақф шуъбасида бир оз ишлайди. 1931 йилда вафот этади[98]. С. Айний асарларидан маълум бўлишича, Зиё ўз даврида мадраса таҳсилидан ташқари, тил, адабиёт, шеърият, тарих, хаттотлик (каллиграфия), геометрия, ҳисоб, масоҳат, таҳрир, иншо ва шу каби фанларни ҳам пухта эгаллаган. У ўз даврининг тараққийпарвар илғор кишилари Аҳмад Дониш, Исо Махдум, Иноят Махдум, Яҳё Ҳожи, Қора Абдулмажид Зуфунун, мулла Шариф Соат, Мирзо Аъзим Сомий, Қори Раҳматуллоҳ Возиҳ, Шамсиддин Шоҳин ва Ҳайрат каби кишилар билан яқиндан алоқада бўлган[99].

Шарифжон Махдум Зиё XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода яшаган энг илмий ва маълумотли кишилардан бўлиб, фан ва маданият манфаати учун хизмат қилган илм аҳлларидан ҳисобланади. У Бухоронинг адабий, маданий ва сиёсий аҳволига оид қимматли материаллар берувчи илмий асарлар яратган. Зиё ўзининг шеър билан ёзилган «Антология»си («Тизкори ашкор»ни) 1910 йилда ёзиб тамомлаган[100]. Шунингдек, у кўпгина асарларни ўз қўли билан кўчириб ёзган.

Зиё қўлёзма китобларни севган, мазмуни жиҳатидан қимматли ёки машҳур котиб қўли билан кўчирилган бўлса, сотиб ола берган. У бой қўлёзма коллекцияси тўплашга вақтини ҳам, маблағини ҳам аямаган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар қачон кимнинг қўлида яхши қўлёзма кўрсам, ёки қаерда нодир нусха борлигини эшитсам, имкон борича қандай бўлмасин уни сотиб олишга ҳаракат қилардим. Агар сотишга унамаса, воситачилик билан ҳам қўлга киритар эдим. Ҳар икки тақдирда жонсиз нарса бериб жон олардим»[101]. Зиёнинг ёзишича, у баъзи бир нусхаларни совға йўли билан ҳам олган[102]. Шу йўсин билан шахсий китобхонасида машҳур шоир, олимлар-

---

[97] Ф. И. Колесов Туркистон Халқ Комиссарлар Советининг биринчи раиси. 1918—1920 йили халқ оммасига таяниб қурол билан Бухоро амирини тахтдан ағдармоқчи бўлган. Бироқ тайёргарлик бўлмагани учун вақтинча қолдирилган.

[98] Р. Хадизоде, Источники к изучению таджикской литературы, XIX в., стр. 63.

[99] С. Айний, Бухоро инқилоби тарихи, ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 36.

[100] Р. Хадизоде, Источники к изучению таджикской литературы, второй половины XIX в., Душанбе, 1956, стр. 62—69.

[101] Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 2460, 1-бет.

[102] Ўша қўлёзма, ЎзФАШИ, 121-бет.

нинг қўлёзмалари ва бадиий кўчирувчи хаттотларнинг заррин қаламлари билан кўчирилган қўлёзмалар тўпланиб борилган.

Зиё кутубхонасида сақланган қўлёзмалардан 300 га яқини ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ва озгина қисми Тожикистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик фондида сақланмоқда. Улардан бир қанчаси нодир қўлёзмалардир. Масалан, Ўрта Осиё тарихидан қимматли ва муҳим манба ҳисобланган Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Шарафномаи Шоҳий» ёки «Абдулланома» асарининг қўлёзмаси, машҳур Абу Али ибн Синонинг «Мажмуаи расолаи ҳукамо» қўлёзмаси, Абдурраҳмон Жомийнинг безаклар билан ажойиб бадиий кўчирилган «Ҳафт авранг» қўлёзмаси, улуғ шоир Алишер Навоийга келган мактублар тўплами «Мажмуаи муросалот Навоий» ёки «Навоий альбоми» ягона қўлёзмалардандир.

Фалакиёт олими улуғ астроном мирзо Улуғбекнинг «Зичи Улуғбек»[103] қўлёзмасининг ягона нусхаларидан бири, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»си (бу қўлёзма машҳур Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг қўли билан кўчирилган энг қимматли қўлёзмалардан) ва бошқа машҳур олимларнинг нодир асарларининг қўлёзма нусхалари сақланган.

Шарифжон Махдум Зиёнинг яна катта хизматларидан бири шуки, у ўз китобхонасидаги нодир қўлёзмаларнинг каталогини тузган[104]. Кутубхона эгаларидан кўпи бу машаққатли ишнинг уддасидан чиқа бермаган. Ҳар ҳолда, биз юқорида айтиб ўтган шахсий кутубхона эгаларидан биттаси ҳам каталог тузмаган. Фақат Шарифжон Махдум Зиёгина бу қимматли илмий ишни ўз даврига нисбатан тўла-тўкис бажарган.

Каталог автори Зиё китобнинг кириш қисмидаёқ уни тузишдан мақсадини айтиб берди: «Ҳозирги вақтда деб ёзади у турли даврларда яшаган машҳур хаттотларнинг номлари номаълум бўлиб қолмоқда ва уларнинг номлари унутилиб юборилмоқда. Энди бирор хаттотни биладиган ёки унинг хатини танийдиган, қадр-қимматига етадиган киши қолмаяпти»[105].

Биз каталогни варақлар эканмиз, фақат китоб номи, автори билангина эмас, балки қўлёзманинг ёзилган тарихий шароити, хаттоти, лавҳаси, қоғози, қўлёзмани қандай олгани, неча пул тўлаганлиги, ҳатто, баъзи котибларнинг замондош-

---

[103] Бу Зич ҳақида Кашфи зунун муаллифи «Зичларнинг ичида энг яхши сиҳатга яқин, хатолардан узоқдир» деб айтган. Кашфи зунун, 2-жилд, Котиби Чалабий, 14-бет.

[104] Шарифжон Махдум, Қўлёзма каталоги, ЎзФАШИ, № 2460 ҳам унинг илмий баёни, СВР, 5-том, 412, 415-бетлар.

[105] Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 2367, 1—6*а*-бет ва каталог № 2460, 2*а*-бет.

лари ва авлоди билан ҳам танишамиз. Бу нарса XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёда китоб бозори ва шахсий кутубхоналарнинг аҳволини ўрганишда катта аҳамиятга эга[106].

## САМАРҚАНД ХАТТОТЛИК МАКТАБИ

**Аҳмад бинни Умар Ашъас Абу Бакр Самарқандий**[107] XI аср улуғ хаттотларидан. Бир қанча муддат Дамашқда турган, у ерда мусҳаф кўчирар, ўқир ҳам таълим берар эди. Дамашқда Абу Али бинни Абу Наср ва Абу Усмони Исмоил бинни Абдураҳмон собунийларда дарс ўқиган. Абу Бакрдан Абулфазл Қаммод бинни Носир бинни Наср ал-Мароғий хадис ривоят қилган. Ўғли Абулқосим ҳам хадис илмини ўрганган.

Ибн Асокир айтади: Ҳасан бинни Қайсдан эшитишимча, Абу Бакр Самарқандий бирор нусхага қарамасдан, ёддан мусҳаф кўчирар эди. Дамашқ аҳлларидан бир жамоа кишилар унинг ҳақида яхши фикрлар юритар эдилар. Абу Бакрнинг табиати ҳазил мутоибага мойил, мазақчи киши эди.

У бир сабаб билан болаларини Дамашқда қолдириб Бағдодга кетди. Бағдодда у Афиф Ходим ал-Қоимийга учрашди. Афиф Абу Бакрни ҳурмат қилиб, жой ҳозирлаб, ўтказди, хизматчи таом олиб келганида, у Дамашқдаги болаларини эслаб йиғларди, хизматчи бу ҳақда Афиф Ходимга хабар қилади.

Афиф: Нима сабабдан йиғлашини сўра,— деди.

— Хизматчи сўради.

— У: «Дамашқда болаларим танг аҳволда турадилар. Қачон менга таом келтирилса, уларни эслайман»,— деди.

— Хизматчи Афифга хабар қилди.

— Афиф: «ал-Қоимий болалари қаерда туриши ва ким билан танилишларини сўра»,— деди.

— Хизматчи сўраб хабар қилди.

— Афиф уларни Дамашқдан Бағдодга кўчириб келиш учун одам юборди. То ўғли Абумуҳаммад онасини ва укалари Абдулвоҳид ва Исмоилларни орқага, бир кенг жойга чиқариб қўйиб келгунча, уларни Абу Бакр сезмай қолди. Сўнгра ҳаммалари келиб Афифнинг меҳмондорчилигидан то вафотига қадар шу ерда бўлдилар. Отасининг вафотини ўғли Абулқосимдан сўрадим.

— Абу Бакр рамазон ойида 489/1095 йилда вафот қилганлигини айтди. **Муҳаммад Собир**[108] **бинни Муҳаммад Солиҳ Самарқандий** XVII аср Самарқанднинг хушнавис хаттотларидан биридир. Муъини Мискин Ҳиравийнинг «Маориж ун-ну-

---

[106] СВР, УзФАШИ, 5-том, 415-бет.

[107] Ёқут Ҳамавий, Муъжам ул-булдон, V жилд, ЎзФАШИ, инв. № 8191, 129-бет.

[108] Муъин, Сияр, ЎзФАШИ, Қўлёзма, инв. № 9621, 293-бет.

бувват» китобини 1689 йилда Самарқанд қоғозига бадиий настаълиқ хати билан кўчирган. Қўлёзманинг бош қисмида олтин ҳал билан зийнатланган лавҳа мавжуд.

Қўлёзма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, уч бўлимини 1677 йили Самарқандда, охирги татиммасини Баҳоуддин қишлогида 1689 йили кўчирган.

**Мулло Муҳаммади бинни Мирзо Даҳбиййдий ас-Самарқандий**[109] (XIX аср) Самарқанд котибларидан Алишер Навоийнинг «Хазоин ул-маоний» интиҳобини 1853 йилда кўчирган.

**Мулло Муқимжон Самарқандий**[110] (XIX аср) таржимаи ҳоли ҳақида маълумот йўқ. Самарқанд котибларидан 1849 йилда Алишер Навоийнинг «Хамса»сини настаълиқ хати билан самарқанднинг аъло қоғозига кўчирган. Сурх билан жадвал ҳам тортган.

**Муҳаммад ибн Ҳусайн Миракий Самарқандий.** Муҳаммад ибн Ҳусайн[111] тарихнавис ва хаттот бўлган. (Бракелман) «Араб адабиёти тарихи» китобида Аҳмад ибн Хажар ал-Ҳайсамийнинг (вафоти 1565) «Шифо аҳлларининг Халифалар хабарларидан олинган мақолаларини туҳфа қилиши» номли асарини 1574 йилда тўлдирганини ёзади.

**Али ибн Ҳусайн ал-Ансорийнинг** (вафоти 1404) «Ихтиёроти бадиий» (фармокопияга оид) номли асарини 1541 йил Шайбоний Абдуллатифга атаб кўчирган.

Бу қўлёзма чиройли хат ва расмлар билан безалган бўлиб, унда 594 та гиёҳлар, ҳайвонлар ва дори тайёрланадиган идишларнинг расмлари бор. Баъзи расмларнинг жуда нозик ишланганини Муҳаммад бинни Ҳусайннинг моҳир рассом ва санъаткор бўлганидан дарак беради. Бу нусха ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади, инв. № 1998.

**Абдулмўмин бинни Муҳаммад Шариф ас-Самарқандий**[112]. Самарқанд хаттотларидан бўлиб, 1840 йилда Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонини бадиий настаълиқ хати билан самарқанд қоғозига кўчирган. Китобат тарихини Самарқанд кенти Тумон Офаринда 1840 йилда тамом қилганлигини айтган.

**Азизуллоҳ Самарқандий** Самарқанддаги маҳоратли котиблардан бўлиб, XV асрнинг буюк ҳайъат олими Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Улуғбек» китобини бутун жадваллари билан бирга нафис насх хати билан кўчирган. Мазкур «Зиж» бухоролик Шарифжон Махдум Садр Зиёнинг китобхонасидан келган қўлёзмалардан бўлиб, Махдум ўз қули билан ёзган «Асоми

---

[109] «Ғаройиб ус-сиғар», ЎзФАШИ, Қўлёзма, инв. № 7499, 205-бет.

[110] А. Навоий, Хамса, ЎзФАШИ, Қўлёзма, инв. № 1708, 604-бет.

[111] Абдуллаев ва Ҳикматуллаев, Самарқандлик олимлар, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969, 84—85-бетлар.

[112] А. Навоий, Хазойин ул-маоний, ЎзФАШИ, Қўлёзма, инв. № 11444, 664-бет.

ал-кутуб»нинг (№ 2460) 174-варағида қўлёзма ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади:

«Аз мусаннафоти он подишоҳи ҳакими доно ва аз навиштажоти он хисравий олими беҳамто Мирзо Улуғбек ибн Шоҳрух мирзо — Нусҳат ул-асласт»[113].

Асарнинг бош варағида «Ин китоб бадасти муаллиф тасҳиҳ ёфта-манзур баназарий ҳиммат асари Мавлоно Қушчи гардида» дейилган. Демак, бу нусха мирзо Улуғбек даврида кўчирилиб, муаллиф томонидан тузатилиб, астрономия олими Али Қушчининг ҳам назаридан ўтган асл нусха эканлиги тахмин қилинади.

**Очилди Мурод Мирий Катта Қўрғоний** Неъматулло ўғли. Каттақўрғон ва унинг атрофида мулло Очилди, Очилди Махдум, кейинроқ Қози Очилди номлари билан машҳур бўлган. У 1830 йилда Каттақўрғонда деҳқон оиласида туғилди. Отаси каттақўрғонлик ўзбеклардан, онаси эса Каттақўрғонда турғун бўлиб қолган Қоракўл туркманларидан бўлган. Очилди ёшлигида маҳалла мактабида ўқиб, савод чиқарди. Бошланғич мактабни битиргач, мустақил мутолаа ва бадиий ижодга берилди.

Ўғлининг қобилияти ва илмга бўлган қизиқишини кўрган Неъматилло уни 21 ёшида Бухоро мадрасаларининг бирига ўқишга жойлаштиради. Очилди мадрасада адабиёт, тарих, ҳисоб, ҳандаса, араб грамматикаси ва ҳуснихатни ўрганишга алоҳида эътибор берди. У насх ва настаълиқ хатларини гўзал ёзадиган бўлди.

Очилди мадрасани 11 йилда битириб, ўз шаҳрига қайтди. Бироқ унга ўз шаҳрида иш топилмади. Шаҳардан 8 километр узоқда бўлган Эшон қишлоғида отасидан қолган бир парча ерда деҳқончилик қилиб кун кечирган.

Дар инжо касби ман шуд деҳқоний,
Заминро мешикофам баҳри нони.

Таржимаси:

Бу ерда менинг касбим деҳқончилик бўлди, нон топаман деб ер бағрини ёрганим ёрган.

Кейин у Каттақўрғоннинг Ҳайдарчаман (Ҳаждаҳ чаман) маҳалласида мактабдор домла бўлиб хизмат қилди.

Насибам лек дар ҳаждаҳ чаман шуд,
Ба фикри орият инжо ватан шуд.
Забонку гўямат инжо имоман,
Ба ҳар ноқобили марди тамоман.

---

[113] Улуғбек, Зижи Улуғбек, ЎзФАШИ, инв. № 2214, 1-бет.

Мазмуни:

Бироқ насибам Ҳаждаҳ чаманда бўлди, орият учун,
Орият учун шу ерни ватан қилиб туриб қолдим.
У ерда имомман деб айтишга менда тил қани?
Барча қобилиятсиз одамларнинг қобилиятсизиман.

Мирий яхши хаттот ҳам эди. У Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил каби шоирлар асарларини, шунингдек, ҳар хил дарслик ва қўлёзмаларни кўчириб ёзар ва уларни сотиб тирикчилик қилар эди.

Мирий эски мактаб услуби талабга жавоб беролмаётганини амалда кўрди. Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия ишида бошқа мактабдор домлаларга нисбатан бошқачароқ йўл тутди. Унинг тузган баёзларида Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» идан олинган «Шер ва дуррож», «Ҳотамтой ва ўтинчи», «Икки вафодор ёр», «Адолатли подшоҳ» каби ҳикояларни учратамиз. Мирийнинг Саъдий Шерозий «Қаримо»сига боғланган катта ҳажмдаги тахмини арабча-форсча ва озарбайжонча-ўзбекча луғатлар, савод, аруз вазни ва муаммога доир кичик ҳажмдаги қўлланмалар, прогрессив ёзувчилар асарларидан ҳамда ўз ижодидан танланган ажойиб шеърлар ва парчалари унинг бу баёзлардан ўқиш китоби сифатида ҳам фойдаланганига шубҳа қилмаса бўлади.

Мирийнинг болаларни урмаслиги, хушмуомалалиги, таълим ва тарбия беришда ўзига хос енгил усулларни қўллаши, меҳнатсевар ва серғайратлиги, имом домлалар расму одатга айлантирган ортиқча хайр-эҳсонларни рад этиши, бир томондан унинг халқ ўртасидаги обрўйини кўтарган бўлса, иккинчи томондан бошқа мактабдор домлаларнинг ғашига тегиб, уларни ғазаблантирар эди. Мирийнинг «Порахўр қозилар», «Мурид овловчи», «Эшонлар» сатираларидан сўнг орадаги қарама-қаршилик кескинлашади. У 1899 йил август ойида душманлар томонидан ўлдирилган.

Мирийнинг Навоий ғазалига мухаммасидан бир банд:

Қилма ҳар гулчеҳрадин Мирий вафо топмоқ насим,
Бу замон, айниқса, бўлмас, топса бу дурри ятим.
Мендин ар йўқ ёвворинг, фаҳм эт муни беваҳму бийм,
Даҳр шўхиға Навоий сайд бўлма неча ким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

Навоийга эргашиб ёзган ғазалидан:

Истаман бир ўзга ёре ҳар неча ночормен,
Ҳар неча ночормен сен бас демас, мен ёрмен.
Сендин ўзга истасам дилдор, ўлай ғамхорсиз,
Ёр сендин ўзгани десам ўлай ғамхормен.
Ёр сен дилдорсен, ғамхорсен, будур сўзим,

Бу сўзида турмасам, ғамдин ўлай бемор мен.
Лутф агар сендин эмас, недин забун аҳволима,
Мирий мизтар, бадахтар, хирасар бадкормен[14].

Очилди Мурод Мирийнинг гўзал настаълиқ хати билан кўчирган қўлёзмалари кўпдир[115].

**Сайид Абдусамад Самарқандийга** Косоний деб нисбат берганлар. Абдусамад санъатшунос, музаҳҳиблардан бўлиб, расм, тасвир ва қўлёзмаларга олтин ҳал беришда ягона устод бўлган[116].

**Тожиддин Самарқандий**[117]Деҳхудонинг «Луғатнома» китобида ёзилишича, Тожиддин Самарқандий катта фозил кишилардан ва хаттот — котиблардандир. Разиуддин Нишопурий унинг суҳбатдошларидан бири бўлган ва Тожиддин Самарқандий ўз суҳбатдоши Разиуддинга бағишлаб шеърий мадҳлар ёзганлиги бизга маълум.

**Фозилхон Хўжа бинни Одилхон Хўжа Самарқандий**[118] (XIX аср) Самарқанд котибларидан, асли туман Офарин кентидан, таржимаи ҳоли маълум эмас. Аммо Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» интиҳобини 1840 йилда настаълиқ хати билан кўчирган.

**Мавлоно Муҳаммад Амин**[119] **Воҳидул Айн** (Бир кўзлик) XVII асрда катта эътибор қозонган хаттотларнинг биридир. Бухорода Мирзо Улуғбек мадрасасининг қаршисида ичи ва ташқариси кошинлар билан ишланган Абдилазизхон мадрасасининг баланд пештоқига бир кўзининг ожизлигига қарамай, бадиий сулс хати билан китобасини ёзган. Ўша вақтларда шундай «жавоҳир рақам» хаттотларга юксак эътибор берилар эди.

**Саримсоқи Диззахий Самарқандий** Иброҳим девона шогирдларидан бўлиб, хатини такмил этгандан кейин «Бобои порадўзда» узоқ муддат хат машқ қилган. Кўп машқлари натижасида хати Мирали ва Мир Имод хатига баробарлашади. Кейин Бухорода китоб кўчириш билан шуғулланади. 1803 йилда Қўқонда бир қанча вақт Умархон китобати билан шуғулланади. Унга ҳар қитъасига 14 муҳрланган тилла бериларди. У ўз вилояти Жиззахга қайтмоқчи бўлади. Бироқ душманлари уни йўлда ушлаб, ёнидаги олтинларини олиб, кўзига мил тор-

---

114 М и р и й, Девон, инв. № 1408, 255-бет.

115 М у ҳ а м м а д ж о н М а ҳ м у д о в, Шоир Мирий, «Тил ва адабиёт масалалари» журнали, 4-сон, 1961 йил, 59—62-бетлар.

116 Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 204-бет.

117 И. А б д у л л а е в, Ҳ. Ҳ и к м а т у л л а е в, Самарқандлик олимлар, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969.

118 «Хазойин ул-маоний» интиҳоби, ЎзФАШИ, инв. № 11472, 109-бет.

119 С а й и д Р о қ и м, Тарихи Рокимий, ЎзФАШИ, Қўлёзма, инв. № 609, 329-бет.

тадилар. У шу алам билан оламдан ўтади (1803—1826 йиллар[120]).

**Мирза Ражаб Тўраи Самарқандий.** Атоқли хушхат хаттотлардан бўлиб, қаландарлик кийимида дарвишона юрарди. Хаттотликда тенгсиз ва ягона эди. Мирза Ражаб кимё фанини ҳам билар эди.

Бу рубоий Мирзо Ражабдан:

هر خط که فرحفزاو نغز و عجب ست
دان خط میر علی ست میرزا رجیب ست
غیر ار خط این دوخوشنویس کامل
فی الجمله بخط نوشتن تو سبب ست

Мазмуни:

Ҳар бир хат кишини қизиқтирадиган, ажойиб, чиройли ва зиёда шодлантирадиган бўлса, билгинки у Мир Али ва Мирзо Ражаб хатларидир. Шу икки кишининг хатидан бошқаси сенинг ҳуснихат ўрганишингга сабаб бўлган мужмал хатлардир.

Мирзо Ражаб қитъалар ёзиб охирида

سر خط یاد گار بهر عجب
زد رقم خاکسار میر رجب

деб ёзиб қўяди. 1815 йилда вафот қилган[121].

**Абдулжаббор Ургутий Самарқандий.** Мовароуннаҳр теварагида настаълиқ хатининг ихтирочилари 4 кишидир. Биринчи хаттотларнинг отаси Мавлавий Соқий Муҳаммад, иккинчиси Сидиқжон қуйи Дарахтий, учинчиси Сидиқжон Иштихоний, тўртинчиси Абдулжаббор Ургутий.

Ихтирочи хаттотларнинг равиш ва қоидаларини бир неча кишилар ўргандилар. Бироқ Абдулжаббор Ургутийнинг китобат равишини бир неча котиб ва хаттотлар ҳар қанча уринсалар ҳам ўргана олмадилар.

Рисоланинг эгаси Садир Зиё айтади: «Абдулжаббор Ургутийнинг китобат равишини ўрганиш учун бир қанча вақт ҳаракат қилдим. Бироқ менга ўрганиш муяссар бўлмади. Ҳолбуки, бошқа котибларнинг равишларини бир оз машқ ҳаракати билан худди ўзидаёқ ёзардим. Абдулжаббор Ургутийнинг равишини ўзлаштиролмаганим учун умидсизланиб қолдим. Шерикларимдан Абдураҳим деган бир кишини Ургутга Абдужаббор хаттот хизматига юбордим. Бир қанча қийинчиликлар би-

---

[120] Муҳаммад Шариф, Рисолаи хаттотон, инв. № 2193, 255-бет.
[121] Муҳаммад Шариф Махдум, Рисолаи хаттотон, Бухоро, 1923, инв. № 2193, 257-бет.

лли хаттот олдига етиб борди. У ерда уч ой машқ қилиб, хатдан таълим олди. Кейин Абдулжаббор ўз қаламтароши билан тарашлаб қатъ қилган уч адад қаламдан олиб Бухорога қайтди. Мен шу қаламни олиб машқ қилган эдим. Худди Абдулжабборнинг хати каби зебо ёза олдим».

Хат тўғрисида бу котиб тенгсиз ўз замонининг нодир кишиларидан бўлган. Домла Абдулжаббор уч ўртоқлари бир бўлиб, ҳар бирлари бир кечада бир китобни гўзал зебо хат билан кўчириб битирар эдилар. Бу иш бир неча бор воқе бўлган. Шуниси қизиқки, қаламидан ҳеч бир вақт хато содир бўлган эмас. Кўчирган қўлёзмаси 250 адад бўлиб, барчаси тузатилган. Тузатишга ҳеч бир эҳтиёж қолдирмаган. Бироқ халқ қўлида Абдулжаббор котибга мансуб бўлган хато ёзилган нусхалар йўқ эмас. Улар шогирдлариникидир.

Абдужаббор котибда бир одат борки, у китобат охирида номи ўрнига кўпинча қуйидаги байтни ёзарди:

غرض نقشی ست کز ما باز ماند
که هستی را نمی بینم بقایی

Таржимаси

Яъни мақсадимиз гўзал хат ёзиб ўзимиздан эсдалик қолдиришдир. Чунки ҳаётнинг абадий бўлиши ва мангу қолиши йўқдир (1885—1910 йиллар)[122].

**Мир Муҳаммад Самарқандий**. Мир Али Ҳиравий 1538 йилда Бухорога келганида бир қанча кишилар ҳуснихат ўрганиш учун унга шогирд тушганлар. Жумладан, Мир Ҳусайн Куланки Бухорий, Султон Маҳмуд Бухорий, Ҳожи Мир Бухорий ва бошқалар. Булар қаторида Мир Муҳаммад Самарқандий ҳам бевосита Мир Али Ҳиравийнинг шогирди эканлиги кўрсатилган[123].

**Абдуқаҳҳор «Жумабой» бинни Устоди Кўҳкани Самарқандий.** Бу кишининг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз. Аммо Абдуқаҳҳор Самарқанд хаттотларидан бўлиб, 1819 йили зебо настаълиқ хати билан кўчирган қўлёзмаларидан Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» қўлёзмаси Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда[124].

---

[122] Муҳаммад Шариф Махдум, Рисолаи хаттотон, инв. № 2193, 265-бет.

[123] Маҳди Баёний, «Паёми навин» журнали, Теҳрон, 1961 йил, 21—22-бетлар.

[124] Шарқшунослик институтида Навоий асарларини кўчирган хаттотлар рўйхати (ЎзФАШИ, инв. № 5833, 221-бет).

## Таржимаи ҳоллари ўрганилмаган бўлса ҳам китобат ва хаттотлик билан ҳаёт кечирган кишилар

**Абдужаббор Найман Самарқандий** — (XIX), котиб. Абдуҳанифанинг «Алфиқхуд акбар» номли китобини кўчирган.

**Абулқайюм Самарқандий** — (XIX), котиб. Сайфиддин Бозарзийнинг «Рубоиёти Шайхулолам» номли асарини кўчирган.

**Абдулазиз Самарқандий** — (XV—XVI), шоир ва хаттот.

**Абдусамад Самарқандий** — хаттот.

**Аҳмад бинни Маҳмуд бинни Муҳаммад бинни Умар бинни Ҳамидуддин ал-Самарқандий** — (XIV), котиб.

**Барот Қосимов** — (XIX) каллиграф, рассом ва таржимон. Самарқандда яшаган, тарихий ёдгорликлардаги лавҳаларни кўчириб альбом тузган; Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг Самарқанд тарихига доир «Самария» асарини ўзбек тилига таржима қилган.

**Бақоий Мавлоно** — (XV—XVI), шоир, каллиграф ва созанда. Самарқандда яшаган.

**Дўстмуҳаммад бинни Мулло Муҳаммад Самарқандий** — (XVI—XVII), котиб.

**Жамол бинни Бурҳон бинни ал-Амир бинни Рашид ал-Самарқандий** — (XIV), котиб.

**Заҳирий Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Котиб Самарқандий** — (XII), ёзувчи ва шоир. «Синбоднома» ва бошқа асарларнинг муаллифи.

**Мир Абдулҳай Самарқандий** — (XIX), котиб, Алишер Навоийнинг «Чор девон»ини кўчирган.

**Миракий Хўжа Али Самарқандий** — (XV), котиб.

**Мирзо Муҳаммад бинни Дўстмуҳаммад ал-Садри ал-Самарқандий** — (XVII), котиб.

**Мулло Абулфайз Самарқандий** — (XIX), котиб. Мирзо Қурбон Хиромийнинг «Чор дарвеш» поэмасини 1876 йилда кўчирган.

**Мулло Мирзо Муҳаммад Охунд бинни Одина Муҳаммад Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Мулло Муҳаммад Шоҳ Ғариб Самарқандий** — (XVII), котиб.

**Мулло Сайид Абдулваҳҳоб Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Муҳаммад бинни Али бинни Авлиё Мавлоно Хурдак ал-Самарқандий** — (XV), котиб.

**Муҳаммад бинни Али бинни Ҳасан бинни Али ал-Суғди** — (XV), котиб.

**Муҳаммад Нуриддин бинни Муҳаммад Олим Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Муҳаммад Рафеъ Валади Шайх Муҳаммад Солиҳ Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Муҳаммад Юсуф Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Муҳаммад Яқуб Самарқандий** — (XIX), котиб.

**Муҳаммад Ҳусайн бинни Мирзо Муҳаммад бинни шоҳ Валад ал-Самарқандий** — (XVII), котиб.

**Умар Махдуми Хатирчиғий** — (XIX), хаттот.

**Фикрат Мирзо Юсуф Самарқандий** — (XIX), шоир ва хаттот.

**Хожа Али бинни Миракай Самарқандий** — (XVII), хаттот.

**Хожа Миршоҳ ибн Хожа Мирмоҳ ибн Мирсайид Қосим ал-Ҳусайний ал-Самарқандий** — (XVII), хаттот.

**Хожа Муҳаммад бинни Мавлоно Ҳошим Самарқандий** — (XVI), хаттот.

**Ҳожи Муҳаммад Самарқандий** — (XIX), хаттот.

**Ҳошим Хўжа Муҳаммад бинни Мавлоно Ҳошим Самарқандий*** — (XVII), хаттот.

## ХОРАЗМ ХАТТОТЛИК МАКТАБИ

**Ҳамдамий** XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган. У настаълиқ хатида маҳоратли котиб, талантли шоир эди.

Ҳамдамий Хоразм хони Эшмуҳаммад султон буйруғи билан Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини Самарқанд қоғозига бир қаламда бадиий настаълиқ хати билан 1554 йилда кўчирган. Қўлёзма 552 варақ, ғоят зийнатли сарлавҳа, рассом Шомурод қўли билан чизилган 116 миниатюрага эга.

Ҳамдамий «Шоҳнома»нинг охирги бетида Эшмуҳаммад султон эҳтимоми билан Хивада 964 ҳижрийда кўчириб тамом қилганлиги ҳақида тубандаги рубоийни айтган:

Ин номаки Ҳамдамий намудаш арқом,
Аз авни инояти алими аллом.
Дар Хива басаъйи Эшмуҳаммад султон,
Дар нуқсаду шасту чор гардид тамом[125].

**Мавлоно Нависий Хоразмий** XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган гўзал кўчирувчи хаттотлардан бўлган. Унинг ҳаёти Шомда ўтган.

Мавлоно Ҳалимий Шервоний билан Нависий ораларида келишмовчилик юз берган. Шервоний Нависий тўғрисида «Ҳажви малиҳ» йўлида бу қитъани ёзган:

---

* Б. Валихўжаев, Ш. Шукуров, С. Ҳалимов, Самарқанд олимлар ва шоирлар шаҳри, Самарқанд нашри, 1967 йил.

125 Абулқосим Фирдавсий, Шаҳнома, ЎзФАШИ, инв. № 1811, 552-бет.

نویسی آنکه بخط در دمشق بی بدل است
چرا وظیفهٔ اوبیست چار پاره کنند
مناسبش نبود این وظیفه میبا ید
که خوشنویس چنین را هزار پاره کنند[126]

Мазмуни:

Нависий Дамашқда тенгсиз хаттотдир. Нима учун унинг вазифасини 24 пора қиладилар. У кишига бу вазифа муносиб эмас. Бундай хушнависни мингпора қилишлари лозим. Нависий 1568 йилда вафот этган.

**Мавлоно Абдураҳмон Хоразмий** 1455—1475 йиллар орасида Султон Ёқуб даврида етишган хаттотлардандир. Унинг икки фарзанди — Абдураҳим Анисий ва Абдулкарим аввалги хат устодларининг услубини бутунлай ўзгартириб, настаъликни бошқа бир суратга солиб, шуҳрат топдилар. Кўп кишилар уларга тақлид эта бошладилар ва шеваларининг номини «Шеваи Анисий» деб атадилар. Чунки бу хат ихтирочиси Абдураҳмоннинг ўзи бўлса ҳам Анисий тахаллусли ўғли (Абдураҳим) унга яна кўпроқ ўзгартишлар киритишда давом этди.

Бу тахрибчи (хат қоидасини бузувчи) лар Султон Али Машҳадий билан замондош бўлганлари учун ораларида қарама-қаршиликлар юз берди. Лекин Султон Али Машҳадий тарафдорлари ғалаба қилдилар.

Абдулкарим енгил табиат киши бўлиб, баъзан катабасига турли расм ва хатлар ёзарди. Абдулкаримнинг табъи шеърияси ҳам бор эди. Бу байт табъининг кучли эканига далилдир:

ترا در دیده جادارم از مردم نهان باشی
ندا نستم که آنجاهم میان مردمان باشی

Мазмуни:

Одамлардан яширин тургин, деб сенга кўзимдан жой бердим. Энди у ерда ҳам одамларнинг ўртасида бўласанми? Билмадим.

Айтишларича, Абдураҳим Анисий хатини тузатиш учун кўп диққат билан шуғулланди. Лекин Абдулкарим қулоқ солмайди. Бир куни иккаласи Султон Ёқуб ҳузурига қитъа олиб бордилар. Султон Анисийнинг хатига яхши баҳо берган эди. Абдулкаримнинг кўнгли синиб, «келтирган қитъаларимизнинг жанобати бордир, албатта, буларни ювиш керак» деб икки қитъани ҳовузга отди. Анисийнинг хати сувга тушгач, суркалиб бузулди. Абдулкарим қитъаси эса пўлатдек, зарарсиз ўчмай қолди ва Анисийдан устун эканлиги исбот этилди[127].

---

[126] Ҳ а б и б, Хат ва хаттотон, 233-бет.
[127] Ўша рисола, 232-бет.

**Аздуддин Бухорий Жалолаз** Абдураҳим Анисийнинг шогирдларидандир[128].

**Мавлоно Султон Али Хоразмий** Туркияда бўлган. У гўзал ёзадиган хаттотлардан эди. Абу Айюб Ансорий ёнида вазифа олиб, китобат билан шуғулланган. Қатабасига «Султон Али котиб» деб имзо чекарди. У 1513 йилда вафот этган[129].

**Абдузоҳир Котиб** Хивада машҳур бўлиб, зебо настаълиқ хатида кўп қўлёзмаларни кўчирган. 1811 йилда Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» китоби Абдузоҳир қалами билан кўчирилган.

**Мунис Хоразмий** 1778 йилда Хива шаҳрига яқин Қиёт деган жойда туғилган. Шоирнинг номи Шермуҳаммад бўлиб, Мунис унинг тахаллусидир.

«Мунис»нинг луғавий мазмуни «дўст», «улфат» демакдир. Муниснинг отаси Авазбегмурод Хиванинг йирик амалдорларидан бўлиб, ҳокимиятда анча катта мавқе тутган шахс эди. Мунис болалик йилларини Қиётда ўтказиб, мактабда ўқийди. Кейинчалик ўқишини Хива мадрасаларидан бирида давом эттиради. Мадраса билимлари дин ва шариат қоидаларига асосланиб, ўқувчиларга аниқ фанлар деярлик ўқитилмас эди. Мунисни мадраса билимлари қониқтирмади. У араб ва форс тилларини ўрганди. Тарих ва адабиётга оид асарларни мутолаа қила бошлади. Муниснинг отаси Авазбегмурод 1800 йилда вафот этган. Хонликнинг ҳукмдори Аваз Иноқ Мунисни саройга чақириб, котиб қилиб тайинлади. Шу вақтдан бошлаб Мунис сарой доирасига яқинлашиб қолади. У ўз вақтини кўпроқ илм ўрганишга, бадиий ижодга бағишлайди. Мунис илму фан ва адабиёт билан шуғулланувчилар гуруҳига яқинлашади. Уларнинг йиғилиш ва суҳбатларида қатнашади, тез орада шуҳрат топиб, уларга раҳбарлик қила бошлайди.

Мунис халқ ҳаёти жуда оғирлашган, хонлар, йирик ер эгаларининг зулми кучайган замонда яшади. У даврда деҳқонлар йирик ер эгаларига янада кучлироқ боғланиб қоладилар. Ерсиз ва қашшоқ деҳқонлар кундан-кунга кўпайиб боради. Деҳқонларга турли оғир солиқлар солинар эди. Уларни ҳақ тўламай ариқ ва зовур қазиш, кўприк ва иморатлар қуриш ишларида ишлатар эдилар. Шаҳар косиб ва ҳунармандларининг ҳам ҳаёти муҳтожликда ўтар эди. Хон ва амалдорлар саройи ҳаддан ошиб кетган кайфу сафо, айшу ишрат ва исрофгарчилик маконига айланиб қолади. Саройда адоват, манманлик, мансабпарастлик кучаяди. Сарой шоирлари хон ва амалдорларга хушомад қилиб, уларга бағишлаб қасида ва мадҳиялар ёзар эдилар.

---

[128] Ўша рисола, 236-бет.
[129] Ўша рисола, 233-бет.

Мунис жаҳолат ва нодонлик, маиший бузуқлик ва мансабпарастлик каби ярамасликлардан ғазабланади. Меҳтар оғо номли вазир Мунисга ахлоқсизлик руҳида ёзилган бир асарни форсчадан ўзбек тилига таржима қилишни топширади. Лекин Мунис ундан бош тортади. Мунис халқ оммасига ачинади. Унинг қайғу-аламларига шерик бўлади. У мамлакатнинг обод, халқнинг фаровон бўлишини орзу қилади. Кўп шеърларида замонасининг ярамасликларини, зулм, жаҳолатни танқид қилиб, халқ ва мамлакат манфаатларини ҳимоя қилади.

Мунис Хоразмий йирик шоир, тарихчи, таржимон ҳам ҳуснихатда устод бўлиб етишди. Мунис 1829 йилда Хуросондан қайтишда вабо касалига учраб, йўлда вафот этади.

Муниснинг хаттотлик санъатига оид асари «Саводи таълим»дир. 1804 йилда назм билан ёзилган бу рисола ўқувчиларнинг ҳуснихатини яхшилаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мунис яшаган даврда мадраса ва мактаблар жуда оз, ўқувчиларнинг сони кам эди. Мактабларда қуруқ ёдлашга ўргатиш усули кучли бўлиб, ўқувчилар бир неча йиллардан кейингина ўқиш ва ёзишни ўрганар эдилар. Ёзувга ва ҳусниҳатга ўргатиш учун қўлланмалар йўқ эди. Шундай бир шароитда «Савод таълими» рисоласининг яратилиши катта аҳамиятга эга эди.

Рисола назарий қисм ва машқлардан иборат. Мунис рисоланинг назарий қисмида тил, хат ва ҳуснихатнинг аҳамияти тўғрисида сўзлайди. Ёзувчи турли ёдгорликларнинг сақланиб қолишида хатнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, шундай дейди:

Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлғай эди нобуд.
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Хатиға чекиб улусни ҳар дам.
Хатдан мақсуд эрур хати хўб,
Таълим қавоиди била жуб.

Мазмуни:

Хат бўлмаса кўнгилдан чиққан сўз нобуд бўлиб кетар эди. Хатдан мурод тўғри хат эмас, балки қоидаларига мувофиқ, чиройли ёзишни ўрганишдир.

Мунис хатнинг аҳамиятини унинг тўғри, хатосиз ва чиройли ёзилиши билан боғлайди. У хат ёзувчи киши аввал хатга керак бўлган барча нарсалар (қоғоз, қалам, сиёҳ ва бошқалар)ни тайёрлаши, хатга диққат билан ёндашиши, ёзилганини ўқиб текшириши, хатоси бўлса тўғрилаши ва яна бир марта ўқиб чиқиши лозим, Шундагина, хат ёзувчи ўз вазифасини тўғри тушунган ва тўғри бажарган бўлади, деб ҳисоблайди. Мунис ўзининг бу асари билан кишиларни барча ёдгорликлар-

ни ёзиб қолдиришга, ўқиш ва хат ўрганишга, яхши савод ва ҳуснихатга эга бўлишга чақиради.

Мунис Хоразмий ўз ижодий фаолияти билан ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида салмоқли ўрин тутган фигуралардан биридир. У катта лирик девон тузди. Мунис Хива хонлиги тарихи ҳақида «Фирдавс ул-иқбол» асарини яратди. Бу асарнинг кейинги қисмини шоир Огаҳий ёзган.

Мунис ўз давридаги суғориш системаси ҳақида маълумот берувчи «Орналар» номли кичик бир асар ҳам ёзган. «Орна» сўзи дарё, канал ва дарёдан оқиб чиққан сув маъносини билдиради. Бу асар XIX аср бошларидаги хўжалик ҳаёти ва экономикасини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Мунис — тилшунос, педагог ва санъаткор хаттотдир. Унинг «Саводи таълим» рисоласи ўқувчиларга насх ва настаълиқ хатининг қоидаларини ўргатиш учун 1906 йил Тошкентда хаттот Қори Абдуманнон хати билан «Саводи таълим ва гулдастаи раёҳи» номида Порцев матбаасида босилиб чиққан.

Мунис Хоразмий машҳур тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Тоза боғ») асарининг биринчи жилдини тўла ва иккинчи жилдининг бир қисмини таржима қилди.

1806 йилдан бошлаб у Хива хонлиги тарихи ҳақида «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи») асарини ёза бошлайди. Асар 5 бобдан иборат. Китобнинг тўртинчи ва бешинчи боблари XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида юз берган тарихий воқеаларни ифодалайди. Бу боблар бошқа бобларга нисбатан тарихий воқеаларни изчил баён қилиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Бу боблар XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манбалардан бўлиб қолмасдан, балки ўзбек халқи ҳамда қардош туркман, қорақалпоқ ва қозоқ халқлари тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тарихчиларимиз бу асарни танқидий равишда ўрганиб, ундан тарихий манба сифатида кенг фойдаланмоқдалар.

Мунис Хоразмий ёшлигидан бошлаб бадиий ижодиёт билан шуғулланди. У Лутфий, Навоий, Бобир, Турди каби шоирларнинг ижодини ўрганди. Айниқса, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодидан кўп таълим олади ва уни ўзига устод деб ҳисоблайди.

Сўз ичра[130] Навоийки, жаҳонгирдурур,[131]
Мунисга маоний[132] йўлида пирдурур[133].

Мунис ўз шеърларини тўплаб, биринчи марта 1804 йилда девон тузди. 1815 йилларда кейинги ёзилган шеърларини ҳам

[130] Бу ўринда адабиётда, демакдир.
[131] *Жаҳонгир* — дунёни эгаллаган, шуҳрат қозонган.
[132] *Маоний* — маънолар.
[133] *Пир* — устоз.

девонга киритиб, унга «Мунис ул-ушшоқ»[134] («Ошиқлар дўсти») деб ном беради.

**Абулқосим Хофи Хуросоний** Ҳожи Муҳаммад Солиҳ ўғли, Хоразм котибларидан бўлиб, кўчирган қўлёзмаларидан баъзилари бизгача етиб келган.

**Муҳаммад Мўмин Хивақий** Иноятилло Хисорийнинг ўғлидир. Муҳаммад Мўъмин Хива, Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Шарқ классик адабиётига ошно бўлган тажрибали хаттотлардан бўлиб, настаълиқ хатида Мунис Хоразмийнинг девонини 1832 йилда кўчирган. Бу девон мукаммал бўлиб, ғазаллардан ташқари қасида, маснавий, рубоий, муаммо, чистон, туюқ «Саводи таълим» (хат рисоласи) ва бошқаларни ўз ичига олади, 286 варақ.

**Ибодилла Охунд Ҳокий** Фоний тахаллуси билан ҳам шуҳратланган. Хивада Қози қишлоқлик Иброҳим Охунднинг ўғлидир.

Ҳокий Хивада таҳсил кўрса ҳам, отасининг тарбиясида камолотга етди. У араб, форс адабиётидан чуқур маълумотли бўлди. Ибодилло Ҳокий тахаллуси билан ғазал, маснавийлар ёзди.

Ҳокий, айниқса, Шарқ тилларининг таржимасига жуда ихтисосли эди. Феруз Шоҳнинг фармойишига мувофиқ кўп вақтлар араб ва форс тилларидаги китобларни ўзбек тилига таржима қилиб турди.

Ҳокий Мир Убайд Бухорий таълими асосида насх хатини, Мир Али Ҳиравий равишида настаълиқни жуда чиройли ёзар эди. Қўли хат кўчиришга суръатли, чаққон ёзишга одатланганини учун бир соатда 40—50 сатрни ёзиб битказарди. У 1914 йилда 72 ёшида дунёдан ўтди. Қўлёзмалари бор[135].

**Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий** XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда ўтган талантли шоир, моҳир таржимон ва уста хаттотлардан биридир.

Рожий Хўжамберди исмли кишининг ўғли бўлиб, Хива шаҳрида туғилган. Унинг туғилган ва ўлган йили ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Рожийнинг асарларидаги айрим маълумотларга қараганда, у шоир Огаҳий ва Комилларга замондошдир. У ёшлигидаёқ мадрасага кириб илм олган, ўзининг ғайрати ва истеъдоди билан қийинчиликлар чекиб олий таҳсилга эга бўлган. Айниқса, адабиётни севган. Рожий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Рожийнинг учта девони бизгача етиб келган (инв. № 922, 1119, 1271).

Рожий Хоразм хонларининг буйруғи билан «Равзат ус-сафо»нинг IV—V дафтарларини, яна кўп китобларни таржима қилган.

---

[134] Мунис, Девон, ЎзФАШИ, инв. № 9849.

[135] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, ЎзФАШИ, инв. № 9494, 49-бет.

Рожий Огаҳий билан Қомилни ўзининг устози, энг яқин ва ҳаммажлис кишиси деб билади. У ўз девонида айтади:

Сўз камолидин Рожий огаҳ эмас, тонг йўққим,
Бор анису дамсози Огаҳий билан Қомил.

Рожий ҳамиша паришонҳол, фақирлик билан яшарди. Ўз давридан жафо кўрган илмли, доно кишилар азобда, мискинликда, ғам-андуҳлар тортиб яшаётганидан, замона учун қиймати йўқ, жоҳил, нодон кишилар давлат бошида туриб роҳат кўраётганлигидан қайғуради:

Айлаб сипеҳр зулмини мен мубталога хос,
Ҳар дам қилур бир ўзгача ранжу балога хос.
Даврон жафоси бормудур барча элга ком,
Ёхуд эмишми жумласи аҳли вафога хос?
Топди бир ишға ҳар киши оламда хослиқ,
Жоҳилға роҳат ўзию, доно анога хос.

Рожий жамият ҳақида жиддий ўйлайди, халқнинг қийин ҳолда яшаётганини кўриб қайғуради. Ўзининг мискинлигини, иложсизлигини сўзлаб, бир ўзинигина эмас, балки эзилган ночор бандаларнинг истибдод давридан, давр аҳлидан тортган зулм ва кулфатларидан қилган фарёдларига қулоқ солувчи, ғамига чора топувчи киши йўқлигидан эзилади:

Еткурур кўнглимга олам ранжу озор алғиёс,
Не илож эткум ман ранжур ночор алғиёс.
Гоҳ ҳазину як малохат, гоҳ кулфат, гоҳ ғам.
Еткурур жонимга даврони ситамкор алғиёс.
Бир киши етмас мани дилхастанинг фарёдига
Телмуруб йиғлаб десам ҳар лаҳза садбор алғиёс.
Юкланур бошига Рожийнинг дамодам бори ғам,
Айлагил бир лутф ила они сабукбор алғиёс.

Рожий мусиқийшунос ҳам эди. Мусиқийни севган, ўзи ҳам танбур чалишни билган, чолғу чалиш, музика эшитиш, қайғу-аламларини эритишини қуйидаги шеърида тасвирлайди:

Қўлиға олса муғанний дилкушо танбур,
Солур наво била ушшоқ аро садо танбур.
Мукаддар ўлса жаҳон кулфати ғуборидин,
Замир кўзгусига еткурур сафо танбур.
Нашод агар тиласанг, Рожиё жаҳон ичра
Анисинг айла париваш нигор ё танбур.

Яна бир ғазалида шундай дейди:

Не хўб нағмадурур, наъмаи баёт кўринг,
Ўлук баданға берур тозадин ҳаёт кўринг.

Ироқ бирла Ҳижоз аҳлин айлабон вола,
Олур аламзада ушшоқдин сабот кўринг.
Ваё калим асосий эканмудир танбур,
Аён этар бу сифат неча мўъжизот кўринг.
Шул дилбари тузар ўлса баёт, дер Рожий,
Не хўб нағмадудур, нағмаи баёт кўринг.

**Раҳмонқул Хўжа** хоразмлик котиб ва хаттотлардан бўлиб, Абдужалол хўжа Хоразмийнинг ўғлидир. Кўчирган қўлёзмаларидан иккитаси бор.

**Бобожон Саноий Хоразмий** Хоразмнинг таржимони, шоири ва хаттотларидан бўлиб, Худойберди Хоразмийнинг ўғлидир. Тахаллуси Саноийдир. Саноийнинг таржима қилган ва кўчирган қўлёзмаларидан бир нечаси бор. 1904 йилда «Мерҳиумоқ» қиссасини таржима қилган ва кўчирган.

**Абунаимий Хоразмий** 1859 йилда Муҳаммад Арзонийнинг «Тибби арзоний»сини кўчирган. Кўчирган бошқа қўлёзмалари ҳам бор.

**Муҳаммад Назар Хаёлий Хоразмий** Хивада Муҳаммадниёз девоннинг укасидир. Муҳаммад Назар талант ғайрати билан яхши маълумотли бўлган. Хаёлий тахаллуси билан ёзган шеърларини тўплаб «Девони Хаёлий» номли девон тузган.

Муҳаммад Назар Муҳаммад Раҳимхон II Феруз замонида шоир ва хаттот сифатида танилган. Хивада Исфандиёр даврида жуда қийин аҳволга тушганидан кейин Хоразмнинг Гирдак қишлоғида ўзининг отасидан қолган мерос ерига бориб, деҳқончилик билан шуғулланган[136]. Кўчирган қўлёзмаларидан иккитаси бизга етиб келган.

**Холмурод Гурлоний** хоразмлик котиб ва хаттотлардан бўлиб, «Таржимаи махфиларо» ва «Рисолаи жавоҳир» номли кўчирган қўлёзмалари бор.

**Муҳаммад Юсуф Бердимурод.** Бу котиб Огаҳийнинг «Равзат ус-сафо», «Ҳафт пайкар» ва бошқа таржима асарларини кўчирган.

**Худойберган Муҳркан Хивақий** Муҳаммад Фано ўғли, 1817 йилда Хивада янги қалъа Бобокарвонбоши маҳалласида дунёга келган. Отаси Муҳаммад Фано тўп қуядиган уста эди. У Муҳаммад Раҳимхон II даврида вафот этган.

Худойберган муҳркан бошланғич мактабни битиргандан кейин, отаси уни Хивада Эрмон халифа исмли хаттотга шогирд қилиб топширади. У кишида Худойберган бир қанча вақт хат машқ қилиб, хатини камолга етказади. Устозининг таълимига қаноатланмай, настаълиқ устози Мир Имоднинг қитъаларини топиб, унинг хатига тақлид қилиб машқ қилади. Хатга шавқи

---

[136] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, 45-бет.

шу қадар баланд эдики, бир «ё» ҳарфини 60 кунгача машқ қилган. Ўртоқлари кўриб, «Сенинг хатинг Мир Имодникидан кам эмас», десалар ҳам ўзига маъқул бўлмас эди.

Кейин печать — муҳр ўйиш ишларига ҳаваси тушади. Исломхўжа исмли ўювчига шогирд бўлади. Муҳрканликда Исломхўжадан ортиқроқ уста бўлиб етишади. Исломжўха Хоразм хонларининг чақа-тангаларига уриладиган зарб (печать) ясаган бўлса, Худойберган бошқа санъатларга ҳам зўр истеъдодли эди. У турли асбоблар ясаб, ажойиб бадиий муҳрлар ўяди. Шунингдек, турли тусдаги мармар тошлар устига настаълиқ хати билан бўрттириб ва ўйиб санъатли тарихлар ёзди.

1870 йилда Муҳаммад Раҳимхон II нинг тахтга ўтириши муносабати билан шоир Огаҳий томонидан айтилган тарихий сўзларни кичик бир мармарга жойлаштириб, санъаткорона ўйган. Бу тош ҳозир Хива музейида сақланмоқда.

Бир вақт Муҳаммад Раҳимхонга дорилар туювчи ва силоялар учун яшил тошдан ясалган силоя асбоби (ховонча) керак бўлиб қолди. Усталарни йиғиб, шу хил тошдан силоя асбоби ясаш топширилди. Усталар бу ишни ўз устларига ололмай, Хоразмда Оқ мачит қишлоғида турувчи немисларга ҳавола қилдилар. Улар ҳам бу нарса Хоразмда ясалиши мумкин эмаслигини билдирдилар.

Худойберган муҳрканга яшил тошни кўрсатиб, шу тошдан силоя асбоби ва унинг сопини ясаб беришини сўрадилар. Худойберган узоқ муддат шарти билан бу вазифани бажаришни ўз устига олди. Буни «Оқ мачит» немислари кузатиб бордилар.

Худойберган бир йилда тошни кесиб, ичини ковак қилиб, соҳил билан ҳаммасига сайқал бериб, силлиқлаб силоя асбобини ясаб хонга тақдим этди. У немисларнинг таҳсинига ҳам сазовор бўлди. Худойберган мусиқийликга ҳам ҳаваскор эди. Ўз замонидаги Ёқуб дарачи, Усмон бахши, паҳлавон Мирзобоши, Комил ва Абдураҳмонбек ғижжакчилар билан ҳамкор бўлиб, соз ва чалғуда камолотга етди. Мусиқий мақомларни ўрганди, шашмақом ва бошқаларга яхши ошно бўлди, бир қанча куй ва нағмалар ижод қилди. Паҳлавон Мирзобошилар билан шашмақомга ихтироий нота боғлади. Зийнатларини кумушдан қилиб хонга бир танбур ясаб берган. Муҳаммадхўжа исмли соатсозга шогирд тушиб, соат ҳам тузатган.

Муҳаммадаминхон замонида отаси уста Фано тўп қуйиб юрган вақтларида бу ишни ҳам ўрганиб олган. Сайид Муҳаммадхон замонида хон буйруғи билан 11 дона тўп қуйди. Қуйган тўпларига ўзининг ва отасининг отини хушхат қилиб ўйиб ёзиб қўйган.

Худойберган хон ҳашаматли айвонининг устунларига ва устуннинг остига қўйилган катта тошларга ажойиб нақшлар ишлаган. Шунингдек, Огаҳий томонидан хонга қаратиб айтил-

ган «Мағрур бўлма» мазмунидаги рубоийларни мармарга жали қаламда настаълиқ хати билан бўрттириб ўйиб ёзган.

Бир куни хон уни ўзининг махсус китобхонасига олиб кирди. Китобхонанинг бир томони турли қўлёзмалар билан тўла эди. Хон шу китобларни қанча муддатда кўчириш мумкинлигини сўради. Худойберган «буларни кўчиришга бир, икки одамнинг умри кифоя қилмас,— деди. Хон (Муҳаммад Раҳимхон II) китобларни олиб кўринг, деб буюрди. Худойберган китобларни бир-бир очиб кўрганда, ўз қалами билан кўчирилган қўлёзма китоблар экан.

1910 йилда Исфандиёрхон отасининг тахтига ўтиргач, Худойберган муҳрканга холис олтиндан икки муҳр, яна икки расмий муҳр ўйдирди. Бир жавҳардор қиличга жиғали муҳрни ўрнатиб, олтин билан қоплатди.

Золим Исфандиёр таълим ва тарбия ишларига аҳамият бермади. Бир неча санъат эгаси бўлган кишилардан халқ болалари таълим олишига имкон бўлмади. Санъаткор Худойберган ҳам муҳтожлик ва камбағаллик билан ҳаёт кечирди. Исфандиёр ўзининг маишати билан бўлиб, халқ аҳволига қарамади. Кўп ўтмай Исфандиёр Жунайдхон томонидан қатл қилинди. Ўрнига Сайид Абдулла хон бўлиб, у ҳам яхши ишлар қила олмади. Идора ишлари ёвмудлар қўлида бўлганлиги туфайли Исфандиёр ўрнига ўтирган Сайид Абдуллохон ҳам халқ фаровонлиги йўлида ҳеч иш қилмади.

Худойберган муҳркан 97 ёшга борганда Хиванинг Сингир деган Ҳасан қора девон беги қишлоғида Хоразм инқилобидан сал илгари вафот этди.

**Абдулло Муҳаммад Мурод ўғли** Хоразмнинг котиб ва хаттотларидан бўлиб, «Таржимаи табақа» ва «Таржимаи мишкот» китобларини кўчирган.

**Муҳаммад Шокир Урганжий** Хоразмнинг хаттот ва котибларидан бўлиб, Қулниёзнинг ўғлидир. Кўчирган қўлёзмаларидан фақат «Таржимаи шамс ил-маориф» мавжуд.

**Муҳаммад Шарифхўжа** Хивалик Абдураҳмонхўжанинг ўғли. «Девони Салмон Соважжий», «Девони Носир али», «Девони Тавфиқ», «Калимоти аҳли сулук», «Миръот ул-Обидин» китобларини кўчирган.

**Муҳаммад Солиҳ Отаниёз ўғли** таржимон ва котиблардан бўлиб, Тожиддин Пуштийнинг «Таржимаи муътамат пил муътақат» асарини кўчирган.

**Қурбонниёз** уста Паҳлавон Ниёз ўғли. Хиванинг таржимон ва котибларидан эди. У кўчирган «Равзатушхадо», «Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро» қўлёзмалари бор.

**Муҳаммад Рафиъ Хивақий** котиб ва хаттотлардан бўлиб, у кўчирган «Нодир меърож» китоби бор.

**Отажон Хўжа (Қаландар Хўжанинг ўғли)** таржимон ва котиблардандир. Абдураҳмон Жаборутийнинг «Ажойиб ул-

осор» ва «Муҳаммад ибн Шаҳнинг «Таржимаи равзот ул-маnозир» китобини кўчирган.

**Рўзимуҳаммад Хоразмий** котиб ва хаттотлардандир. Бу котиб «Тарихи умумий» китобини таржима қилган ва ўз қўли билан 1908 йилда кўчирган. «Жомиъ ул-ҳикоят», «Муҳаммад Опий» ва «Насиҳатномаи Қайковус» таржимасини ҳам кўчирган.

**Муҳаммад Фано Хиваҳий** Муҳаммадали Хиваҳийнинг ўғлидир. Муҳаммад Фано «Маориж ан-нужубат» китобини таржима қилган ва ўз қўли билан кўчирган. Бошқа кўчирган қўлёзмалари ҳам бор.

**Комил Хоразмий** XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивада давом этган адабий ҳаракатда салмоқли ўрин эгаллаган шоирлардан биридир. У талантли композитор, уста хаттот, атоқли наққош ҳам эди.

Шоирнинг асли исми Ниёз Муҳаммад бўлиб, Комил унинг адабий тахаллусидир. Ниёз Муҳаммад Хива шаҳрида 1825 йилда дунёга келди. Ёшлигида уни эркалаб «Паҳлавон» лақаби билан чақирганликлари учун, кейинчалик Паҳлавон Ниёз Муҳаммад номи билан машҳур бўлиб кетди. Комил дастлаб ибтидоий мактабда, кейин мадрасада билим олган. Мадрасада Комил ўз устида қунт билан ишлаб, араб, форс-тожик ва ўзбек классик адабиётини яхши эгаллади. Замондош шоирларнинг суҳбатларида, турли адабий мажлисларда иштирок этиб, дастлабки машқ ғазалларини яратди.

Комил ҳуснихат ва музика соҳасида жуда тез танилди. Унинг истеъдоди сарой эътиборини ўзига тортмай қолмади. Сарой хизматига таклиф қилинди.

Паҳлавон кўп мажлисларда ўзининг дўст ва ошиқларига нағманавозлик этиб, қуйидаги байтларни ширин мақомлар билан тарона қиларди:

Гар олса илгига ул шоҳ танбур,
Чекар кўнглимдек ўтлиқ оҳ танбур.
Қилур мутриб ватим фурқатида,
Дамодам нолаи жони гоҳ танбур.
Ғамингда нола айларман туну кун,
Мангадур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.
Бўлур манга на сиқлидин сабун бор,
Аён қилса гар ишқи лох танбур.
Жаҳонда соёнинг анвоъйи кўпдур,
Вале истар гадоу шоҳ танбур.
Бўлур ушшоҳ, эй мутриб, асиринг,
Олиб соз айласанг дугоҳ танбур.
Қилур сайру мақомот ул жиҳатдин,
Эрур Комилга хотир хоҳ танбур.

Комил саройда мирзо боши мансабига ўтириб, «Паҳлавон Мирзобоши» номи билан танилди. Паҳлавон Мирзобоши Муҳаммад Раҳимхон ҳузурида катта эътибор топиб, девонбеги мансабига кўтарилади. Хоразм қитъасининг барча савдо, божхирожлари унинг тахти идорасида эди.

Комил шоирлик фазлидан ташқари мусиқийшунос ҳам эди. У танбур созига ярим мақом созини орттириб «Мақоми Ферузшоҳ» деб ном берди. Муҳаммад Раҳимхон фармони билан олти ярим мақом танбурга катта нота тузди. Лекин Матмурод Шайх Назар ўғли Россиядан Хивага қайтиб, ўзининг аввалги мансаби Девонбегиликка ўтиргач, Комил аввалги амалида қолади. Кўзи ожиз бўлиб қолган Комил хондан рухсат олиб, Тошкентга келиб, кўзини докторларга кўрсатади. Даво топмагач, Хивага қайтиб келади. Хон Комилнинг мирзобоши мансабини ўғли Муҳаммад Расулга беради. Хон марҳаматидан маҳрум бўлган Комил 1899 йилда 72 ёшида вафот этади.

Комил Хоразмийнинг ўзбек музика санъатига оид хизматлари ҳам катта. Замонасининг машҳур созандачиси устод Худойберган ва бошқалардан шашмақом куйларини ўрганди. Комилнинг 1883 йилларда Муҳаммад Раҳим II билан Петербургга бориши, унинг музика санъати соҳасидаги фаолиятида янги давр очди. Рус нота системасидан илҳомланган Комил ўша вақтда Хивада машҳур бўлган музика асбоби — танбур учун янгича нота яратиш устида ишлади.

Комилнинг ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, ўзбек халқи музика санъати тарихида қилган хизматлари диққатга сазовордир.

Комил Хоразмийнинг лирик поэзияси жанр жиҳатидан ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий, муаммо, тарих каби шеърий формалардан иборатдир. Бу формалар орасида асосий ўринни ғазаллар ташкил қилади.

Комилнинг бизгача 3 қўлёзма девони етиб келган. Бу девонлар Шарқшунослик институтида сақланади. Девонлар айрим фарқлардан ташқари бир-бирларига ўхшашдир. Шоирнинг ҳамма асарлари 3680 байтдан иборат.

Шарқ адабиётида узоқ асрлар давомида поэзиянинг етакчи жанри бўлиб келган ғазалнинг тематик доираси Лутфий, Жомий, Навоий сингари йирик шоирларни мустасно қилганда, жуда тор эди. Ғазалда, асосан, май ва унинг лаззати, инсоний муҳаббат, баҳор завқи ва шунга ўхшаш ички туйғулар куйланган. Шу билан бирга шоирнинг ўз атрофини ўраб олган муҳитга, ҳукмрон давлат тартибига, мавжуд жамиятнинг турли табақаларига бўлган муносабати, ижтимоий-сиёсий характердаги қарашлари ҳам озми-кўпми акс этар эди.

Комил поэзиясининг тематикаси ранг-барангдир. Унинг шеърларида ўз замонасига, сарой ва сарой аҳлларига, хонлик салтанатига, зулмга, дин ва унинг пешволарига, инсон ҳамда

унинг яхши ва ёмон томонларига бўлган қарашлари акс этган. Комил ижодида ҳаётнинг аччиқ-чучук тажрибалари, замондошлари ҳақидаги хулосалари ҳам ифодаланган.

Комилга замондош бўлган Огаҳий, Рожий, Комёб, Баёний, Феруз, Табибий каби шоирлар унинг ижодига жуда юқори баҳо бердилар.

Замонасининг кўзга кўринган вакили, етук шоир ва маърифатпарвар тарихчи Огаҳий Комил ҳақида махсус тўхтаб, уни шундай характерлайди: «Наврас фикр ва тоза таъб шуарода фазл ва ҳунар аҳли орасида мумтоз Паҳлавон Ниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдир»[137].

Демак, Комил Хоразмий шоир ва санъаткор сифатида ўз адабий муҳитидаги кекса шоирларга ижодий қобилияти билан маълум бўлган ва танилган.

Тошкент Шарқшунослик институтида сақланаётган 1135 инвентарь номерли «Мухаммасоти Комил» асарида Комил Хоразмий Навоий, Огаҳий, Мунис Хоразмий, Феруз, Нашотий, Рожий, Ғозий, Амирийларга мухаммас ёзган, бу асар 28 варақдан иборат бўлиб, ўз ичига 30 дан ортиқ мухаммасни олган. Комил Хоразмийнинг шеърларини Шайх Сулаймон Чиғатойи ўзининг «Луғати чиғатой» ва «Турки Усмоний» деган китобида мисол қилиб кўрсатган. Бу китоб Шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 213).

Комил асарлари инсон, инсон ҳуқуқи, орзу-истаклари тўғрисидаги фикрлар, зулм ва адолатсизликка қарши норозилик кайфиятлари билан суғорилган.

Жафо ўти била кўп ўртама булбул пару болин,
Ки оҳи қилғуси барбод баргин, эй гули хандон.
Гар олтун қаср эса жоҳинг, улус ҳолига раҳм этгил,
Сенингдек неча шаҳоншоҳни ўткарди бу айвон,

деб шоир адолатсизликнинг ҳамма чегараларидан четга чиқиб, халқни эзган золим хондан адолат талаб қилади.

Шоир маърифатга, илмли бўлишга чақиради. У ўз замонида илм ва ҳунар аҳлларининг қадру қиммати ниҳоятда паст эканлигидан, давлат уни қадрламаганидан шикоят қилади. Агар билим дунёсининг Афлотуни бўлсанг ҳам фалак сенинг қаддингга душманлик қилади, дейди:

Бўлмаса гардуни суфла дўст гардун, эй кўнгул,
Нега дунни шод этар, донони махзун, эй кўнгул.
Чун фалак нодон навозу, хасми донодур, не суд,
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул.

Форсча-ўзбекча аралаш шеър ёзишни Комил Хоразмий ҳам тажриба қилиб кўрган. Унинг «Ширин-шакар»ларида бир

---

[137] Девони Комил, 132-бет.

мисранинг ўзида ҳам форсча-тожикча, ҳам ўзбекча сўзлар аралаш ишлатилади:

Жамолинг то сипеҳри ҳусн уза чун меҳри анвар шуд,
Била олмай муқобил раҳон аз зарра камтар шуд.
Илоҳи, Комил ашъорин букун мақбули султонам,
Фалотун ҳикмати янглиғ, ки мақбули Скандар шуд.

Комил Хоразмий форс-тожик тилини яхши билган. Ўз замонасининг форс-тожик, араб тилида ижод этувчи шоирларини ва классикларнинг шеърларини қунт билан ўрганган. Уларга эргашиб, форс тилида шеърлар ёзган. Форс-тожик тилида ёзилган асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Ўша даврда Комил жуда оғир аҳволда яшаган. Унинг бу ҳолидан дўсти Рожий хабардор эди. Комил шеър, таржима соҳасида Рожий билан маслаҳатлашар, фикр олишар эди. Саид Муҳаммадхон бир асарни форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилишни Комилга топширади. Асар тайёр бўлгач, хонга тақдим этади. Бироқ Рожий асарни Комил эмас, мен таржима қилдим, деб даъво қилади. Хон эса буни тасдиқлаб, қилган хизматининг мукофоти сифатида Рожийга бир ҳужра беради ва кўп илтифотлар кўрсатади. Кейинча бу ишдан хабардор бўлган Комил ёзади:

«Кунлардан бир кун менга бир кимса арк ичида шундай деди: «Эй бахти қора шўрлик! Хон сенга у китобни туркий қилғил деганда, бу ишни улуғ давлат билиб кипригингни қалам, кўзингни давотга айлантириб, кеча-кундуз тинмай меҳнат қилдинг. Қалам сингари китоб саҳифаларида кезиб, қанча вақтлар жадду-жаҳд этиб тамомладинг».

Комил Хоразмийнинг таржима асарлари текшириш объекти бўлган эмас.

**Муҳаммад Ёқубхўжа Холис Хоразмий** Хивада кучли таржимонлардан бўлиб, араб, форс тилидаги тарих ва адабий китобларни ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, хушқалам, хушхатлиги туфайли кўп китобларни кўчирган ва таҳрир қилган. Жали қалам билан ёзган альбом ва қитъалари бор. Муҳаммад Ёқуб Холис тахаллуси билан шеър ва ғазаллар ёзган. Муҳаммад Ёқубхўжа Хива хонлиги ва унинг амалдорларидан кўп жабру жафолар кўрди. Ёқубхўжа хуштабиат, хушмуомала, халққа шафқатли, бир парча нон топса етим бевабечораларга бериб, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турарди. У Октябрь революциясидан илгари вафот қилган.

Қўлёзма фондида у кўчирган «Шаҳнома» таржимаси бор.

**Эшжон Хивақий** кўчирган қўлёзмаларидан «Рубоиёти ахлоқий маоний», «Девони Ҳилолий», «Девони Махфий» кабилар маълум.

**Муҳаммад Ёқуб Девон Хоразмий Уста Қурбонниёз ўғли** Харрот лақаби билан шуҳратланган. Қирқ тўрт шоирнинг ға-

залларидан иборат баёз, рубоиёт ҳамда Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» номидаги девонини настаълиқ хати билан кўчирган.

**Муҳаммад Юсуф Гурлоний** Хиванинг хаттот ва котибларидан бўлиб, Муҳаммад Вафо ўғлидир. Гўзал настаълиқ хати билан кўчирган қўлёзмалардан «Тазкират ул-авлиё Киромий — Риёз ул-васлий» бизгача етиб келган.

**Муҳаммад Шариф Хоразмий Оллоберган девон ўғли** Хиванинг котиб ва хаттотларидан бўлиб, «Девони Офий», «Девони Сомий», «Девони Ниёзий» ва бошқа асарларни кўчирган.

**Муҳаммад Шараф Хўжа** Хоразмнинг энг хушқалам хаттотларидан бўлиб, Муҳаммад Юсуфхўжанинг ўғлидир. Шарафхўжа Сайид Абдулло Авазхўжа ўғли Алоуддавла Яҳё Сайфийнинг «Нафоис ул-маосир» номли тазкирасининг ўзбекча таржимасини гўзал настаълиқ хати билан кўчирган.

**Муҳаммад Ризо Охунд Хоразмий** Муҳаммадкарим девон ўғлидир. Гўзал настаълиқ хати билан Мунис ва Огаҳий асарлари («Фирдавс ул-иқбол», «Риёз ут-давла» ва «Зубдат ут-таворих»)ни кўчирган.

**Муҳаммад Тоҳир Хоразмий** Домла Ортиқ ўғли, Хиванинг котиб ва хаттотларидандир. Кўчирган қўлёзмаларидан «Таржимаи махфиларо», «Девон ва қасоиди фасиҳий» ва «Туҳфат ул-ушшоқ» мавжуд.

**Жуманиёз Хоразмий** Ҳабибулло Махдумнинг ўғлидир. «Муружи захаб» тарихининг таржимасини, Шариф ва Киромийнинг ғазалларини кўчирган.

**Домла Қаландар Хонақоҳий** Хиванинг гўзал ёзувчи хаттотларидан бўлиб, «Шарҳи мишкод» ва «Сахоиф ул-ахбор» таржимасининг I, II, III дафтарларини кўчирган.

**Каримберган Девон Хоразмий** Худойберган Хоразмийнинг ўғлидир. Муҳаммад Комил, Саъдуллоҳ Саъдий, Отажон Хоразмийнинг ўғли Ғозийларнинг девон ва баёзларини кўчирган.

**Исмоил Авазниёз ўғли** «Тарих фариштa» ва «Хазинат ул-Асфиё» таржималарини кўчирган котиб ва хаттотдир.

**Сайидниёз Хивақий** Муҳаммадёқуб ўғли. «Кимёий Саодат» ва «Тарих фариштa»нинг таржималарини кўчирган.

**Иноятилло Хоразмий** Муҳаммад Сафо Хоразмий ўғли. Баёз, «Девони Ҳақирий», «Девони Иноят» асарларини кўчирган котибдир.

**Муҳаммад Амин Абдол Ниёз ўғли** адабиётни севувчи ва хаттотлардан бўлиб, «Девони Ғуломий», «Ғазалиёт Феруз», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асарларини кўчирган.

**Отажон ибн Муҳаммад Карим Хоразмий** Хоразмнинг адиб ва хаттотларидандир. «Девон Содиқ», «Шарҳи мишкод» таржималарини кўчирган.

**Абдураззоқ Махдум Фақирий** хивалик Абдужаббор Махдум ўғлидир. Фақирий Хиванинг Бўзхона қишлоғида туғилиб,

қишлоқ мактабида саводли бўлгач, отаси Абдужаббор Махдумнинг таълим ва тарбиясида таҳсил топиб, маълумотли бўлди. Фақирий Худойберган муҳркандан ҳуснихат таълимини олиб, хат машқи билан шуғулланди. У настаълиқ, насх, сулс, райҳоний ва бошқа хатларни чиройли ёзадиган бўлди. Фақирий расм, наққошлик ва лавҳа ишларида ҳам маҳоратга эга эди.

Абдураззоқ Фақирий тахаллуси билан шеърлар ёзди. Фақирий 1910 йилдан Октябрь революциясигача Хоразмда Исфандиёр давридаги воқеаларни ва унинг жабр-жафоларини маснавий билан тарихий манзума қилиб ёзган.

Фақирий хуштаъб, шўх, хушмуомала ва нотиқ йигит эди. У мажлисда сўзлаганда ширин мақомлар билан ҳамманинг диққатини ўзига тортар эди. Фақирий 1921—1922 йилларда Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг нозирлар шўросида котиблик вазифасида ишлаб, 1925 йилда, 42 ёшида вафот этди.

Фақирийнинг кўчирган қўлёзмалари бор[138].

**Муҳаммад Юсуф Чокар** Хоразмнинг шоир, мусиқийшунос хаттотларидан бўлиб, Муҳаммад Ёқуб Харрот девоннинг ўғлидир. Ҳуснихатни отасининг таълими билан ўрганган. Муҳаммад Юсуф катта истеъдодга эга бўлган. У гўзал настаълиқ хати билан кўп китобатлар қилган. Ёзган шеърларини тўплаб, «Девони Чокар» номида девон ҳам тузган.

Чокар отасидан мусиқий фанидан ҳам таълим олиб, чолғу асбобларини ишлатишда комил санъаткор бўлиб танилди. 1920 йилда Хивада маориф хизматида котиблик вазифасида ишлаган.

1928 йилдан Самарқанд мактабларида музикадан дарс бера бошлайди. 1945 йилда вафот этади[139].

**Муҳаммад Юсуф Баёний Бобобек ўғли** ёшлигидан илм-маърифатга берилган, заккий табиат ва истеъдодли эди. Акаси Яхшимуродбек тарбиясида камолга етган. Акасидан тиб илмидан ҳам таълим олган. У форсий, арабий китобларни кўп мутолаа қилган. Тарихий китобларга ҳам қизиққан.

Муҳаммад Юсуф Баёний тахаллуси билан кўп шеър ва қасидалар ижод этади. «Девони Баёний» номли асари бор. Шунингдек, Дарвеш Муҳаммаднинг «Саёхиф ул-ахбор», Биноийнинг «Шайбонийнома», Жарир Табарийнинг «Тарихи Табари», Атоийнинг «Равзот ул-аҳбоб» ва Саъдийнинг «Гулистон» асарларини таржима қилган.

1910 йилда Исфандиёр Баёнийга Хива хонлигининг жулус тарихини ёзишга буюрди. Баёний «Шажараий Хоразмшоҳ» номли бутун Хоразм хонликлари тарихидан (Муҳаммад Ризо

---

[138] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, 63-бет.

[139] Ўша асар, 49-бет.

Огаҳийнинг «Риёз уд-давла», «Жоме ул-воқеоти Султоний», «Гулшани давлат» ва «Зубдат ут-таворих») хулоса ясаб, у китобларнинг камчиликларини тўлдириб, ўзбек тилида мукаммал тарих ёзиб, хонга тақдим этган.

Баёний шоир, тарихчи, табиб, мусиқийшунос, таржимон ва хушхат хаттотдир. Хатларни турли таълимда ёза биларди. Сиёқ томонидан тўпланган «Мажмуаи шуарои форсий»ни Баёний таҳрир қилиб, 1900 йилда гўзал настаълиқ хати билан кўчирган. Бу қўлёзма баёзнинг охирида кўчирган йилини форс тилида шеър билан ифода этган.

Будики ин нусхаро хатми рақам дастдод
Даррахи таҳрири ў буд Баёний муқим.

Баёний 1920—1921 йилларда Хива маориф ҳузуридаги вақф шўъбасининг мудири вазифасида ишлаб, 1923 йили Хивада вафот этган[140].

**Оллоберган Хивақий Муҳаммад Ризо ўғли** Хоразмнинг котиб ва таржимонларидандир. «Тарих Қомил» таржимасидан VII дафтарни кўчирган.

**Муҳаммад Комил Девоний** Хоразмнинг шоир ва хаттотларидан бўлиб, Исмоил девоннинг ўғлидир. Отасидан ёш қолгани учун амакиси Худойберган муҳркан қўлида тарбия кўриб, таҳсил қилади. Худойберган муҳркандан хат ўрганади.

Девоний хаттотликдан ташқари музаҳҳиб (зарҳал билан нақш ишловчи) — олтин ва нуқралар билан китобларга лавҳа ишловчи, муҳрканлик ва заргарлик ишларида ҳам ихтисосли эди.

Девоний хон истибдодидан зорланиб, шикоят қилишдан тўхтамади. Кейинги вақтларда оғир ҳаёт кечириб, революциядан илгари Тошкентга қочиб келди. Комил Тошкентда бир қанча вақт яшаб, шу ерда вафот этди[141].

**Хўжаниёз Хоразмий** Хива котибларидан бўлиб, Эшбобо ўғлидир. «Таржимаи Муҳаммад Тоҳир», Табибийнинг «Муниси ушшоқ» қўлёзмаларини кўчирган.

**Муҳаммадраҳим Хивақий Бобо ўғли.** Фирдавсийнинг «Шаҳнома» ва «Вомиқу узро» асарларнинг таржимасини кўчирган.

**Эшонхўжа** хивалик Қуботхўжанинг ўғлидир. Настаълиқ хати билан кўчирилган қўлёзмаларидан Хоразм шоирларининг ғазаллар тўплами — баёз, «Таржимаи равзот ус-сафо» ва бошқалар маълум.

**Муҳаммад Одам** Хоразм хаттотларидан бўлиб, Домла Ортиқ ўғлидир. Бу котиб гўзал настаълиқ хати билан машҳур

---

[140] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, 40-бет.

[141] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, 49-бет.

шоир Аҳмад Табибий Хиваҳийнинг девони ва қиссаларини[142] кўчирган.

**Болтаниёз Надимий** Шехло қишлоқлик Уста Қурбонниёз харротнинг ўғлидир.

Надимий ёшлигида акаси Муҳаммад Ёқуб Харрот девондан хатнинг қоида ва усулларини ўрганди. Турли адабий-тарихий китоблар ва девонларни гўзал настаълиқ хати билан кўчирди. Болтаниёз Надимий тахаллуси билан турли услубда шеърлар ҳам ёзди. Ўзининг ашъорини тўплаб, девон тузган.

Надимий меҳнатсевар, ишчан киши эди. Ҳар қанча ишларига (китобат ва ижодкорлик) қарамай, Шехло қишлоғидаги ярим таноб боғида деҳқончилик билан шуғулланган.

Надимий Хоразм революциясидан сўнг давлат идораларида хизматчи бўлиб ишлаган, 1938 йилда вафот этган[143].

**Муҳаммад Ёқуб Хиваҳий уста Жуманиёз ўғли.** Хоразмнинг иқтидорли котибларидан бўлиб, машҳур тарихчи ва шоир Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳ» китобини гўзал настаълиқ хати билан кўчирган.

**Муҳаммад Расулбек** Хиванинг котиб ва хаттотларидан бўлиб, Муҳаммад Каримбекнинг ўғлидир. Кўчирган қўлёзмаларидан «Тарихи Табарий»нинг таржимаси ва бошқалар бор.

**Бобожон Бек** Оллоберди Хоразмийнинг ўғли. «Шайбонийнома»нинг таржимасини кўчирган котиб ва хаттотлардандир.

**Сайид Абдулло Авазхўжа ўғли** Хиванинг таржимони, адиби ва хаттотларидан бўлиб, «Иршоди Толибий», «Ҳикояти Солиҳий» китобларини кўчирган.

**Ходимий — Азизов Бобожontарроҳ** 1878 йилда январь ойида Хиванинг Ичан қалъасидаги Худоёр Қушбеги маҳалласида туғилган. Отаси Абдулазиз Абдуқодир девон (тахаллуси Қоний) ўғли бўлиб, шоир ва котиблик билан шуғулланган, Отаси 28 ёшида вафот этган. Онаси ўғилжон Бобожонтарроҳни олиб, укаси Машрабтарроҳ хўжалигига борган. Бобожонтарроҳ тоғаси қўлида тарбияланиб, 7 ёшида эски мактабга кириб, 11 ёшида уни тамомлаб, 22 ёшгача мадраса таълимини олган. 15 ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлайди. У Аҳмаджон Табибий, Аваз Ўтар, Комил Девоний ва Юсуф Чокарлар билан бирга Мамадмаҳрам Муҳаммад Раҳим II учун солдирган мадрасада шеърхонлик қилишган. Отасининг тахаллуси «Ходим»ни абадийлаштириш учун ўзи ҳам «Ходим» тахаллуси билан ижод қилган.

Бобожонтарроҳнинг тоғаси Машрабтарроҳ сарой хаттот ва котибларидан бўлиб, арзимаган гуноҳи учун калтакланиб ўлдирилган. Унинг ўрнига Бобожонтарроҳни хаттот ва шоир

---

[142] Аҳмад Табибий, Девон, ЎзФАШИ, инв. № 678, 348-бет.

[143] Ҳасанмурод Қори Лаппасий, Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоли, 48-бет.

қилиб оладилар. У 9 йил хаттотлик билан шуғулланиб, 30 дан ортиқ шоирларга бошчилик қилади.

Табибий тузган «Мажмуат уш-шуаро»да унинг ҳам шеърлари бор. Ундан ташқари уч девон тузган. Бу девонлар ЎзФАШИда сақланади. Бобожонтарроҳ ҳозир 88 ёшдан ошган.

1964 йил августда — ЎзССР ФА Аваз Ўтарнинг 80 йиллик юбилейини нишонлаганда Ходимий, унга атаб шеър ёзган. Қуйида биз шу шеърдан парча келтирамиз:

Ўн беш ёшдан Аваз билан эрдим ижоддош,
Менинг билан Аваз эрди замондош.
Мамадмаҳрам мадрасада бўлардик,
Ижодни ҳамма вақт бирга қилардик.

**XIX аср охирларида ўтган қуйидаги хоразмлик хаттот ва котиблардан бир донадан қўлёзмалар қолган.** Муҳаммад Шариф Муҳаммад фано ўғли, Муҳаммад Ёқуб Охунд Хоразмий, Муҳаммад Мурод, Муҳаммад Шариф Раҳимберди ўғли, Абдукарим Муҳаммад Раҳим ўғли, Муҳаммад Раҳим Ҳожи Паҳлавонниёз Хивақий ўғли, Қурбонниёз Муҳаммаджон Жирмоний ўғли, Худойберди Қўшмуҳаммад ўғли, Эшон махдум Қувватхўжа ўғли, Қўшназар Шайх, Аваз Мурод Бекмурод ўғли, Муҳаммад Амин Сайид Аҳмад Хоразмий ўғли, Худойберган Бекмуҳаммад Хоразмий ўғли, Насирулло Муҳаммад Сафо Хоразмий ўғли, Бекмуҳаммад Хоразмий, Умархўжа Иброҳимхўжа ўғли, Абдулла Махдум Домланиёз Хоразмий ўғли, Қодирберган Авазниёз Хоразмий ўғли, Муҳаммадаминхўжа ўғли, Муҳаммад Собир Худойберган муҳркан ўғли, Абдолниёз Дўстниёз Хоразмий ўғли, Муҳаммад Шариф Охунд Абдуллоҳ Хоразмий ўғли, Муҳаммад Юсуф охунд Муҳаммад Карим Хоразмий ўғли, Худойназар Бекниёз ўғли, Отаниёз Хўжаниёз ўғли.

## ФАРҒОНА ХАТТОТЛАРИ

**Заҳириддин Муҳаммад Бобир** — машҳур давлат арбоби, истеъдодли саркарда, шоир, заковатли олим ва тарихчи, ихтирочи хаттотдир.

Бобир 888/1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилди. Отаси Умаршайх Темурийлардан бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди.

1495 йили отаси вафот этгач, 12 ёшли Бобир унинг ўрнига Фарғона вилоятига подшоҳ бўлади.

Мамлакат ичидаги ўзаро тўхтовсиз урушлар ва Шайбонийхон бошлиқ феодалларнинг ҳужуми натижасида Бобир гоҳ Самарқандда, гоҳ Андижонда бўлди. Шайбонийхон қўшини

1504 йилда Андижонни босиб олди, Бобир оз сонли армияси билан Афғонистонга йўл олишга мажбур бўлди. Бобир Қобилда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1519—1529 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритди ва тарихда «Буюк мўғуллар сулоласи» деб аталган буюк давлатга асос солди.

Бобир 1530 йил 26 декабрда Огра шаҳрида вафот этди. Унинг васиятига кўра жасади кейинчалик Қобилга келтирилиб кўмилди.

Бобир давлат арбоби, саркарда, тарихчи, мутриб, олим, таржимон, шоир бўлиш билан бирга ибн Муқлаъ каби буюк хат ихтирочиси сифатида ҳам Шарққа танилган. Ҳиндистонни бошқариб турган вақтида Бобир араб хатининг турли шаклларида ёзиладиган алоҳида бир хат ихтиро қилган. Бу янги хат «Хатти Бобирий» деб аталган ва шу ном билан шуҳрат топган. Бу хат ҳақида Бобирнинг ўзи ёзади:

Туркийлар хатти насибанг бўлмаса Бобир, не тонг,
«Бобирий хати» эмасдур «Хатти Соғноқий»[144] дурур.

«Табақоти Акбар»нинг муаллифи Низомиддин Ҳулувийнинг айтишича, Бобир мирзо «Хатти Бобирий» номида бир хат ихтиро қилиб, шу хат билан қўлёзма кўчирган ва уни Арабистон (Макка)га юборган[145]. «Хатти Бобирий»нинг муфрадоти «Ажойиб ул-табақот»да кўрсатилган[146].

Бобир лирик шоир сифатида «Девон» тузган. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг тарихи, этнографияси, географияси ва бошқа соҳаларини бадиий акс эттирувчи буюк ёдгорлик «Бобирнома»ни қолдирди. Бобир мирзо илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлар яратади. Жумладан, у аруз илми ва қофия қоидалари хусусида «Муфассал» номли асар яратди; мусиқа соҳасида «Мусиқий илми», ҳарбий санъатлар ҳақида «Ҳарб иши», фиқҳ илми бобида «Мубаййин» рисолаларини яратди. Шундай қилиб, Бобир ўзбек маданияти, умуман Шарқ маданияти тарихида фахрли ўрин эгаллайди.

**Муҳаммад Латиф** — Қўқоннинг машҳур котибларидан бўлиб, шаҳрисабзлик Муҳаммад Шарифнинг ўғлидир. 1813 йилда[147] настаълиқ хати билан Навоийнинг «Чор девон»ини кўчирган (№ 90746) Девон ғоятда хушхат, жадваллари зийнатли, зарҳал лавҳалидир.

---

144 *Хатти соғноқий* — ингичка (сиғноқ), нозик ёзиладиган хат.

145 Низомиддин Ҳулувий бинни Муқимхон, Табақоти Акбарий, ЎзФАШИ, инв. № 3673, 173—185-бетлар.

146 Муҳаммад Тоҳир бинни Абулқосим, Ажойиб ул-табақот, ЎзФАШИ, инв. № 2797, 251-бет.

147 Умархон даври.

XVI—XVIII асрларда бир қатор шоирлар асарларида Навоий традициялари унинг инсонга, халққа, адолат ва ҳақиқатга муҳаббати ўзининг тадрижий давомини топган эди. Шунинг учун ҳам шу асрнинг иккинчи ярмида Навоий асарларини ўрганишга шавқ ортди. Навоийшунослар кўпая борди.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1709 номерли «Чор девон»нинг охириги ёзилган хотимадан маълум бўлдики, Қўқонда Навоий асарлари кўп китобат қилинган. Шу девоннинг хотимасида 1838 йили Муҳаммад Алихон[148] буйруғи билан Муҳаммад Сиддиқи тунқотор орқали хаттотларга буюрилиб олти ой ичида 300 адад Навоий «Чор девон» ининг қўлёзмаси кўчирилиб, шерозали муқова қилинганлиги, шу нусха ўша йилда кўчирилган девонлардан бири бўлганлиги қайд қилинган. Лекин хаттотнинг имзоси маълум бўлмади. Бу «Чор девон» энг мукаммал қўлёзмалардан бўлиб, қўқон қоғозига сўнг даража зебо, настаълиқ хати билан кўчирилган.

Шу девонлардан бир неча нусхаси XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хаттотлари томонидан кўчирилганлиги аниқланди. Қўқонда Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан анчагина кишилар бор. Улардан машҳурлари Ҳожи Муҳаммад Ҳижрий, охунд Мирҳусайн, Носирхон Мулла Муҳаммад бинни Ашир Муҳаммад, Мулла Саримсоқ ва улуғ хаттот ҳам шоир мирзо Шарифи Дабир. Бу хаттот бадиий кўчиришда Қўқон мактабининг устодидир.

**Мирзо Шариф Дабир** XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган, машхур Мир Имод равишида китобат қилувчи хат устасидир. Дабир 1836 йил Қўқонда Муҳаммадалихон буйруғи билан Фузулийнинг девонини настаълиқ хатида ниҳоятда гўзал кўчирган (инв. № 150).

1837 йилда Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулийнинг сайланган ғазалларини алоҳида гўзал хат билан кўчирган (инв. № 3465). Алишер Навоийнинг сайланган ғазалларини ҳам жуда ихтимом билан зебо настаълиқ хатида кўчирган. Кўчирилган ҳар икки саҳифадаги ғазаллар бир доира ичига жойлашган. Доирани қуёш расмига ўхшатиб, нурафшон гуллар билан безатилган, олтин ҳал билан зийнатланган. Қўлёзманинг инвентарь номери 2223.

Дабир санъаткор хаттот бўлиши билан бирга, шоир ҳамдир. У ўзининг Бедил ғазалига боғлаган мухаммасида хонларга қасида бағишловчи маддоҳларга хитобан қуйидаги фикрларини изҳор этган:

---

[148] Марҳума, адиба Нодиранинг маслаҳати билан буюргани ҳақида сўзлар бор.

درین زمانکه زبان آوران وصافند
نه فاضلند ونه‌عالم نه شخص انصافند
برنگ خامه تهی از عبارت صافند
به گفتگوی کسان مرد میکه‌می لافند
چو خط به معنئ خود نارسیده حرافند

Мазмуни:

Бу замонда мақтовга тушиб кетган сўз айтувчилар фозил ҳам эмас, олим ҳам эмас, инсофли киши ҳам эмасдирлар. Улар покиза иборатдан холи бўлган қалам рангидек, қорадирлар. Одамларнинг гапига лоф урувчи бу кишилар ўзининг маъносига тушунмайдиган хат каби бузувчидирлар[149].

**Абдулғози Хўжа Хўқондий** Тўрахўжа Ҳусайний Қўқондийнинг ўғлидир. 1848 йилда Алишер Навоийнинг «Хамса»сини китобат қилган.

**Турди Али** Қўқоннинг шимолида Тули қишлоғида туғилган Норбўтабек мадрасасида таҳсил кўриб, хусусий кишилардан ҳам дарс ўқиган. Жали қалам ёзадиган хаттотлардандир.

Қўқондаги хон аркининг ўнг томонидаги жали хат Турди Алиники бўлиб, чап томонидаги хатнинг котиби Мирзо Мир Маҳмуд Бухорийдир. Собиқ Ўрданинг ички томонидаги айвон деворига катта жали хат ёзилиб, хат остида «Фақир Муҳаммад Турди Али» дейилган. Бу хат ҳарфларининг кашиши ва домоналари аркнинг ўнг томонидаги хатга ўхшайди.

Турди Али тадбирли ва халқпарвар киши эди. У Худоёрнинг қаҳру ғазабига дучор бўлган кўп кишиларни хоннинг жабру жафоси ва зулмидан халос қилган. Ҳатто «Халқнинг жабру жафодан озод бўлишига Турди Али сабаб бўлган» деган сўзлар ҳозиргача эл оғзида юради.

Тошкентлик қори Фазлилло унинг куёвидир[150].

**Мирзо Бобокалон Хўқондий Муҳаммад Ризо парвоначи Иста-Равшанийнинг ўғли.** Қўқоннинг настаълиқ ҳақида жодурақам хаттотларидан бўлиб, Абулвосиъ Манзур томонидан форс тилида 1870 йилда Фарғона хони (Худоёр)га аталиб маснавий тарзида ёзилган «Тазкираи Султони» номли китобни гўзал настаълиқ хати билан кўчирган[151].

**Мирзо Мир Маҳмудий Хўқондий Мирзо Муҳаммад ўғли** 1821 йилда Бухорода туғилиб, собиқ Фатҳулло Қушбеги маҳалласидаги мадрасада ўқиган. Ўша замонларда амир Нас-

---

[149] Азиз Қаюмов, Қўқон адабий муҳити, 1961, 36, 71-бетлар.
[150] Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.
[151] Абдул Восиқ Манзур, Тазкираи Султоний, ЎзФАШИ, инв. № 9293, 143-бет.

руллонинг зулм ва истибдоди ҳаддан ташқари авж олган пайтлар эди. Шу туфайли Мирмаҳмуд 1853 йилда ўз ватани Бухорони ташлаб, Қўқонга кўчиб келган. 1855 йилда собиқ Бахмалбоф маҳалласида жойлашган, шу ердан уйланган.

Мирзо Мир Маҳмуд билимли ва санъаткор хаттотлардан эди. Қўқон шаҳар осори атиқаларидан хон арки пештоқидаги жали қалам билан ёзилган тарихий икки турли хат бу буюк бинога зийнат бериб туради. Арк пештоқининг чап томонидаги настаълиқ билан ёзилган жали хат Мирзо Мир Маҳмуд қаламига мансубдир. Бу хатнинг нозик ва чапандозлиги Мирзо Маҳмуднинг ўз қалами билан ёзиб қолдирган бир қанча қитъа ва рубоийларига айнан ўхшайди.

Мирзо Мир Маҳмуд 1882 йилда Қўқонда вафот этган. Ҳозир 73 ёшга борган Мираҳмадхон, 64 ёшли Мирзо Султонхон номли набиралари барҳаёт[152].

**Мир Афзал Хўқондий** Қўқоннинг билимли хаттотларидан бўлиб, насх, шикаста, настаълиқда жали қалам билан кўп китобатлар қилган. Айниқса, настаълиқ билан Мир Имод равишида қўлёзмалар кўчирган.

Абунаср Парохийнинг «Нисоби Сибиён» луғат изоҳини гўзал настаълиқ хати билан ҳошиясига олиб кўчирган. Китоб охирида имзо ўрнида форс тилида бир рубоий ёзган.

Муҳаммад ибн Сайид Бўсирийнинг арабий назм билан айтилган қасидасини, Аҳмад Поруқий Сархандийнинг мактуботини гўзал настаълиқ хати билан кўчирган[153].

**Юнусхўжа Шаҳрисабзий** насх, настаълиқ, айниқса, шикаста хатда форс адабиёти классиклари билан шуғулланувчи кишилар ўртасида «Шикастанавис», «Бедилнавис» котиб номи билан шуҳрат қозонган.

Эронда ҳозиргача амалда бўлган шикаста хатнинг ихтирочиси Шафиъо исмли киши бўлиб, бу хатни такмил этувчи Дарвеш Абдулмажид Талқонийдир.

1853 йилларда Юнусхўжа шикаста хатга яна айрим равиш бериб, кўп китобатлар қилган. Тошкентда машҳур Шомурод котиб Юнусхўжага тақлид қилиб, бир неча марта шикаста хат билан Бедил девонини кўчириб, тош босмада нашр қилдирган.

Юнусхўжанинг шикаста хат билан кўчирган муҳим қўлёзмаларидан Мирзо Бедилнинг девонидир[154].

**Муқимий Муҳаммад Аминхўжа Мирзохўжа ўғли** 1850 йилда Қўқонда, собиқ Хўжанд даҳасида нонвой оиласида дунёга келди. Унинг отаси асли тошкентлик бўлиб, 1835—1836 йилларда Қўқонга келиб қолган.

---

[152] Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.
[153] Ж о м и й, Чиҳлхадис, ЎзФАШИ, инв. № 10064.
[154] Б е д и л, Девон, инв. № 2135.

Муқимийнинг онаси замонасининг маърифатли аёлларидан бўлгани туфайли ўғлининг илм олиши ва адабиётга қизиқишига алоҳида аҳамият берди.

Муқимий бошланғич таҳсилини маҳалла мактаби ва уйда ота-онасидан олиб, сўнг Қўқон мадрасасига киради. Маълумотини тугаллаш мақсадида Бухорога бориб ўқийди. У ерда форс, араб тилларини яхши ўрганади. Мустақил равишда турли китобларни мутолаа қилишга киришади. Форс-тожик ва ўзбек классикларининг асарларини севиб ўқийди. Уларга эргашиб ўзи ҳам шеърлар ёза бошлайди. Ўз замонасининг шоирлари билан танишади.

Муқимий мадрасани тугатиб, Қўқонга қайтади. Лекин иш тополмай, ҳаётини муҳтожликда ўтказади.

Муқимий хаттот ҳам эди. Гўзал настаълиқ хатида жали қалам билан қитъа ва рубоийлар кўчирган. Уларнинг тагига «Қатабаҳу ал фақирул ҳақир Муқимий 1315 ҳижрий», «Машоқаҳу Муқимий», «Муҳаммад Амин Хўқандий», баъзан «Муҳаммад Аминхўжа» деб ёзиб қўярди. Дўст ва ошноларига ёзган мактублари ҳам бор. ЎзФА Шарқшунослик институтида ўзи тўплаб, 1893 йилда кўчирган бир баёзи бор. Қўқон адабиёт музейида ўз қўли билан ёзган 18 мактуби мавжуд. Аммо хаттотлик ҳунари ҳам кун кечириш учун ёрдам беролмади. Муқимий қийинчиликларга қарамай, ўзи севган шоирлик ишини давом эттирди. У жуда хушчақчақ, аскиялари билан ўз дўстларини қизиқтирадиган одам эди. У 1903 йилда Қўқонда вафот этди.

**Муҳаммад Тоҳир Хўқондий Муҳаммад Сайид ўғли** собиқ Қаноатпарвоначи маҳалласида яшаган. Муқимийнинг замондошларидан, настаълиқ хатининг жали ва хафи (йўғон ва ингичка) ёзишда зебо қалам, айниқса, шикаста хатга моҳир хаттотлардандир.

Аввалдан Мирзо Бедилнинг асарлари хаттотлар томонидан шикаста ва риқоъ хатлари билан ёзилиб, кўчирилган. Муҳаммад Тоҳир ҳам Бедил девонини жуда зебо шикаста хати билан ипак қоғозга кўчирган. Девоннинг ҳошиясида Мирзо Бедилнинг руқаъоти, девоннинг бошида етти варақдан иборат дебоча бор. Бу дебоча ва девон лавҳали бўлиб, нозик гуллар билан зийнатланган. Музаҳҳиб лавҳага зарҳал бериб, ниҳоятда чиройли ишлаган.

У Бедилнинг «Қасоиди поюс» китобини ҳам шикаста хати билан кўчирган. Ҳафтранг ипак қоғозга кўчирилган 48 варақли баёз ҳам Тоҳир қаламига мансуб. Бу баёз тубандагиларни ўз ичига олади.

1. Тақриз[155]. Баёзнинг бошида 4 варақдан иборат Му-

---

[155] Муҳаммад Аминхўжа, Баёз тақризли, ЎзФАШИ, инв. № 1821, 554-бет.

ҳаммад Аминхўжа томонидан ниҳоятда фасоҳатли, форс тилида ёзилган. Баёзнинг зебо хати, нақши ва лавҳалари жуда мақталган. Тақриз охири

. . ، بیاض ریاض آثاریکه سواد اشعار دل آویزش سرمۀ
دیدۀ اهل دانش است بدستباری خامۀ معجز بیان فقیر حقیر محمد
امین خواجه مکتوب نمود

Мирзо Бедилнинг танланган ғазаллари, Фурқат, Алмаъий, Бадиъ Махдум, Завқий ва бошқаларнинг шеърлари.

Баёз охирида хаттот томонидан қуйидаги рақам ёзилган:

راقم فهم نزاکت ظاهر
خاک درگاه محمد طاهر

**Қори Юсуф Мунтазир Андижоний** Андижоннинг энг фозил шоири ва машҳур хаттотларидандир. Қори Юсуф атоқли хаттот бўлиши билан бирга яна шоирдир. Мунтазирнинг форс ва ўзбек тилларида ёзган девони бор. У шахсий кишилар қўлида. Қори Юсуф Мунтазир 1898 йилда вафот қилган[156–157].

**Мирзо Назриддин ҳоди** 1830 йилда Самарқандда туғилиб Бухорода илм олган. Мирзо Назриддин шоир бўлиш билан бирга хаттотликда ҳам шуҳрат топган. 1860 йилларда Бухорода 4 йил котиблик қилган. Сўнгра Самарқандга келиб, ўқитувчилик билан шуғулланган. Ҳодининг таълим ва тарбиясида кўп хотин-қизлардан ҳам ҳуснихат эгалари етишган.

Мирзо Назриддин 63 ёшида 1893 йилда вафот қилган. Ҳоди форс ва ўзбекча шеърларини тўплаб девон тузиб, ўз гўзал хати билан кўчирган.

Ҳодининг катта ўғли Фаҳриддин ҳам шоир бўлиб, тахаллуси Рожийдир.

1913 йил Самарқандда Ҳодининг 3500 байтдан иборат ашъори нашр қилинган. Ҳодий Анвар Сухайлининг «Калила ва Димна» китобини форс, ўзбек тилларига назм билан таржима қилган. Бироқ охирига етказа олмади.

**Абдулқодир Қори Хўқондий Муҳаммад олим ўғли,** собиқ Хўжанд даҳасидаги ғиштқўприк маҳаллада ишчи оиласида туғилган. Машҳур жали қалам хаттотлардан бўлиб, Қўқон мадрасаларидан бирида (Муҳаммадалихон мадрасасида) ўқиган. Муқимийнинг улфати ва энг яқин дўстларидан эди.

1912 йилда Абдуқодир Қорининг жали (йўғон) қалам билан машқ қилган рубоийлари Тошкентда Хислат томонидан тош босмада нашр қилинган. Кўчирган китоблари[158] ҳам бор.

---

156–157 Муқимий, Асарлар тўплами, I том, Тошкент, 1958, 202-бет.
158 Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.

**Мирмаҳмуд Қори Шамсиддин ўғли,** шоир ва хаттотлардан бўлиб, Муқимийнинг замондошларидандир. Мирмаҳмуд Қўқонда Қашғариён маҳалласида туғилиб, 1902 йил 70 ёшида вафот этган. Тепақўрғон қабристонига қўйилган.

Мирмаҳмуд қорининг энг яқин шогирдларидан бўлган Абдусалом ҳожи ҳозир 80 ёшда, ҳиндўзлик билан шуғулланади. Бу киши Қоридан ҳуснихат қоидаларини ўрганган.

Мирмаҳмуднинг «Қори» тахаллуси билан ёзиб, ўз хати билан кўчирган баёз, девон, иншо ва мактублари бор[159].

**Мир Олим Хўқондий** хушнавис котиблардан бўлиб, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг девонидаги ғазаллар устига ёзилган «Румузот» ва Фузулийнинг қасидаларини кўчирган[160].

**Абдуллатиф Хисорий** XIX асрнинг энг машҳур хат устодларидандир. Уни Қори Ҳисорий ёки Қори кўз деб ҳам атаганлар. Ҳисорий сайёҳ киши эди. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Шаҳарларда кўп устодлардан таълим олган. Намадий Ҳиндийнинг равиясини ўзлаштирган. Кейинчалик хўжандлик Зиёвуддин тўранинг равиясини қабул қилган.

Қори Ҳисорий шогирдларга таълим беришни истамас, чунки сайёҳ бўлгани учун бир ерда туролмас эди.

Ҳисорийнинг ёзган китобат ва қитъалари хаттотлар олдида шунчалик қиймат ва қадрга эгаки, бир кун Хўжанд хушнависларидан машҳур Мирзо Ҳошим Хўжандий Абдулғофур Махдум Булбулдан ўнинг бир қитъасини олиб Махдум номига зийнатли муҳр ўйиб берган.

Ҳисорийнинг пешқадам шогирдларидан бири Турди Алидир. Қўқондаги музей биносининг (собиқ арк биноси) тепасидаги санъатли хат Турдиали хатидан намунадир.

**Абдулғофур Махдум Булбул Фавзий** хўжандлик шоир, мусиқийшунос ва хаттот Абдуллатиф Ҳисорийнинг шогирдидир. Ҳисорийнинг қўлёзмалари, қитъаларини тўплаган.

Фавзийнинг халқ ҳофизи машҳур Содирхонга қаратиб айтган мусиқий мақомларини ўз ичига олган ғазалидан намуна:

ای ز دستت جلوه گر مد نوای چار گاه
آید از عشاق هر ساعت بیاتت جوش آه
نوک مژگانت اسیران را بود سینه خراش
چون سوار آیی فتد چندین سر عاشق بر اه
از صدای نالهٔ نی بس جگر هاپاره شد
خندهٔ چاک گریبان آمد از صوت دوگاه

---

[159] Қўқон адабиёт музейи материалларидан, 1963; Мирмаҳмуд Қори, Девон, ЎзФАШИ, инв. № 1909, 149-бет.

[160] Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулий, Қасоид, ЎзФАШИ, инв. № 9933, 58-бет.

دوش رفتم در چمن دیدم که گلیارتو بود
بو دای شهناز کارت تابوقت صبحگاه
برده سامان از دل وجان اوج نصر اللهیم
راست کن از نالش سه گاه بزم دستگاه
خون همی گریم بشبها گه به آهنگ غزال
می‌سرایم نغمهٔ بزرك چو بلبل هر پگاه
این مبارك روز نوروز عجم مطرب بخوان
نالهٔ جان سوز مسکین از دل مسکین بخواه
کرد چون نوروز خارا بردل خارا اثر
تازه شد داغ دل از مشق عراقم آه آه
درسحر گاهان شنوای جان مناجات مرا
اشک خونین را بصدق عشق خود آرم گواه
یاد توحر عاشقان رابس سر اخبار آمده
بشنو ای فوزی بگوش هوش امشب پنجگاه[161]

Мазмуни:

Эй (санъат арбоби) чоргоҳ навоси қўлингдан
жилваланади,
Ушшоқ машқидан баётингдан ошиқлар оҳи ҳар соат
жушга келади.
Мужгонинг ўқи асирлар учун дилхирож бўлади
(дилхарош)
«Сувора»ни машқ қилганингда қанча ошиқ бошини
йўлингга ташлайди.
Найноласининг овозидан кўп жигарлар пораланади,
Дугоҳ совтидан гирибон чоки сўкилади,
Ўтган кеча гулзорга борсам, кўрдимки «гулёр»инг машқ
қилинаётган экан.
«Эй шаҳноз»инг машқи тонг отгунча давом этди.
«Насрулло» авжи дилу жонимнинг ҳосилини олди.
«Сегоҳ» холоси учун дастигоҳ базмини туз
(яъни «рост» мақомини машқ қил)
Гоҳо кечалари ғизол куйига қон йиғлайман
Ҳар тонг «бузрук» намосини булбул каби куйлайман.
Бу муборак кун «наврўзи ажам»дур, эй хонанда
хониш қил!
«Мискин» жонини куйдирадиган нолани мискин
дилидан қидир,
«Наврўзи хоро» бу тош дилига таъсир қилган эди.

---

[161] Хўжандлик аспирант Салимов Юсуфжон материалларидан.

Оҳ-оҳ дилим доғи «ироқ» машқидин яна янги бўлди,
Эй тонг саҳар вақтларида «Муножот»имни эшит,
Қонга айланган кўз ёшини ишқимнинг ростлигига
гувоҳ қиламан.
Сени эслаб айтилган шеър сўзларнинг сарасидур
Эй Фавзий бу кеча ҳуш қулоғи била «Панжгоҳ»ни
эшит».

**Муҳаммад Юсуф Истаравшаний Муҳаммад Ғафур ўғли** Ўратепа хаттотларидан бўлиб, кўп дарслик китобларни кўчирган. Муҳаммад ибн Абдулхолиқнинг форс тилида ёзган «Қанзуллуғот» номли асарини ҳам у кўчирган[162].

**Маъсумхон Гулханий** шоир ва хаттотлардан бўлиб, Муқимийнинг замондошларидандир. Қўқоннинг собиқ Қатоғон даҳасида Баковул номли маҳаллада ниҳоятда қашшоқ оилада туғилган. Қўқондаги собиқ Минг ойим мадрасасида илм олган, талабалик вақтида мадрасадан ҳужра ҳам тегмаган. Маъсумхон турар жой тополмай, мадрасанинг шарқ томонидаги ҳаммом гўлаҳида иссиқ кулда тобланиб, ўт ёруғида дарс тайёрлаб ўқишини тамомлаган.

Маъсумхон мадрасанинг жануб томонидаги масжидда шогирдларга дарс ва хат таълим берган. Турар жойи бўлмагани учун баковул маҳалла масжидида ҳаётининг охиригача дарс бериб, 1922 йилда 62 ёшида вафот қилди.

Сулаймонқул Рожий Гулханий вафоти муносабати билан айтган марсиянинг охирги мисраси унинг вафот тарихидир.

«Гулханий Махдумдан қолди баковул айрилиб».

Шоир Ғарибийнинг Гулханий Махдумда дарс ўқиганини ҳикоя қиладилар. Ғарибийнинг айтишича, Муқимий, Мавлавий Йўлдош ва Рожийларнинг суҳбати Гулханий Махдумсиз бўлмас эди. Кўпинча, кечалари тўпланиб қолишганда, Бедил, Навоий, Саъдий каби машҳур кишиларнинг асарларини ўқиб, адабий мажлислар ўтказиб турар эдилар.

Гулханий ҳуснихатда кўп мумтоз эди. Гулханийдан Умархон номли мажруҳ, ўғил қолган. У ҳам жойсиз кўчада қолгани учун Ғарибий ўз ҳовлисини унга ҳадя қилиб берган[163].

**Рожий Хўқондий** Сармазор даҳа, Кўрхона маҳаллалик Сулаймонқул уста Суярқул ўғли шоир, турли хатларда, айниқса, жали қаламда моҳир хаттотлардандир.

Рожий форс, ўзбек классик адабиётини чуқур ўрганган адиблардан эди. У форс адабиётини севувчиларга Бедилнинг «Нукот», «Пуюзот» ва «Ғазалиёт» фалсафаларидан дарс берарди. Ўзбекча, форсча қасида, марсия ва тарихий манзумалар ёзган. Шунингдек, ўзбек тилида назм билан «Зарб ул-

---

[162] Муҳаммад ибн Абдулхолиқ, Қанзул луғат, ЎзФАШИ, инв. № 9188, 426-бет.

[163] Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.

масал» яратган. «Зарб ул-масал» Қўқон адабиёт музейининг илмий ходими Асқар Али Чархий томонидан нашрга тайёрланмоқда.

Рожийнинг кўчирган қўлёзмалари:

1915 йилда Низомий Қўқондийнинг форс тилида «Мажмуат ул-мақосид» ва «Марфуат ул-маросиб» номли асарини конибодомлик бир кишига (Конибодом қозисига) гўзал настаълиқ хати билан кўчириб берган.

1914 йилда Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» китобини ҳамда Акбар исмли ёш йигитга Ҳофизнинг девонини кўчириб берган. Тимқора қоғозга оқ упа билан ёзган санъатли жали қалам қитъалари мавжуд. Қўқон шаҳрида баъзи кишиларнинг уйларида санъатли хат билан жали қаламда ёзган китобалари учрайди.

Рожий насх ва настаълиқ хатларида устодлардандир. Санъаткор хаттот, талантли шоир Мирзо Хайрилло Мирзо Фахрий унинг шогирдларидандир.

Рожийнинг турли ҳайвонлар, қушлар суратида қилиб жали қалам билан кўчирган санъатли хатлари кўп. У абру баҳор қоғоз турларини ранг-баранг ишлашда ҳам тенги йўқ эди. Чинни ва пиёлаларга шеър билан рубоийлар, биноларга машҳур кишиларнинг вафотларига атаб тарих ва марсиялар ёзарди.

Муқимийнинг сафдоши, маърифатпарвар Мавлавий Йўлдош вафотига форсий ва ўзбекча тарих ва марсиялар ёзган[164]. Булар Қўқон адабиёт музейида сақланмоқда.

Рожий юрак касали билан 1924 йил 11 ноябрда 57 ёшида вафот этди.

**Ўзбекистонлик Рожий тахаллусли шоирлар:** Сулаймонқул уста Суярқул ўғли Рожий Қўқондий. Идрис Махдум Рожий Бухорий. Мирзаюнус китобий Рожий Шаҳрисабзий. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий. Хўжажон қози Рожий Марғилоний[165]. Фаҳриддин Мирзо Назриддин ўғли Рожий Самарқандий.

Хўжажон қозидан бошқа барчаси хаттотдирлар. Хўжажон қозининг ҳажвиёт тўплами бор.

**Абдулқаюм Худойберган ўғли** моҳир хаттотлардан бўлиб, кўпгина дарслик китоблар кўчирган. 1893 йилда Тошкентда босилган Қутбиддин Розийнинг «Шамсия»га кирган шарҳи (Ҳошияи Қутби) ни ҳам Абдулқаюм кўчирган.

**Мирзо Ҳошим Хўжандий** насх, настаълиқ ва сулс хатларида ўз даврида ягона эди. Муҳрканлик, музаҳҳиб, лавҳа ва гул ишлашда санъаткор бўлган. Насх хатининг Мир Убайд

---

[164] Фарғона газетаси, 1924 йил, 221-сон, 2-саҳифа.

[165] Хўжажон қози Рожийнинг Шарқшунослик институтида Дукчига қилган ҳажви ва бошқа асарлари бор.

Бухорий таълими асосида ёзарди. Чунки Ўрта Осиёда кўпроқ Мир Убайд Бухорий таълими жорий қилинганди.

Мирзо Ҳошим ҳаётини хат ва китобат билан ўтказган. Хўжандда Сиддиқхўжа ва Темирхўжа исмли ноширларига кўп китоблар кўчириб берган. Уларнинг Ҳиндистонда матбаалари бўлган. Улар, кўпинча, Хўжандда китобат қилдириб, Ҳиндистонда нашр қилар эдилар. Мирзо Ҳошимнинг кўчирган кўп қўлёзмалари тош босмада босилган.

Мирзо Ҳошим 1912—13 йилларда Тошкентда турган. Тошкентда Ғулом Расулхўжага қўлёзмаларини кўчириб берган. Шу йилларда Сирожиддин Махдум Сидқий ва мазкур сатрлар эгаси у кишига шогирд бўлиб, сулс ва нахс хатларидан таълим олган эди. Мирзо Ҳошим 1924 йилда вафот этган.

**Маҳмуджон Саҳҳоб Муҳаммад Ниёз** қори ўғли ҳаётини саҳҳоблик, хаттотлик билан ўтказган.

Қитъа ва рубоийларни жали, ярим жали қаламда настаълиқ хати билан ниҳоятда гўзал ёзарди. Кўп кишиларда қитъалари учрайди. 1915 йилда Пўлатжон Қаюмовга гўзал настаълиқ жали қалам билан тубандаги мухаммаснинг биринчи бандини ёзиб берган:

Мадори фахримиздирдир, бу алилар, фахрирозийлар,
Этиб ихё улуму фанни, Беруний Ғазолийлар.
Фазои файзи бахжад, бахш Лутфийлар, Навоийлар,
Жаҳонга ношири нур ўлди, Саъдийлар, Саноийлар,
Маориф боғининг маҳсули бўлмишдир бу доҳийлар[166].

**Исҳоқхон Тўрақўрғоний** маърифатпарвар, билимдон шоир ва хаттотлардан, адабий тахаллуси Ибратдир. 1862 йилда Наманган шаҳри яқинидаги ҳозирги Тўрақўрғон районида ўқимишли оилада туғилган. Отаси Жунайдуллохўжа Суннатуллохўжа ўғли билимли, соҳибкор боғбон бўлган. Онаси Ҳурбиби ўз замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлиб, уйида қишлоқ қизларини ўқитган. Исҳоқхоннинг отаси 1870 йилда вафот этади.

Исҳоқхон бошланғич маълумотни ўз онасидан олгач, Қўқондаги мадрасалардан бирида ўқийди. Кўп вақтини араб, форс тилларини ўрганишга сарф қилади. 15 йилдан кўпроқ Тўрақўрғоннинг ўзида, Наманган ва Хонободда қози бўлиб туради.

1937 йилда 75 ёшида вафот этади. Унинг бир ўғли ва бир қизи ҳозир ҳаёт.

Исҳоқхон 1887 йилда 25 ёшларида Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиш учун сафарга чиқади. Арабистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон мамлакатларида узоқ саёҳат қилади. Кейин Хитойга, Қашғарга ўтади. XIX аср 90-йилларининг бо-

---

166 Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.

шида ўз юртига қайтиб келади. Исҳоқхон кўп қийинчиликлар билан цензурадан рухсат олиб, 1901 йилда Тошкентда В. И. Ильин матбаасида «Луғат ас-ситта» («Олти тилли луғат») номли асарини нашр қилади.

XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида (Тошкент, Самарқанд, Қўқон) тош босма (литография) ва босмахона (типография)лар ташкил топиб, ўзбек тилида китоб, газета ва журналлар нашр қилина бошланган эди. Бу маданий ҳодисадан илҳомланган Исҳоқхон Тўрақўрғонда 1909 йилда ўз ташаббуси билан тошбосма матбаасини ташкил қилади. Унга «Матбааи Исҳоқия» деб ном қўяди. 1910 йилда «Матбааи Исҳоқия» Наманган шаҳрига кўчирилади. 1913 йилда матбаа М. Н. Абдусатторбоев қўлига ўтиб, 1917 йилгача унинг ихтиёрида бўлади.

Исҳоқхон асос солган бу литография Туркистонда ўша даврда анча чекка вилоят ҳисобланган Наманган уездида ва, умуман, Фарғонада ўзбек халқи ўртасида маърифат тарқатишда, шубҳасиз, ижобий роль ўйнади. «Матбааи Исҳоқия»да тарих, адабиёт ва маданиятга доир асарлар, ҳар хил бланк ва мактуб қоғозлари нашр этиларди.

Исҳоқхоннинг маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган айрим асарлари ҳам, жумладан, унинг жаҳон халқларининг хат ва ёзувлари тарихига бағишланган ажойиб илмий асари «Жомеъ ул-хутут» ва шеърлар тўпламлари шу тошбосмахонада нашр этилган. Исҳоқхоннинг турли хат ва ёзув намуналари (куфи, насх, настаълиқ, райҳоний, девони, туғро, риқоъ, риқа, ғубор, шикаста ва бошқалар)ни ўз ичига олган жуда мураккаб текстли асари «Жомеъ ул-хутут»нинг нашр этилиши ўзбек матбаачилиги тарихида нодир ҳодисадир. Бу асарга сўнг сўз ёзган замондоши Ҳусайн Макаев мазкур асарнинг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлар экан, «Нафис санъат ҳисобланган энг эски ёзув ва хатларни бизга бир умрлик асар қолдирғувчи бу китобнинг Туркистонда нашр қилиниши бизнинг учун ўзи бир шараф», деб қайд қилиб ўтади.

Исҳоқхоннинг «Жомеъ ул-хутут» номли асари унинг зўр хаттот бўлганлигидангина эмас, балки тилшунос олимлигидан ҳам далолат беради. Асарда дунё халқларининг хатлари ва уларнинг келиб чиқиш тарихига оид маълумотлар ҳам берилади. Ҳозирги замон хатлари билан бир қаторда қадимги хитой, ҳинд (санскрит), яҳудий, пиника, сароёний, куфи, клинопись, қадимги уйғур, руник, юнон, латин, қадимги славян, инглиз, француз ёзувларидан намуна келтиради.

Исҳоқхон ажойиб санъатли хатларни ўз қўли билан ёзиб кўрсатган.

Октябрь социалистик революциясидан сўнг Исҳоқхоннинг литографияси типографияга айлантирилди ва унда 20- йилларнинг ўрталаригача «Эркинлик», «Ишчилар қолқони», «Народ-

ная газета», «Совдеп», «Роста» сингари ўзбекча ва русча газеталар нашр этилди. Намангандаги ҳозирги замон техникаси билан жиҳозлантирилган мавжуд «Ударник» босмахонаси аслида ўша «Матбааи Исҳоқия» базасида қурилган.

Октябрь социалистик революцияси арафасида ёзган шеърларида Исҳоқхон ўз замондошларининг илму фан ҳақидаги ажойиб традицияларини яна ҳам юқори босқичга кўтаради. У ҳуррият туфайли ўз тилакларининг реал ҳақиқатга айланишини, гўё бизнинг бугунги кунларимизни тасаввур қилгандай башорат қилиб, «Тарихи ҳуррият» номли асарида шундай ёзади:

Кўрдим Ибрат жаҳон машаққатини,
Кутамиз эмди онинг роҳатини,
Маданиятни кўрмай одамдан,
Кетмасак эрди ушбу оламдан.
Сафар айларға кўп темир йўллар,
Ҳам ҳаво поезини[167] ҳама қўллар.
Ҳама уйларда телефон бўлур,
Печка иссиқ совуқ сўлун бўлур.
Ёзда уйда совуқ печ ила шамол,
Барча илинтир ила ўткай ҳол,
Сандалу самовар электиридин
Лампа ёруғлари анинг еридир.
Симсиз делгирам, темирсиз йўл,
Автомобиль юрар бўлиб машғул.
Поезду конкаларга пул олмас,
Юрмаган, тушмаган киши қолмас.
Шаҳр буткул иморати олий,
Кўча кенг, минг кишигадир холи,
Бош ёриб, ич очиб турар жарроҳ[168],
Неча мухандиси тарроҳ[169].
Ҳама дарда ҳакимлар тайёр,
Ким агар этса дардини изҳор,
Ҳама илма мударрис андан кўп,
Халқ илми маош ўқир тўп-тўп.

**Хусайнжон Ҳожи Сулаймонқул** ўғли Муҳсиний Муқимий замондошларидан бўлиб, Марғилон даҳасидаги Мирзаёдгор маҳалласида туғилган. Бошланғич таълимни шу маҳаллада олиб, кейин Султонмурод мадрасасида ўқиган. Араб, форс ва ўзбек адабиётларидан хабардор, истеъдодли шоир, турли хатларга моҳир хаттот кишилар эди. «Девон Муҳсиний» номли ўзбекча девони бор. Девонни настаълиқ хатида 1916 йилда ўзи кўчирган, кўчирган бошқа қўлёзмалари ҳам бор.

---

[167] *Поез* — поезд.
[168] *Жарроҳ* — хирург.
[169] *Тарроҳ* — архитектор.

**Мирзо Ҳайрулло Мирзо Хўқондий Мирзо Носир ўғли** Қўқоннинг санъаткор хаттот ва талантли шоирларидан бўлиб, шеъриятда Асқарали Чархийнинг устозидир.

Мирзо камбағал деҳқон оиласида туғилган, отасининг вафотидан сўнг савод мактабида ўқиб турган вақтларида дўзанда устага шогирд бўлиб, оёқ кийим тикишни ўрганган. Шу касб билан бошланғич мактабни битирди. Ҳаётини таъмин этиш учун косибчиликни уйида кўп йиллар давом эттирди. Кейин Бузрукхўжа мадрасасида ўқиди. Шоир Рожийдан ҳусnихат ўрганди ва шеър машқ қила бошлади.

1910 йилда шу мадрасада янги усул мактаб очиб, 1926 йилгача ўқитувчилик қилди. Оз вақт қишлоқда ётоқ мактабларида мураббийлик вазифасида ишлади. 1927 йилда Мирзо Қўқонда машҳур хаттот Носирҳожи Абдулло Насимий ва бошқа истеъдодли санъаткорларни йиғиб, «Қуёш нури» номи билан артель ташкил қилди. Бунда турли виставкалар, номер ва эълонлар, ойнага сир бериш, зарҳал билан печатли хатлар, шиорлар ёзиш, тунукаларга гул солиш каби санъат ишлари билан шуғулланувчи бош мастер бўлиб ишлади. Лекин баъзи сабаблар билан бу артель тарқатилди. Чархийнинг айтишича, артелнинг ташкилий даври, тарқатилиш тарихи ва қилинган ишлар ҳақидаги маълумотлар Қўқон адабиёт музейида сақланади.

Мирзо китобат ва кўчириш асбобларини ҳам яхши билар эди. Масалан, абрбаҳор қоғози, гулли, санъатли ёзув қоғозларини тайёрлашда ҳам жуда моҳир ва ихтисосли эди. Шунингдек, жадвал ва музаҳҳиблик ишлари ва лавҳалар ясашни ҳам билар эди.

Мирзо қўқонлик шоирларни йиғиб, ҳар қайсиларига ўз ҳунарини ўргатар ҳамда замонавий шеърлар ёзишга ташвиқ қилар эди. Чархийнинг эслашича, 1932 йилда машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» романини ёзиш учун Қўқонга келиб, Мирзо билан мадраса ҳужрасида ўтирган вақтида Чархий Абдулла Қодирий билан танишган.

Мирзо Чархийга 1926 йилларда барча шеър ва ғазалларимни тартиблаб, девон шаклида тузиб, кўчириб берсангиз, Сизнинг китобат ҳақингиз учун ҳар бир шеъримда сизнинг тахаллусингизни лутфан тушираман» деб ваъда бериб сўраган. Чархий катта бир дафтарга Мирзонинг шеърларини кўчира бошлаган. Бироқ унинг узоқ бетоблиги сабаб бўлиб, китобат охирига етмади. Мирзо девонининг қолган қисмини, шунингдек, бошқа асарларини ҳам ўз гўзал қалами билан кўчирган.

Чархийнинг эслашича, бу воқеа орадан 35 йил ўтиб Мирзонинг архивлари Қўқон адабиёт музейига олингандан кейин маълум бўлган. Ҳақиқатан ҳам Мирзо Чархий тахаллусини 5—10 ғазалида лутфан туширган.

Мирзо Қўқонда «Янги Фарғона» газетасида ҳажвий «Чиғириқ» бўлими очилгандан бошлаб, 1937 йилгача хурофий одатлар ва бюрократларга қарши қаламини аямай ёзиб келган.

Мирзо Хайрилло 1942 йилда 62 ёшида вафот этди. Марҳумнинг ҳозир Иззатхон ва Зўрахон исмли икки қизи бор. Бири медицина мактабида, кичик қизи эса ўрта мактабда кўп йиллардан бери ўқитувчи бўлиб хизмат қиладилар.

Мирзо 1910 йилларда «Девони Мирзо», «Баёз мажмуаи ашъор», «Хаёли гулшани» ва «Гулшани Мирзо» асарларини ўз гўзал хати билан кўчирган.

Ҳамза Ҳакимзоданинг «Пушти гул», «Сариқ гул», «Атир гул» ва бошқа рисолалари революциядан илгари Мирзонинг гўзал настаълиқ хати билан тошбосмада нашр қилинган. Бу асарлар Қўқон адабиёт музейида сақланади[170].

**Муҳркан Абдулмажид Қори** Мирзо Ёдгор маҳалласида туғилган. Шу ерда таълим олган.

Абдулмажид муҳр ўйиш, турли зебу зийнат асбобларга нақш солиш санъатига эга, гўзал хат кўчиришга жуда моҳир эди.

Абдулмажиднинг қариндош-уруғлари Ўш шаҳрида тургун бўлганлари учун умрининг охирида Ўшга бориб, шу ерда вафот қилди.

1918 йилда Чархийнинг қўлёзма шеърларини тўплаб, баёз шаклига келтириб, ўз қалами билан кўчирган. Шу йилларда кўп китобларни, жумладан, Рожийнинг «Зарб ул-масал» асарини ҳам кўчирган.

Бу қўлёзмалар Қўқон адабиёт музейида сақланмоқда[171].

**Муҳаммад Шариф Котиб** Исфаралик жали қалам котиблардан бўлиб, XIX аср бошларида Андижонда китобат ва хаттотлик билан ҳаёт кечирган.

**Мавлонқул Қори** Хўжанд даҳасидаги Ҳожибек маҳалласида ҳозирги Свердлов кўчасида яшаган, у насх хати билан кўчирувчи, ихтисосли хаттотлардандир.

Дарслик қўлёзмаларни кўчириб, ҳаёт кечирган. Айниқса, араб тилида китобларни насх хати билан буюрган кишиларга кўчириб, тақдим қилар эди. Шогирдларига хат таълими ҳам берарди. Мавлонқул 1913 йилда вафот этган.

**Муҳаммад Юсуф Хўқондий** котиб оиласида 1835 йилда туғилган, отаси Абулқосим хаттот Қўқоннинг хушнавис котибларидан бўлган.

Муҳаммад Юсуф ёшлигидан отасидан тарбия, илм ва маърифат ҳосил қилди. Айниқса, сулс, насх ва настаълиқ хатларидан дарс олди. Насх ва настаълиқ хатида кўп қўлёзмаларни

---

[170] Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.
[171] Ўша ерда.

кўчирган. Кўп шогирдларга ҳуснихат таълими берган, халқ шоирлари Фурқат ва Муқимийлар ундан ҳуснихат машқ қилганлар. Муҳаммад Юсуф 1919 йилда 84 ёшида вафот этди. Раҳматилло Махдум, Нуъмон Махдум номли ўғиллари ҳам хушнавис котиб бўлган. Нуъмон Махдум барҳаёт.

Исфаралик Муҳаммад Шарифжон котиб, андижонлик Отабек домла, Ҳожи Муҳий ва Юнусжон котиблар Муҳаммад Юсуфнинг замондошларидир. Муҳаммад Юсуфнинг ёзган қитъалари бор[172].

**Муҳаммадниёзий Хўқондий Ашур Муҳаммад ўғли** Қўқоннинг машҳур шоир, насх ва сулс хатларига моҳир хаттот ва тарихчилардандир.

1871 йилда Фарғона тарихига оид «Тарихи Шаҳруҳий» номида асар ёзган. 1875 йилда уни настаълиқ хати билан кўчирган (инв. № 1787).

1895 йилда «Тарихи Шаҳруҳий» асари ўзбекчага таржима қилинган (№ 4463). 1869 йилда Муҳаммадниёз сулс устодларига тақлидан жали қалам билан сураи анъондан бир парча кўчирган. Фарғонада сулс хати билан китобат қилиниши диққатга сазовордир.

**Аҳмаджон** ҳозирги «2-Шарқ» кўчасида қитъа ёзувчи хаттотлардан бўлиб, асли касби пўстиндўз эди.

Кишиларга қитъа ва рубоийлар ёзиш, кўчириб бериш билан шуғулланарди. Унинг қўлёзма қитъа, рубоийлари ва санъатли хатлари кишилар қўлида кўриниб юрарди.

Аҳмаджон 91 ёшида, баъзи хабарларга кўра 100 дан ошиб, 1919 йилда вафот этган.

**Носирҳожи Муҳаммад Шокир ўғли** Қўқоннинг ажойиб санъаткор хаттотларидандир. Ҳаёти китобат, жали қалам билан шеърлар кўчириш билан ўтган. Кишини ажаблантирадиган расм тасвирлар, санъатли хатлар ва китобатларга лавҳалар ясашга моҳир, материя ва бахмалларга шиорлар ёзиб, атрофига зийнатли гуллар бериб, ҳуснихат билан ёзиш, патнисларга чиройли гуллар солиб, турли ранглар билан безашга маҳоратли эди.

Чархий айтади: «Марҳум Мирзо менга: «Носирҳожига хатдан хўб берган, бахтдан бермаган» дер эди. Мирзо билан Носирҳожи 6 йил бирга ишлашган. Шоирлардан ҳикматли шеърларни олиб, кишиларнинг меҳмонхоналарига жали қалам билан ёзиб бериб тирикчилик қилган.

Носирҳожи камтар, ғоят камбағал киши эди. 1920 йилда Чархий билан бир маҳаллада яшаган. Носирҳожи Қўқонда 1942 йилда ҳозирги «Фурманов» маҳалласида 70 ёшида вафот қилган[173].

---

[172] Муқимий музейининг илмий ходими Чархий рўйхатидан олинди.
[173] Қўқон адабиёт музейи, Хаттотлар рўйхати, 1963.

Носирҳожининг ўғли Эсон Алининг айтишича, отасидан бир қанча қўлёзмалар, расмлар, санъатли қитъалар қолган. Лекин улар йўқолиб кетган. Носирҳожининг ўз гўзал хати билан кўчирган қўлёзмалари бор.

**Муҳаммад Аминжон Тошмуҳаммад ўғли Маҳжур** Муқимий билан замондош шоир ва хаттотлардан. Қўқонда собиқ Сармазор даҳасида 1864 йилда туғилган. Собиқ Умархон даҳмасининг жанубий шарқий томонида кичик бир мадрасада турар экан.

Қулаҳмад исмли акаси қозихоналарда вакил бўлиб ишлар эди. У акаси ва унинг оиласидан алоқасини узган. Қозихонада ишлагани учун ундан нафратланарди. Марғилонга кетиб қолади. Жали қаламда ёзган хатлари бор. 1916 йилда Марғилонда 52 ёшида вафот этди[174].

**Мир Аъзам Даврон Иброҳим ўғли. Даврон** Қўқонда собиқ Хўжанд даҳасида, Оқ мачит маҳалласида яшаган. Хаттот, шоир, маърифатпарвар бир киши бўлган. Фотографиядан хабари бор, рассом ва русча маълумотли эди. «Мадоро» номида китобхона очган.

«Ашъори нусвон» номли асар ёзиб, ўзи матбаада бостирган. Катта ҳажмли вивеска, турли хатлар ва шиорлар ёзарди. Даврон 1923 йилда 55 ёшида вафот этган. Унинг Муҳаммад Амин, Абдулваҳҳоб ва Насрулло исмли ўғиллари бор.

**Абдулваҳҳоб Йўлдош ўғли** Қўқонда собиқ Хўжанд даҳасида ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси маҳалла мактабида кўп йил ўқитувчилик қилган. Кейин Абдулваҳҳоб Махдум отасининг ўрнига ўқитувчилик билан шуғулланди. Жали ва ингичка қаламларда китобат қилувчи моҳир хаттот эди. Кўп шогирдларга ҳуснихат таълими берган.

Қўқонда машҳур кекса ўқитувчи Пўлатжон домла Қаюмов шу кишида ҳуснихат таълими олган эди. Настаълиқ хати билан жали қаламда қитъалар ва вивескалар ёзар эди. Абдуваҳҳоб Махдум 1910 йилгача ўқитувчилик қилиб, 1929 йилда вафот этган[175].

**Тўрахон Махдум Хўқондий** Норбўтабек мадрасасининг дарс берувчиси, жали қалам билан ёзиладиган хатларнинг барча турларида (кўфи, сулс, насх, настаълиқ, райҳоний, риқоъ, девони, шажари ва бошқаларда) ёзувчи хаттотлардан бўлиб, талабаларга ҳуснихат таълими бериш, илмий, адабий асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима этиш ва кўчириш, шогирдларга сармашқлар ёзиш билан шуғулланарди. Тўрахон 1925 йилда вафот этган.

**Усмон Сўфи Муҳаммадқул ўғли** Қўқонда собиқ Хўжанд даҳасида ҳозирги «Биринчи шарқ» кўчасида истиқомат қилувчи қўқонлик жали қалам хаттотлардандир.

---

174 Ўша ерда.
175 Ўша ерда.

Куфи, сулс, настаълиқ ва шикаста хатлар билан ёзишга маҳорати бор эди.

Фузулийнинг «Етмазми» радифли ғазалидан бир неча мисраши гўзал сулс ва настаълиқ хатлари блан жали қаламда кўчирган. Куфи хат билан ҳам арабий ҳикматли сўзларни кўчириб ёзган. Ўтирган ҳужрасининг деворлари араб, форс ва ўзбек тилларида гўзал хатлар, рубоий, қитъа ва парчалар билан зийнатланган.

Одамларга настаълиқ ва шикаста хатлар билан китоблар кўчириб берарди. 1930 йилда вафот этган[176].

**Асқарали Ҳамроҳ Али Чархий** Қўқонда тўқувчи косиб оиласида туғилган. Янги усулдаги бошланғич таълим мактабини битиргандан сўнг, 1916 йилдан 1920 йилгача араб, форс тилларининг сарф-нахувлари, адабиёт классикларини ўрганиш билан шуғулланган.

Отасининг гулабардорлик ва тўқувчилик касбини ўрганиб, шу касб билан ҳаёт кечирган. Адабиётга бўлган шавқи туфайли хусусий кишилардан дарс олиб, отаси ва бошқа хаттотлардан ҳуснихат ўрганди. 16 ёшидан бошлаб шеър машқ қила бошлаган.

1926—1940 йилларда Муқимий номидаги тўқув артелида гулабардор ҳамда тўқувчи бўлиб ишлайди. 1941 йил Қўқонда музей ташкил этилгач, у ерда илмий ходим бўлиб ишлайди. Ватан уруши бошланганлиги туфайли музей вақтинча ёпилади. Чархий Ҳамза Ҳакимзода номидаги театрда 1948 йилгача ишлайди. Сўнгра Қўқон ўлкасини ўрганиш музейи ихтиёридаги ҳозирги Муқимий уйи музейига реставратор бўлиб ишга киради. 1959 йилда бу музей Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг адабиёт музейи филиали бўлди. У яна Муқимий уйи музейида қолди.

Чархий музейда ишлаган даврида Муқимий ва Фурқатнинг ҳозиргача эълон қилинмаган бир қанча асарларини ва хатларини топиб, «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилиб, музей ихтиёрига топширган.

Қўқонда асарлари тарқалмаган бир неча шоирларнинг ғазалларидан намуналар топади.

Сўнгги топилган қўлёзмалар ва пароканда варақлардаги асарларга тавсиф ёзади. Шунингдек, Қўқонда янги адабиёт музейи ташкил топиши билан Тошкентдан келган бир қанча адабий лавҳалар, расм, миниатюра ва тасвирий санъат рамкаларига Навоий достонларидан намуна хатлар ишлайди.

Муқимийнинг 18 та мактубининг ҳар биридан бир нусха ҳуснихат билан кўчириб музей витриналарига қўйган. Бошқа шоирларнинг ғазалларидан 300 мисрагача шеърларни кўчи-

---

[176] Ўша ерда.

риб, адабиёт музейи очилиши муносабати билан унга тақдим этган.

Ҳамза Ҳакимзоданинг «Пушти гул» китобидан ҳам бир нусха ҳуснихат билан кўчирган. Ҳозир Чархий шоир Рожийнинг «Мазуми зарбулмасал» китобини кўчириб ёзиш билан шуғулланаётир. Мазкур ишлар Қўқон адабиёт музейида сақланмоқда.

Чархийнинг кейинги йилларда бир қанча ҳажвий асарлари нашр қилинган.

## ТОШКЕНТ ХАТТОТЛАРИ

**Маҳмуд Абдужалил Восифий**[177] «Бадоеъ ул-вақоеъ»нинг автори, хуросонлик машҳур шоирдир. У 1513 йилда сафавийлар фитнасидан қўрқиб, катта бир жамоа билан Мовароуннаҳр томонига сафар қилади. Восифий Самарқандга келгач, ўша вақтда шуҳратли Муҳаммадпир Али, Мавлоно Муҳсин, Мавлоно Котибий, Мавлоно Нодирий, Мавлоно Шуҳудий, Мавлоно Махмуд Бухорий ва бошқалар билан танишиб суҳбатлашади.

Восифий 1521 йилда Паркент орқали Тошкентга келади. Паркент улуғларидан Хожа Абдулраззоқ Восифийни кутиб олади. Хожа Абдулраззоқнинг мажлислари фозил кишилар мусиқийшунослардан ҳоли бўлмас эди. Шоир Мавлоно Фузулий Паркантий, созандалардан Шоҳ Ҳусайн Али Амир ва бошқалар доим Хожанинг суҳбатларида бўлиб турардилар.

Восифий Тошкентнинг фозил кишиларидан Мавлоно Абдулғаффор, Жалолиддин Юсуф наққош, Мавлоно Обид хаттот, жавҳаршунос Мавлоно Миран заргар, Тошкент аскиячиларидан Мавлоно Али Ўбаҳий, Мавлоно Қосим ва бошқалар билан танишиб, мажлисларда қатнашади. Восифий Тошкентнинг оби ҳавоси, ери, анҳор ва чашмалари, боғу бўстонлари ва мевалари ҳақида форс тилида тубандаги мадҳияни айтган:

نکتۀ چند ار جمند شنو
صفت ملک تاشکند شنو
آن دیاریکه خوبیش همه جا
کشته ثابت بمردم دانا
وچه ملکی که روضۀ رضوان
شده است از خجالتش پنهان
هر که باشد درین دیار مقیم
یاد نارد دگر ز خلد نعیم

[177] Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, ЎзФАШИ, инв. № 1093, 10, 25, 26, 108, 109, 118, 119, 120, 248-бетлар.

اب او انچنانکه اب حیات
شد ز سرمش نهفته در ظلمات
از هبوب صباش جان سقیم
یافت دردم شفاو گشت سلیم
هر طرف از نواحیش باغیست
که ازو بر دل ارم داغست
سبز ناز ک چو جان شیرین است
شیوهٔ ناز کان سبز این است
انکه حلق از حلاوت اوسوخت
از علیشیر ذاز کی آموخت
صفت میوه های بوستانش
باز گویم بشرح دستانش
هر انارش که نار سنجانی ست
کان لعل ست و لعل رمّانی ست
حقهٔ پر ز لعلُ یاقوت ست
دل وجان زو بقوت قوت ست
شکر انگور اوز شکر به
ببهایش نبات شکر ده [178]

Восифий Жалолиддин Юсуф наққош ҳақида дейди:

بروز گارتو صورتگران هفت اقلیم
قلم شکسته و در صورت تو حیر انند

Мазмуни:

Етти иқлим суратчилари сенинг замонангда тортган суратингга ҳайрон бўлишиб, қаламларини синдирганлар.

**Жалолиддин Юсуф Шоший** XVI асрда Тошкентда наққошлик, сураткашлик, миниатюра санъатида юқори даражага етган. У от устида ёш сайёднинг наъзаси арслон манглайига санчилган, арслон унинг салобатидан қўрқиб, қочиш ҳаракатида турганини тасвирловчи расм ишлаган. Расм бадиий жиҳатдан сўнг даража юқори эди. У бу расмини санъатшунослар мажлисига тақдим этганда, мажлис аҳли таҳсин ва офаринлар қилганлар. Юсуф 1522 йилларда Тошкент ҳокими Севинч хўжанинг ўғли Султон Муҳаммад даврида яшаган[179].

---

[178] Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, 111-бет.
[179] Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, 256-бет.

**Муҳаммад Шайх Тошкандий Сайидхўжа ўғли** насх хатида гўзал ёзувчи, машҳур хаттотлардандир. Шайх Тошкандий Давлатшоҳ ибн Алоиддин Бахтишоҳ Самарқандийнинг «Тазкираи Давлатшоҳ» номли китобини насх хатида кўчирган[180].

**Мавлоно Соний Пирмуҳаммад Тошкандий** XVI асрнинг адиб, шоир ва хаттотларидан бўлиб, ўз даврида шеъриятнинг турли жанрлари билан шуғулланган, айниқса, муаммо фанида зўр ихтисосли кишилардан бўлиб танилган. Шунинг учун ҳам 1576 йилда Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган «Муаммои Мирҳусайн»га форс тилида мукаммал шарҳ[181] ёзган ва уни гўзал настаълиқ хати билан кўчирган. Худди шу тарихда «Шарқи муаммои Мирҳусайн»дан яна бир нусха кўчирган.

**Мавлоно Обидий Шоший** улуғ хаттотлардан, настаълиқ хатининг устоди, Мир Али Табризий шогирдларидандир.

Мавлоно Обидийнинг ўз хати билан ёзган бир сандиқ тўла санъатли хатлари бўлган. Булар ичида 99 ном муаммо ва Ёқутий хат билан битилган бир қанча қитъалар, Мавлоно Маҳмуд хаттотдан бир неча иншолар қолган. Алишер руқъаларини Мавлоно Обид олиб келиб, хат санъатига қизиққан билим аҳллари ўтирган мажлисга кўрсатди. Мажлис аҳли унинг хатдаги бадиийлик санъатининг хусусиятини, чизилган гулларини томоша қилдилар. Мавлоно Обид уларнинг мақтовига сазовор бўлди (1522 йил Севинч хўжа даври)[182].

**Мир Иноят Бобохон ўғли** Оқ мачит маҳалласидан бўлиб, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида хаттотлик билан шуғулланиб, ҳаёт кечирган. Кўчирган дарслик қўлёзмаларидан Мавлавий Қосимнинг Насафий шаҳрига ёзган ҳошияси, Оллоёрнинг яна бир қўлёзмаси бор[183].

**Хожи Абдуваҳҳобхўжа Муҳркан** собиқ Ширинқудуқ маҳаллалик Абдусамихўжа ўғли, жавҳаршунос, муҳркан, хаттот бўлиб, насх, настаълиқ ва сулс хатлари асосида муҳр ўяр, санъатли қитъалар ёзар эди.

Отаси Абдусамихўжа 1842 йилда Шайхонтоҳур мадрасасида дарс берарди. Абдуваҳҳоб отасидан кейин Бухорода илм олиб, сўнгги йилларда Бухорода туришни ихтиёр қилди.

**Фозил Охунд** собиқ Қиёт маҳаллалик машҳур хаттотлардан бўлиб, араб ва форс адабиётларидан хабардор олим эди. Қўлёзмалар кўчириб китобат касби билан шуғулланиб, тирикчилигини ўтказарди. 1842 йилда Шайхонтоҳурда Юнусхон мадрасасида дарс берувчи Абдулазизхўжа билан асрдош эди[184].

---

180 Давлатшоҳ, Тазкираи Давлатшоҳий, ЎзФАШИ, инв. № 9272, 237-бет.

181 Соний Муҳаммад, Шарҳ, ЎзФАШИ, инв. № 1863, 188-бет.

182 Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, 256-бет.

183 Мавлавий Қосим, Ҳошия, ЎзФАШИ, инв. № 8979.

184 Муҳаммад Солиҳ, Тарихи жадидаи Тошкант, II том, ЎзФАШИ, № 11073, 461-бет.

**Мир Иноят** Қатор терак маҳаллалик хаттотлардан бири-дир. Бухорода илм олиб, Тошкентда дарс бериш билан шуғулланган. Мир Иноят Абдураҳмон Жомийнинг «Фавойиди-зиёия» китобини бадиий настаълиқ хати билан китобат қилган. Тошкентда «Кўкалдош» мадрасасида ҳам бир неча йил араб, форс тилларида дарс берган. 1859 йилда вафот этган.

**Зайниддин Хожа Тошкандий Мир Исо ўғли** Тошкентда асрнинг 1860 йилларида шуҳрат қозонган котиблардан бўлиб, настаълиқ хатида кўчириш билан шуғулланган. Жумладан, Шукрулло бин Шаҳобиддин Аҳмаднинг «Баҳжати таворих» қўлёзмасини зебо настаълиқ хати билан кўчирган[185].

**Тўрахўжа** тошкентлик хаттотлардан бўлиб, «Румузоти Ҳофиз», «Хамсаи Навоий», «Мухаммас», «Қасида бурда» ва бошқа қўлёзмаларни кўчирган[186].

**Мираҳмад Мирий Абдураҳим ўғли** 1833 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳа, собиқ Ўзганд маҳалласида пўстиндўз оиласида туғилди. Ўзи «Иқди дурур» номли китобида:

Бу бандаи миским отим
Мираҳмад бинни Мирабдурраҳим.
Маскани маълуфи, мулки Тошканд,
Аҳли туркигўю ҳам турки пусанд

деб тошкентлик, ўзбек тилида шеър айтувчи шоир эканлигини билдириб ўтади. Мир дастлаб тахаллусини Шоиқ деб юритган. Кейин Мир тахаллуси билан шуҳрат қозонган.

Мир маҳалла мактабида саводини чиқарганидан кейин Ҳодихон аъламдан дарс олади. Кейин Фарғонада Охунжон домлада дарс ўқиб, шеър ва адабиёт қоидаларини ўрганди, хатларини такомиллаштирди, ўз истеъдоди соясида зўр хаттот бўлиб етишди.

Мир Тошкентга келгандан кейин форс адабиётининг устоди Умарбек Охундан маслаҳат олиб турди. Сўнг Бухорога кетди. У ерда бир қанча вақт туриб, тошкентлик Акмалхон ва бошқа машҳур кишиларда дарс ўқиди. Араб, форс ва ўзбек тилларида шеър айтиш даражасига етди. Бухоро қоидаси бўйича олим унвонини ҳам олиб, Тошкентга келди. Талантли шоир Мир бедилхонлар мажлисида қатнашиб, ёзган ғазаллари билан шоирларнинг олқишларига сазовор бўлган.

Бухородан сўнгги марта 1900 йилда қайтган. Тошкентда собиқ Бешёғоч даҳасида «Абулқосимхон» мадрасасида 4 йил, Отабойҳожи мадрасасида 10 йил араб, форс тилларидан дарс берди. Шогирдларига настаълиқ ва насх хатларини ўргатди. Мир фақирона кун кечирар, камтар, меҳнатсевар, қаноатли эди. Мир шеърида ўзини тубан санаб айтади:

---

[185] Шукрулло, Баҳжат таворих, ЎзФАШИ, инв. № 9855.
[186] Хофиз Шерозий, Румузод, ЎзФАШИ, инв. № 8993.

Тан этмаганлар менинг
Расволиғимга дўстлар.
Ким яратибдур мени,
Аднои аҳли шаҳри Шош.

Мир Навоий девонларини ва «Хамса»сини кўп ўқир, ўзбекча шеър айтишни севар эди. Асарлари ҳар кимларнинг қўлига тушиб кетишини хоҳламай, кўп тарқатмасди, шунинг учун бўлса керак, баёзларда шеърлари кўринмайди. Мирнинг суҳбатдошлари Васлий Самарқандий, Юсуф Сарёмий, Қамий ва бошқа шоирлар эди. Мир Бухорода турган вақтида Васлийга шеърият бобида устозлик қилган. Шунинг учун ҳам Мир ҳақида Васлий ўз девонида Хожамиз, устодимиз, тадқиқотчи, комил билимдон, олимларнинг улуғи, Сайид Мир Аҳмадхон Шоиқ Тошкандий, деб унга мактуб ва мухаммас ёзади.

Девонининг нашр қилиниши муносабати билан Мирдан тарих ва тақриз келтиради. Машҳур котиб Абдиманнон ҳам 1905 йилда нашр этилган «Хамсаи Навоий»нинг охирида Мирни мақтаб, унинг «Хамса»га бағишлаб айтган тарих ва тақризларини ёзган.

Мир, айниқса, янги бинолар учун тарих, иншо қилишга маҳоратли эди. Ўзбекча, форсча шеърга табъи равон, услуби яхши, бироқ кўп ёзмас эди. Мирнинг Асад, Маъсуд, Саъдиддин ва Саид исмли ўғиллари бўлиб, улар отасининг хизматида эдилар. Катта ўғли Мирасад отасининг шеърларини тўплаб девон тузишни сўраган. Лекин бу иш охирига етмай, Мирдан кейин унинг шеърлари тарқалиб йўқолиб кетган.

Мир 83 ёшга етганда палаж касалига йўлиқиб, 1916 йил 27 июнда Тошкент қишлоғи Абдужалилбоб (Ўртаовул)да катта ўғли Мир Асаднинг уйида вафот этган. Васияти бўйича Занги ота даҳмасининг охирги томонига қўйилди. Вафотидан икки кун илгари (1916 йил 25 июнь) қуйидаги рубоийни айтиб, ўз қабр тошига ёзилишини ўғлига васият қилиб қолдирган:

Анжуман гоҳи фанодан неча ўлдимса ниҳон,
Лавҳи қабримдан отим ҳам чун ўлимса пинҳон.
Маъюс ўлмам раҳмати саттор кариму қайидан,
Журмула исёнларим афв эта бандаи яздон.

Мир 1898 йил Бухорода турган вақтида «Фиқҳи Акбар» номли арабча асарнинг 869 байтини назм билан таржима қилиб, «Иқди дурар шарҳи фиқи ал-акбар» деб атади. Бу китоб 1908 йили шогирдлари Мулла Юнус Ҳакимжонов[187] ва Абдумажид томонидан нашр қилинган (инв.№ 608).

---

[187] Мулла Юнус Мирнинг рўшлик шогирдларидан бўлиб, Шарқ тилларини билувчи ҳам хаттотдир. Ҳозир ЎзФА Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

Мирнинг Бедил ғазалларига ёзган мухаммаслари ҳам бор. Мухаммасидан бир банди:

گل کرد چنین نغمهٔ از سازئ مضراب
ای میرخرد باخته بیدار شو از خواب
بر گوش بیاویز تو این نکتهٔ نایاب
بیدل چو صدف سهل بود گوهر سیراب
از دیدهٔ تر قطع مکن نسبت نم را[188]

**Муҳаммад Юнус Тоиб Муҳаммад Амин ўғли,** Тошкентда собиқ Тинчоб маҳалласида туғилиб, Қўқонда ўқиган. Тоиб билимли, шоир, тарихчи ҳам хаттот бўлиб, кўп умри Қўқонда ва Ёркентда ўтган. 1907 йилларда Қўқонда вафот этган.

1894 йилда Абдураҳмон Жомийнинг «Жило ур-рух» номли «шиния» қасидасига жавоб тариқасида «Анвор ул-бавориқ» номида қасида ёзиб, гўзал хатда ўз қўли билан кўчирганлиги тахмин қилинади (инв. № 6696).

«Тарихи жадидаи Тошканд» авторининг айтишича, кўп кишиларнинг вафотига тарих ва марсиялар ёзган. Муҳаммад Ҳодий, тошкентлик Акмалхон шулар жумласидандир[189].

Тоиб Муҳаммад Шариф Шавқий, Вайсий, Вали, Ноқис ва Нодимлар билан замондош бўлиб, улар девон тузганлар. Бироқ Тоибнинг девонини учратмадик.

Баъзи қўлёзмаларда ва хусусий кишилар қўлёзмаларида айрим ғазаллари бор. Шу ғазаллардан бирининг охирги мисраини келтирамиз:

کشید خسرو جامی بارمغان تائب
ز بحر طبع در پنج گنج و هفت اورنگ

Мазмуни:

«Хисрав билан Жомий марварид каби «Хамса» билан «Ҳафт авранг»ни табиат дарёсидан чиқариб, Тоиб учун совға қилдилар».

1905 йил Қўқонда таълиф этган «Туҳфаи Тоиб» номли асарни ўз қўли билан кўчирганлиги тахмин этилади. Китоб охирида жумади соний ойида 1323 ҳижрий йилда Қўқонда кўчирилди деб ёзилган (инв. №4243).

1859 йилда Фарғона тарихи ҳақида «Ҳадойқул анвор» асарини ёзган. Бунда Муҳаммадалихон воқеаси тўла баён қилинади (инв. № 596).

---

[188] Мирнинг Мирасад номли ўғлидан 1960 йилда Мўминжон Муҳаммаджонов орқали ёзиб олинган.

[189] Муҳаммад Солиҳ, Тарихи жадидаи Тошкент, II том, 336-бет.

Муҳаммад Юнус Тоибнинг ёзган асарларидан ташқари унинг қўлида бўлган бошқа китоблари ҳақида шарқшунос А. З. Валидов маълумот беради[190].

**Алмаий Қори Фазлиллоҳ Миржалол ўғли** XIX асрнинг иккинчи ярмига мансуб бўлган машҳур шоир ва хушнавислардандир. У Муқимийнинг замондоши ва дўсти бўлиб, Алмаий тахаллуси билан ўзбек, форс ва араб тилларида шеърлар ёзиш билан бирга, олим сифатида араб тили грамматикасига оид «Авзон ал Жумуъ»[191] (кўплик вазнлари) номида илмий асар ҳам ёзган. Алмаий машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна»ни ўзбек тилига таржима қилган. Унинг таржимаси Тошкентда уч марта —1898, 1901, 1913 йилларда литография йўли билан нашр қилиниб, халқ ўртасида кенг тарқалган. Алмаийнинг ғазаллари, Жомий, Муқимий ва бошқаларга боғланган мухаммас ва қасидалари бор (инв. № 4245—5736), улар яқин вақтларда тўпланса керак. Алмаий замонасидан ва бахтсизлигидан шикоят қилиб, Алишер Навоий услубида айтган ғазалидан парча:

Замона шаҳларин кўргилки ёнимға муносиб деб,
Ки руҳдек рости фарзиндек эгрини писанд этди.
Фалак кажравлиғидан шиквалар қилсам тонг эрмаским,
Ҳумоға устихон ташлаб, чибинға таъма қанд этди.

Алмаий Тошкентда собиқ Қўштут маҳалласида 1852 йилда туғилиб, 39 ёшида 1891 йилда вафот этди.

Адабиётшуносларнинг айтишларича, Алмаийнинг олим, таржимон ва шоирлигидан ташқари хушнавис хаттот ҳам эди. Тирноқларини хат ёзишга мослаштириб ўстириб юрарди. Бу эса хатти нохуни ёзишга маҳорати бор эканини кўрсатади. Қаламга етишиш қийин бўлгани учун ёки қаламнинг хит бўлганидан зерикиб, кўпинча ишорат бармоғининг тирноғини қалам қилиб кўчирарди.

Алмаий ҳаётини китобат (кўчириш) касби билан ўтказар эди. Ўша замонларда матбаа йўқ, кўпчилик одамлар савод китобларига муҳтож эдилар.

Алмаий бир кун ўз дўстлари билан далага чиқиб, саёҳат қилиб келиш орзусида эди. Шу куни бир киши ўғли учун Ҳофиз Шерозий девонини кўчириб беришни илтимос қилди. Алмаий тезнавис ва муҳофазаси ўткир эди. Дўстларидан бири қаламни қат қилиб, бири қоғозга мистар тортиб бериб турди. Алмаий девонни бир кечада кўчириб бўлди. Китобат ҳақини олиб далага чиққанларини ҳикоя қиладилар.

---

[190] А. З. Валидов, Восточные рукописи в Ферганской области, ЗВО, т. 22, Петроград, 1915, стр. 303, 320.

[191] Бу асари «Қофия» билан қўшилиб, Тошкентда ҳарбий округ босмахонасида «Ширкати Хайрия» томонидан 1903 йилда босилган, ЎзФАШИ, инв. № 9900, 102-бет.

Айрим кишилар[192] буни бошқача тасвирлайдилар: Алмаий фарзанд кўргани учун унга дўст ва улфатлари томонидан ақиқа[193] қилишни таклиф қиладилар. Алмаий ҳеч нарсаси йўқлигини билдиргандан кейин китобат асбобларини тўплаб, бирлари мистар, бирлари қаламни қат қилиб бериб турадилар. Алмаий китобатга ўтириб, бир кечада бир «Чор китоб»ни кўчириб тамомлайди. Эрта билан саҳҳофликка олиб бориб, Бухоро тиллосида бир тилло (23 танга)га сотадилар. Саҳҳофлар Алмаийнинг кўчирганини қадр-қиймат билан олар эдилар. Ана шу «Чор китоб» пули билан ақиқани ўтказадилар.

**Муҳаммад Зариф** Тошкентнинг собиқ Тинчоб маҳаллалик Ҳожи Муҳаммадхолид ўғли, билимдон, шоир ва хаттотлардан эди. Ёшлигида саёҳат қилиб, Қашғарга бориб, у ерда бирмунча вақт турган. Тажалли Деҳлавийдан араб ва форс адабиётини ўрганган. Кейин Бухорога келиб ўқиган. «Соил ва масоил лимаромил масъул вассоил»ни араб тилидан форс тилига таржима қилган, гўзал хат билан 1915 йилда кўчирган[194].

Бу китоб Ғулом Расулхўжа томонидан нашр қилинган. «Муфрадоти адабиёти арабия» ва Алишер Навоийнинг «Соқийнома»ларини кўчирган. 1901 йилда нашр қилинган Алишер Навоий «Хамса»сига араб, форс ва ўзбек тилларида 4 варақ тақриз ёзган. Тақризда Навоий ҳақида «Ҳайрат ул-аброр» вазнида назм билан ёзган мадҳияси бор (инв. № 15628). Ўзи кўчирган «Хамса»нинг охирида ёзган Соқийнома:

Кел, эй соқий, раҳм айлабон тут аёқ,
Яна бир такаллумла чоқ эт димоғ.
Дами илтифотила роҳат топай,
Битиб «Хамса»дин то фароғат топай.
Муғанний, чекиб нағма фарёд қил,
Навоийнинг арвоҳини шод қил.
Сен айлаб тараннум бу гулёрди,
Мен айтай Навоийнинг ашъоридин.
Зарифо, ўқиб «Хамса»ни шод бўл,
Ғами даҳри қайдидин озод бўл.
Умеди бу осий будир, эй худо,
Навоийға тангла насиб эт лиқо.
Қиёмат куни қил сарафроз они,
Дағи қилма маҳрум мен хастани.
Тамом ўлди бу нусхаи дилкушо,
Сана бир мингу уч юзу етти до (1307—1890)[195].

---

[192] Ш. Шомақсудов, М. Норхўжаев ва Б. Зоҳидхонов (1957—1964 йил)лар.

[193] *Ақиқа* — эски вақтларда бола туғилганда бир қўй ёки икки қўй сўйиб ўтказиладиган зиёфат.

[194] Муҳаммад Зариф, Таржимаи Соил валмасоил, ЎзФАШИ, инв. № 6126, 1—2-бетлар.

[195] Алишер Навоий, Соқийнома, ЎзФАШИ, инв. № 4248, 148—149-бетлар.

**Муҳаммад Сайидхўжа Асқархўжа ўғли** насх ва настаълиқ хатларида маҳоратли хаттотлардандир. 1867 йилдан бошлаб Тошкентда матбаалар қурила бошлаган даврда матбаага дастлаб китоб қилган Сайидхўжа хаттот эди. Илгари вақтларда катта ҳажмли китоблар Ҳиндистондан келтирилар эди. Тошкентда биринчи марта катта ҳажмли китоблардан Абдураҳмон Жомийнинг «Фавоиди Зиёия» китоби унинг томонидан кўчирилиб, босилиб чиққан. Бошқа қўлёзмалари ва босилган китоблар кўп. Муҳаммад Сайидхўжа Октябрь революциясидан илгарироқ вафот қилган[196].

**Муҳаммад Шоҳ Мурод Котиб Неъмат ўғли** 1850 йилда боғдор оиласида дунёга келган. Савод мактабини битиргандан сўнг отаси уни собиқ Занжиллик маҳалласидаги Довуд Хўжа котиб деган хаттотга топширади. Оз муддатда настаълиқ хатини ниҳоятда гўзал ёзадиган бўлди. Истеъдодли бўлганидан устозининг қитъаларидан ташқари Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравий ва машҳур шикастанавис Юнусхўжа Шаҳрсабзийнинг шикаста хати билан ёзилган «Девону Бедил»га тақлид қилиб шикаста хатлар билан ғазалларни китобат қилди. Бироқ кўчириш иши билан ўша даврда кун кечириб бўлмас эди. У тўқувчиларга тиғ, тарак ясаб берар эди. Шунинг учун бўлса керак кўчирган қўлёзмаларига «Тиғбанд», «Шоҳимурод тиғбандий» деб имзо қўяр эди. Баъзан шу тахаллус билан шеър ҳам ёзарди. Шоҳмурод Кўкалдош мадрасасида дарс ҳам олар эди. Бироқ кейинчалик дарсларга қатнаша олмади. У савод китобларини кўп кўчирар эди. 1867—1917 йилларда Тошкентда Лахтин, Бердиёнбах, Каминский, Ильин, Порцев, Туркестанский курьер, Яколов, Ғулом Ҳасан ва бошқалар томонидан тошбосма (литография) матбаалари қурилиб, миллий тилларда китоблар нашр этила бошланди. Шоҳмурод котиб ҳам литографияга қўлёзма кўчира бошлади. «Девони Фузулий», Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб» девонлари, кейин «Хамсаи Навоий», Абдураҳмон Жомийнинг асарлари, «Девони Амирий», «Шабистони Фаттоҳий», «Девони Бедил», «Ҳофиз Шерозий» каби китоблар турли ноширлар томонидан нашр қилиниб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларига тарқала бошлади.

1888—1889 йилларда Муқимий Тошкентга келганда Абдулкарим Камий орқали Шоҳмурод котиб билан танишади ва хонадонларига келиб бир кеча меҳмон бўлиб, суҳбатлашиб кетган.

Котибга турли жойлардан мактублар келади. Жумладан, Қўқондан шоир Муҳий тубандаги форсий мактубни юборган:

تا فرستادی مرا ای مشفق دیرین کتاب
از تفاخر سر فرآزم کرد تاپر وین کتاب

[196] Жомий, Фавоиди Зиёия, ЎзФАШИ, инв. № 7609.

لذّت شهد عباراتُ معانیهای او
تلخکام هجر بودم کرد بس شیرین کتاب
دیدهٔ ارباب طبع هیچ مطبع در جهان
اینچنین نادیده هرگز خوشخط رنگین کتاب
هر که را افتد نظر از ذوق گوید آفرین
وه‌چه زیباچاپ گشته دلنشین تحسین کتاب
نگهت ریحان خط او دمادم کام جان
ازچه رو سازد معنبر نیست گر مشکین کتاب
در بهارستان الطافت شگفت ای یار جان
صد چمن گلهای راحت بررخم از این کتاب
میکند محیی دعایت باد افزون عمر تو
تا بود باقی بروز حشر اکبر این کتاب

Қўқонлик хаттот ва шоир Сулаймонқул Рожийнинг Шоҳмурод котибга йўллаган форсча мактубининг қисқа мазмуни қуйидагичадир:

Қоронғи ҳужрамда кишининг ҳаётида тасодифий кўнгилсизликлардан димоғим куйиб, хотирим ойнаси ғубор олган, табиатим зангор бўлиб турган бир чоқ эди. Юборган Шабистонингиз келиб қўлимга тегди. Фаттоҳийнинг нукталарини ўқиб, қайғуларим тарқалди. Кўнглим боғ-боғ очилди, у Шабистон эмас, Нуристон экан. Кулбамни ёритиб юборди».

Шоҳмуроднинг чиройли хати билан кўчирилган қўлёзмалар ва бостирилган китоблар кенг тарқалиб, хаттотга шуҳрат келтиради.

Шоҳмурод котиб шогирдларига насх ва настаълиқ хатидан дарс ҳам берар эди. Шоҳи Ислом Шомуҳаммад ўғли, Ҳусниддинхон Шамсиддинхон ўғли, Мирзо Аҳмад Ризомуҳаммад ўғли, Абдушукур Шомуҳаммад ўғли, Мирбарот Мирворис ўғли, Ҳожиакбархон Муҳиддинхон ўғли, Ўтаб Расулмуҳаммад ўғли, Сирожиддин Махдум Сидқий Мирзоҳид охун ўғли, Мулло Ортиқ Ҳайбатиллохўжа, Қамолхон Ғуломий, Акромхон Ғозихон ўғли, Роқим, Абдулқодир Муродийлар унинг машҳур шогирдларидандир.

Хаттот Шоҳмурод хатида «Муфрадот ва мураккабод ва рисолаи хат» асари Табризийнинг ҳуснихат ҳақидаги рисоласи билан биргаликда Тошкентда 1893 йилда нашр қилинган. Шоҳмурод 50 йиллик ҳаётини хаттотлик билан ўтказди. У 1922 йил 14 мартда 73 ёшида вафот этган[197].

---

[197] «Қизил байроқ» газетаси, 1922 йил 14 март.

**Нажмиддин Хўжа** хаттотлар устози бўлиб, насх ва настаълиқ, айниқса, жали қаламларга жуда маҳоратли эди. Нажмиддинхўжа қўқонлик Атоуллохўжа Қўқандийнинг ўғлидир. Кўп йиллар Ленинобод (Хўжанд)да яшаган. Форс ва ўзбек адабиётини яхши биларди. Хўжандда форс адабиётининг билимдони Домла Муҳаммад Амин ва бошқаларнинг мажлисидан баҳраманд бўлган. Ўзи хуш мажлис, очиқ юзли киши эди. Тошкентда матбаачилик ишлари бошлангач, у ерга келиб собиқ Камолон маҳалласида яшайди. Жуда кўп талабаларга хат машқ қилдирар эди. Абдусалом Абдураҳмон ўғли, Хожаакбархон Муҳиддинхон ўғли, Нуриддинхон Шамсиддинхон ўғли, Карим қори Ҳожимуҳаммад Амин ўғли, Сайид Мақсудхон, Фатҳулло Абдуллаҳожи ўғли, Аббосхон, Маҳмуджон, Мурод Шамс, Умарқори кабилар Хўжа шогирдларидандир.

Настаълиқ хатида кўчирган кўп китоблари Тошкент матбааларида босилган, халқ қўлида қўлёзмалари ҳам бор. Нажмиддинхўжа 1930 йилда Тошкентда вафот этган[198].

**Муҳаммад Одил Муҳаммад Исҳоқ ўғли** настаълиқ хати билан китобат қилиб ҳаёт кечирган хаттотлардан биридир. 1893 йилда кўчирган қўлёзмалари бор.

**Муҳаммад Зуфар Муҳаммад Ҳасан** Тошкент хаттотларидан бўлиб, матбааларда у кўчирган кўп китоблар босилган. Қўлёзмалари мавжуд.

**Олимхўжа Пошша Хўжа ўғли** энг машҳур ҳўккок (ўювчи ва тарошловчи) ва тоштарошлардан биридир. Мармар тошга санъатли хатларни бўрттириб ўйиб, гуллар билан безаб ёзарди. Кўп китобларни кўчирган.

**Мирзо Аҳмад Ризомуҳаммад ўғли** собиқ Тўқлижаллоб маҳалласида косиб оиласида туғилган. Машҳур хаттот Муҳаммад Шоҳмурод шогирдларидандир. Насх ва настаълиқ хатларига маҳоратли эди. Мирзо Аҳмад, кўпинча, ўзбек тилида ёзилган китобларни тошбосмага кўчириб берар эди.

1912 йилда Тошкентда Сайдаҳрор Махдум таржимаси билан Зуфар Шукур Муҳаммад нашр этган «Минг бир кеча» китоби ҳамда Абдураҳмон Сайёҳ томонидан нашр этилган «Ал-ислоҳ» мажалласи шу хаттот китобати билан тошбосмада босилган. 1914 йилда нашр этилган «Савғоти хислат» китобининг охирида:

Агар бўлса хато қилманг шикоят,
Нечун тезлик билан қилдим китобат.
Хатосиз бўлмағай хат, эй биродар,
Чу ислоҳ айлаган бирлан саросар, —

деб назм билан хотима берган. 1930 йилдан кейин вафот этган.

---

[198] Шогирдларидан эшитиб ёзилди.

**Муҳаммад Усмон Котиб Тошкандий** 1856 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Унинг отаси Муҳаммад Шариф тўқувчи эди. Муҳаммад Шариф Тошкентга кўчиб келганда Усмон 6 ёшда эди. Муҳаммад Шариф ёлғиз ўғлининг тарбияси учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Усмон ўрта мактабни Тошкентда тамомлайди. У ёшлигидан чиройли хат ёзишга ишқибоз бўлган, хаттотликка доир адабиётларни, муфрадот, рисолаларини тўплар ва уларга тақлид қилиб машқ қилар эди. У бир куни маҳорат билан ёзган муфрадот ва қитъаларини домласига кўрсатганида, домла жуда севиниб, уни кўкларга кўтариб мақтаб, бошқа ўқувчиларга намуна қилиб кўрсатган. Шу кундан бошлаб уни «Усмон котиб» деб атаб, муҳимроқ мактуб бўлса, унга ёздира бошлайдилар. У хатни бехато, маъноли ёзарди. Унинг хатларини ҳар бир саводхон ўқиб бераверарди.

Ўша вақтда баъзи савдогарлар уни мирзоликка чақирганда кўнмай, ўқишни давом эттириш учун Бухорога кетади. Қийналганлигига қарамай, Усмон котиб мадрасани муваффақиятли тамомлаб, Тошкентга келади. «Фасл ул-хитоб», Маъсудийнинг асари ва бошқа китоблар Усмон котибнинг гўзал хати билан кўчирилиб нашр қилинган.

Усмон котиб жуда камтар, таъмагирликни ёқтирмайдиган, мансаб ишларига аралашмаган, шоир табиат, улфатий киши эди.

У араб, форс тилларини мукаммал билар, шу тилдаги китобларга шарҳлар ёзар, аҳамиятга эга бўлган ўринларига изоҳ бериб, чиройли қилиб ёзиб қўяр эди. У Умар Хайём, Бедил, Навоий ва Фузулий каби шоирларнинг шеърларидан ёд ўқир, маъно берар ва чиройли қилиб ёзар эди. Узоқ мутолаа ёки хат ёзишдан ҳориган чоғларида баъзи шеърлардан хониш қилиб, меҳмонхонада ёки майдончада гул ва экинлар орасида юришни севарди. Унинг иш уйи турли китоблар билан тўла эди. Меҳмонлар келиб қолса, уни кўпинча жиддий мутолаада ёки савоғич қалам билан қитирлатиб хат ёзиб ўтирган ҳолда учратиб ҳижолат тортар эдилар.

Усмон котиб хат таълими ҳам берар эди. У 1935 йилда 79 ёшида вафот этди[199].

**Азимжон Сиддиқжон ўғли** Қоратош маҳалласида 1856 йилда ҳунарманд оиласида дунёга келган. Отаси наққош, санъаткор, хаттот ҳам муҳркан уста эди. Азимжоннинг мактабда саводи чиққач, отасининг тарбиясида оз вақтда моҳир хаттотлардан бири бўлиб, муҳрканлик билан шуғулланди. У мармар тошларга настаълиқ ва насх хатларида тарихлар ёзар, хатни ўйиб атрофига ажойиб гуллар чизиб безарди.

---

[199] Оила аъзоларидан ёзиб олинган.

Жали қалам билан настаълиқ хатида гўзал ёзган қитъалари матбааларда босилган. Турли нақш ва гуллар билан безалган муҳр, хатлар ва эсдалик учун ёзиладиган мармар тошларни бўрттириб ва ўйиб ишлашда санъаткор эди. Азимжон ишлаган китоба ва мармарга ўйган хатлари Шайх Зайниддин ва Қамолон қабристонларида бор.

Азимжон 63 ёшида 1919 йилда вафот этган[200].

**Қори Абдуманнон Абдулваҳҳоб ўғли** Тошкентда собиқ Ҳофиз куйки маҳалласида яшаган. У Бухорода ўқиган, араб, форс адабиётига билимдон, машҳур тез ёзувчи хаттотлардан бўлиб, Абдулҳақ котиб шогирдларидандир. Настаълиқ хатида жуда кўп қўлёзмаларни кўчирган. 1928 йилда Абдуманнон томонидан кўчирилган Жалолиддин Суютийнинг «Исофил мубатто бир Жоли муватто»номли арабий қўлёзма Шарқшунослик институтида сақланади. Тошбосмага кўчириб берган китоблари кўп.

Абдуманнон котиб 1945 йилда 65 ёшида поезд остида қолиб ҳалок бўлган.

**Юсуфжон Зокиржон ўғли** Тошкентнинг собиқ Тўқли жаллоб маҳалласидан бўлиб, настаълиқ хати билан тошбосмага ўзбек тилидаги ҳажми катта китобларни кўчирар эди. Бу киши революциядан кейин вафот этган.

**Ҳусниддинхон** собиқ Қоратош маҳаллалик хаттотлардан бўлиб Тошкентда Хожа Аҳрор ва Бухоро мадрасаларида таҳсил қилган. Кейинги вақтларда Суриядан келган Муҳаммад ибн Саъид Асалида дарс ўқиган. Шарқ адабиёти тарихи ва назарияси бўйича олим ҳамда араб, форс тилларига таржимон эди. Машҳур Шоҳмурод котиб шогирдларидан бўлиб, гўзал настаълиқ ва насх хатлари билан кўчирар эди. Настаълиқ хати билан кўп китобларни нашрга кўчирган. Боситхон Зоҳидхон ўғли томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрланган китобларни ҳам у кўчириб берган. Ҳусниддинхон 1938 йилда 57 ёшида вафот қилди.

**Шоҳ Ислом Котиб Шоҳ Муҳаммад ўғли** собиқ Бешёғоч даҳасининг Учинчи арпапоя маҳалласида 1882 йилда тўқувчи оиласида туғилган. Бошланғич таълим ва тарбияни отасидан олиб, мактаб саводини битиргач, Тошкентда Абулқосимхон мадрасасида, сўнг Бухорода таҳсил қилган. Шу даврда Тошкентда хаттот Шомурод Шонеъмат ўғлидан ҳуснихат ўрганиб, оз муддат ичида кўзга кўринарли хаттот бўлиб етишди.

Абулқосимхон мадрасасининг ўқитувчиси Акрамхоннинг таклифи билан мадрасанинг учинчи мударриси бўлиб тайинланди. Бошқа жойларда ҳам ўқувчиларнинг таълим тарбияси билан шуғулланган. Янги усул билан болаларга араб ва форс тиллари грамматикаси, адабиёти ва ҳуснихатдан дарс берди.

---

[200] 1958 йилда Муҳаммаджон Азимжон ўғлидан ёзиб олинган.

У 1920—1921 йилларда Тошкентда сuриялик Сайид ибн Муҳаммад Асали Шомийда араб адабиётидан дарс ўқиган. Марҳум адиб, тилшунос Сайид Олим Шарафиддинов[201], Фасиҳиддин Ғанихонов[202], Абдулқодир Муродов[203], Акрам Акбаров, Мирзоҳид Мирсамадовлар унинг шогирдларидирлар.

Шоислом охун Октябрь революциясигача китобат билан ҳаёт кечирган. Шеърда тахаллуси Қотиб эди. Тош босмага кўчирган қўлёзма ва бошқа китоблари ЎзФА Шарқшунослик институтида мавжуддир. 1941 йил 25 январда вафот этган.

**Йўлдош Жумавой ўғли** Тошкентда тошбосмага китобат қилган хаттотлардан биридир. Кўчирган китоблари бор.

**Муҳаммад Темир Мирзамуҳаммад ўғли** хаттотлардан бўлиб, отаси саҳҳоб ва муқовасоз эди. Муҳаммад Темир отасининг касбини давом эттириб, ўзининг таланти туфайли чиройли хат ёзувчи хаттот бўлиб етишди. Муҳаммад Темир кичик ҳажмдаги адабий китоблардан кўпини тошбосмага кўчирган. У 1916 йилда вафот этган.

**Муҳаммад Азим Музниб** Рўзимуҳаммад Тошкандий ўғлилидир. Насх ва настаълиқ хатида зебо ёзувчи котиб ҳам шоирдир. 1912 йилда ўзбек тилида ҳуснихат қоидаларини ўз ичига олган «Миръоти таълим», яъни «Таълим кўзгуси» номли рисола ёзиб, насх ва настаълиқ хатларининг қоидаларини (алифдан ё ҳарфигача) кўрсатган[204].

**Муҳаммад Ёқуб Тошкандий** XIX асрда Қўқонда илм таҳсил қилган олим ва талантли хаттотлардандир. Настаълиқ ва шикаста хатларига маҳорати зўр бўлган.

Қўқонда кўп китобларни кўчирган. Мирзо Бедилнинг «Муҳиди аъзам» қўлёзмаси, Абдураҳмон Жомийнинг «Ваҳдати вужуд» рисоласи, Фаттоҳийнинг «Шабистон» китобини настаълиқ ва ярим шикаста хатлари билан кўчирган. «Шабистон» охирида: «Дар балдаи Ҳўқанд Ало яди фақир ул-ҳақир Муҳаммад Яқуб Тошкандий» дейди (инв. № 7721).

**Сайид Маҳсудхон Эшон ўғли** Тошкентдаги билимдон, санъатли хаттотлардан бўлиб, Нажмиддинхўжа Қўқондийнинг шогирдидир. Собиқ Иброҳим ҳожи мадрасасида араб ва форс тилларининг нахв ва сарфларидан дарс берган. Сайид Маҳсудхон, кўпинча, муҳим китобларни кўчирар эди. Бу хаттот ҳаётининг кўпини китобат билан ўтказган. Тошбосмага ҳам кўчирган китоблари кўп.

**Ўтаб Расул Муҳаммад ўғли** матбаага китобат қилган хаттотлардан бўлиб, Шомурод хаттотнинг шогирдларидандир. Ўтабнинг жуда кўп кўчирган қўлёзмалари матбаада босилиб

---

[201] Собиқ Навоий комитетининг илмий ходими.

[202] ТошГРЭС да бўлим бошлиғи.

[203] А. Муродов — Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

[204] Муҳаммад Азим, Миръоти таълим, Тошкент, ЎзФАШИ, № 7655, 1, 2-бетлар.

чиққан. Жумладан, Муртоза исмли киши билан бирликда турли шоирларнинг шеърларини тўплаб баёз тарзида Тошкентда дастлаб ўзи кўчириб нашр этган Ўтаб эди. У шеър ҳам ёзарди. Унинг шеърларига Хислат томонидан мухаммаслар боғланган. Ўтаб Октябрь революциясигача тошбосмага эски халқ адабиёти ва бошқа турли китобларни кўчириб кун кечирган. Октябрь революциясидан кейин муассасаларда хизматчи бўлиб ишлади. Педтехникумда ҳуснихатдан дарс берди. Кейинги йилларда давлат кино фабрикасида ишлади. Ўтаб 1931 йилда вафот этди.

**Сирожиддин Махдум Сидқий Мирзоҳид ўғли** Хандойлиқий XIX асрнинг II ярми, XX асрнинг бошларидаги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан биридир. Тошкентда дастлабки босилган баёзларда тахаллусини Шеван, Шавкат атаб, кейинги вақтда Сидқий тахаллуси билан шуҳрат қозонган. Сирожиддин Тошкент уездининг Хондайлик қишлоғида (ҳозирги Бўстонлиқ районида) 1884 йилда туғилиб, 1934 йилда Парвезтепа қишлоғида вафот этган.

Сирожиддин настаълиқ хатида Муҳаммад Шоҳмурод хаттотнинг шогирди бўлиб, насха, сулс, тазхиб (китобларга олтин ҳал ишлаш) муҳрканлик ва расм санъатларида Мирзо Ҳошим Хўжандийнинг шогирдидир. Сидқий Тошкентдаги Бекларбеги ва Кўкалдош мадрасаларида ўқиди. Ўзбек ва форс-тожик адабиёти классикларининг асарларини ўрганди, хаттотлик билан шуғулланди. Сирожиддин Махдум Шеван, Шавкат ва Сидқий тахаллуслари билан ўша даврда нашр этилган кўпгина баёзларда иштирок этди. Кейинчалик ўз асарларини «Совғоти Шавкати» номида ва бошқа девонларга тўплаб эълон қилди.

Сидқий 1917 йил февраль буржуа революцияси даврида «Тоза ҳуррият», «Русия инқилоби» каби асарларини ўзи китобат қилиб нашр эттирди. Сидқий бу асарларида буржуа революциясининг туб моҳиятини яхши тушуниб етмаган бўлса ҳам чоризмнинг зулмини, чор аппаратининг халқ қўзғолонларини (масалан, Жиззах қўзғолони) бостиришдаги ваҳшийлигини фош этди. Чоризмнинг ағдарилишини табриклади. Сидқий таржима билан ҳам шуғулланган. У араб ва форс тилидан таржима қилган. Булар орасида энг муҳими «Минг бир кеча» китобининг таржимасидир.

Ўзининг айтишича, бу китобнинг биринчи жилдини 1912 йилда таржимаси, китобати ҳамда расмларини олти ярим ойда ўз қўли билан ишлаб битирган. Китобатини Ҳиндистон хаттотларига тақлид қилиб кўчирган. Иккинчи жилднинг таржима ва китобати 1914 йил бошида тамом бўлиб, Мирзо Аҳмад Мирзо Каримов томонидан нашр қилинган. Иккинчи марта «Минг бир кеча»ни Сайид Аҳрор Махдум таржимаси билан Тошкентда Муҳаммад Зуфар Шукур Муҳаммад ўғли 1912—

1914 йиллар охирида нашр қилган бўлса ҳам Сидқийнинг таржимаси каби гўзал чиқмаган.

Ҳикоя, латифа, «Қиссаи Шаҳзода Баҳром», «Раҳимо», «Таржимаи Каримо», «Боқмоқ керак», «Қабул этмади» ва бошқа асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилиб, ўз китобати билан нашр эттирди.

Сидқий ёшлигидан шеър ёзган. У Навоий, Жомий каби буюк шоирларнинг ижодини ўрганади. Ўзидан илгари ўтган пешқадам шоирлар Муқимий, Фурқат, Алмаий, Юсуф Сарёмий, Важдий, Васлий ва бошқаларнинг ғазалларига мухаммаслар ёзди:

Илм йўлига кирмадук бизлар,
Илма эннини чақурмадик бизлар.
Фазлимизни ошурмадик бизлар,
Ҳеч ҳунарни қидирмадук бизлар.
Биз анингчун забуну ҳайрона,
Бизга басдур ҳамиша бўлса ўйин.
Сарф этармиз ўюн учун олтин,
Келмагай фикримизга ҳеч фунун,
Қасбила биздин ўтдилар ёпук,
Учуриб кема чархи гардона.
Жаҳл элида йўқ илм ўқурға юрак,
Кийса басдур силлиғ тўну телпак.
Билмагай нучкадур ёқову этак,
Гар десанг илм ўқи! Дегай не керак,
Бил эссиз Сидқий сўзни нодона.

Унинг пахтани мақтаб айтган мусаддаси, ишқий, ҳажвия шеърлари, марсия, тарихий шеърлари бор[205]. Абдул Мусоввир, Маннон Уйғур[206], Абдулло Носиров[207], Мулла Аъзам, Ҳалил Қори, Абдуқодир хўжа Набихўжаев Содиқ[208] кабилар Сидқийнинг хаттотлик ва шеъриятдаги шогирдларидир.

**Абдуссалом Абдураҳмон ўғли** насх ва настаълиқ хатларига моҳир тошкентлик хаттотлардан бўлиб, Нажмиддинхўжанинг шогирдларидандир. У 1912—1913 йилларда «Ал-ислоҳ» журналининг идораси томонидан форс тилида нашр этилган китобларни кўчирган.

**Ибодилло Одилий** Эски Бухорода 1872 йилда ҳунарманд оиласида туғилган. Отаси Одилхўжа саҳҳоблик, муқовасозлик билан машғул бўлган. Ибодиллонинг саводи чиққач,

---

[205] Ўзбек адабиёти, I том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 332-бет.

[206] Маннон Уйғур Ўзбекистон халқ артисти, «Ҳамза» номидаги ўзбек драм театрининг асосчиларидан биридир.

[207] Абдулло Носиров ЎзФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими ва библиографидир.

[208] Абдулкодирхўжа Набихўжаев хизмат кўрсатган педагог ҳам шоир, Шеъриятда Сирож Махсумнинг шогирдидир.

15 ёшидан бошлаб отасининг саҳҳофлик ва муқовачилик ишини ўрганди. 1890 йилда отаси вафот қилгач, шу касбни мустақил равишда давом эттирди. Қўлига қимматбаҳо хушхат, нодир қўлёзмалар тушганда, уларни доим кўздан кечириб турарди. Иш орасида вақт топиб, мустақил равишда дарс ўқий бошлади. Бухоро хаттотлари ва қўлидаги ажойиб қитъалардан фойдаланиб, настаълиқ ва насх хатларини чиройли ёзадиган бўлди. Шунингдек, машҳур форс ва ўзбек адабиётига оид китобларни ва қўлёзмаларнинг кўпчилигини кўзидан кечирди (масалан, Хисрав, Низомий, Жомий, Навоий «Хамса»лари каби). Тарих китобларини ўқиди. Айниқса, улуғ муаллифлар таржимаи ҳолига доир ибн Ҳалодун, Ибн Халокон, «Равзат ус-сафо» тарихларини, «Расоил Ҳукамо» ва «Номаи донишворон» каби асарларни Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон китоб ва журналларини севиб ўқирди.

Ибодилло Одилов оғир табиатли, ишчан, камгап, доим кўзи бирор газета, журнал ёки китоб мутолаасига банд бўлган ҳолда кўзга ташланадиган киши эди.

Одилов Бухорода хонлик идорасидан норози бўлган маърифатпарвар олим ва шоирлардан Шариф Махдум, Мўътасим, Исо Махдум, Зуфурун, Иноят Махдум, Домлаи Икромча, Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айнийлар билан замондош эди.

Одилов Бухоро хонлиги емирилгандан сўнг у ердаги Ибн Сино китобхонасининг Шарқ бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади. Одилов Самарқандда 5 йил хизмат қилди. 1935 йилда китобхонанинг қўлёзма фонди Тошкентга кўчирилиб, Самарқанд, Бухородаги барча қимматбаҳо, нодир қўлёзмалар Навоий номидаги Давлат кутубхонасига келтирилгач, у ерда илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Ўша вақтда Навоий кутубхонасининг Шарқ бўлимида шарқшунос олимлардан проф. Александр Шмидт, А. А. Семёнов, Алексей Молчанов, Борис Сергеев, Эдуард Шмидтлар ишлар эдилар.

1935 йил июнь ойида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 144-сонида Ибодилло Одиловнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан «Китобчи билимдон» сарлавҳали мақола босилган. Шарқшунос олим проф. А. Шмидт Ибодилло Одилов ҳақида «Ўрток Одилов қўлёзмаларнинг характерини ва қачон битилганини белгилашда сира топилмайдиган мутахассисдир. У бурунги авторларнинг таржимаи ҳоллари тўғрисида ҳар қандай маълумотни бера олади»,— деб ёзган эди. Ҳақиқатан, Одилов «Китобиёт билимдони» (библиограф) эди.

Одилов Навоий кутубхонасида ишлаётган чоғларида қўлёзмаларга юксак ихтисоси маълум бўлди. Кутубхона илмий ходимлари Одиловдан Шарқ тарихи ва адабиётлари қўлёзмалари муаллифларининг таржимаи ҳоллари ҳақида консультация олиб турдилар.

1943 йилда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали ташкил этилгандан кейин, Навоий кутубхонасининг Шарқ бўлими кутубхонадан ажратилиб, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтига айлантирилди. Ўзбекистонда Фанлар академияси мустақил тузилгандан кейин, бу институтнинг ҳажми каттароқ бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти номини олди.

Навоий кутубхонасининг Шарқ бўлимида шарқшунослар томонидан йиғилган бир оз қўлёзмалар бор эди, холос. Одилов Самарқанддан кўчиб келгандан кейин Бухоро, Самарқанддаги қўлёзмалар яна келтирилди. Улар 4 минг жилддан ошди. Институт ташкил этилгандан кейин бутун қўлёзмалар бир ўринга марказлаштирилиб, халқдан ҳам қўлёзмалар сотиб олишга буюрилди. Шундан кейин яна Бухоро, Хоразм ва Фарғонадан қўлёзмалар тўпланди. Қўлёзмалар 15 минг жилддан ошиб кетди.

Одилов шу қўлёзмалар устида тинмай ишлаб, уларни икки қисмга ажратди:

1. Араб, форс тилларида тарих, адабиёт, таржимаи ҳол, маноқиб, тасаввуф ва фанга тегишли қўлёзмалар.

2. Мадраса дарслик қўлёзмаларининг ҳошия, изоҳ, татимма, таълиқот ва шарҳлардан иборат диний ва фалсафий асарлар.

Одилов шу қўлёзмалардан энг муҳимини инвентарга олди ҳам бир неча йил давомида тузган каталогини давом эттирди. Улар икки хил карточкадан иборат эди:

а) қўлёзмалар номига берилган карточкаларнинг алфавит каталоги;

б) номерли каталог.

Карточкалар қўлёзмаларнинг яхши сақланиши учун каталог яшигига тартиб билан қўйилади. Қўлёзманинг бошидан ва охиридан бир сатр (гўё китобнинг паспорти ўрнида) карточкага кўчирилади. Одилов муҳим қўлёзмаларга ўзининг настаълиқ ва насх хатлари билан карточкалар ёзди. Шунингдек, ўзининг уч тўпламидан ташқари институтда мавжуд энг муҳим ва нодир нусхалардан 23 қўлёзмани тўлиқ ва нодирлиги туфайли икки нусха қилиб кўчириб қўйишни лозим топди.

Булардан энг муҳими, дунёда ягона ҳисобланган нодир қўлёзма «Мажмуаъи муросалот ёхуд Навоий альбоми»дир.

Бу мактублар Навоийнинг буйруғи билан альбом шаклида саҳифаларга ёпиштирилиб, ёпиштирилган ўрни билинмаслиги учун жадвал тортилиб катта альбом қилинган.

Шу альбомдаги мактублар форс тилида девоний, насх, таълиқ хатлари билан ёзилган. Лекин кўпчилиги нуқтасиз, баъзан шикаста ёзилганлиги учун ўқилиши жуда қийин эди.

Ўқишга енгиллик бериш мақсадида Одилов альбомни тўлиқ қилиб гўзал настаълиқ хати билан икки нусха кўчирган.

Қуйида марҳум Одиловнинг альбом тўғрисида ёзган форсча текстининг таржимасини берамиз:

**«Мажмуъаи муросалот ёхуд Навоий альбоми»** (инв. № 2178) камина Одиловнинг қалами билан настаълиқ хатида янгидан кўчирилган ягона ва нодир нусха Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида XV асрда риқоъ, қисман насх хатлари билан ёзилган, ҳозирги вақтда ўқиш-ёзиш тўгарагидан бутунлай четда ва қийин бўлган асл нусхаси юзасидан кўчирилгандир.

Мен бу ўқилиши қийин, назардан узоқ бўлган хат (риқоъ, девоний)ларга бир даража ошно эдим. Давлат халқ кутубхонаси директорининг буйруғи билан одатдан ташқари диққат ва қийинчиликларни устимга олиб, настаълиқ хати билан айнан кўчирдим. Имконият борича тасхиҳ ва тузатишда куч сарф қилдим. Мактублардан баъзисида ёзувчининг имзоси ўчиб кетган бўлса, мактубнинг маъно ва мазмунлари, қаламнинг изидаги аломатлари билан ёзувчининг отини қавс ичига олдим. Узоқ замонлар ўтиши билан ўчиб кетган, ўқиш мумкин бўлмаган баъзи сўзларнинг ўрнини бўш қолдирдим. Мактуб тартибларига эътибор бердим, яъни олдин-кейин ёзилишига йўл қўймадим.

Хулоса:

Бу «Мажмуъаи муросалот ёки муроқаъот ёхуд Навоий альбоми» деб аталган бу альбом улуғ кишилар томонидан Алишер Навоий жанобларига ёзилган мактуб ва воситачилик қилиб юборилган хатлардан иборатдир.

## МАКТУБ ЁЗУВЧИЛАР ТУБАНДАГИЛАРДИР

1. Нуриддин Абдураҳмон Жомий.
2. Хожа Убайдуллои Аҳрор.
3. Хожа Абдулло ва Хожа Яҳё — Хожа Убайдуллои Аҳрор ўғиллари.
4. Хожа Абдулаввал — бу киши Хожа Убайдуллои Аҳрорнинг куёвлари ва улуғ ҳаммажлисларидан.
5. Мавлоно Қосим.
6. Мавлоно Абдусаид.
7. Муҳаммад ибн Амниддин.
8. Хожа Али.
9. Хожа Ҳасан бин Алоиддин Аттор.

Номлари кўрсатилган кишиларнинг ҳар қайсилари бирор мақсадни хотирга олиб, бу руқъаларни Алишерга ва қисман Султон Хусайн Мирзога ўз қаламлари билан ёзиб юборганлар. Алишер Навоий жаноблари руқъаларни тўплаш ва альбом шаклида қоғозга ёпиштириб сақлашга буюрган.

Бу тўплам узоқ замонлар ўтиши билан қўлдан-қўлга ўтиб, машҳур адиб Муҳаммад Шариф Садр Зиё Бухорийнинг қўлига тушиб шу кишининг мулкига айланди. Садр Зиё бу ҳақда ўз «Асоми кутуб» ида ёзади:

«این مجموعه که مخزن فیوضات کثیره و مجمع انوار غیبیه است نوشته جات شریفه ورقعات مبارکه ومراسلات متبرکۀ نام بردگان منکورین بوده که هریک در زمان سعادت تؤامان حیات خودنوشته وارسال داشته اند و بامر امیر دانش پذیر میر علیشیر مراسلات مبارکات عیناً بهمان طرزی که ازقلم مشکین رقم هر کدام شرف صدوروز یب بخش سطور گشته جمع نموده اند که الحق جو هرجان و مغز روح روان است»

Мазмуни:

«Бу тўплам тўла оқиб турган хабарларнинг хазинаси, ғайибийнурлар тўпланмасидир. Юқорида номлари зикр қилинган зотларнинг ёзган улуғ мактуб, муборак, риқъа ва юборилган табаррук хатларидирким, ҳар бирлари бахту саодан билан туғишган ўз ҳаётлари даврида ёзиб юборганлар. Дониш вазир Алишер Навоийнинг буйруғи билан бу юборилган муборак мактубларни ҳар қайсиларининг мушкин рақамли қаламлари, ёзган ёзувлари сатрларга зийнат бағишлаган хатларининг нақши бўйича айнан тўплаганлар. Ҳақиқатан бу жоннинг жавҳари ва руҳнинг мағзидир».

«Кўп замонлар ўтиши билан (юқорида айтилди) кишининг кўзидан узоқ ташланган бу хатларни ўқувчилар ҳам нодир, балки йўқ даражага бориб қолган. Шунинг учун ҳам дастлаб мен ўйлаб бу хатларнинг юзидаги пардалари олиб ташланса, уларнинг мазмун ва маънолари ёритиларди. Мир Алишерга нисбатан уларнинг тутган йўллари, мақсадлари, расму одатлари, вазиятлари, фикр ва ақидалари, боғланиш ва муносабатларига кўпчилик маърифат ва билим ҳосил қилар эдилар», — деган фикрда осонлаштириб настаълиқ хати билан кўчирдим. Мен камина учун тарих саҳифасида эсдалик қолса, бас.

Ибодилло Одилов.

1939 йил 13 май, Тошкент.

Навоий альбомидан ташқари Алишер Навоийнинг муаммо ҳақида форсча ёзган китоби ҳамда юқорида кўрсатилган жуда муҳим Навоий асарларининг қўлёзмалари, фанлар бўйича китоблар исмлиги Одиловнинг кўчирган характерли асарларидандир.

Одиловнинг социал ҳаётда фидокорона қилган ишлари катта аҳамиятга эга. У маданият тарихида ёдгорликлар қолдириб кетган кишилардандир. Ибодилло Одилов Тошкентда 1944 йил 12 майда 72 ёшида вафот қилди.

**Абдулҳақ Қотиб** XIX аср ўрталарида яшаган Тошкентнинг атоқли хаттотларидан бири ҳозирги Тошкент, Октябрь район 2-касалхона маҳаллалик Абдулҳақ котиб Алим ўғлидир. У 1808 йилда Тошкентнинг мазкур маҳалласида туғилган. 1886 йилда вафот этган. Шу маҳалладаги мадрасада мударрис бўлган. Айни замонда Тошкентнинг истеъдодли табибларидан ҳисобланарди. Абдулҳақ котиб маълумотни Бухорода олади. 1881—84 йилларда Арабистон, Миср ва Истанбулни саёҳат қилади. Шу пайтда маҳаллий ҳукуматнинг илтимосига биноан Истанбулда 3 йил хаттотлик билан шуғулланади, араб тилидан дарс беради. Эски араб хатларидан таълиқ, руқъа, сулс, настаълиқни жуда катта маҳорат билан ёзган. Афсуски, унинг ёзган асарлари сақланиб қолмаган. Фақат Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 11589 инв. номерли настаълиқ билан кўчирган биргина қўлёзмаси бор. Унинг отаси Абдулалим қори юқорида айтилган мадраса мударрисларидан, XIX аср бошларида Тошкентнинг кўзга кўринган фозил кишиларидан эди. Абдулҳақ домланинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими Лазиз Азиззода, совет идораларида ишлаб турувчи Абдулали ва Абдулвали Абдуллаев исмли набиралари бор. XX асрнинг биринчи ярмида бир қанча қобилиятли тошкентлик кишилар унга шогирд тушганлар. Улардан бири арабшунос ва бир қанча кўчирган асарлари билан танилган Октябрь район, Сағбон маҳаллалик Абдулманнон қори котибдир.

## МАЗҚУР ИШ МУАЛЛИФИ, ХАТТОТ А. МУРОДОВНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Мен, Абдулқодир Муродов, 1893 йилда Тошкентнинг собиқ 2-арпапоя маҳалласида нонвой оиласида туғилдим. Ибтидоий мактабдан сўнг ўз амаким машҳур хаттот Шомурод котибдан ҳуснихат, форс тили ва адабиётини ўргандим. Абулқосим мадрасасида 1907 йилдан 1917 йилгача ўқидим. Кейин суриялик адиб ва олим Муҳаммад ибн Саъид ал-Асалидан араб тили ва адабиётини ўргандим. Шунингдек, хаттотлик касби билан шуғуллландим. Революциядан кейин ўқитувчилар тайёрлов курсини тугатиб, ўқитувчи бўлиб ишладим.

1926 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат нашриётида каллиграфия ишлари билан шуғуллландим. 1930 йилдан 1940 йилларгача кутубхона мудири, китобхоначи бўлиб, 1940 йилдан 1942 йилнинг апрель ойигача Навоий комитетида илмий ходим бўлиб ишладим. 1942 йил 15 майда Улуғ Ватан уру-

шига жўнадим. 1944 йили армиядан қайтиб, ўша вақтдан бери Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаяпман.

Шарқшунослик институтининг фондида минг-минглаб қўлёзмалар сақланади, лекин буларнинг ичида замонлар ўтиши билан баъзи ерлари йиртилган, бошидан ёки охиридан варақлари тушиб қолган ёки бирор ҳодисага дуч келиб, нуқсонли бўлиб қолган нодир қўлёзмалар ҳам бор. Буларни бошқа нусхаларига таққослаб тузатиш ишлари билан шуғулландим. Асосий фонддаги қўлёзма китоблардан 11 минг жилд (ҳар жилдда бир нечтадан китоб бор) қўлёзмага муаллифлар каталогини туздим. Каталог тузиш давом этмоқда.

Бундан ташқари, арабчадан ўзбек тилига бирмунча таржималар ҳам қилдим. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарининг 1, 2, 3 томларидан ҳамда Миср ёзувчиси М. Таймур ҳикояларидан қилган таржималаримиз босилиб чиққан (1958).

Машҳур сайёҳ Ёқут Ҳамавийнинг «Мўъжам ал-булдон» асарининг Ўрта Осиё тарихи ва географиясига оид қисмларидан анча таржима қилдим. Ниҳоят, «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» номида мазкур асарни тайёрладим.

## ХУЛОСА

1. Биз олиб борган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётида ҳуснихат санъати ва унинг ижодчиси санъаткор — хаттотнинг мавқеи муҳим ўрин тутган.

2. Биз кўздан кечирган ва ўрганган манбалардан шу нарса равшанлашдики, мусулмон Шарқида, шу жумладан, Ўрта Осиёда ислом дини жонли нарсаларни акс эттиришни қонунан ман қилгани учун Шарқ халқларининг бадиий даҳоси ўз инъикосини кўпроқ наққошлик ва меъморлик санъатида топган. Шулар натижасида араб ёзувидаги ҳуснихат санъати катта тарихий такомил йўлини босиб, оқибатда, юксак савиядаги нақш санъатига айланди.

3. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Ўрта Осиё хаттотлари кўчирган китоблар ва ҳуснихат ҳақидаги рисолалардан араб ёзувидаги ҳуснихат ўттиз олти услубга эга эканлиги ва булар орасида энг машҳурлари настаълиқ ва насх ёзувлари эканлиги аниқланди.

4. Настаълиқ услуби Темур ва темурийлар даври маҳсули бўлиб, Алишер Навоий даврида Ҳиротда юқори тараққиёт босқичига кўтарилган. Кейинчалик Ўрта Осиё, Бухоро, Хива, Қўқон хаттотлари томонидан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тарқалди.

5. Мир Али Табризий ва Султон Али Машҳадийнинг хат санъати ҳақидаги назариялари Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент халқ назариячилари томонидан тараққий эттирилиши натижасида ҳуснихат санъати ҳақида янги рисолалар яратилган. Монография муаллифи томонидан Ўрта Осиё хат назариётчиларидан Мажнун ибн Комолиддин Рафиқий Ҳиравийнинг «Рисолаи қавоиди хутут», Дарвеш Муҳаммад бин Дўсмуҳаммад Бухорийнинг «Фавойид ул-хутут», Мунис Хо-

размийнинг «Саводи таълим», Муҳаммад Азим ибн Рўзи Муҳаммаднинг «Мирот ул-таълим» ва Исоқхоннинг «Жомеъ ул-хутут» рисолалари биринчи мартаба таҳлил қилиниб, илмий доирага киритилди. Биз мазкур рисолаларда хат санъатини эстетик баҳолаш масалаларига ҳам тўхтаб ўтдик.

6. Араб ёзувининг узоқ асрли бадиий эволюцияси ва эстетикага бўлган муносабати шу даражага бориб етганки, араб ёзувининг график шакллари шоирлар ижодида бадиий ифода воситасига айланиб кетган. Чунончи, маҳбубанинг беандоза қомати «алиф», ҳижронда ёнган лирик қаҳрамоннинг букилган қадди «дол», гўзалларнинг тиши «син», қошкўзи «нун», зулфи «жим» ва икки ўрим сочи «ломалиф»га ўхшатилган.

7. Монографиянинг иккинчи бобида Ўрта Осиёда ўтган 336 хаттот ва уларнинг маданий ҳаёт, илм, маърифат ва санъат тараққиётида тутган ўринлари биринчи манбалар асосида, имкон борича, ёритилди.

8. Тўпланган материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва таснифини тузиш натижасида Ўрта Осиёдаги хаттотлик тараққиёти олти асосий ҳуснихат мактабига (Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қўқон, Ҳирот ва Тошкент) эга экани аниқланди.

Ҳирот территориал жиҳатдан Ўрта Осиёга кирмаса ҳам тарихий жиҳатдан Ўрта Осиё хаттотлик мактабининг келиб чиқиш ва такомили темурийлар даврининг асосий маданий маркази Ҳиротдан бошлангани туфайли биз ўз тадқиқотларимизда Султон Али бошлиқ Ҳирот ҳуснихат мактабини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Монография муаллифи асарда Шарқ полиографиясининг баъзи бир масалаларига тўхтаб, Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихий тараққиётининг асосий йўналишларини ёритишга уриниб кўрди.

Ўрта Осиёда ҳуснихат санъати тараққиётини махсус ўрганиш ва унинг йирик ижодкорлари фаолиятини алоҳида текширишни мутахассисларга ҳавола қиламиз.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ЎРТА ОСИЁ ХАТТОТЛАРИНИНГ КЎЧИРГАН КИТОБЛАРИДАГИ МУҲИМ ТАРИХЛАР ВА ҚЎЛЁЗМАЛАРНИНГ ИНВЕНТАРЬ НОМЕРЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

**Абдол Ниёз.** Али Жаъфарий, Ҳавосул-асмо, 1892, № 7227.

**Абдул Азим Дабир.** Ҳасан Ҳусайний Тувайроний, Мафотиҳ ул-ибар таржимату, Масобиҳ ул-фикар, 1904, инв. № 2194.

این رساله مسمی بمصابیح الفکر فی وجوب السیر و النظر بسعی
و اهتمام تراب الاقدام فقیرا الحقیر عبدالعظیم دبیر فی یوم
الاثنین من شهر ربیع الثانی فی سنة ۱۳۲۲ اثنین و عشرین
و ثلاثمائه بعد الالف من الهجرة خیر البریة

**Абдул Жалил Қотиб.** Алишер Навоий, Хамса, 1500, инв. № 5018.

**Абдул Тоҳир Қотиб Ҳивақий.** Абдураҳмон Жомий, Ҳафт авранг, 1811, № 7566.

علی ید العبد الضعیف عبدالظاهر الکاتب فی ۱۳ رجب المعظم
سنه ۱۲۲٦ ست وعشرین ومائتین و الف ستر عیوبه و غفر ذنوبه

**Абдулазиз Махдум.** Жомий, Ал-фавоид ул-зиёия, —, инв. № 2460.

**Абдулвоҳид Садр Ҳарир.** Ҳофиз Басир, Мазҳарул-ажоиб, —, инв. № 2314.

این کتاب مظهر العجایب و مجمع الغرایب مناقب آغای بزرک
از نوشته کلك صریر بلخی است در آوان صغاری

Шамсуддин Муҳаммад, Шархи қофия, —, инв. № 2584. Мажмуа, —, инв. № 5330.

**Абдулкарим.** Аҳмад бинни Маҳмуд Муллозода. Тарихи Муллозода,— инв. № 2460. Муҳаммад бинни Жаъфар Наршахий, Тарихи Наршахий, —, инв. № 2460.

**Абдулкарим.** Ҳасан Мурод Оқил, Девон, 1909, № 950.

کاتب عبدالکریم ولد محمد رحیم ۱۳۲۷ هجری

**Абдулло Махдум.** Роғиб, Девон, 1908, № 6681.

**Абдулло Охунд.** Таржимаи табақот, 1880, № 8758. Таржимаи шархи мушкот, 1905, № 6689.

۱۳۲۲ هجریده عبداللهآخوند ولد محمد مراد قولیده مرقوم
بولدی

**Абдуллобек Қотиб.** Мусҳаф, —, инв. № 2175. Сурат ул-оврад, —, инв. № 2450.

**Абдулманнон Котиб.** Иноятулло Шайхул-Бухорий, Ҳошияи Охунди Шайх, 1901, № 8372. Мавлавий Абдулҳай, Ухдатул-риоя, 1909, № 7509. Муҳаммад Салим, Қашкул, 1912, № 3517. Мир Афзал Пирмастий, Афзал ул-тезкор, 1917, № 3761. Биноий, Боғи ирам, 1917, № 3761. Алишер Навоий, Хамса, 1905, № 11544. Мажолис ун-нафоис, 1917, № 3761. Жалолиддин ал-Сиватий, Асъаф ул-мубто бар холи алмуто, 1928, № 7812.

قدوقع الفراغ ترقیم جوامع الکلم فی المواعظ و الحکم فی یوم
الاربعا قبیل العصر من شهر ذی الحجة المبارك سنه ۱۳٦۷ هجری

على يدالفقير عبدالمنان حاجى بن عبدالوهاب المرحوم الشاشى
الحمدلله الاو آخرا

**Абдулраззоқ Махдум Фақирий.** Юсуф «Девон»и, 1908, № 902. Феруз «Девон»и, 1908, № 3442. Саъдий «Гулистон»ининг таржимаси, 1904, № 7768.

فقير عبدالرزاق مخدوم ابن عبدالجبار قارى ١٣٢١ هجرى
شعبان ١٠

**Абдулраҳим Котиб Мужгон.** Муҳаммад бинни Абдулло ал-Ғозий, Шархи танвирул-абсор, —, инв. № 2460.

**Абдулсалом Котиб.** Абдурраҳмон Сиёҳ, Меёрул-ахлоқ, 1912, № 3080.

كتبه احقر العباد عبدالسلام بن ملاعبدالرحمن سنه ١٣٣٠ هجرى

Тарихи байтул-ҳиром, 1912, № 984. Абдулло Авлоний, Адабиёт, I—IV бўлимлар, 1912, № 9161. Фахриддин Розий, Жомеул-улум, 1913, № 2923.

**Абдулқайюм Хўқандий.** Қутбиддин, Ҳошия, 1893, № 7256.

**Абдулғозий Хожа Хўқандий.** Алишер Навоий, Хамса, 1848, № 10034.

بو نسخهٔ شریفهٔ خمسه نوایی بیچارهٔ ناتوان و تیره بخت فقر
و فاقه‌تاغی نینگ آستیده یانچیلگان بی بضاعتلیك خنجری
اعضاسیغه سانچیلگان یوقلیق و ادیسیده حیران و قشاقلیق بیا
بانیده سر گردان ابولغازی خواجه حسینی خوقندی اوغلی
قولی بیله‌ن ١٢٦٤ ـ یلده اختتام تاپدی

**Абдулқодир Қори Хўқандий.** Автори номаълум, Дузд ва қози, 1912, № 16117.

Автори номаълум, Рубоийлар (жалий қалам) 1912, № 16117.

**Абу Наим ал-Хоразмий.** Муҳаммад Акбар Арзоний, Тибби Акбар, 1859, № 4759.

بدستیاری فقیر الحقیر ابو نعیم ١٢٧٥ هجری

**Аваз Мурод,** Сайрул-наби, 1891, № 8790.

١٣٠٨ هجری ذوالقعده‌نینگ ١١ لانجی کونی عوض مرادبن
بیکمراد خامهٔ رقمی بیله ادا تاپدی.

**Али Ризо.** Абдулло Хотифий, Зафарномаи Темурий, 1569, инв. № 2102.

كتبه العبدالمذنب على رضا الكاتب فى شهور سنه ست و
سبعين و تسعمائه من الهجرة النبويه

Амир Шоҳий Сабзаворий, Девон, 1578, инв. № 3482.

**Аеқарали Чархий.** Чархий (котибнинг ўзи) Муқимий ва Фурқат ғазаллари, 1959, Қўқон адаб. муз. Муқимий мактублари, 18 та, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Пушти гул, 1959.

**Аҳмад Дониш.** Ҳусайн бинни Алиюл-кошифий, Лавойиҳул қамар, 1882, № 460. Насриддин Тусий таржимаси, Самараи Батлаймус, —, № 2247. Муҳаммад Тоҳир бинни Абулқосим, Ажойибул табақот,

1846, № 411. Ҳаким Термизий, Солномаи Термизий, 1865, № 591. Ихтиёрот, 1871, № 591. Абдулқодир Насрулло, Жавоҳирул-музия, № 91. Абдулҳақ Деҳлавий, Сафарус-саодат, 1891, № 4339, № 4311. Абдулҳақ Деҳлавий, Ҳизбул-қулуб, 1890, № 4274. Бедил, Чаҳор унсур, 1881, № 373. Бедил, Девон, 1887, № 2334. Бедил, Рубоиёт, 1884, № 2898. Жомий, Нафоҳотул-унс, 1889, № 2258. Ҳилолий, Шоҳ ва гадо, — № 2349. Ҳусайн Қошифий, Анвори суҳайлий, 1896, № 2283.

**Бекмуҳаммад.** Шарҳи мухтасар, 1894, № 7314.

فی ید عبدالضعیف بیك محمد ۱۳۱۱ هجری

**Бобожон Саноий.** Огаҳий таржималари, Ахлоқи муҳсиний, 1859, № 1597. Ҳафт кишвар, 1859, № 1597. Фазоили макка, 1859, № 1597. Ибн Ясрин, Хобнома, 1859, № 1597. Автори номаълум, Ҳажул-мўминин, 1859, № 1597. Қиссаи Вайс, 1859, № 1597.

۱۲۷۵ هجریده ربیع الثانی آینده باباجان متخلص به ثنایی
ولد خدای بیرگان خوارزمی قولیده اتمام تاپدی

Меҳру моҳ қиссаси, 1904, № 874.

**Бобожонбек.** Баёний таржимаси, Шайбонийнома, 1915, № 3422.

ترجمهٔ شیبانی نامه کاتب باباجان بیك ابن الله بیردی
۱۳۳۳ هجری

**Бобожон Тарроҳ Ходимий.** Фируз «Девон»и, 1903, № 1119. Ҳолис «Девон»и 1903, № 1119. Комил «Девон»и, 1903, № 1119.

**Болтаниёз Надимий.** «Ажоибул-қиссас» тарж., 1904, № 874. Баёз, 1905, № 7054. Шиносий «Девон»и, 1907, № 911. Надимий «Девон»и, 1908, № 902. Ҳақирий «Девон»и, 1908, № 1145. Баёз, 1908, № 7009. Баёз, 1909, № 6939. Табибий «Девон»и, 1909, № 927. Табибий «Девон»и, 1910, № 257. Вомиқ ва Узро, 1910, № 2057.

۱۳۲۸ هجریده بالته نیاز ندیمی ولد اوستا قربان نیاز
بازیب اتمام سر حدیغه یتکوردی

**Дарвеш Али Муҳаммад Тоқий.** Ҳусайн Кошифий, Лубобул-боб, 1477, инв. № 2227.

تمت الکتاب بعون الملك الو هاب فی سلخ شوال سنه ۸۸۲
حرره العبد درویش محمد تاقی عفاالله عنه

Алишер Навоий, Девон, 1500, инв. № 4007; Девон, инв. № 7701. Муҳаммад Тоҳир Ғаззолий, Маърифат ул-мазоҳиб, 1502, инв. № 3376. Абдурраҳмон Жомий, Баҳористон, 1502, инв. № 3376.

کتب هذا النسخة الشریفة علی یداضعف العبادالی الله
الراجی درویش محمد طاقی غفرالله له فی بلدة الهراة

**Домла Қаландар Хонақоҳий.** Шарҳи мушкоти Абдулҳақ, 1905, № 7300. Саҳоифул-ахбор, 1908, № 6785.

داملا قلندر خانقاهی الخوارزمی ایلکیده ۱۳۲۶ — یل ماه محرم
نینك ۲۱ لانجی کونیده تمام تاپدی.

Жомий. Шавоҳидун-нубувват, — № 7088.

**Жумъа Ниёз Хоразмий.** Шариф ва Киромий, Ғазаллар, 1902, № 1036. Масъудий, Таржимаи тарих, 1907, № 839.

**Ёқачлий.** Огаҳий таржимаси «Ҳафт пайкар»и Низомий, 1919, № 7695.

فقیر جمعه نیاز اختتام سر حدیغه ییتکوردوم ۱۳۱۹ هجری
جمادی الا ول

یازغوچی یا قچلی ابن قربان نیاز ۱۳۳۷ هجری

**Ёқут.** Мусҳаф пораси, —, инв. № 2176.
**Зайниддин Хожа Тошкандий.** Шукрулло Шаҳобиддин, Беҳжат-таворих, 1861, № 9855.

در دست عبدآلحقیر قلیل البضاعة زین الدین خواجه بن داملا
میرعیسی مرحومی باتمام رسید

**Ибодулло Одилов.** Одилов (котибнинг ўзи), 1931, № 5833.
**Ибодулло Хокий Хоразмий.** Таржимаи тафсир, II жилд, 1845, № 7455.

۱۲٦۱ هجریده بو کتابت خاکی قولی بیلهن انجام غه ییتدی

**Идрис Махдум Бухорий Рожий.** Баёз, 1907, инв. № 3272.
**Иноятулло Махдум.** Мавлавий Муҳаммад Шариф, Ҳошия бар фавоидул-зиёия, —, инв. 2460, Иноятулло шайх, Ҳошия бар фавоидул-зиёия, —, инв. № 2460. Абул-мунтаҳо, Шарҳи фиққи Акбар, —, инв. № 2460.
**Иноятулло Хоразмий.** Баёз, 1908, № 1175. Иноят (котибнинг ўзи). Девон, 1909, № 947.

۱۳۲۷ هجری رمضان نینگ ۹ لانجی کونیده تحریر ایتیلدی
کاتب عنایت الله بن محمد صفا خوارزمی

Муҳаммад Шариф Ҳақирий, Девон, 1909, № 7096.
**Исмоил Валад Абдулғаффор.** Огаҳий таржимаси, Равзатус-сафо, 1894, № 6787.

فقیر داملا اسماعیل ولد عبدالغفار کتابتی بیلهن ۱۳۲۱ —
هجری

**Исмоил Валад Авазниёз.** Муҳаммад Яқуб таржимаси, Тарихи фаришта, 1909, № 826. Хазинатул-асфиё, 1906, № 8774.

فقیر الحقیر داملا اسماعیل ولد عوض نیاز صوفی ۱۳۲٦ هجری
ماه جمادی الثانیده اتمام سرحدیغه ییتکوردوم

**Исҳоқхон Тўрақўрғоний Ибрат.** Ибрат (котибнинг ўзи) Манзума, 1909, № 15410. Жомеъул-хутут, 1912, № 612. Тарихи маданият, 1926, № 11616. Тарихи Фарғона, 1926, № 11616.

کیلدی باشیمغه یخشی بر آوان    مینگه توفیق یار ایتیب سبحان
ایردی فرغانه تاریخی شغلیم    تألیف ایتدوم کیلیب مینگادوران
اسمی تضیفی گه بولیب تاریخ    بی کیم و کاس لفظ بو فرغان
خط العاجز المضف اسحاق خان عبرت

Тарихи Фарғона, — № 10117. Тарихи Фарғона, — № 11080.
Ажоибул-махлуқот, — № 11618. Манозул-замон, — № 11618.

ЎзФАШИда йўқ асарлари:

Тарихи ҳуррият, 1917, — Луғати ситта, 1901, — Қўрбошилар замони.

**Каримберган Девон Хоразмий.** Муҳаммад Комил Девоний. Девон, 1907, № 901. Саъдулло Саъдий, Девон, 1907, № 6681. Ғозий, Девон, 1908, № 6681. Баёз, 1908, № 1163.

كتبه الاحقر العبادمع النقصان كريم بير گان ديوان ابن عبدالرحمن
خوارزمى ۱۳۲۳ هجرى

**Мавлавий Абдуллоҳ Котиб.** Субхонқулихон, Ихёул-тибб, 1832, инв. № 2101.

اين بندهٔ دعا گوى اعنى عبدالله الكاتب المدرس را بتحرير اين
كتاب اشارت نمودند امتثالاً لامره العالى بتسويد آن شروع نموده
در اندك فرصت درروز يكشنبه ۱۷ شهر صفر ختم بالخير و الظفر سنه
۱۲٤۸ باختتام رسانيد

Абдулло Лабиб, Аттасриҳ биғавомис ат-талвиҳ, 1821, № 6083. Ҳисомиддин Умар Бухорий, Воқеоти Ҳисомий, 1820, № 3951. Рукниддин Шерозий, Шарҳул-фусус, 1821, № 2421. Сирожиддин Али ибн Муҳаммад Ўший, Фитоди сирожия, 1816, № 3009. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Танвирул-абсор, 1816, № 2445. Ғаззолий, Мушкво-тул-анвор, 1824, № 2408. Абдулқодир Бедил, Чаҳори унсур, — № 2460. Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний, Жоме ул-рамуз, № 2460. Ҳусайн Кошифий, Қалила ва Димна, № 2460.

**Мавлавий Иноятулло Котиб.** Шархи фиққи Акбар — Ҳикматул-айн № 2460. Ҳошияи мавлавий Шарифий бар мулло Жалол.

**Мавлавий Раҳматулло Жуллий.** Бадриддин бинни Тожиддин, Матлабул-мўминин, 1820, № 2879. Муҳаммад бинни Хатириддин бинни Латиф, Жавоҳири Хамса, № 2147.

تمت جواهر الخمس بعون الله توفيقه فى سنهٔ ۱۲٤۳ فى وقت السحر
ليلة الاثنين عشر آخر شهر ربيع الاول على يد احقر العباد الضعيف
النحيف رحمت الله عفى الله عنه

Али бинни Султон Муҳаммад Ҳиравий, Хирзус-саман, 1813, № 2489. Муҳаммад бинни Сулаймон ал-Қафавий, ал-эъломул-ихёр, № 91. Аҳмад бинни Марзуқ ат-Галмасоний, Дурратул-музия, № 2883. Муҳаммад бинни Шайхул-Ҳиравий, Баҳрул-ғароиб, № 2240. Аҳмад бинни Муҳаммад бинни Насрул-Алавий, Равзатул-уламо, 1820. № 2972. Муҳаммад бинни Асъад ад-Давоний, Шархи ақоид, № 2498. Абдул-Ҳаким ас-Саёлқутий, Ҳошиятул-хаёлий, № 4804. Абул-Лайс ал-Самарқандий, Ал-бўстон, 1815, № 2436. Муҳаммад Аълоуддин бинни Шайх Али, Дуррул-мухтор, № 2160. Қасидаи бурда, 1807, № 2481. Мажмуатул-расоил, 1805, № 2447. Муҳаммад бинни Усмон бинни Умар Балхий, Айнул-илм, 1816, № 5094. Мавлавий Мирзожон Шерозий, Ҳошия, 1807, № 4831. Аҳмад бинни Маҳмуд, Торихи муллозода, 1842, № 3390. Мирзожон, Ҳикмат, Танвирул-абсор, Мусобиҳул-фатово, Шарҳи фусусул ҳукам, Шамсул-маориф, № 2460.

**Мавланий Соқий Муҳаммад Балхий ал-Бухорий.** Муҳаммад Содиқ бинни Дарвеш Муҳаммад, Шарҳил-авомил, 1684, № 3078. Абул-макорим бинни Абдулло, Шарҳи мухтасарул вақоя, 1708, № 2388.

Шамсиддин Муҳаммад ал-Кӯхистоний, Шарҳи қофия, 1707, № 3190 Ҳилолиддин ад-Давоний, Шарҳи таҳзиб, 1671, № 3193. Мажмуаи фароиз, 1681, № 2245. Саъдиддин Тафтозоний, Шарҳи ақоид, 1671, № 3195. Одил бинни Али бинни Одил ал-Ҳофиз, Ҳалли луғат, 1689, № 3196. Муҳаммад бинни пир Али Бурклий, Тариқа ал-Муҳаммадия, 1698, № 3148. Шариф Бухорий, Ҳошияи ал-Қофия, 1698, № 3191. Муҳаммад бинни Абу Бакир Бухорий, Шаръатул-ислом, 1659, № 2459. Ҳофиз Авбаҳий, Ҳирзул-амон, 1659, № 2459. Юсуф бинни Муҳаммаджон Қоробоғий, Татимматул-ҳавоший, 1699, № 3430. Ибн Арабшоҳ, Ҳошияи шарҳи ақоид, 1699, № 3430. Мавлавий Қосим, Ҳошияи хаёлий, 1699, № 3430. Жалолиддин ад-Давоний, Аҳлоқи Жалолий, 1683, № 2338.

قد انجر بالاختتام تسويد هذه النسخة الجامعة مكارم الاخلاق و محاسن
الشيم على يد الفقير الجانى ساقى بن محمد امين السانى فى اليوم
الثانى عشر من شهر رمضان المبارك المعظم فى سلك شهور سنة
الف واربع و تسعين من الهجرة

Муҳаммад бинни Маҳмуд. Адобал-мусаннифин, 1683, № 2338. Канзул-луғат, № 2572. Умар Насафий, Ақоид, № 2460. Али ибн Абу Бакир Марғиноний, Ал-ҳидоя, № 2460.

**Мавлоно Масжидий.** Вали уд-дин Қотиб, Мушкотул-масобиҳ, № 2460.

**Махдумжон Саҳҳоф.** Бедил, Девон, 1880, № 5272. Автори номаълум, Қитъалар, 8 дона, 1887, № 5272.

كتبه الفقير العاصى مخدوم جان خوقندى ١٢٩٧

**Мир Али Ҳиравий.** Низомий ва Хусрав, Фарҳод ва Ширин, 1494, инв. № 9700. Жомий, Туҳфат ул-ахрор, 1531, инв. № 2298, Қитъалар, 1531, инв. № 2298.

كتبه الفقير الحقير مير على ٨٩٩ هجرى

Абдулло Ансорий, Илоҳийнома, 1531, инв. № 416.

كتبه العبد المذنب الراجى الى الله الغنى فقير مير محمد على غفر
الله ذنوبه و ستر الله عيوبه فى بلدة فاخره بخارا

**Мир Афзал Хӯқандий.** Аҳмад Сарҳиндий, Мактубот, 1871.

**Мир Имод ал-Ҳусайний.** Саъдий, Бӯстон, 1603, инв. № 6080. Ҳаким Саноий, —, инв. № 1959.

مير عماد الحسينى

Қитъалар, —, инв. № 60.

**Мир Маҳмудқори Хӯқандий Қори.** Мир Маҳмуд (котибнинг ӯзи), Девон, 1900, № 1313.

از جهت يادنامه مشق تحرير كتابت از دست فقير بى بضاعت و
حقير كم استطاعت مير محمود قارى ابن مير شمس الدين مرحوم
خوقندى سنة ١٣٢١

Девон, 1911, № 4020. Девон, 1911, № 9555. Баёз, 1890, № 10020.

**Мир Олим Хӯқаидий.** Ҳофиз Шерозий, Рамузот, 1859, № 9933. Фузулий, Қасоид, 1859, № 9933.

تمت القصاید من ید الضعیف ملا میر عالم خوقندی غفر الله ذنوبه
و ستر عیوبه ۱۲۷۵

**Мир Убайд.** Муҳаммад бин Саид ал-Бусирий, Қасидаи бурда, —, инв. № 2460.

**Мир Солиҳ Котиб.** Амир Қамолиддин Ҳусайн, Мажолис ун-ушшоқ, 1606, инв. № 2460.

**Мир Ҳусайн бинни Мир Ҳасан.** Абдулло Ансорий, Илоҳийнома, 1534, инв. № 351, Сад савол, 1534, инв. № 351. Хусрав Деҳлавий, Хамса, 1534, инв. № 2218. Али бинни ал-Ҳусайн, Рашаҳот, —, инв. № 4371.

الفقیر میر حسین الحسینی غفرله جواهر رقم ۹۵۹

**Мир Ҳусайн Куланкий Бухорий.** Убайдий, Куллиёт, 1583, № 8931.

باتمام رسید کتاب کلیات من مقالات حضرت خاقان جنت مکان
ابو الغازی عبیدالله بهادرخان علیه الرحمة و الرضوان بردست
بنده دعاگوی دولتخواه میر حسین الحسینی المشهور به میر
کلنکی الکاتب درسنه احدی و تسعین و تسعمائه عن الهجرة

**Мирзо Абдулваҳҳоб.** Жалолиддин Румий, Маснавий, —, № 2460. Абу Бакир ал-Марғиноний, Ҳидоя, —, № 2460. Нозим Ҳиравий, Юсуф ва Зулайҳо, —, № 2460.

**Мирзо Абдул-Жаббор Ургутий.** Мирзо Зоҳид, Ҳошия, —, № 2460. Масъуд бинни Умар ал-Тафтазоний, Шарҳи, ақоид, —, № 2460. Убайдулло ибн Масъуд, Нақоятул-ривоя, —, № 2460. Абдураҳмон Жомий, Ал-фавоидул-зиёия, —, № 2460. Абулқосим Самарқандий, Рисолаи истиора, —, № 2460. Қози Муборак, Ҳошия, —, № 2460.

**Мирзо Абдулвоҳид Манзум.** Қори Раҳматулло Возеҳ, Туҳфатул-аҳбоб, 1891, № 2336. Самониҳул-молик, 1891, № 2336. Мирзо Ҳусайн Али Шерозий, 1912, № 2250.

قد تمت فی شهر جمادی الاولی سنة ۱۳۲۰ از دست کاتب شکسته
رقم میرزا عبدالواحد بخاری المتخلص به منظوم

**Мирзо Абдулкарим.** Мир Ҳусайн бинни Али ал-Қошғарий, Равзатул-шуҳадо, 1830, № 6067.

تحریر یافت این کتاب فی تأریخ شهر رجب المرجب من شهر سنه
۱۲٤٦ الکاتب الفقیر الحقیر بیچاره خاکسار ملا عبدالکریم موذن
حضرت امام ابو حفص کبیر علیه الرحمه هشردهم ماه تمام یافت

**Мирзо Абдураҳмон Бухорий.** Мавлавий Қосим, Ҳошияи ақоид, —, № 2460. Қутбиддин, Шарх, — № 2460.

**Мирзо Абдул-Фаттоҳ.** Қитъа ва қасидаи бурда, — —

**Мирзо Абдулло Котиб.** Мавлавий Ҳасан, Ҳошия, — № 2460.

**Мирзо Аҳмад Котиб.** Афзал Пирмастий, Ал-тезкор фи зикрул-шуаро, 1905, № 2303.

احمد کاتب ۱۲۹۲

**Мирзо Баҳром.** Абдураҳмон Жомий, Юсуф ва Зулайҳо, — № 5017.

قدتم هذه النسخة الشریفه فی ید احقر العباد میرزا میر اسحاق
البخاری الکاتب غفر ذنوبه

Абдураҳмон Жомий, Силсилатул-заҳҳоб. — № 2460. Мир Саид Шариф Роқим, Торихи Роқимий, — № 2460. Бу Сайрий, Қасидаи бурда, 1894, № 5645. Туҳфатул-муқрибин, 1912, № 3318.

**Мирзо Бобо Калон.** Манзур, Тазкираи Султоний, 1870, № 9293.

تذکرهٔ سلطانی بعنایت بیغایت خودر اخت فراغت ارزانی فرمودهٔ
این بندهٔ نادان غواص بحر عصیان معروف میرزا بابا کلان بن محمد
رضا پروانچی استروشنی که شرف ایتمار باظهار عرایس نقوش
دلپذیر این نسخهٔ بی نظیر بمنصبهٔ ظهوریافته سنه ۱۲۸۷ هجری

**Мирзо Исматулло Мунший.** Сўфи Оллоёр, Маслакул-муттақин, — № 2460.

**Мирзо Мурод.** Жомий, Ал-фавоидул-зиёия, — № 2460.

**Мирзо Рабиъ Махдум.** Мулло Аҳмад, Ҳошия, — № 2460.

**Мирзо Ражаб Тўра Самарқандий.** Қитъалар, — —

**Мирзо Саъдулло Бухорий.** Жомий, Баҳористон, 1893, № 4360.

**Мирзо Сиддиқ Ҳашмат.** Ҳашмат (котибнинг ўзи), Матлаъул-афкор, № 2649. Мажмуаъи муаммо ва ашъор, № 5292. Баёз, № 2809. Машқ дафтари, № 4973. Машқ дафтари, № 2932. Силсилаи салотини мангития, Тазкираи салотин № 54.

محمد صدیق بن امیر مظفر حشمت.

Жомий, Силсилатул-заҳҳоб, 1890, № 5639 . Баҳористон, 1887, № 27[illegible]9. Туҳфатул-ахрор, 1890, № 4378 II. Сабҳатул-аброр, 1890, № 4378 III. Бедил, Ғазаллар, — № 2998. Муҳаммад ал-Деҳлавий, Кашфул-зунун, 1890, № 2798. Муҳаммад бинни Муҳаммад ал-Тусий, 1892, № 2792. Муҳаммад бинни Ҳусайн Ҳамадоний, Мақомот, 1893, № 5791. Мутаржим Муҳаммад бинни Муҳаммад, 1897, № 5129.

**Мирзо Содиқ Мунший.** Футухоти Амир Ҳайдар, — № 2460.

**Мирзо Файзулло.** Исмоил бинни Муҳаммад ал-Хилватия, Ҳизбул-азим, — № 2684.

کتبه العبدالضعیف المذنب الراجی قاری میرزا فیضی الله الکاتب
الحنفی البخاری غفر ذنوبها و ستر عیوبها سنه ۱۳۰۸

Муҳаммад Усмон бинни Умар ал-Балхий, Айнул-илм, 1900, № 2593.

**Мирзо Фохир.** Ҳошия шайхул-тавзиҳ, — № 2460.

**Мирзо Юнус Китобий — Шаҳрисабзий Рожий.** Рисолаи латоифи қалбия, 1911, № 7745. Башоирул-хайрот, 1911, № 7745. Рисолаи шамс, 1911, № 7745. Шаҳобиддин Суҳравардий, Васият, 1911, № 7745. Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис, 1912, № 7745.

**Мирзо Шариф Дабир Хўқондий.** Муҳаммад бинни Сулаймон Фузулий, Девон, 1836, № 150. Фузулий ғазаллари, 1837, № 3465. Навоий ғазаллари, 1837, № 2223.

**Мирзо Ҳайрулло Мирзо.** Мирзо (котибнинг ўзи), Девон, 1910, Қўқон адаб. музейи. Баёз, 1910, Қўқон адаб. музейи. Хаёл гулшани, 1910, Қўқон адаб. музейи. Гулшан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, 6 та «Гул» тўплами, 1916, Қўқон адаб. музейи. «Ҳуррият» журнали, 1917, № 7628. «Кенгаш» журнали, 1917, № 7628.

کاتبی میرزا خیرالله میرزا خوقندی

Автори номаълум, Туҳфатул-итфол, 1913, № 15133. Мадхали фанни нужум, 1915, № 9095.

**Мирзо Ҳошим Хўжандий.** Мирзо Ҳошим (котибнинг ўзи), Мактуб, 1894, № 6087. Қори Фазлуллоҳ Алмаий, «Қалила ва Димна» таржимаси, 1898, № 10956. Бобораҳим Машраб, Девон, 1900, № 4616. Умар бинни Алим ал-Қотибий, Рисолаи шамсия, 1914, № 8238. Абулқосим, Рисолаи истиора, 1914, № 8238. Абдурраҳмон Жомий, Нафаҳотул-унс, 1915, № 3419.

از قلم جواهر رقم میرزا هاشم خجندی چون گله سته رضوان هدیه بایادی اهل یقین عرفان کرده شد ۱۲۳۲ هجری

**Мулло Насриддин Котиб.** Жалолиддин ал-Давоний, Шархи ақоид, № 5863.

**Мулло Ҳамдам Бухорий.** Муҳаммад Ҳусайн бинни Муҳаммад Акбар, Ҳошия, № 2460. Али бинни Абу Бакир ал-Марғиноний, Ҳадис, № 2460.

**Мухтор Махдум.** Жўнг (фатхий тўплам), — № 2460.

**Муҳаммад Азиз Бухорий.** Ас-сағоний, Ат-такмилали китоби тожул-луғат, 1645, инв. № 2256.

راقمه الفقیر الحقیر الملتجی الی رحمة الله الباری محمد عزیز البخاری زرقه الله صحبة الابرار و مرافقة الاخیار و احمدلله رب العالمین فی شهر ذی الحجة سنة ۱۰۵۵

**Муҳаммад ал-Котиб ал-Ҳиравий.** Абдурраҳмон Жомий, Куллиёт, 1503, инв. № 1331.

علی ید العبد الفقیر محمد الکاتب الهروی شرفه الله بنیل الدرجات العالیه فی شهور سنه ثمان و تسعمائه ۹۰۸

**Муҳаммад Амин Хожа Муқимий.** Муқимий (котибнинг ўзи), Баёз, 1893, № 9309.

(محمد امین مقیمی ۱۳۱۱)

18 та мактуб, турли йиллар, Қўқон адаб. музейи.

**Муҳаммад Амин.** Восфий, Вадоеъ ул-вақое, 1917, № 7431.

مترجم و کاتب فقیر محمد امین بن سید احمد ۱۳۳۶ هجری ربیع الثانی آییده

**Муҳаммад Амин Хожа.** Баҳрул-дурур, 1883, № 1582.

**Муҳаммад Амин бинни Абдолниёз.** Абдураҳмон Жомий, Юсуф ва Зулайҳо, 1905, № 6728.

افقیر محمد امین بن ابدال نیاز ۱۳۲۳ هجریده یازیب اختتام سر حدیقه ییتکوردی

Тарихи Макка, 1906, № 842. Феруз ғазаллари, 1908, № 8724. Ғуломий «Девон»и, 1908, № 1145.

**Муҳаммад бинни Исҳоқ Шаҳобий.** Сомий, Тазкира, 1576, инв. № 57.

تم بعون الله فی ۹۸٤ ه

Саъдий, Бўстон, 1587, инв. № 2203.

كتبه العبد الفقير حاجى محمود تحرير فى سنة خمس و تسعين و تسعمائه من هجرة النبويه

**Муҳаммад бинни Тоир Муҳсиний.** Жомий. Шарҳи чиҳл ҳадис, 1573, инв. № 2202, Орифий, Гуйи чавгон, 1573, инв. № 2202. Саъдий, Бўстон, 1590, инв. № 2145.

**Муҳаммад Комил Девоний.** Баёз, 1908, № 6975. Баёз, 1909, № 2024. Ғуломий «Девон»и, 1909, № 6701.

فقير محمد كامل ملقب بديوانى ابن اسماعيل ديوان خوارزمى ماه محرم نينگ اوليده سنه ۱۳۲۷ ده اتمام غه ييتكوردى.

**Муҳаммад Мурод.** Бархўрдор, Маҳфилоро, 1871, № 1261.

فقير محمد مراد ۱۲۸۸ هجرى

**Муҳаммад Мўмин Ҳивақий.** Мунис, Девон, 1832, № 9849.

من يدالضعيف الراجى من رحمة الله البارى محمد مؤمن ولد داملا عنايت الله الحصارى فى بلدة دارالسلطنة الخيوق فى مدرسة العاليه فى شهر ذى الحجة فى سنة ۱۲۶۷

**Муҳаммад Назар Хаёлий Хоразмий.** Юсуф Рожий таржимаси, Равзатус-сафо, V жилд, 1861, № 7416.

رقم فقير الحقير محمد نظر خوارزمى ۱۲۷۷ هجرى

Фахриддин Хоразмий, Айзохул-қулуб, 1863, № 7523.

**Муҳаммад Одам.** «Нозир ва Манзур» қиссаси, 1907, № 678. Мунис «Девон»и, 1910, № 678. Табибий мураббаълари, 1910, № 678. Табибий «Девон»и, 1910, № 678.

بو طبيبى ديوانلارى محمد آدم ولد داملا آرتوق مرحوم نينگ قوليده ۱۲۳۸ هجريده رقم تاپدى

**Муҳаммад Паноҳ Ҳивақий.** Меърожан-нубувва, 1908, № 7433.

مترجم و كاتب محمد پناه بن محمد على خيوقى

**Муҳаммад Расулбек.** Муҳаммад бинни Жарир, Торихи Табарий, I—III жилд, 1913, № 1229. Саъдулло Саъдий, Муфаррихул-қулуб, 1910, № 7434.

كاتب محمد رسول بيك ابن محمد كريم بيك قوليده اتمام غه يتوشدى ماه ربيع الاول ۱۳۲۸ هجرى

**Муҳаммад Раҳим.** Салавоти Масъудий, 1909, № 8434.

احقر عباد محمد رحيم ابن حاجى پهلوان نياز خيوقى

**Муҳаммад Раҳим Ҳивақий.** Фирдавсий «Шоҳнома»сининг тарж., 1899, № 6918. «Вомиқу Узро» таржимаси, 1912, № 6918.

محمد رحيم بن باباجان صوفى قوليده ۱۳۳۰ هجرى يل جمادى الاول ۲۸ لانجى كونيده اتمامغه يتوشدى

**Муҳаммад Рафиъ Ҳивақий.** Шайхул олам Акбар Ободий, Нодирул-меърож, 1906, № 6781.

۱۳۲۶ ــ هجری شعبان آیی نینگ ۲۲ سیده محمد رفیع آخوندنینگ قلم دستیارلیقی بیله‌ن اختتام تاپدی

**Муҳаммад Ризо Охунд котиб.** Огаҳий, Риёзуд-давла, 1905, № 5364. Зубдатут-таворих, 1905, № 5364. Мунис, Фирдавсул-иқбол, 1904, № 5364.

فقیر محمد رضا آخوند ابن محمد کریم دیوان قولیده مرقوم بولدی ۱۳۲۲ ــ هجری

**Муҳаммад Собир.** Рисолаи хилвати суфия, 1925, № 7610.

**Муҳаммад Содиқ Ҳиравий.** Абушқа, 1854, № 427. Мунтахабул-луғат, 1854, № 427.

**Муҳаммад Солиҳ ал-Хоразмий.** Таржимаи муътамид, 1902. № 6634.

مترجم و کاتب محمد صالح ابن آتا نیاز بن محمد یوسف الخوارزمی ۱۳۲۲ هجری ذی القعده آیی نینگ ۲۵ ــ کونیده اتمامغه ییتکوردی

**Муҳаммад Тоҳир Хоразмий.** Маҳфилоро, 1903, № 6826. Туҳфатул-ушшоқ, 1902, № 1036.

احقر ار قمین محمد طاهر ولد داملا آرتوق کتابتی بیله اختتام تاپدی ۱۳۹۱ هجری جمادی الاول ۲۵

Фасиҳий, Девон, 1902, № 1036.

**Муҳаммад Тоҳир Хўқандий.** Жомий ва Навоий, Чиҳл ҳадис, 1883, № 1821. Бедил, Дебоча ва интихоби девон, 1883, № 1821. Қасоид ва рубоиёт, 1883, № 1821. Руқъаот, 1883, № 1821.

تمت الدیباجه فی بلدة الخوقند اللطیف فی شهر ذی الحجة الحرام فی تاریخ سنه ۱۳۰۱ بتحریر الحقیر المذنب محمد طاهر بن داملا محمد سعید مرحومی

Муқимий, Баёз, 1883, № 1821.

**Муҳаммад Шариф Валад Муҳаммад Паноҳ.** Сайид Ҳусайн таржимаси, Вомиқ ва Узро, 1902, № 6911.

محمد شریف بن محمد پناه قولیده ۱۳۲۰ ــ یلده ذی الحجة نینگ ۲۲ سیده اتمامغه یتوشدی

**Муҳаммад Шариф Валад Раҳимберди.** «Маҳфилоро» таржимаси, 1904, № 1824.

احقر الراقمین محمد شریف ولد رحیم بیردی خیوقی ۱۳۲۳ هجری ماه رجب المرجب ۸ لانجی کونیده اختتام تاپدی

**Муҳаммад Шариф Охунд.** Ал-масоилул-эътиқодия, 1905, № 7360.

**Муҳаммад Шариф Хоразмий.** Баёз, 1901, № 2035.

کاتب فقیر محمد شریف بن الله بیرگان دیوان قولیده ذی الحجه نینگ بر لانجی کونیده اتمامغه یتدی

Девони Сомий, 1903, № 2035. Девони Ниёзий, 1903, № 6686

**Муҳаммад Шокир Урганчий.** Таржимаи шамсул-маориф, 1891, № 6891

فقیر محمد شاکر اورکنجی ولد قل نیاز صوفی قولیده ۱۳۰۹ هجریده اختتام تاپدی

**Муҳаммад Шараф Хожа.** Нафоисул-асар, 1903, № 848.

محمد شرف خواجه ولد محمد یوسف خواجه‌نینگ دستیده اتمامغه یتدی ۱۳۲۱ هجریده ماه ذی الحجه نینگ اونلانجی کونیده

**Муҳаммад Шариф Хожа.** Салмон Саважжий, Девон, 1902, № 1036. Носир Али, Девон, 1902, № 1036. Тавфиқ, Девон, 1902, № 1036. Муҳаммадёр, Афзун хожот, 1873, № 7683. Одила Муҳаммад, Калимоти аҳли сулук, 1873, № 7683.

فی ید احقر العباد محمد شریف خواجه بن عبدالرحمن خواجه ۱۲۹۰ – هجری

Ибн Музаффар, Тавбатул-тоибин, 1873, № 7683. Миръотул-обидин, 1873, № 7683.

**Муҳаммад Юсуф.** Комил таржимаси, Маҳфиларо, 1875, № 9978. Огаҳий таржимаси, Равзатус-сафо, 1878, № 3445.

فی ید فقیر محمد یوسف ولد بیردی مراد صوفی خوارزمی ۱۲۹۵ هجری

**Муҳаммад Юсуф Баёний.** Саъдий, Гулистон, — № 7371. Атоий, Равзатул-аҳбоб, 1907, № 6910. Сайёқ, Мажмуаи ашъор, 1900, № 7141.

کرد گزیده سیاق ز ان همه مجموعهٔ
جمع که هر لفظ او هست چو در یتم
باعث یاد آوردی کردز خود در جهان
جامع اورا مقام باد بهشت نعیم
چونکه ز هجرت هزار سه صد هژده گذشت
قوس رجب اول و آخر ماه فخیم
بود که این نسخه را ختم رقم دست داد
درره تحریر او بود بیانی مقیم

Биноий, Шайбонийнома, 1915, № 3331.

**Муҳаммад Юсуф Валад Муҳаммад Карим.** Салавоти Масъудий, 1893, № 8778.

**Муҳаммад Юсуф Гурлоний.** Қиромий, Риёзул-восилин, 1901, № 862.

فقیر محمد یوسف گورلانی ابن محمد وفا ۱۳۱۹ هجری ربیع الثانی آییده اتمامیغه یتدی

**Муҳаммад Юсуф Истаравшаний.** Муҳаммад бинни Абдулҳолиқ, Канизул-луғат, 1853, № 9188.

علی ید احقر العبادالله القوی عبدالضعیف محمد یوسف بن محمد
غفور استروشنی سنه ۱۲۴۹

**Муҳаммад Юсуф Рожий.** Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, 1849, № 7346.

بو کتاب فیض مآب کاتبی محمد یوسف راجی بن قاضی خواجم
بیردی خوارزمی ۱۲۶۵

**Муҳаммад Юсуф Чаппанавис.** Носриддин Муҳаммад бинни Юсуф, Мултақити Носирий, 1804, № 2977.

تم کتاب الملتقط منه و هو مآل الفتاوی بحمد الله اللهم اغفر لمن
قرأ ولمن نظر و لمن دعا لکاتبه آمین برب العالمین فی سنة ۱۲۱۸

**Муҳаммад Юсуф Чокар.** Мирзо «Девон»и, 1907, № 911. Комил «Девон»и, 1907, № 911. Надимий «Девон»и, 1907, № 901. Ходимий «Девон»и, 1907, № 901.

فقیر محمد یوسف المتخلص بالچاکر بن محمد یعقوب دیوان ملقب
بخرات یازیب اتمامغه ییتکوردی

Чокар «Девон»и, 1908, № 902. Баёз, 1908, № 1243. Табибий, Вомиқу Узро, 1910, № 1243.

**Муҳаммад Яқуб Девон.** Рубоиёт, 1900, № 6997.

فقیر محمد یعقوب دیوان بن اوستا قربان نیاز خواجه خوارزمی
۳۲۳ هجری ۱۸ جمادی‌الاول ده کوچیریب اتمامغه ییتکوردی

Баёз, 1903, № 6944. Огаҳий, Таъвизул-ошиқин, 1905, № 938.

**Муҳаммад Яқуб Оҳунд.** Тазкираи Муҳаммад Тоҳир, 1911, № 7017.

فی ید محمد یعقوب آخوند بیش اریغی الخوارزمی ۱۳۲۹ هجری

**Муҳаммад Яқуб Ҳивақий.** Баёний, Шажараи Хоразмшоҳий, 1910, № 9596.

سنه هجری نینگ ۱۳۳۳ ـ یلده ماه ذوالقعده‌نینگ اولیده جمعه
کونی احقر العباد محمد یعقوب ولد جمعه نیاز نینگ قولیده اتمام
سر حدیقه یتوشدی

**Муҳаммад Яқуб Ҳолис.** «Шаҳнома» таржимаси, 1899, № 6912.

فقیر محمد یعقوب خواجه

**Муҳаммад Ҳусайн котиб.** Гулшани ирам, 1557, инв. № 348.

کاتبها الفقیر محمد حسین الحسینی غفر ذنوبه و ستر عیوبه فی
قریة رزه من اعمال باحرز فی شهر جمادی الاول سنة ۹۶۴

**Наимжон Махдум.** Абу Иброҳим бинни Исмоил ал-Бухорий, Шарҳ таарруф, — № 2460.

**Насрулло.** Қанизул-ошиқин, 1865, № 8539.

کاتب نصر الله بن محمد صفا ۱۲۸۱ هجری

**Носиржон Хўқандий.** Носиржон (котибнинг ўзи), Муфродоти хатти насх, 1917, № 11141. Муфрадоти хатти настаълиқ, 1917, № 11141. Фузулий, Лайли ва Мажнун, 1917, № 11141.

اوشبو کتاب دیوان لیلی و مجنون مانند در یکتا تنظیم سلک
سطور ایلاب بو فقیر حقیر کمترین عباد یعنی خوقندلیك حاجی
ناصر محمد شاکر اوغلی تصویر اتلار چیکیب سعی تمام ایله قلم
شکسته رقم ایلان تحریر ایتدی ۱۳۳٤ هجری

**Носирхон Хўқандий.** Алишер Навоий, Хамсат ул-мутахайирин, 1823, № 693.

**Оллоберган Ҳивақий.** Тарихи комил, VII дафтар, 1907, № 7424.

مترجم و کاتب فقیر الله بیرگان ولد داملا محمد رضا ۱۳۲۵ ه ربیع
الاول آیی نینگ آخریده اتمامغه یتکوردوم

**Отажон Хожа.** Ажоибул-осор, 1908, № 834. Равзатул-манозир, 1907, № 837.

ترجمه قیلوچی و کاتبی آتاجان خواجه ابن قلندر خواجه ۱۳۲۶ هجری

**Отажон Валад Муҳаммад Карим.** Содиқ «Девон»и, 1908, № 1145. Шархи мушкоти Абдулҳақ, 1910, № 6790.

فقیر الحقیر داملا آتاجان ابن محمد کریم خوارزمی نینگ قولیده
۱۳۲۸ هجری ربیع الثانی نینگ ۱۸ لانجی کونیده کتاب ذکوهدن
کتاب قصاص غچه حلیهٔ تمام بیلهمزین بولدی

**Отаниёз Валад Хожаниёз.** Абдураҳмон Жабрўтий, Ажоибул-осор, 1908, № 834.

**Охунд Мир Ҳусайн.** Алишер Навоий, Хазоин ул-маоний, 1840, № 9289.

**Очилди котиб.** Фузулий, Далоилул-хайрот, 1900, № 5668.

**Очилди Мурод Мирий.** Мирий (котибнинг ўзи), Баёз, 1870, № 1380. Гулнома, 1878, № 1380. Баёзи маони, 1881, № 9395. Девон, 1893, № 1408.

تمام پذیرفت و باختتام آرامیده دیوان میری محمد آچیلدی مراد
ابن حاجی نعمت الله مخدوم بن خلیفه عبدالله مخدوم ۱۳۱۱ هجری

Раъно ва Зебо, — (Тожикистон ССР ФА). Амир Ҳусайн, Нузҳат ул-арвоҳ, 1892, № 1408.

**Раҳмонқул Хожа.** Ибнул Музаффар, Рисолаи харротул-обидин, 1837, № 7739.

علی ید رحمن قلی خواجه ابن عبدالجلال خواجه ۱۲۵۲ هجری

**Рўзи Муҳаммад Хоразмий.** Тарихи умумий, 1908, № 838. Огаҳий таржимаси, Жомеъ ул-ҳикоёт, 1890, № 1274.

**Сайид Абдуллоҳ.** Сайид Али, Иршодул-толибин, 1925, № 1213. «Ҳикоятул-солиҳин таржимаси, 1925, № 887.

**Сайид Аҳмад Бухорий.** Мавлавий Ҳасан, Ҳошияи ақоид, № 2460.

**Сайид Назар Насафий.** Иноятулло Бухорий, Ҳошия, № 2460. Юсуф Муҳаммаджон ал-Қаробоғий, Тахтал-хоший, № 2460. Мулло Аҳмад,

Ҳошияи Қутбия, № 2460. Асомиддин, Ҳошия ал-фавоидул-зиёия, № 2460.

**Сайид Ниёз Ҳивақий.** Муҳаммад Мурод таржимаси, Қимёи саодат, 1911, № 8772. Атоулло таржимаси, Тарихи фаришта, 1908, № 826.

راقم فقیر سید نیاز ولد محمد یعقوب قولیده ۱۳۲۶ هجری ذی
لحجه آیی نینگ ۲۱ لانجی کونیده اختتام سرحدیغه یتوشدی

**Сиддиқжон Куфрий ва Гўйдарахтий.** Иноятулло Шайх ал-Бухорий, Ҳошия, — № 2460. Абу Бакир ал-Марғиноний, Ҳидоя, — № 2460.

**Солиҳ Махдум.** Ғаний «Девон»и, — № 2460. Шоҳий «Девон»и, — № 2460.

**Сулаймонқул Рожий Хўқандий.** Низомий Хўқандий, Мажмуъат ул-мақосид, 1915, (шахсий кутубхонада). Рожий (котибнинг ўзи), Зарбулмасал, 1913, (Қўқон адаб. музейи). Ҳофиз, Девон, 1914, (шахсий кутубхонада). Навоий, Хамсат ул-мутахайирин, 1914, (Бокийнинг шахсий кутубхонасида).

**Султон Али Машҳадий.** Алишер Навоий, Девон, —, инв. № 790, 1995, 3984.

کتبه العبد المذنب سلطانعلی المشهدی غفرالله له بدار السلطنة
هراة برسم خزانهٔ میرزا سلطان حسین.

کتبه العبد المحتاج الی رحمة الله و غفرانه سلطانعلی مشهدی تجاوز
عنه سنة ۸۹۸

Ҳусайн бинни Али ал-Қошифий, Хотамнома ва Жавоҳирнома, —, инв. № 4388.

تمام شد کتاب جواهرنامه بحمدالله تعالی و حسن توفیقه فی سنة
۹۰۷ (سلطانعلی مشهدی)

Тангусқаномаи элхоний, 1502, инв. № 4388.

کتبه العبد المذنب المحتاج الی رحمة الله و غفرانه سلطانعلی
مشهدی تجاوز عنه سنة ۸۹۸

**Султон Муҳаммад Хандон.** Хусрав, Девон, 1552, инв. № 2196.

تمت الکتاب بعون الملك الوهاب فی سنة ۹۵۹ تسع و خمسین و
تسعمائه فقیر خندان تم

Рашидиддин Ватвот, Насруллои олий, —, инв. № 2261.

العبد سلطان محمد خندان

**Умар Хожа.** Султоний, Девон, 1908, № 904.

فقیر عمر خواجه ابن ابراهیم خواجه قولیده اتمام سرحدیغه یتدی
۱۳۲۶ هجری

**Хожа Ниёз Хоразмий.** Тазкираи Муҳаммад Тоҳир, 1912, № 856. Табибий, Мунисул-ушшоқ» девони, — № 7118.

١٣٢٦ ـ هجریده فقیر خواجه نیاز ابن ایش بابا الخوارزمی قولیده رقمزده‌ٔ کلک بیلان بولدی

**Холмурод Гурлоний.** Маҳфилоро, 1877, № 1273. Мунтахаби рисолаи жавоҳир, 1877, № 1273.

خالمراد گورلانی ١٢٩٦ هجری

**Худойберди Валад Қўш Муҳаммад.** Дили ғароиб, 1832, № 1335.
**Худойберган Валад Бекмуҳаммад.** Қанизул-ибод, 1887, № 7468.

فقیر خدای بیر گان بن بیك محمد قولیده ترجمه تاپیب کتابتی اتمامعه یتوشدی

**Худойберган Муҳркан Хоразмий.** Алишер Навоий, Хамса, 1899, (Хоразмда). Фузулий, Лайли ва Мажнун, 1893, № 9319. Толибий, Рубоиёт, 1893, № 9578. Турли авторлар, Баёз, 1889, № 1154. Муҳаммасот ва рубоиёт, 1901, № 1135.

کتبه الاحقر الانسان مع النقصان مهرکن خدای بیر گان دیوان بن اوستا محمد پناه خوارزمی

Абдураҳмон Жомий, Ҳафт авранг, 1910, № 7026. Рубоиёт, 1900, № 1136—II. Рубоиёт, 1901, № 1133—XI. Сабҳатул-аброр, 1909, № 6984. Силсилатул-заҳҳоб, 1909, № 6987. Ғазалиёт, 1879—80, № 6708. Лайли ва Мажнун, 1910, № 7010. Ҳафт авранг, 1909, № 6732. Юсуф ва Зулайҳо, 1910, № 6994.

**Худойназар.** Равзатул-мунозир, I жилд, 1907, № 837.
**Шарифжон Махдум.** Асомиддин, Шархи рисола, 1886, № 2412. Муҳаммад Қосим бинни Али, Мақомоти ҳаририй, 1887, № 2416. Қози Абдулшукур, Ҳошияи Мавлавий Аҳмад, 1890, № 2443. Мир Сиддиқ Ҳашмат, Тазкиратул-шуаро, 1923, № 2252. Неъматулло Махдум таржимаси, Тазкиратул-шуаро, 1923, № 2252. Шарифжон Махдум, Мажмуаи тезкор, 1923, № 2193.

اتمام پذیرفت منتخب التواریخ از نسخهٔ غیر مصحح نوشته شد سهوی رفته باشد معذور دارند بعداز انقلاب نوشته شد میرزا محمد شرف صدر المتخلص بالضیا درسنهٔ ١٣٤٣ هجریه

Мажмуаи тезкор ва торих, 1931, № 1304. Асоми кутуб, — № 2460. Баёз, — № 2365.

**Шермуҳаммад Мунис Хоразмий.** Мунис (котибнинг ўзи), Девон, 1805, № 1330.

تم هذا الدیوان بعون الملك من تسوید مؤلفه شیر محمد الملقب بالمونس الخیوقی غفرالله ذنوبه و ستر عیوبه ١٢١٩

Саводи таълим, 1805, № 1330. Фирдавсул-иқбол, 1838, № 821. «Равзатус-сафо» таржимаси, турли йиллар, № 3446. Алишер Навоий, Хамса, 1821, (Тожикистон ССР ФА).

**Эшон Махдум.** Баёз, 1908, № 6976.

ایشان مخدوم بن قوت خواجه ایلگیده اتمامغه یتدی ١٣٢٤ هجری

**Эшжон Ҳивақий.** Рубоиёт, 1900, № 6940. Ҳилолий, Девон, 1900, № 1036. Махфий, Девон, 1900, № 1036.

راقم کمینه ایش جان کاتب ۱۳۱۹ هـ ۱۸ ــ ربیع الثانی

**Эшон Хожа.** «Равзасут-сафо» тарж., II жилд, 1908, № 7307. Баёз, 1908, № 1185. Баёз, 1908, № 2026.

کاتب ایشان خواجه بن قباد خواجه قولیده ۱۳۲٤ ــ جمادالاول نینگ ۱٦ ــ کونیده خیوه ده تمام بولدی

**Юнус Хожа Шаҳрисабзий.** Мирзо Абдулқодир Бедил, Девон, 1854, № 3694. Девон, 1855, № 5070. Девон, 1878, № 3012. Девон, — № 2135.

الله الحمد بعون الطاف آلهی بد ستیاری قلم شکسته رقم این نسخه از دست فقر الحقیر خاکسار هیچ اعتبار یونس خواجه کاتب ابن بابا خواجه کاتب شهر سبزی اتمام واختتام پذیرفت

Алишер Навоий, 1851, № 4390. Хамса, 1872, № 935. Муҳаммад ибн Шарҳи, Гулшани роз, — № 1478. Мирзо Абдулқодир Бедил, Куллиёт, 1855, № 5070. Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулий, «Далоил ҳижрот» таржимаси, — № 2449. Муҳаммад Фозил, Мазраъул-ҳасанот, — № 5016.

**Ҳабибуллахон.** Туҳфатул-султон, 1867, № 3955.

حبیب الله خان

**Ҳәлвоий Муҳаммад Амин.** Мусҳаф, — № 5306, № 2171.

**Ҳикматулло Махдум.** Жомий, Фавоидул-зиёия, — № 2460. Иноятулло Шайх, Ҳошия бар фавоидул-зиёия, № 2460.

**Хожи Ёдгор Котиб.** Қитъалар, 1665, —.

**Ҳожи Маҳмуд.** Абдурраҳмон Жомий, Силсилат ул-заҳҳоб, 1571, инв. № 5350.

تمت دفتر الثالث فی شهر رمضان المبارك ثمان و سبعین و تسعمائته کتبه علی ید العبد الضعیف المفتقر الی رحمة ربه الودود حاجی محمود

**Ҳожи Мир Исо Махдум.** Убайдулло ибн Масъуд, Нақоятул-ривоя, — № 2460.

**Ҳожи Муҳаммад Котиб.** Навоий, Девон, 1635, инв. № 3687. Қулбек, Девон, 1635, инв. № 3687, Мирхонд, Равзат-ус-сафо, 1663, инв. № 3361.

تمت خاتمة الکتاب روضة الصفا بتائید الربانی وتوفیق الصمدانی بتاریخ منتصف رمضان سنة ۱۰۷۳ آمر زیده بادکه این پیر ضعیف نود ساله را بدعای خیر باد و اکر تقصیری واقعست نتیجه پیریست عبدالمذنب حاجی محمد الکاتب غفر ذنوبه تم بالخیر

**Хожи Муҳамад Ҳажрий.** Алишер Навоий, Хамса, 1837, № 4439.

**Ҳусайнжон Ҳожи Миҳоний.** Миҳоний (котибнинг ўзи), Девон, 1916, № 7392.

تمت الديباجه فی شهور سنه خمس و ثلاثمائته بعد الالف
من هجرة من له العز و الشرف بيد المؤلف اقل خدام الفضلا
حسين قلی بن سليمانقلی محسنی ١٣٣٥

Бедил, Девон, 1913, —.

**Қодирберган.** Фируз, Ғазаллар, 1902, № 1167.

**Қори Абдулраҳим.** Туҳфаи Сиддиқхоний, — № 3004. Қасидаи бурда, — № 2460. Мусҳаф, — № 2460.

**Қори Аҳмад Котиб Бухорий.** Девони Ҳайрат, 1875, № 5871.

**Қори Мирзо Шариф.** Аҳмад бинни Али ал-Мабуний, Шамсул маориф, 1806, № 2147.

على يد العبد المذنب الضعيف النحيف ملا ميرزا شريف المنشی
بن ميرزا محمد ميرك دفتر دار فی نصف الاخير من ليلة يوم
الاحد من اخير العشر الثالث من شهر رمضان المبارك فی
سنة ١٢٢١

Абул-Лайс ал-Самарқандий, Танбиҳал-ғофилин, — № 2460.

**Қори Юсуф Мунтазир Андижоний.** Мунтазир (котибнинг ўзи), Мактуб, 1893, —

رقم خاكسار بميقدار منتظر قاری يوسف افكار
حرره فی شهر ذی الحجة الحرام سنه ١٢١١

**Қурабек.** Нозим Ҳиравий, Юсуф ва Зулайҳо, — № 2460.

**Қурбонниёз.** Қомёб, Девон, 1908, № 1005.

فقير قربان نياز بن محمدجان جرمانلی ١٣٢٤ هجری رجب
آينده بيتكاردم

**Қурбонниёз.** Равзатул-шуҳадо, 1905, № 6768. Маноқиби Аҳмад бин Умар, 1905, № 6768.

فی تاريخ ١٣٢٢ هجری ١٥ ـ جمادی الاول فی يدبنده ضعيف
قربان نيازبن اوستا پهلوان نياز.

**Қўшназар Шайх.** Шайх Аҳмад, Жамъул-ахбор, 1805, № 1218.

فقير كاتب قوش نظر شيخ ١٢١٩ هجری

Қироати форсий, 1929, № 5846. Феҳраст бо мундарижот, 1942, № 5933—I. Тазкираи муаммоиён, турли йиллар —.

## Фанлар бўйича кўрсаткич

Алишер Навоий, Мезон ул-авзон, 1938, № 3441. Руқъаоти Навоий, 1938, № 3441. Туҳфат ул-афкор, 1939, № 5137. Муфрадот дар фанни муаммо, 1940, № 5667. Муҳокамат ул-луғатайн, 1941, № 5829. Маноқиби паҳлавон Муҳаммад, 1941, № 5733—I. Маноқиби Сайид Ҳасан, 1941, № 5733—II. Ҳалли муаммо, 1942, № 5933—II.

Шаҳобиддин Али Термизий, Ҳажвиёт, 1930, № 3286. Достони Мустафоқулихон, 1930, № 3286. Достони Мирзо Раҳим, 1930, № 3286.

Садриддин Айний, Бухоро инқилоби тарихи, 1921, № 36.
Фазлуллоҳ бинни Рўзбехон, Меҳмонномаи Бухоро, 1921, № 5885.
Шарифжон Махдум Садр Зиё, Мажмуаи тезкор ва торих, 1931, № 1304.
Аҳмад Дониш, Аҳволи амирони Бухоро, 1933, № 1987.

تسوید نموده شد از روی نسخهٔ مسوره که راقم بخط خود تسوید و تحریر نموده بود عباد الله عادلوف ۱۹۳۳ میلادی

Маҳмуд бинни Вали, Баҳрул-асрор, 1933, № 1375.
Арасту, Китобул-тафохур, 1939, № 5137.
Хондамир, Макоримул-ахлоқ, 1940, № 5340.
Масъуд бинни Муҳаммад, Торихи Яминий таржимаси, 1941, № 5828.
Турли авторлар, Навоий альбоми (тўлиқ), 1939, № 4245. Навоий альбоми (қисқа), 1939, № 5134.
Абдуллахон ёрлиғлари, 1935, № 5939.

**Йўлдош Котиб.** Ҳофиз Шерозий, Девон, 1911, № 4292. Девон, 1915, № 4290.

راقم ابن کتاب مستطاب ملا یولداش بن جمعه بای رحمه‌الله تعالی فی الدارین سنه ۱۳۳۶

**Мавлоно Соний Пир Муҳаммад.** Мир Ҳусайн, Муаммо, 1576, № 365. Шарҳи муаммо, 1576, № 1863.

تمت هذه النسخة الشریقة الشرقیه بخط مؤلفها فی بلدة الطیبة الشاش فی اربع ثمانین و تسعمائة من الهجرة المصطفویه

**Мир Иноят Тошкандий.** Мавлавий Қосим, Ҳошияи ақоид, 1796, № 8979. Сўфи Оллоёр, 1811, № 8953.

**Мирзо Аҳмад котиб.** Фузулий, Девон, 1903, № 152. Ҳайбатулло Хожа Ҳислат, Савғот, 1914, № 347. Абдурраҳмон Саёҳ, Хазонаи дониш, 1915, № 351. Минг бир кеча, 1912, № 10551, 7876. «Ал ислоҳ» журнали, 1915, № 5938. «Ал ислоҳ» журнали, 1916, № 10854. «Ал ислоҳ» журнали, 1917, № 10868. «Ал ислоҳ» журнали, 1918, № 10856. Алмантуқи, 1917, № 12378.

کتبه الحقیر قاری میرزا احمد شاشی فی سنه ۱۳۳۳

**Муҳаммад Азим бинни Ашурбой.** Фузулий, Девон, 1852, № 9100.

**Муҳаммад Азим Музниб Тошкандий.** Музниб (котибнинг ўзи), Миръоти таълим, 1912, № 7655.

**Муҳаммад Зафар.** Фузулий, Девон ва Лайлию Мажнун, 1900, № 144.

بو فقیر سرالله حقیر سرالله تقصیر کمترین عباد یعنی تاشکندلیك محمد زفر محمد حسن اوغلی قلم شکسته رقمی ایله محرر اولدی سنه ۱۳۱۸

Сайид Али Ҳамадоний, Аврод фатҳия, 1897, № 3137. Бобораҳим Машраб, Девон, 1898, № 12577.

**Муҳаммад Одил.** Сўфи Оллоёр, 1893, № 4726. Маслакул-муттақин, 1897,

برقم بندهٔ ضعیف ملا محمد عادل ابن محمد اسحاق تاشکندی بمنو کرمه

**Муҳаммад Саид Хожа.** Сўфи Оллоёр, Саботул-ожизин, 1883, № 11007. Муҳаммад Содиқ Қошғарий, Зубдатул-масоил, 1889, № 10538. Абдураҳмон Жомий, Фавоидул-зиёия, 1893, № 7609.

الراقم ملا محمد سعيد خواجه کاتب سنه ۱۳۱۰

Муҳаммад бинни Асъад, Шарҳи таҳзибул-мантиқ, 1894, № 1165. Раҳим Хожа, Назми мухтасар, 1894, № 10537. Усмон ибн Умар, Алкофия, 1894, № 14119.

**Муҳаммад Темир Ибн Мирзо Муҳаммад.** Автори номаълум, Муфрадот, 1909, № 4223.

بتقليد حسن قلم محمد تیمر فی سنه ۱۳۲۷ فی شهر شوال

Қиссаи Санавбар, 1909, № 4223. Ҳури Лиқо, 1909, № 15733. Рисола, 1909, № 425

**Муҳаммад Усмон котиб.** Масъуд ибн Маҳмуд Самарқандий, Салвати Масъудий, 1907, № 14868. Убайдулло бинни Масъуд, Мухтасар, 1911, № 7255. Хожа Порсо, Фаслул-хитоб, 1912, № 10417.

احقر الاقران محمد عثمان بن محمد شريف بقلم خود اتمام
پذير فتهفی سنة ۱۳۳۱ هجريه هژه ربيع الاول

**Муҳаммад Шайх Тошкандий.** Давлатшоҳ бинни Бахтишоҳ Самарқандий, Тазкираи Давлатшоҳий, 1562, № 9272.

ختم تاليف هذه التذكرة اقل عبادالله الغنى دولتشاه بن علاء
الدوله بختيشاه الغازى السمرقندى سنه ۸۹۲ وناقله محمد شيخ
بن سيد حاجى التاشكندى فى تاريخ سنه ۹۶۹ تسع و ستون و
تسعمائه من الهجرة

**Муҳаммад Юнус Тоиб.** Тоиб (котибнинг ўзи), Хадоиқул-анвар, 1859, № 896. Қасидаи анворул-бавориқ, 1894, № 6696. Тухфаи тоиб, 1905, № 4243.

محمد يونس تائب حرره فى شهر جمادى الثانيه سنه ۱۳۲۳ فى
بلدة خوقند

**Нажмуддин Хожа котиб.** Фузулий, Девони, 1888, № 14651.

نجم الدين خواجا کاتبی گانام    اصل جایی خوقند ایدی خوشنام
خواجه مذکور ایلادی تحریر    ئهیله تصحیح بولسه کیم تغییر
مینگو اوچ یوز آلتیده ای ناب    بولدی تاشکندده اوشبو نسخهچاب

Нажмуддин Хожа (котибнинг ўзи), Муфрадот, 1893, № 14935. Ибн Ҳожиб Усмон ибн Умар, Алкофия, 1897, № 12322. Алкофия, 1897, № 6595. Ҳофиз Шерозий, Девон, 1899, № 4296. Сўфи Оллоёр, Маслакул-муттақин, 1902, № 10886. Автори номаълум, Фаросул-ашё, 1912, № 3972.

**Олим Хожа.** Фузулий, Девон Лайлию Мажнун, 1899, № 4086.

بو فقير حقير سراسر تقصير کمترين عباد يعنى تاشکند
ليك عالم خواجه پادشاه خواجه اوغلى نينگ قلم شکسته رقمى
ايله محرر اولدى سنه ۱۳۱۷

Бобораҳим Машраб, Девон, 1906, № 12619.

**Сайид Мақсудхон.** Алишер Навоий, Маҳбуб ул-қулуб, 1907, № 256 Сўфи Оллоёр, Маслакул-муттақин, 1915, № 4732. Автори номаълум, Назми мухтасар, 1900, № 12517.

کاتبین آتیلور سید مقصود    ایلادی سعی فاضل مسعود
تحریر ایتماقده اهتمام ایتدی    توفیق حق بیله تمام ایتدی
بسکه اول چیکدی اوشبوغه زحمت    والدین تنکری ایلاغای رحمت

Қофияи ҳалли ал-тарокиб, 1912, № 5944.

**Тўра Хожа котиб.** Абдураҳмон Жомий, Алфавоидул-зиёия, 1794, № 9302.

این نسخهٔ شریفه دردست فقیر الحقیر توره خواجه ابن خواجه‌خان خواجه تاشکندی فی یوم اسبت عشر الاخیر من شهر ذی القعده‌ فی سنة ماٸتین و ثمان و بعد الالف من هجرة النبویه فی بلدة بسکند باتمام رسید

Алишер Навоий, Хамса, 1862, № 6128. Автори номаълум, Мухаммаси қасидаи бурда, 1862, № 8993. Ҳофиз Шерозий, Рамузот, 1862, № 8993.

**Сирожиддин Махдум Сидқий.** Сидқий (котибнинг ўзи), Ҳикоя, 1911, № 9569. Қиссаи Шоҳзода Баҳром, 1911, № 684. Хатлар мажмуаси, 1911, № 7632. Алиф лайло ва лайло тарж., 1912, № 10551. Базми ишрат, 1914, № 9567. Сипарғам таржимаси, 1916, № 9163. Робочийлар келиши, 1917, № 457. Тозаи ҳуррият, 1917, № 458. Ватан қаҳрамонлари, 1917, № 689. Ажоибул-махлуқот, 1917, № 692. Турли муҳрлар нусхалари, 1922, № 7633. Иктисоб, 1924, № 7629. Девон, 1924, № 7629. Ашъор ва машқлар, — № 7630. Пароканда шеърлар, — № 7630. Турли хатлар тўплами, — № 7632. Нотамом қолган асарлар, — № 7632. Шарофиддин Бухорий, Чор китоб, 1906, № 4422. Шайх Саъдий, «Гулистон» таржимаси, 1910, № 4571.

کتبه الاحقر سراج الدین مخدوم بن ملا میرزاهد آخوند مرحوم سنه ١٣٢٧

Алишер Навоий, Бадоеъ ул-васат, 1915, № 25. Шавкат, Савғоти Шавкат, 1914, № 310. Автори номаълум, Таржимаи Қаримо, 1912, № 353. Рисола, 1917, № 424. Ҳури лиқо, 1916, № 1232.

**Ҳожи Муҳаммад Зариф.** Зариф (котибнинг ўзи), Соқийнома, 1897, № 4243. Муфрадоти адабиёти арабия, 1897, № 3471. Хамсага тақриз, 1901, № 15628. Автори номаълум, Соил в-ал масоил, 1915, № 6126, 15628.

بر قم بندهٔ ضعیف قاری محمد ظریف بن قاری محمد خالد بن یوسق تاشکندی

**Шоислом котиб.** Фузулий, Девон, 1905, № 150. Бедил, Девон, 1908, № 4339. Турли авторлар, Баёзи гулшани ашъор, 1908, № 325. Нозим Ҳиравий, Юсуф ва Зулайҳо, 1904, № 15530. Муҳйи Ҳўқандий, Девон, 1911, № 12020. Сўфи Оллоёр, Муродул-орифин, 1911, № 3162. Мавлавий Абдулҳай, Умдатур-риоя, 1915, № 12331. Саккокий, Девон, 1918, № 7685.

درماه اییون سال ۱۹۳۷ در سلك تحریر کشیده شد کاتب شا اسلام.

Автори номаълум, Рисола. 1914, № 427.

**Шоҳмурод котиб.** Алишер Навоий, Бадоеъ ул-васат, 1888, № 9065. Бадоеъ ул-васат, 1896, № 4103. Ғароиб ус-сиғар, 1900, № 14483. Бедил, Девон, 1893, №15023. Девон, 1907, № 14342. Девон, 1911, № 11972. Фузулий, Девон Лайлию Мажнун, 1889, № 12453. Девон, 1891, № 14503. Ҳофиз Шерозий, Девон, 1895, № 14503. Девон, 1897, № 4288. Абдураҳмон Жомий, Куллиёт, 1905, № 15010. Ҳафт авранг, 1914, № 3351. Шарафулло бинни Бухорий, Чор китоб, 1893, № 4421. Чор китоб, 1908, № 5508. Раҳим Хожа, Назми мухтасар, 1896, № 4157. Жунайдулло Ҳозиқ, Юсуф ва Зулайҳо, 1905, № 15010. Хожа Назар Ҳувайдо, Девон, 1908, № 12004. Яҳё Сайбек Фаттоҳий, Шабистон, 1912, № 5287. Автори номаълум, Муфрадот мид мураккабот, 1893, № 654.

راقم که کمینه شامرادم جهد و جدل ایلابان دمادم
بو نسخه‌نی کم‌یسواد قیلدیم موندین ایکی ایش مراد قیلدیم
اول بو که خلق تاپسه‌لار سود میندین داغی قالسه‌نام موجود
زیراچمن جهان وفاسیز هم عمر گلی کیلیب بقاسیز
وقیتکه بو نسخه بولدی ظاهر تاریخ مینگ اوچیوز ایردی اون بر

Рисола, 1895, № 476. Муфрадот, 1898, № 8903. Муфрадот, 1911, № 4216.

**Юсуфхон котиб.** Фузулий, Девон, 1909, № 15780. Сўфи Оллоёр, Саботул-ожизин, 1916, № 184. Автори номаълум, Сабъул-маориф, 1908, № 4021. Ҳури лиқо, 1908, № 342. Иброҳим Адҳам, 1913, № 4622.

الراقم الراجی رحمة الله الباری ملا یوسف جان بن ملا ذکرجان مرحوم شاشی توقلی جلایی

**Утаб Расул Муҳаммад.** Баёз, 1907, № 336. Муҳаммад Солиҳ Хожи, Ҳажнома, 1907, № 4241. Юсуф Сарёмий, Девон, 1913, № 15634.

نمقه المذنب ملا اوتب ابن رسول محمد شاشی ۱۳۳۲ هجری

Автори номаълум, Ҳури лиқо, 1913, № 432. Минг бир кеча, 1912, № 76.

**Ҳусниддин Хон.** Автори номаълум, Ҳақоиқул-асрор, 1907, № 664. Дузд ва қози, 1908, № 126.

ارقام کلام بتوفیق ملك العلام در تاریخ سنه ۱۳۲۵ — از هجرت سید الانام علیه التحیه و السلام باتمام رسیدالراقم العبد المذنب ملا حسن الدین

Мисбоҳул-анвор, 1910, № 604. Фавоидул-муслимин, 1913, № 594.

## Абдулқодир Муродовнинг кўчирган қўлёзмалари I революциягача

Муқимий, Девон, 1911, № 12727. Хазинатул-ҳикмат, 1913, № 9552. Ҳофиз, Девон, 1913, № 4295. Ҳафдаҳ ғазот, 1914, № 11337. Муҳам-

мад бинни Ҳусайн, Хулосатул-ҳисоб, 1914, № 11110. Торихи турғоний, 1914, № 9596. Жомий, Алфавоидул-зиёия, 1915, № 7513. Абдулаввал, Алтариф, 1915, № 9167. Мифтоҳул-наҳв таржимаси, 1915, № 15536. Фитрат, Чин севиш, 1919, № 12834. Фитрат, Битим йўллари, 1919, № 15404. Ғози Юнус, Турма хотираси, 1919, № 14964. Фитрат, Шарқ сиёсати, 1919, № 15136. Қамол Шамсий, Амали ҳандаса, 1919, № 8013.

## II революциядан сўнг

Навоий, Мезонул-авзон, 1947, Навоий, Муҳокамат ул-луғатайн, 1948, Ҳусайний, Муҳаммасот, 1949, № 2545. Ибн Сино ва Беруний, Саволу жавоб, 1950, Худоёрзода, Анжумул таворих, 1958, № 11366. Ҳофиз, Девон, 1958, Умар Хайём, Рубоиёт, 1958, Эҳсон Табарий, Ашъор, 1959, Аҳмад Устувор, Ашъор, 1959, Ғафур Ғулом, Ашъор, 1955, Бедил, Қомде Мудан, 1960, Навоий, Мажолис ун-нафоис, 1961, Камол Хўжандий, Девон, 1961,

**Шрқ темаларида қўлёзма манбалар**

| نمره | مؤلف | اثرنینگ اسمی | کوچیریلـ گەن یلی و وقتی | کوچیریلگەن شهری | الونتەر رقمی |
|---|---|---|---|---|---|
| ۱ | امیر حسرو دهلوی | خمسه | ۱۵۳٤ | هرات | ۲۲۱۸ |
| ۲ | افضل پیر مستی | افضل التذکار . | ۱۹۰۵ | بخارا | ۳۳۰۲ |
| ۳ | آچیلدی مراد میری | دیوان میری | ۱۸۹۳ | کته قورغان | ۱٤۰۸ |
| ٤ | احمد طبیبی | دیوان مونس العشاق | ۱۹۱۰ | خیوه | ٦۷۸ |
| ۵ | احمد طبیبی | بیاض | ۱۵۷٦ | خیوه | ۳۰۲٦ |
| ٦ | ثانی بن پیر محمد | شرح معما حسین | ۱۹٤٤ | تاشکند | ۱۸٦۳ |
| ۷ | حسنمراد قاری لفسی | خوارزم شاعرلار نینگ ترجمه احوالی | ۱٦٤۵ | خیوه | ۹٤۹٤ |
| ۸ | حسن بن حسن الصفانی | النکمله والذیل لکتاب الصحاح | ۱۵۵۲ | بخارا | ۲۲۵٦ |
| ۹ | خسرو | دیوان خسرو | ۱۹۰۸ | بخارا | ۲۳٦۱ |
| ۱۰ | خادمی باباجان طراح | دیوان خادمی | ۱۹۰۹ | خیوه | ۹۰۱ |
| ۱۱ | دولتمراد غلامی | دیوان غلامی | XV عصر | خیوه | ٦۷۰۱ |
| ۱۲ | درویش محمد البخاری | فواید الخطوط | ۱۵٦۲ | بخارا | ۳٦۳۷ |
| ۱۳ | دولتشاه بن علاءالدوله بختشاه سمرقندی | تذکرهٔ دولتشاهی | ۱٦ـ عصر باشی | تاشکند | ۹۲۷۲ |
| ۱٤ | زین الدین محمود عبدالجلیل واصفی | بدایع الوقایع | ۱۸۷۵ | خوارزم | ۱۰۹۳ |
| ۱۵ | سلطان علی مشهدی | رسالهٔ خط | ۱٦ـ عصر باشی | لینیگراددران | ٤۵٤ |
| ۱٦ | شریف مخدوم | تذکرة الشعرا | ۱۹۲۵ | بخارا | ۲۱۹۳ |
| ۱۷ | صدرالدین عینی | نمونهٔ ادبیات تاجیک ترجمەسی مترجم فولادجان | ۱۹۵٦ | خوقند | ۱۰۰٤۱ |
| ۱۸ | عبدالرحمن جامی | مجموعهٔ جامی. | ۱۵۰۳ | هرات | ۱۲۳۱ |
| ۱۹ | عبدالرحمن جامی | بهارستان | ۱۵۰۳ | هرات | ۲۳۷٦ |
| ۲۰ | عبدالرحمن جامی | سلسلة الذهب | ۲۵۷۱ | هرات | ۵۳۵۱ |
| ۲۱ | علیشیر نوایی | محبوب القلوب اذربایجان | ۱٦۹۱ | لیننگراد نشری | |
| ۲۲ | علیشیر نوایی | مجالس النفایس فنلەر آکادیمیەسی | ۱۹٦٤ | تاشکند | |
| ۲۳ | علیشیر نوایی | خمسه عبدالجمیل نسخەسی | ۱٤۸۳ | هرات | ۵۰۱۷ |
| ۲٤ | علیشیر نوایی | نوادرالنها یه عبدالجمیل نسخه سی ۱۵ | ۱۵ ـ عصر | هرات | ۱۱٦۵ |
| ۲۵ | علیشیر نوایی | دیوان نوادرالنهایه سلطانعلی نسخه ۱۵ | | | |
| ۲٦ | عبدالعظیم شرعی | عین التواریخ ۱۱ ـ جلد | | بخارا | ٤۲۱۷ |
| ۲۷ | عبدالکریم فضلی | مجموعة الشعرا | ۱۸۲۲ | خوقند | ۵۷۳۵ |

| ثمره | مؤلف | اثرنینگ اسمی | کوچیریلگن یلی و وقتی | کوچیریلگن شهری | انونته‌ر رقمی |
|---|---|---|---|---|---|
| ٢٨ | علی بن ابی طالب (حاجی محمد عبدالجلیل بلخی) | نثر اللآلی | ١٦ ـ عصر | هرات | ٢١٩٦ |
| ٢٩ | عبدالله هاتفی | ظفرنامهٔ تیموری | ١٥٦٩ | هرات | ٢١٠٢ |
| ٣٠ | عبدالقادر میزابیدل | دیوان بیدل | ١٨٨٤ | خوقند | ١٨٢١ |
| ٣١ | علیشیر نوایی | ساقی نامه | ١٨٩٠ | تاشکند | ٣٢٤٣ |
| ٣٢ | عبدالله خان | دیوان عبیدی | ١٥٨٣ | بخارا | ٨٩٣١ |
| ٣٣ | عبدالرحمن جامی عبیدالله احرار | مجموعهٔ مراسلات ـ نوایی البومی | ١٥ـعصر | هرات | ٢١٧٨ |
| ٣٤ | غیاث الدین خواندمیر | حبیب السیر | ١٦١٧ | هرات | ٢١٥٣ |
| ٣٥ | محمد بن عبدالخالق | کنز اللغات | ١٨٥٣ | سمرقند | ٩١٨٨ |
| ٣٦ | محمد رضا | منتخب اللغات | ١٨٥٤ | بخارا | ٦٦٩٦ |
| ٣٧ | محمد یونس | انوار البوارق | ١٨٩٤ | خوقند | ٦٦٩٦ |
| ٣٨ | محمد صالح قارا خواجه اوغلی | تاریخ جدیدهٔ تاشکند ١١ـ جلد | ١١ـجلد | تاشکند | ١١٠٧٣ |
| ٣٩ | محمد عظیم بن روزی محمد | مرآت التعلیم | ١٩ـعصر | تاشکند | ٧٦٥٥ |
| ٤٠ | مجنون ابن (کمال الدین رفیق (هروی) | رسالهٔ خط در شرح رموز شش‌قلم | ١٦ـعصر | هرات؟ | ٨٥٢٥ |

| ثمره | مؤلف | اثرنینگ اسمی | کوچیریلگن یلی و وقتی | کوچیریلگن شهری | انونته‌ر رقمی |
|---|---|---|---|---|---|
| ٤١ | محمد ظریف بن قاری محمد خالد ظریف | ترجمهٔ سایل والمسایل | ١٩١٥ | کاشغر | ٦١٢٦ |
| ٤٢ | محمد ظریف | مفردات ادبیات عربیه و مرثیهٔ والد تحفهٔ تائب | ١٨٩٧ | مدینه | ٣٤٨١ |
| ٤٣ | محمد یونس تائب | تحفهٔ تائب | ١٩٠٥ | خوقند | ٤٢٤٣ |
| ٤٤ | محمد خاوند شاه میرخواند | تاریخ روضة الصفا ترجمه‌سی | ١٩٦١ | خیوه | ١٧١٦ |
| ٤٥ | میر محمود قاری | دیوان قاری | ١٩٠٣ | خوقند | ٨٩٨٤٣ |
| ٤٦ | محمد رضا آگهی | دیوان آگهی | ١٩٠٥ | خیوه | ٩٢٨ |
| ٤٧ | محمد امین خواجه مقیمی | دیباجهٔ بیاض | ١٨٨٢ | خوقند | ١٨٢١ |
| ٤٨ | محمد یوسف بن خواجه بقا | تاریخ مقیم خانی | ١٦ـعصر | بخارا | ٣٧٨٨ |
| ٤٩ | محمد سلیمان فضولی | قصاید فضولی آذربایجانچه | ١٨٨٣ | خوقند | ٩٩٣٣ |
| ٥٠ | میرصدیق حشمت | تذکرة السلاطین | ١٨٩٣ | بخارا | ٥٤ |
| ٥١ | محمد بن سلیمان فضولی و علیشیر نوایی | غزلیات فضولی و نوایی | ١٨٢٢ | خوقند | ٢٢٣٣ |
| ٥٢ | میر خواند | خاتمهٔ ـ تاریخ روضة الصفا | ١٦٦٣ | بخارا | ٣٣٦١ |
| ٥٣ | مونس خوارزمی | سواد تعلیم | ١٨ـعصر | خیوه | ١٣٩٢ |
| ٥٤ | میر افضل بن محمد اشرف پیرمستی | افضل التذکار فی الشعراو الاشعار | ١٩٢٠ | بخارا | ١٣٢٢ |
| ٥٥ | محمد طاهر بن ابی القاسم | عجایب الطبقات | ١٩١١ | بخارا | ٥١٣٢ |
| ٥٦ | ناصر الدین بن محمد یوسف | ملتقط ناصری | ١٨٠٤ | بخارا | ٢٧٩٧ |
| ٥٧ | الحسینی السمرقندی | | | | ٢٩٧٧ |
| | یونس جان بن محمد امین | حدایق الانوار (فرغانه تاریخی) | ١٨٠٤ | خوقند | ٥٩٦ |

**Шарқ тилларидаги тошбосма манбалар**

| نمره | مولف | اثرنینگ اسمی | کوچیریلـ گەن یلی و وقتی | کوچیریلگەن شهری | انونتەر رقمی |
|---|---|---|---|---|---|
| ۵۸ | ابن بواب | قصیدە رائیه حبیب‌نگ خط و خطاطان کتابیدە ۴۷ـ۴۵ ورق | ۱۸۸۷ | استانبول | ۳٦٤۰ |
| ۵۹ | احدالا باءالیسوعیین | معرض خطوط العربیه | ۱۸۸۸ | بیروت | ۵۹۳۵ |
| ٦۰ | احمد رفیق | تاریخ عمومی عثمانلیچه | ۱۹۱۰ | استانبول | ۱۷٦۰ |
| ٦۱ | احمد رفیق | تاریخ مدنیت عثمانلیمه | ۱۹۱۰ | استانبول | ۲۸۰۱ |
| ٦۲ | احمد راسم | مناقب اسلام آذربایجانچه | ۱۹۰۷ | اشتانبول | ۳۸۸۵ |
| ٦۳ | اسحاق خان | جامع الخطوط مطبعە اسحاقیەدە | ۱۹۱۲ | نمنگان | ۱٤۷٤ |
| ٦٤ | اسماعیل حتی | تدریسات ابتدائیە مجموعەسی | — | استانبول | ۱۳۱۷۷ |
| ٦۵ | زین العابدین | صراط مستقیم آذربایچانچه | ۱۹۰۸ | استانبول | ۸۷٤۷ |
| ٦٦ | معلمین ومتعلمین | آیینۀعرفانـ مجلە کابل ۵ـسان | ۱۹۳۵ | کابل | ۸۷۷۷ |
| ٦۷ | سراج الدین مخدوم صدقی | الف لیله و لیله (مینگ بر کیچه ترجمەسی | ۱۹۱۲ | تاشکند | ۱۰۵۵۱ |
| ٦۸ | محمد عزت | خطوط عثمانیه تورك تیلی | ۱۹۰۵ | استانبول | ۲٦٦۱ |
| ٦۹ | انجمن آریانا | دائرة المعارف ۱۱۱ ـ جلد | ۱۹۵٦ | کابل | ۱۵٦۹٦ |
| ۷۰ | علی سیدی بیك | قاموس عثمانی | ۱۹۰۹ | استانبول | ۱٦۹۷ |
| ۷۱ | عبدالواسع منظور | تذکرە سلطانی | ۱۸۷۰ | خوقند | ۹۲۹۳ |
| ۷۲ | عبدالرحمن بن احمد جامی | هفت اورنگ | ۱۹۱۳ | تاشکند | ۳۳۵۱ |
| ۷۳ | دوکتور مهدی بیانی | بیام نوین ۱۳٤۱ شمسیه | ۱۹٦۱ | تهران | ۱٦۲۹۹ |
| ۷٤ | محمد بن حسن الطیبی | جامع محاسن الکتابة الکتاب | ۱۹٦۲ | بیروت | — |
| ۷۵ | محمد طلعت | ینگی مجموعه ژورنالی عثانلیچه | ۱۹۱۸ | استانبول | ۸۷۵۰ |
| ۷٦ | محمد غیاث الدین | غیاث اللغات | ۱۸۷۵ | کانپور | ۵۱۸٦ |
| ۷۷ | محمد حفید | الدار المنتخبات آذربایجانچه | ۱۸۰٦ | استانبول | ۲۲۸۲ |
| ۷۸ | خواجم نظر ـ هویدا | دیوان هوایدا | ۱۹۰۸ | تاشکند | ۱۲۰۰٤ |
| ۷۹ | رضاءالدین بن فخر الدین | شورا سان ٤ تورك ـ تاتار | ۱۹۱۲ | اورونبورغ | ۸۷۵۵ |
| ۸۰ | فیزیل بایراق گزیتەسی | سان ۱۵۲ | ۱۹۲۲ | تاشکند | — |
| ۸۱ | محمد شریف حقیری خوارزمی | دیوان حقیری | ۱۹۰۸ | خیوه | ۱۱٤۵ |
| ۸۲ | معارف و اوقوتغوچی | سان ۱۲ بیت ٤٤ | ۱۹۲۷ | تاشکند | ۱۰۸۳۷ |
| ۸۳ | سراج الدین مخدوم شوکت | ساوغات شوکت | ۱۹۱٤ | تاشکند | ۳۱۰ |
| ۸٤ | شمس آلدین سامی | قاموس الاعلام عثمانلیچه ۱ـ جلد | ۱۸۸۹ | استانبول | ۱۷۰۷ |
| ۸۵ | فرغانه گزیتەسی | سان ۲۲۱ ـ ۲ ـ بیت | ۱۹۲٤ | فرغانه | — |
| ۸٦ | کاتب چلپی | کشف الظنون | ۱۸۸۳ | استانبول | ۱۵۲۲۱ |
| ۸۷ | یحیی سیفی | نفایس الماثر | ۱۹۰۳ | خیوه | ۸٤۸ |

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Маркс К., Энгельс Ф. Об искусстве, М.—Л., Государственное издательство искусство, 1937.
Ленин В. И. «О литературе и искусстве», М., Государственное издательство художественной литературы, 1957.
Ленин В. И. Адабиёт тўғрисида, Тошкент, Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1958.
Белинский В. Г. Танланган асарлар, Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1955.
Адабиёт хрестоматияси, Тошкент, Ўздавнашр, 1948.
Акимушкин О. Ф. и др. Персидские и таджикские рукописи ин-та народов Азии АН СССР, М., «Наука», 1964.
Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1958, 1960.
Баратов М. Ўзбекистон маърифат учун кураш тарихидан, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961.
Бартольд В. В. Мир Али Шир и политическая жизнь, Сочинения, т. II, ч. 2, М., «Наука», 1964.
Бартольд В. В. Улугбек и его время, Сочинения, т. II, ч. 2, М., «Наука», 1964.
Бертельс Е. Э. Навои, М., «Наука», 1965.
Бертельс Е. Э. Джами, М., «Наука», 1965.
Болдырев А. Н. Мемуары Зайн-ад-дина Восиви как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV—XVI вв. ТОВЭ, т. II, 1940.
Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области, в кн. «Записки восточного отделения императорского русского археологического общества», т. 22, Петроград, 1915.
Вопросы текстологии, Сб. ст., М., Изд-во АН СССР, 1957.
Гулямов Я. Г. К вопросу о традиции архитектурных ансамблей в городах Средней Азии, Сб. ст. «Великий узбекский поэт», Ташкент, 1948.
Дирингеф Д. Алфавит, перевод с англ., М., И. Л., 1963.
Дмитриева Л. В. и др. Описание тюркских рукописей Института народов Азии, М., «Наука», 1965.
Добльхофер Эрнст, Знаки и чудеса, М., Изд-во Вост. литературы, 1963.
Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда, Тошкент, «Фан», 1966.
Захидов В. О. Мир идей и образов Алишера Навои, Тошкент, ГИХЛ, 1961.
Истрин В. Возникновение и развитие письма, М., «Наука», 1965.

Кази-Ахмед, Трактат о каллиграфах и художниках, М.—Л., «Искусство», 1947.
Казиев А. Ю. Художественно-технические материалы средневековой рукописи, Баку, Изд-во АН АзССР, 1966.
Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические надписи как источники для истории народов Средней Азии, М., 1964.
Костыгова Г. И. Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV—XIX вв., т. XVI, М., ИВА, 1963.
Лихачев Д. С. Текстология, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1962.
Мажидий Р., Шамсий П. Ўзбек адабиёти, т. IV, Тошкент, 1960.
Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959.
Махмудов М. Шоир Мирий, Тил ва адабиёт масалалари, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961.
Основы текстологии, под ред. Нечаевой В. С., М., Изд-во АН СССР, 1962.
Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана, Ташкент, ГИХЛ, 1958.
Пугаченкова Г. А. Искусство Афганистана, М., «Искусство», 1963.
Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана, М., «Искусство», 1965.
Полупанов С. А. Архитектурные памятники Самарканда, М., Изд-во, Ак. Архитектуры, 1948.
Семенов А. А. Гератское искусство в эпоху Алишера Навои, Сб. ст. «Родоначальник узбекской литературы», изд. Узб. филиала АН СССР, Ташкент, 1940.
Семенов А. А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы. Сб. ст. «Алишер Навои», М.—Л., Изд-во АН СССР, 1946.
Собрание восточных рукописей АН УзССР, т. I—VII, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1952—1964.
Среднеазиатские миниатюры XVI—XVIII вв. Вступ. статья Дьяконовой Н. В. под ред. Гюзальяна Л. Т., М., «Наука», 1964.
Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки Ленинградского государственного университета, т. I, изд. ЛГУ, Л., 1962.
Труды республиканского рукописного фонда АН Азербайджанской ССР, Баку, Изд-во АН УзССР, 1961.
Туманский. Худуд ул-олам, Л., 1930.
Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари, Тошкент, 1962.
Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары, Ташкент, 1936.
Якубовский А. Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои, Сб. ст. «Алишер Навои», М.—Л., Изд-во АН СССР, 1946.
Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961.
«Қизил байроқ» газетаси, 152-сони, 1922 йил.
«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 144-сон, 1935 йил.
Ҳамид Сулаймон. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари; Алишер Навоий, Хазойин ул-маоний, Ғаройиб ус-сиғар, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959.
Ҳамид Сулаймон, Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида (Алишер Навоий асарлари куллиёти, 15-жилдлик, 1 жилд, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963.
Ҳамид Сулаймон, Қаро кўзим... «Гулистон» журн. 2-сон, 1967 йил.
Ғуломов Я. Ўзбекистон тарихи, 1-том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1958.

## РАСМЛАР РЎЙХАТИ

1-расм. **Ёсин сурасидан илк кофий хати** (VII—VIII аср милодий).
2-расм. **Салжуқий кофий хати.** Хаттот Маҳмуд Нақшбандий (IV аср ҳижрий, X аср милодий).
3-расм. **Муҳаққақ ва сулс муфрадоти (ёлғиз ҳарфлар).** хаттот Азизиддин вакил Фофилзои (1341 ҳижрий).
4-расм. **Товъам хати (эгизак хат).** Хаттот Бадавий Дераний (1371 ҳижрий).
5-расм. **Насх хати.** Хаттот Муҳаммад Азиз Бухорий Такмилуссухоҳ луғатидан олинган (1055/1645 йил).
6-расм. **Таълиқ хати.** Ибн Синонинг «Шарҳул-ишорат китобидан олинган. Хаттот Абулфутух бин Али кошоний (757/1356 йил).
7, 7 *а*, 7 *б*, 7 *в*, 7 *г*, 7 *д*-расм. Настаълиқ муфрадоти (ёлғиз ҳарфлар). Хаттот Шомурод Тошкандий (1311 ҳижрий).
8-расм. **Шикаста хат.** Хаттот Юнусхожа Шаҳрисабзий (1272/1855 йил).
9, 9 *а* расм. **Девни хат.** Руқаотдан олинган. Хаттот Имод бин Жалолиддин Муҳаммад Самарқандий (980/1572 йил).
10-расм. **Девоний ва рикъа хатлари.** Хаттот Бадавий Дероний ҳикматшунослардан бирининг ўғлига қилган васияти.
11, 11 а расм. **Настаълиқ хати.** Хаттот Муҳаммад Шариф Дабир Хўканд (Навоий ғазали).
12-расм. **Настаълиқ хати.** Хаттот Сирожиддин Махдум Сидқий.
12-расм. **Настаълиқ хати.** Хаттот Муҳаммад Тоҳир Муҳаммад Амин Муқимийнинг баёзга тақризи форс тилида (1301/1884 йили).
13-расм. **Настаълиқ қитчаси. Хаттот** Азизиддин вакил фуфилзоий Қобил (1341 ҳижрий).
14-расм. **Қитча** хожи Абдулваҳҳоб Бухорий.
15-расм. **Қитча** Шомурод котиб Ташкандий.
16-расм. **Қитча** Шомурод котиб Ташкандий.
17-расм. **Кўний** санъатли хат (Самарқанддаги Тиллакори мадрасасидан олинган).









باب الصاد فصل الهمزة

فصل الباء

ا ب ج د ذ ر س ش ص ط ع ف
ق ک ل م ن و ه لا ی ے

















لوحة الخطاط بدوي الديراني رقم (٥)











## МУНДАРИЖА

### Биринчи боб


ҚИРИШ . . . . . . . . . . . . . . . 3
Ўрта Осиёда хаттотлик тараққиёти ва унинг маданий ҳаётда тутган ўрни . . . . . . . . . . . 11
Араб хатининг турли отлар билан аталиши сабаблари . .
IX—X асрларда илк хаттотлардан Иброҳим Сикизий, Юсуф Сижистоний, Устоди Аҳвал ибн Баввоб ва бошқа устодлар томонидан ихтиро этилган 36 тур хат санъатларининг номлари.
36 тур хатдан бошқа шуҳратланган хат номлари . . 25


### Иккинчи боб


Ўрта Осиё хаттотлари . . . . . . . . . . . . 30
Ибн Баввоб услубида ёзилган қалам номлари . . . . . . 31
Меъморлик тасвирий санъат ва бадиий ижодда хуснихатнинг ўрни 44
Ҳирот хаттотлик мактаби . . . . . . . . . 49
Бухоро хаттотлари . . . . . . . . . . . 63
Самарқанд хаттотлик мактаби . . . . . . . . . . 95
Таржимаи ҳоллар ўрганилмаган бўлса ҳам китобат ва хаттотлик билан ҳаёт кечирган кишилар . . . . . . . . 102
Хоразм хаттотлик мактаби . . . . . . . . . . 103
Фарғона хаттотлари . . . . . . . . . . 1 1
Тошкент хаттотлари . . . . . . . . . . 140
Мактуб ёзувчилар тубандагилардир . . . . . . . . 158
Мазкур иш муаллифи, хаттот А. Муродовнинг қисқача таржимаи ҳоли 160
Хулоса . . . . . . . . . . . . . . . 162
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Ўрта Осиё хаттотларининг кўчирган китобларидаги муҳим тарихлар ва қўлёзмаларнинг инвентарь номерлари кўрсаткичи** . . . . . 165

Шарқ темаларида қўлёзма манбалар . . . . . . . . 190
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати . . . . . . . . 196

*На узбекском языке*

**А. Мурадов**

ИЗ ИСТОРИИ КАЛЛИГРАФИИ
СРЕДНЕЙ АЗИИ

*Ўзбекистон ССР ФА АБУ Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Т. Абдужабборова*
Рассом *А. Расулов*
Техмуҳаррир *В. Урусова*
Корректор *М. Каримбобоева*

Р17449. Теришга берилди 30/VIII-1971 й. Босишга рухсат этилди 14/X-71 й.
Формати 60×90¹/₁₆-6,88 қоғоз л. — 13,75 босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 13,8
Нашриёт № 680. Тиражи 1000. Баҳоси 1 с. 62 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 161.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.